


07



Араб
ҳикоятлари



МАҲМУД ТЕМУР

САЛОМ-ПОШОНИНГ ХОЛАСИ

Пойтахт кечки газеталарининг одатда таъзия хабарлари босиладиган устунида қора рамка ичида катта ахборот босилди. Ахборотда қуйидаги сўзлар ёзилган эди:

«Чуқур қайғу, катта бахтсизлик! Собиқ ҳукумат мансабдори ва ўзининг фойдали ва шарафли фаолияти билан донг чиқарган эсагонлардан бири, ҳимматли Муҳаммад Салем-пошо жансб олийларининг холаси — тақводор, ҳудожўй, саховатли хоним вафот қилди. У Жаржадаги ўзининг мулкида моҳир врачлар ҳам олдини ола олмаган, даволаб бўлмайдиган касалликдан вафот қилди. Эртага эрталаб соат тўққиз яримда марҳуманинг жасади махсус поездда вокзалга олиб келинади. Шу ердан соат ўнда дафн марссимига жўналади. Марҳуманинг ва униинг жияниининг мартабасини эътиборга олганда, дафн марссимида жуда кўп аслзодалар бўлиши кутилади.»

Камолбек дўстлари билан одатдагича «Ал-Жунди» қаҳвахонасида қаҳва ичиб, чилим чекиб ўтирарди. У газета сотиб олди, кўзга ташлаётган ахборотни диққат билан ўқиб чиқиб, қаҳ-қаҳ уриб кулган ҳолда дўстларига мурожаат қилди:

— Жуда муҳим ахборот, дўстлар!

Ҳаммалари ажабланиб унга қарадилар. Камол масха-
раомиз қўшиб қўйди:

— Салом-пошонинг холаси вафот қилибди.

Суҳбатдошлардан бири ҳайрон бўлиб сўради:

— Бунинг нима кулгилик жойи бор?

— Мен шу дамгача бу хола ҳақида ҳеч нарса эшитган-
ним йўқ эди. Афтидан, у дунёга келибди-ю, ўлим қучо-
ғида мангу йўқолибди.

Камол ўна кулиб юборди. Шерикларидан бири унга
қараб:

— Менинг бу хола ҳақида эшитганим бор,— деди.

— Таажжуб!

— Таажжубланишга ҳақинг бор, чунки унинг дунёда
борлигини ҳаммадан сир тутардилар. Салом-пошо холаси
ҳақида кишилар ҳеч нарса билмаслигига ҳаракат қиларди.

— Сабаб?

— Жанжалдан қўрқарди. У Жаржа яқинидаги вайро-
нага айланган кулда гадойларча ҳаёт кечирган бечора
холаси борлигидан одамларнинг хабардор бўлишини хоҳ-
ламас эди.

Ҳаммалари ҳайрон бўлиб Рифъатбекнинг сўзларини
тинглаб турганларида, Камолбек:

— Демак, газеталар тасдиқ қилаётган, марҳума вафот
қилган мулк йўқ гап экан-да?— деди.

— Албатта йўқ гап. Салом-пошо холасининг аҳволини,
бечораликда, ҳатто қашшоқликда яшашини билса-да, унда
шафқат ҳисси уйғонмади. Мен ишончли манба орқали
шунини ҳам биламанки, у кейинги йиллар ичида бошқарувчи
орқали ҳоласига бори-йўғи эллик куруш¹дан бериб турган.

Салом-пошо унинг билан қариндош эканлигини тан
олмас, бечора хотин бўлса, қандай қилиб бўлмасин ундан
бирор ёрдам олишга уринарди. Аммо пошо бу қариндош
эсига тушса нафратланар, жирканар эди. Бу аёл— уни
оддий кўк қўйлак ва қўпол кийгиз дўппи кийиб, мол боқиб,
далада ишловчи отасига бошида лаганда овқат ташиган
машаққатли ва мудҳиш ўтмиши билан боғловчи бирдан-
бир восита эди.

— Ажабо. Сен буларни қаердан биласан, Рифъатбек?

— Мен бунини Салом-пошонини тарбиялаб ўстирган оила
аъзоларининг бирдан эшитганман. Салом-пошога ғам-
хўрлик қилган оила бошлиғи олижаноб ва сахий киши эди.

¹ Куруш — миср фунтининг 1/100 қисми. (Тарж.)

У Саломни ўз тарбиясига олиб, уни ўз ўғиллари билан бирликда Қоҳирадаги бошланғич мактабга берган ва аттестат олганга қадар унинг учун ҳақ тўлаган. Саломнинг иккинчи босқич мактабда ўқишга ноқобиллиги маълум бўлгач, бу киши унинг ҳукумат идораларидан бирига хизматга кириб олиши учун ёрдам берган. Салом ўз мансабида мустаҳкам ўрнашиб олиб, мартабаси янада ошиши мумкинлигини кўргач, камтар ва мулоийм йигитчадан қайсар ва такаббур кишига айланди. Унинг иши ўнгидан келиб турди, тездан юқори мартабага эришди ва янада думоғдор бўлиб кетди. Унинг феъл-атвори ва ниятлари батамом аён бўлди. У ўтмиши билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсани, ҳатто уни тарбиялаган ва ўқитган, уни бахтли ва давлатли қилган одамни ҳам унутди. Шундай, дўстларим, Салом яхшиликни билмади, ҳозирда ҳам кўпинча нонкўрлик қилади. Биз бу одамнинг феълени яхши биламиз, шунинг учун ҳам сизларнинг унинг тўғрисидаги гапларингизни эшитиб таажжубланмадим.

— Наҳотки, унинг шу бечора холасидан бошқа қариндошлари бўлмаса?

— У биттаю-битта тирик қолган қариндоши эди. Холасига бўлган нафрат ва уни танишни истамаганлигининг боиси ҳам шунда-да.

— Барибир уни тан олибди-ку.

— Ҳа, ўлгандан сўнг уни тан олди.

— Тан олишлигининг боиси нимада? Ана шуниси жуда қизиқ.

— У буни ўзининг шуҳратпарастлигини қаноатлантириш учун қилаётир. Холасининг тириклигида унга қора чақа ҳам бермасди, лекин ўлганидан кейин унга катта пул сарф қилади. Бундан мақсад— қалбаки дабдабага интилишдир. Бу ишни у умр бўйи қилиб, одатланиб қолган, бу унинг бирдан-бир қувончидир. Бу тантанали мотам маросими ва ҳашаматли кўмишлар фақат ўзини кўрсатиш воситаси эмасми? Мамлакатнинг кўзга кўринган арбоблари, аслодалар ва олий ҳукумат амалдорларининг бу маросимда пошoga чуқур таъзия билдиришлари ва ҳамдардлик қилишлари унга хуш келмайдими?

Камолбек кулиб юборди:

— У ақлдан озипти! Мен шу маросимда қатнашишни ва у ерда қандай қизиқ нарсалар бўлишини кўришни истардим.

— Нима бўпти? Сен уни танийсанми?

- Сен қандай таписанг, мен ҳам шундай.
- У ерга бсришлик учун нима тўсқинлик қиляпти?
- Мен эртага муҳим иш билан ўз мулкимга кетаётirman.

Утирганлардан бири маслаҳат берди:

- Унга телеграмма юбориб қўя қол.
- Тўғри айтасан, шундай қиламан.
- Мен бўлсам, кўмиш марссимига бсраман ва кўрганларимни сенга айтиб бераман.— деди Рифъатбек.

Камолбек чапак чалиб хизматкорни чақирди, унга қоз, сиёҳ ва перо олиб келишни буюрди, кейин телеграмма ёза бошлади. Уйлаб туриб, деди:

- Мен бу аҳмоққа нима деб ёзишни ҳам билмаяпман.
- Қисқатгина қилиб ёз, дўстим. Масалан: «Биз ҳаммамиз оллога тсбемиз ва унинг даргоҳига қайтиб борамиз».

— Бу кифоя қилмайди, Рифъатбек. У мени хасис деб билиб, мендан ҳазар қилиб кулишини хоҳлайсанми? Камиди ўттиз куруш турадиган телеграмма ёзиш керак...

Кейин у Ҳуснибекка қараб деди:

— Унга таъзия билдирмоқ учун сен менга бир неча гамгин ва таъсирли сўз айтиб беролмайсанми?

Ҳуснибек улфатлари ичида шсир ҳиссбланарди. У Камолбекка қараб узоқ ўйланиб турди-да, кейин:

- Наср билан ёзмоқчимисан ё назм билан?— сўради.
- Осон ва ҳаммабср насрда ёзилгани афзалроқ, чунки у, ўзларингизга маълум, нодон ва аҳмоқ одам.

— Упдай бўлса, ёз.

Ҳуснибек айта бошлади.

— Бу қанақаси, дўстим? Шеърний қилиб айтяпсан-ку, ўзингга маълумки, мен насрда ёзмоқчиман.

— Бу фақат бошланиши. Таъсирли бўлиши керак-да. Ёз, ёз...

«Мен бугун бошингизга тушган оғир қайғу ҳақида — хонадонингизнинг суянчиги, ҳимматли ва саховатли аёл — меҳрибон холангизнинг ўлими ҳақидаги хабарни зўр қайғу ва ачиниш билан ўқидим. Жансб олийлари, менинг чуқур ва самимий таъзиямни қабул қилгайсиз. Олло сизга чидам ва узоқ умр ато қилиб азиз марҳумани раҳмат қилгай.

Қалбини қайғу ва ғусса босган Камол».

— Қойил, Ҳуснибек. Аммо, менимча, бу телеграмма қирқ ёки эллик куруш турса керак.

— Майли!

Утирганлар орасида Салом-пошони ҳеч қачон кўрмаган ва унинг тўғрисида ҳеч нарса эшитмаган Носирбек бор эди. У бу ҳақда бугунгидан ҳам кўпроқ нарса билишни хоҳларди.

У Камолбекдан:

— Бу жоҳилнинг афти-башараси қанақа? Ёши нечада? — деб сўради, — шу тўғрида сўзлаб бер, — деди.

Камолбек портсигарини олди, дўстларига сигаретдан таклиф қилиб, гапира кетди:

— Салом-пошо — баҳайбат, барваста киши. У қорачадан келган, ҳаддан ташқари кўп вино истеъмол қилганлигидан юзи қорайиб кетган. Қизариб кетган кўзлари остидаги кўк доиралар унинг майга ҳирс қўйганлигидан дарак беради. У бадбашара, юзидаги чечак асоратлари эса уни баттарроқ бадбашара қилиб кўрсатади. Ёши эллик бешларда, аммо енгилтак ҳаёт кечиради. Ақлли одамлар сахий бўлганда у хасислик қилади ва керак бўлмаган вақтда исрофгарчиликка зеб беради. У аҳмоқ ва нодон одам, мумкин бўлган ҳамма воситалар — мунофиқлик, хушомадгўйлик, сотқинлик, ёлғончилик ва пул ёрдами билан юзаки дабдабага ва сохта улуғликка интилади. У иккинчи босқич мактабда муваффақиятсизликка учраганидан кейин, валий-неъматнинг кўп тавсияномаларидан фойдаланиб амалдор бўлиб олди. Хушомадгўйлик туфайли мансаби ошди ва улуғ мартабали бўлиб қолди. Иснод келтирувчи воситалар билан энг бадавлат кишилардан бири бўлиб қолди. Ниҳоят, унинг қилмишлари очилди, уни ҳукумат идораларидан шарманда қилиб ҳайдаб юборишди. Ҳар томондан пул оқиб келадиган ўрнини қандай бўлмасин сақлаб қолиш учун, у яна хушомадгўйликка киришди, пасткашлик қилди. Ҳеч нарса унга ёрдам бермади, кейин анча бойлик ва шуҳратга эга бўлиб ўз хоҳишидан ташқари хизматни тарк қилди. Кишилар тез орада бу жанжалланутиб юбордилар, бир неча вақт ўтгандан кейин лазизат ва ҳурмат қозониб яна Қоҳирада тилга кирди. Мана энди у бадавлат, обрўли ва машҳур, Марҳумларнинг қўлига ошайди. парвона шайди.

* * *

Абду... аслизодалар, ўнлаб энг машҳур қорини учун руҳани кигиз қалпоқ кийган дарвешлар, кадиқилди, хушоматлибос кийиб оқ салла ўраган турли кингина пул

маъжабга мансуб шайхлар, катта-кичик хизматкорлар иштирок қилгани туфайли дабдабали ва тантанали эди. Олдинда мева ва сомсаларга тўла тўрт сандиқни иккита туяга ортиб борардилар. Бу кафара эди...

Салом-пошо кўмиш маросимида кийиш учун махсус сотиб олинган қора редингот, янги амиркон ботинкада қайғули ва ғамгин кўринишга тиришарди. Аммо унинг товушида очикдан-очик ясамалик сезилиб турарди.

У суҳбатдошларига азиз марҳуманинг фазилатларини уқдирар, ўз қайғусини таърифлар, марҳумани қай даражада ҳурматлагани, севгани, марҳума унга снадек меҳрибончилик қилгани ҳақида ҳикоя қиларди.

Шу вақтда унинг иш бошқарувчиси ўзининг дўстларидан биринга пичирлаб бундай дерди:

— Агарда пошо азиз марҳумага унинг кўмиш маросими-га сарф қилаётган маблағидан ўндан бирини берганда, бу нарса марҳумани бир умрга очлик балосидан қутқазган бўларди... Пошо менга тўртта сандиқни қимматбаҳо ва лазиз мева ва сомсалар билан тўлғазишни буюрди. Бу хил нозу неъматларни холаси тушида ҳам кўрмаган. Буларни марҳумага раҳмдиллик кўрсатиш ва унинг хотирасини абадийлаштириш учун камбағалларга бўлиб бериш керак.

* * *

Кеч кирди. Чироқлар Салом-пошо кўчасини ёритарди. Чироқ шунча кўп эдики, ўткинчилар исрофгар бойнинг тунги шодиёна тўй-томошаси устидан чиқиб қолдикми деб ўйлар эдилар. Чиройли маталар билан ўралган, қимматбаҳо гиламлар тўшалган, ниҳоят чароғон улуғвор чодир одамлар билан лиқ тўла эди. У ердан отоқли қориларнинг жарангли товуши эшитилиб турарди. Салом-пошо тантана қилмоқда. Таомлар тайёрланаётган, дастурхонлар ясатилган, шовқин-сурон ҳукм сурарди. Салом-пошо энг лазиз ноз-неъматларни яқин ошна-оғайнилар ва баланд мартабали зотлар олдига қўйишни буюрди.

Салом-пошо таъзия изҳор қилгани келган меҳмонларни иззату ҳурмат билан кутиб олар, столлар олдига келиб хизматкорларга бир ишни буюриб яна ман қилиб, бирор нарсани талаб қилиб ёки рад қилиб, қаттиқ-қаттиқ бақирар эди.

Кейин чодирдаги жойига қайтиб келар, яна қайғули бўлиб кўринишга тиришиб, меҳмонларни айланиб ўтар ва чуқур уф тортиб марҳуманинг фазилатлари, унинг ўлими,

бу машъум хабар унга қандай таъсир қилганлиги тўғрисида ҳикоя қиларди.

Қори қуръон сурасини охиргача ўқиб бўлгандан кейин, меҳмонлар бирин-кетин Салсм-пошо билан хайрлашиб, унга ҳамдардлик билдириб жўнашди, чодирда фақат хўжайиннинг ўзи, яқин кишилари, хизматкорлари қолди.

Пошо чордона қуриб ўтирди, терини қуритмоқ учун рўмолчаси билан елпина бошлади. Кейин нафасини ростлаб:

— Эҳ, жуда чарчадим-да! Мен бунчалик қийин бўлади, деб ўйламагандим,— деди.

Пошонинг ёнида унинг ҳамтовсқларидан бири, сермулозимат, ифлос, қалта мўйлабли ва сийрак соқолли чол турарди. У қўлларини ишқаган ҳолда, дерди:

— Ҳа, сиз, албатта, чарчадингиз, лекин ишонинг, агарда бу чарчаслик бўлмаганда, маросим бундай дабдабали ва ажойиб бўлмасди.— Ешу қари — ҳамма фақат бу ерда кўрганини гапирартир.

Пошо янада қаттиқроқ уф тортиб, зорланиб жавоб берди:

— Худо ҳақи, Абдул Наби мен кечаси билан кўз юмганим йўқ, бугун ҳам бир нафас ўтириб дам олишга вақт тополмадим. Кечкурун қанча меҳмонлар бўлганини ўзинг кўрдинг. Ахир, мен уларни ташлаб кета олармидим?

— Йўқ, албатта. Буни ҳамма қилса ҳам, сиз қилолмайсиз.

— Мен уларнинг илтифотига ташаккур айтиш учун бир неча марта айланиб чиқдим. Дастурхон қандай ясатилганлигини ўзим текширдим. Ахир, буни биронта хизматкоримга ишониб ташлаб қўя олармидим?

— Йўқ, пошо, албатта йўқ. Сиз ҳамма вақт ҳам ҳар бир нарса тўғрисида ўзингиз жон куйдирасиз.

Абдул Наби эснаб, давом этди:

— Олло таоло ва унинг пайғамбари, азиз авлиёлар номига қасамёд қиламанки, умримда ҳеч қачон бугунгидай лаззатли овқат еган эмасман. Ҳалигача бундан дабдабалироқ, бундан тантаналироқ маросимни кўрган эмасман. Марҳума холангизнинг арвоҳи ҳозир бошингиз устида парвона бўлиб, муқаддас бурчингизни адо қилганлигингиз учун сизга миннатдор бўлмоқда.

Абдул Наби яна эснади, кейин ўрнидан турди-да, кетиш учун рухсат сўради. Пошо унга қўлини чўзиб, илтифот қилди, хушомад ва мақтовлар учун мукофот тариқасида сикингина пул қистирди.

Кейин пошо керишди ва баланд овоз билан Азиз афандини чақирди. Бу ўттиз саккиз ёшлардаги, озода кийинган киши пошонинг шахсий секретари вазифасини бажарар эди. У яқин келгач, пошо қовоғини солиб:

— Кўмиш маросими менга ҳечам ёқмади. Мен сенинг пала-партиш ишингдан норозиман,— деди.

— Ахир, маросим ғоят дабдабали ва улуғвор ўтди-ку!

— Фирибгар!

— Тобут орқасидан бораётган одамлар уч юз метрга чўзилди, пойтахтнинг энг катта кўчасини босиб кетди. Биз ҳамма катта йўлларда трамвайларни тўхтатиб қўйдик, анча-гача бутун ҳаракат тўхтаб қолди. Биз бирорта арава ёки автомобилнинг маросимдан ўзиб кетиши ёки кесиб ўтишига имконият бермадик. Ахир, жаноб олийлари, дарвешларни кўрмадингизми? Биз уларни бутун Қоҳирадан йиғиштириб келдик. Олдинда борган қорилар-чи? Наҳотки, сиз кади ва исриқ солинган идишлар кўтарган бир тўп кишиларни кўрмаган бўлсангиз? Улар бизга озмунча пулга тушмади. Мен уларнинг ҳар бирига янги қийиқча олиб бердим, шофер уста Абдуга уларнинг усти-бсшларини бензин билан тозалаб беришни топширдим, Ҳалилга уларнинг торбуш¹-ларини дазмоллаб беришни буюрдим.

Хизматкор ва яқин кишиларимизга келсак, жаноб олийларига маълумки, уларга янги усти-бош ва оёқ кийими сотиб олиб бердик. Улар ҳамманинг диққатини жалб қилдилар. Қасамёд қиламанки, жаноб, кўчанинг икки томонидан кўмиш маросимининг тантанаси ва дабдабасидан донг қотиб вҳтиром билан индамай турган кишиларни ўзим кўрдим. Улар, бу кимнинг тобути деб сўрар, мен аса товушим— борича, бу Салом-пошонинг холасининг тобути, деб жавоб берардим, улар чин қалбдан ачинардилар. Ахир, сиз жаноб олийлари, мева ва сомсалар теккан камбағаллар сизни дуо қилишганини эшитмадингизми? Уларнинг дуолари қориларнинг товушини ҳам босиб кетди.

Пошо секретарини катта мамнуният ва ҳузур билан эшитди. Шундай бўлса ҳам у қовоғини солди ва Азиз афандининг гапини бўлиб яна бақирди:

— Полиция-чи? У қаерда эди, аҳмоқ? Менинг холамини кўмиш маросимида бори-йўри иккита отлиқ, тўртта пиёда полициячи бўлиши айб эмасми, ахир?

¹ Торбуш — миллий бош кийими. (Тарж.)

— Қасамёд қиламан, жаноб пошо, менга бундан кўп-
оқ олишга рухсат бермадилар.

— Сенга рухсат бермаганмишлар! Лекин улар Абдул
Карим-пошонинг онасини кўмиш маросимига ўнта отлиқ,
ийгирмата пиёда полициячига рухсат берганлар-ку.

— Жаноб олийларига маълумки, Абдул Карим-пошо...
Салом-пошо унинг гапиди бўлди:

— Аввало менга шуниси маълумки, сен бепарвсан.
Қандай шармандалик! Холамнинг кўмиш маросимида ме-
нинг ҳозирги мавқеим ва ўтмишда ҳукумат қошида тутган
пуфузимга яраша полициячилар бўлмади. Мени эса, мам-
лакатда энг машҳур кишилар танийди! Эндиликда менинг
тўғримда нималар дейишлари мумкин? Одамларнинг тааж-
убланиши турган гап. Буларнинг ҳаммасига сен сабаб-
чисан.

— Сиз фақат мақтовлар эшитасиз.

— Сен эртагаёқ хатонгни тузатишинг керак.

— Хоҳлаганингизни буюринг.

— Газеталар кўмиш маросими ҳақида ахборот босиб
чиқаришлари, маросимни тўла-тўқис тасвирлашлари, маро-
симда қатнашган отоқли ва машҳур шахсларнинг номлари
ва тасбутни кузатиб борган полициячиларнинг сони ҳақида
жабар беришлари керак.

— Кўмиш маросимида қанча полициячини кўришни
хоҳлардингиз, жаноб олийлари?

— Қирқта пиёда, ўттизта отлиқ.

— Айтганингиздай бўлади.

— Газетада сен кўмиш маросимининг дабдабаси, овқат-
марининг жуда созлиги, қориларнинг машҳурлиги ва шунга
ўхшашлар тўғрисида батафсил хабар беришинг керак. Га-
зеталарга яхши ҳақ тўла, хасислик қилма.

— Бутунг истакларингиз бажас келтирилади.

Пошо эснади, бироз жим туриб, сўнг одатдагича бўғиқ
овоз билан деди:

— Яллачи хотинга бай пули бердингми?

— Бердим, жаноб олийлари, нима, сиз, базм қилмоқчи-
мисиз?

— Албатта, нима менга халал бериши мумкин? Мен
одатдаги ишларимни қанда қилишни хоҳламайман. Ҳамма
вақт ўтказиб келган кўнгил очар. базмларимни тўхтатишни
истамайман. Мотам маросими тўғрисидаги гапларнинг ҳам-
маси ўзингга маълум. Буйруқларимни яна бошдан такрор-
лаб беришимни истайсанми?

- Ҳаммасини биламан.
— Сенга ўхшаган нодонлар учун қайтариб айтган яхшироқ. Кўмиш маросимидан уч кундан сўнг қориларни ҳар кеча бу ерда, уйда ва ғўристонда тўплаш керак... Қирқ кунгача ҳар куни. Буларнинг ҳаммаси марҳуманинг шарафи ва одамлар олдидаги бурчни бажариш учун... Тушундингми?
— Тушундим, жаноб.

* * *

Эртаси кун кечқурун Абдул Наби пошонинг олдида, Азия афанди томонидан тузилган кўмиш ва мотам маросимига бағишланган мақолани ўқиб ўтирар эди. Пошо маъқуллагандай калласини қимирлатиб, диққат билан эшитарди.

Мақолада кўмиш маросими батафсил баён қилинган, маросимда қатнашган машҳур шахсларнинг номлари ёдга олинган, бева-бечораларга садақалар улашилгани, одамлар марҳума устида кўз ёши тўққанлари, оллоҳдан унга марҳамат қилишини сўраганлари, ўз бурчини бошлаб адо қилган пошонинг куч-ғайратини кўкларга кўтариб мақталган эди.

«Салобатли манзара» деган сарлавҳа остида чиққан мақолада бундай дейилган эди: «Газета босишга тайёр қилинган вақтда, биз махсус мухбиримиздан ушбу хабарни олдик ва ҳурматли Муҳаммад Салом-пошо жаноб олийларининг хизматларини ва ҳаммага машҳурлигини назарга олиб, мақслага дарҳол газетадан ўрин беришни лозим топдик».

Кейин «олий ҳазратлари» ва «жаноб олийлари» каби уивонлар қўшиб ёзилган нсмларни узундан-узоқ санаб чиқилганди, полициячилар ва уларнинг сони кўрсатилганди. Абдул Наби пошога ўқиб берди:

«Тобутни ўттизта отлиқ ва қирқта пиёда полициячи ўраб олганди».

Пошо хурсанд бўлиб хитоб қилди:

— Бу тўғри. Улар бу миқдордаги одамлар учун менинг сўзимни қайтармадилар, бундан кўпроқ илтимос қилсам ҳам ҳеч ким сўзимни қайтармасди.

Абдул Наби қўлини ишқаб, жавоб берди:

— Сиз ғоят машҳур кишисиз. Ахир, ҳамма сизнинг ҳукуматга жони-дил билан хизмат қилганлигингизни била туриб, сизнинг илтимосингизни ерда қолдиришармиди?

— Абдул Каримнинг онасини кўмиш маросимида улар ҳаммаси бўлиб саккизта эди, шекилли...

Абдул Наби ўқишни давом эттирди. Мақоланинг охирида бундай дейилганди:

«Пошо, уни худо ўз паноҳида сақласин, жуда ғамгин ва хафа кўринарди. Бу ҳол ҳаммани унга самимий равишда ачинишга мажбур қиларди».

— Буниси тўғри... Буниси тўғри. Сиз жуда ғамгин эдингиз, жансб.

— Нима қилай, дўстим. Худонинг ҳоҳиши шундай экан.

* * *

Пошо ошнаси билан газетани ўқиб суҳбатлашиб турган пайтда мўнкиллаган бир чол саройнинг остонасида чордана қуриб ўтирарди. У ёнида ўтирган сарой хизматкори берган сигаретни чекарди.

Бу мўнкиллаган чол пошонинг мулкида узоқ хизмат қилганлардан бири эди. Қариликдан кўзлари хиралашган, соқолини оқ босган, кийим-боши қишлоқча, бошига салла ўраган эди.

Узоқ жимликдан кейин у заиф товуш билан сарой хизматкорига қараб гапира бошлади:

— Оллонинг номига қасамёд қиламанки, жансб, мен марҳумани Жаржа атрофида болаларга шакарқамиш чўпларини сотаётганини кўрганман, нима учун шунча дабдаба қилаётганликларини тушунмаяпман.

Ё мен ақлдан озиб қолдим-у, деяганимни тушунмаяпман, ёки ҳеч ким кўрмаган нарсани кўрадиган бўлиб қолганман?

Сарой хизматкори унинг қулоғига шивирлади:

— Ҳеч ундай эмас. Гапинг тўғри. Буюми тоға. Ахир пошо шундай бўлишини хоҳлайди, пошонинг хоҳиши аса ҳамма нарсадан ҳам юқорироқ...

САИЕҲ

Муҳаммад Нажибек Абдуллоҳ Ал-Азхар¹ мадрасаси яқинидаги ҳовлисида онаси, энагаси ва бир неча садоқатли хизматкорлари билан бирга турарди.

Нажибекнинг тирикчилиги тўла таъминланган эди: унинг ойлик даромади Миср пулида юз фунтга етарди;

¹ Ал-Азхар — Қоҳирадаги мадраса.

шикоят қилиш ва зорланнишига сира ўрни йўқ эди. Нажибек қирқ тўққизга қадам қўйгап бўлиб қоп-қора соқолига салпал сқ оралай бошлаган эди. У ҳаминша эгнига қорамтил ёки тим қора (редингот), бошига эса — нуқул кенг ва сал ясироқ торбуш кийиб юрарди.

Нажибек бир вақтларда бошланғич мактабда ўқиган эди, лекин уни битиргани тўғрисида шаҳодатнома олмаган эди. Кейинчалик хусусий ўқитувчилардан дарс олган ва Ал-Азхар мадрасасида лекциялар эшитган бўлса ҳам, маълумотини унча ошира олмади. Ёши қирқларга борганда маълумотининг етарли эмаслигини пайқаб қолди, бироқ умидсизликка тушмади, ўқишини яна давом эттирмоқчи бўлди. Нажибек истеъфога чиққан кекса мударрис¹ шайх мабрук Ал-Хизомийнинг қўлида ўқимоқчи бўлди. У бироз ҳақ тўлаб мударрисдан ҳуқуқ ва ислом дини ақидаларини ўргана бошлади.

Нажибек зеҳни паст одам эди, шунинг учун қанча тиришса ҳам ҳеч нарса ўргана олмади, лекин унинг илм-фанни эгаллаш учун қанчадан-қанча куч сарфлаётганидан хабардор бўлган ошналари уни «олим» деб атай бошладилар, бу унга жуда маъқул тушарди. Нажибек ўзининг «олим» дўстларини кўриб чиқиш учун тез-тез Ал-Азхар мадрасасига кириб турарди.

Нажибек ҳаммадан ҳам қадимги сайёҳлар ҳақида ёзилган қисса ва ҳикояларни ўқишни яхши кўрарди. Унинг ўз кутубхонасида сгёҳатга доир китоблар жуда кўп эди. У ҳар куни пешиндан кейин Ал-Азхар мадрасаси ёнидаги китоб дўконига борарди. Китоб дўконининг эгаси илмий соҳада иши юришмаган собиқ студент эди.

Шу китоб дўконига ўтказилган вақт Нажибек умрининг энг ажойиб онлари ҳисобланарди. Дўкон шarti кетиб, парти қолган зах ҳужрада жойлашган эди. Деворга бирки-тилиб, устига бир парча ранги учган гилам тўшалган ёғоч скамейкадагина ўтириш мумкин эди. Дўконда, босиб чиқарилган ва қўл ёзма китоблар, кўпроқ толибул илмлар учун чиқарилган дарсликлар сотиларди. Китоблар қалин чанг билан қопланган полкаларда тартибсиз сочилиб ётарди.

Нажибек гердайиб, виқор билан дўконга кириб келарди. Дўкондор Салом ўрнидан ирғиб туриб, югуриб унинг олдига борарди-да, қўлини ўпиб, катта қизил рўмол билан гиламнинг чангини артиб, зўр ҳурмат ва эҳтиром билан:

¹ Мударрис — мадрасада дарс берувчи олим, профессор.

— Марҳамат қилинг, мавлоно! — дерди.

Нажибек кўрсатилган жойга ўтириб:

— Тан-жонингиз сихатми, шайх Салом? — Ишларингиз қалай? — деб сўрарди.

Дўкондор одоб билан жилмаярди-да:

— Оллога шуқур! Ҳаммаси жойида, — дерди.

Нажибек гиламча устида тўлғониб Саломга мурожаат қиларди.

— Илтимос қиламан, сиздан, буюринг, менга бир пиёла қора қахва билан бир стакан сув беришсин.

Дўкондор ўзининг доимий мижозининг илтимосини адо этиш учун шошиларди. Беш йилдан бери ҳаво қандай бўлмасин — иссиқда ҳам, совуқда ҳам — Нажибекнинг илтимоси ўзгармасди. Нажибекка қахва билан сув олиб келиб беришарди, у қахва ширинми, сувга муз солинганми йўқми эканига сира эътибор бермасди.

Кейин йўталиб оларди-да, асло ўзгармайдиган иккинчи илтимос билан мурожаат қиларди:

— Китобларчи, шайх Салом?

Шайх Салом полкадан учта китоб олиб берарди: «Минг бир кеча», «Ибн Батута саёҳати», «Ҳиндистон ажойибстлари». Нажибек ҳеч вақт бошқа китоб ўқимасди. У туфлисини ечиб, чўккалаб ўтириб оларди-да, кигобни очиб пиёладаги қахва ёки стакандаги сувдан ҳўплаб китоб ўқишга киришарди. Ора-сира:

— Жуда яхши нарса! Ажойиб гаплар! — деб қўярди.


Дўкон олдидан талабалар ўтишарди, улар баланд товуш билан салом беришарди. Нажибек улар менга салом беришаётибди деб, гердайиб алиқ оларди.

Баъзан китоб дўконига котиб Бистависий кирарди. У эгнига тўн, бошига торбуш киярди. Унинг сийрак қош ва киприклари остидан ҳамшиша қизариб ялиғлаб ётадиган кўзлари мўлтиллаб турарди.

Еши қирқ бешга тўлмаган бўлишига қарамай, қўли тинимсиз қалтирар эди. Бу ўхшовсиз иркит одамни кўрган киши жирканиб кетарди. У қип-қизил нодон бўлишига қарамай, суҳбат чоғида ўзининг билимдонлигини кўрсатишга уринарди.

Нажибек аҳён-аҳёнда унга хусусий кутубхоналарда сақланадиган нодир саёҳатномаларни кўчириб беришини буюрарди.

Бу одам китоб дўконига кириб Нажибекка таъзим қилар, қўрқа-писа унинг қўлини ўлиб скамейканинг бир бур-



чагига ўтирарди. Сўнг об-ҳаво, сиёсат ва расм-русумлар ҳақида узоқ суҳбатлар бошланиб кетарди.

Бир кун котиб Ҳинд океани оролларидаги ажойиботлар ҳақида ёзилган, рангдор суратли қўл ёзма китоб топганини айтди. Бистависий бу китобнинг қатъий баҳоси беш юз куруш деди.

Нажибек кўзини бақрайтириб, ҳайрон бўлиб гулдиради:

— Беш юз куруш — э, бу жуда катта пул.

Бистависий йиртиқ кир рўмолча билан кўзини артиб, дарҳол нархни пасайтиришга рози бўлди:

— Бу қўл ёзманинг эгаси талаб қилаётган баҳо; мен уни ярим баҳосига туширишга ҳаракат қиламан.

— Мен китобни кўришни истайман.

— Эртага уни жаноб слийларига етказаман.

Нажибек яна машҳур денгиз сайёҳи Синдбоди баҳрий ҳақида ёзилган ҳикояни ўқишга киришди. Бу ҳикояни у эллик мартача ўқиб, деярлик ёд қилиб юборган эди.

Бистависий Ҳинд ороллари тўғрисида ёзилган янги китоб ҳақида гап очиб фароғатини бузган куни ҳам Нажибек одати бўйича худди қурьон ўқигандай қироат билан:

— Ғоят яхши нарса! Ажойиб гаплар! — деб қўйди.

Котиб ҳам одати бўйича унинг гапини такрорлади:

— Ҳа, албатта, ғоят яхши нарса! Ажойиб гаплар!

Нажибек унга қараб хўрсиниб қўйди:

— Оҳ, қани энди, бахтим ёр бўлсаю, Ҳинд океани, Ҳиндистон, Эрон ҳамда машҳур мусулмон сайёҳлардан кейин ҳали мусулмонлар қадами тегмаган оролларни бориб кўрсам.

— Наҳотки, сиз саёҳат қилмоқчи бўлсангиз, афандим?

— Ҳа, шайх Бистависий, лекин волидам садди раҳимни тўсиб турибдилар. У киши ғоят кексайиб қолганлар, ташлаб кетиш мушкул.

— Хўш, бордию, қулай фурсат келса, Ҳинд океанига жўнайдиларми?

— Албатта, қадимги замонларда араб сайёҳлари борган жойларга сузиб кетаман. У ерда то шу кунгача ҳеч ким топа олмаган ҳазинаи-дафиналар мавжуд. Мен ана шу афсонавий юртларни текширмоқчиман. Кейин Ҳиндистонга, Эронга кирман — у ердаги муъжизаларини томоша қиламан.

— Қандай мароқли иш-а! Нақадар ажойиб ният! Сизнинг номингиз тарих солномаларига ёзилади!

— О шайх Бистависий, лекин мен волидан шарифимни

тарк этолмайман: у киши ғоятда кексайиб, заифланиб қолганлар, ташлаб кетмоқ мушқул.

Нажибек тагин Синдбоднинг учинчи саёҳатини ўқишга бошлади.

* * *

Шундай қилиб кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар ўтиб борарди. Нажибекнинг ҳаётида ҳеч қандай ўзгариш юз бергани йўқ. Нажибек ҳар куни шайх Саломнинг китоб дўконига у билан гаплашиб ўтирарди.

Нажибекнинг онаси саксон саккиз ёшга кириб вафот этди. Бир оз вақт Нажибекнинг ҳаёти ўзгарди. Кампирни дафн этишган куннинг эртасига марҳумани мақтаб мақола босишди; бу мақолада Мисрнинг муътабар кишилари ва машҳур олимлари қатнашган улуғвор дафн маросимидай тавсиф қилинган эди.

Нажибек мотам либоси кийди. Унинг бемаъни чеҳрасида ғам-алам аломатлари пайдо бўлди. Энди уни фақат уйда ёки қабристондагина кўриш мумкин эди.

Бироқ онаси вафотидан беш ой ўтгач, у яна шайх Саломнинг дўконига келди. У дўконга гердайиб, виқор билан кирди.

— Тан-жонингиз сиҳатми, шайх Салом? Ишлар қалай?

Нажибек китоб, қаҳва ва сув сўради-да, устига ранги учган гилам тўшалган скамейкага ўтирди. Шайх Салом унга неча йиллардан бери ўқиб юрган ўша уч том китобни олиб берди, Нажибек яна Синдбоди баҳрий тўғрида ёзилган ҳикояни зўр ҳавас билан ўқишга киришди.

Китоб дўконига котиб Биставский кирди. У Нажибекнинг қўлини ўпди. Кейин яна эски одат бўйича об-ҳаво, сиёсат, урф-одат, нодир китоблар ва саёҳатлар ҳақида суҳбат бўлди...

Бирдан Нажибекни йўтали тутиб қолди. Йўтал беш минутча давом этди. Кейин Нажибек ўтирган жойида безовталаниб тўлғонди, ниҳоят, у мағрур, дадил тус олиб, қатъий ишонч билан деди:

— Сизларга айтиш оғир, дўстларим, бироқ бизлар ажралишимиз керак — мен саёҳатга жўнаб кетаман.

Шайх Салом ва котиб Биставский ҳайрат билан бир-бирларига қарашиб, баббаравар:

— Саёҳатгами, афандим? — деб хитоб қилишди.

Уларнинг ҳайрати Нажибекнинг виқор ва қатъиятини эътиборда кучайтириб юборди.

— Мен Эрон, Ҳиндистон ҳамда Ҳинд океанидаги ороларга саёҳат қилсам деган фикрдаман.

— Афандим, бу қатъий қарорингизми ёки фақат ниятингизми? — деб сўради Бистависий, киприксиз қип-қизил кўзларини сиёҳ бўлиб кетган қўллари билан ишқалаб.

Нажибекнинг ҳатто аччиғи чиқиб кетди. У ҳурпайдида, портфелидан аллақандай қоғозларни олиб, ғазаб билан деди:

— Мана, кўринглар! Ахир, бу чет эл паспорти эмасми?

Бир оздан кейин Нажибек ҳовридан тушиб деди:

— Эртага мударрис Мабрук ал-Хизомий билан хайрлашаман, индинга аса Сувайш каналида бўламан.

Шайх Салом ўзини жуда қаттиқ ўксинганга солиб:

Сувайш каналида узоқ вақт турасизми? — деди.

— Йўқ, саёҳатимга доир ишлар билан бир ҳафтача тураман. Мен Сувайшда яшайдиган машҳур олим шайх Комилда қадимги китоб бор экан деб эшитдим, ўша китобда Эрон, Ҳиндистон ва Ҳинд океанига қуруқлик ҳамда сувдан борадиган йўллар муфассал тасвир этилган экан. Мен ана шу китобни ўқиб чиқишга шайх Комилдан ижозат сўрамоқчиман: у китобнинг менга нафи тегиб қолиши мумкин.

Котиб Бистависий сиёҳ бўлиб кетган қўллари билан кўзларини ишқалаб, алам билан хўрсинди:

— Афандим, сиздан ажралиш бизларга жуда оғир! Олсоҳ таоло нсми билан қасамёд этаманки, қалбимиз ғам-ғуссага тўлиб кетади. Тез орада соғ-саломат қайтиб келинг!

Нажибек баттароқ ҳурпайди:

— Саёҳатим ўн саккиз ой давом этади.

Эртасига Нажибек мударрис шайх Мабрук ал-Хизомий билан хайрлашгани борди. Мударрис билан шогирд ўртасидаги учрашув жуда таъсирли бўлди. Бу учрашув чоғида Нажибек мударрисдан зарурий маслаҳат, — панд-насиҳат ва йўл-йўриқлар олди.

Тўрт кундан кейин Бистависий китоб дўконига кирди. У Нажибекни одатдаги ўрнида ўтирганини кўриб жуда ҳам ҳайрон бўлиб қолди. Нажибекнинг ёнида уч машҳур китоб турарди. Нажибек гоҳ-гоҳ ё пиёладаги қора қаҳвадан, ёки стакандаги совуқ сувдан ҳўплаб қўярди. Бистависий ҳайрат бармоғини тишлаб тўхтаб қолди.

— Афандим, мен сиз Сувайшга етиб борган бўлсангиз керак деб ўйлаган эдим.

Нажибек ҳижолат чекиб унга тикилди-да, мулойимгина деди:

— Оилавий сабаблар билан сафаримни икки ҳафтага кечиктирдим. Икки ҳафтадан кейин «Инглиз-шарқий пароходчилигига» қарашли «Оснѐ» параходида сафарга кетаётган бўламан.

Шу учрашувдан ўн кун ўтгач, бир газетанинг хроника бўлимида қуйидаги мақола босилган эди:

«Эй жасоратли сайёҳ, сафаринг бехатар бўлсин!

«Билимдонлиги, адабий фаолияти, Ҳиндистон, Эрон ҳамда Ҳинд океанидаги оролларга саёҳат қилиб, уларни ўрганиш ва текшириб келишга бўлган зўр ҳаваси билан танилган буюк олим, машҳур сайёҳ, Абдуллоҳлар уруғининг бошлиғи Муҳаммад Нажибек жаноб олийлари юртимизни тарк этадилар.

Биз муҳтарам сайёҳимизнинг соғ-саломат қайтиб келишларини тилаймиз ҳамда бу дастлабки ажойиб саёҳатнинг муваффақиятли тугаши билан у кишининг олдан табриклаймиз ва қутлаймиз. Бу саёҳат катта наф келтиришига имонимиз комилдир. Биз ватандошларимизга бу фойдали буюк ишдан ўрнак олишни тавсия қиламиз».

* * *

«Оснѐ пароходи 1920 йил 14 майда Сувайш каналидан чиқиб Ҳиндистонга жўнаб кетди.

Орадан уч ой ўтди... Ҳали ҳам Нажибек шайх Саломнинг китоб дўқоқида, одатдаги жойида ўтириб, Синдбоди баҳри ҳақида ҳикояни ўқирди-да, ора-сира:

— Жуда яхши нарса! Ажойиб гаплар! — деб пичирларди. Унинг ёнида ўтирган котиб Бистависий Нажибекнинг гапини маъқуларди.

Бирдан Нажибек бошини кўтарди:

— Оҳ қани, энди, бахтим ёр бўлиб, Ҳинд океани, Ҳиндистон ва Эронга саёҳат қилсам!

— Мавлона, — деди шайх Бистависий, — бундан уч ой муқаддам саёҳатга отланган эдингиз-ку, кейин ўзингиз бошқа вақтга қолдирдингиз!

Нажибек хўрсиниб қўйди:

— Оҳ... Илгари вақтларда волидан шарифим садди роҳимни тутардилар: У киши кексайиб қолган эдилар, мен у кишини ташлаб кета олмасдим. Ҳозир бўлса...

У худди суҳбатдан чарчагандай жим бўлиб қолди. Орадан сал вақт ўтгач, худди гапиришга қийналгандай дудуқланиб деди:

— Ҳозир ишим бошимдан ошиб ётибди... Ижара ҳақини ундиришим керак... Ишим жуда, жуда қўп... Хўжалигим жуда тартибсиз аҳволда...

У бир нафас сукут қилди-да, кейин деди:

— Шундай бўлишига қарамай, албатта, саёҳатга чиқаман. Ҳинд океани оролларига, Эрон ва Ҳиндистонга, албатта бораман. Сон-санқсиз ҳазиналар яширилган, ҳали одамзоднинг оёғи етмаган жойларда, албатта, тадқиқот билан машғул бўламан, бу ишларга шу яқин кунларда киришаман...

«НИМА УЧУН МЕН ОКСФОРД УНИВЕРСИТЕТИДА УҚИЁЛАДИМ»

Уйдан таъбим хира бўлиб чиқиб, редакцияга кетдим.

Ҳафталик газетага ҳикоя топширишим керак эди. Бахтга қарши, илҳом келмай ҳеч нарса ёзолмадим. Редактор ва унинг ёрдамчилари мени дўзахга олиб кетиш учун тайёр турган иблислардек туюларди.

Одатда, бисотидаги бор-йўғидан ажраган зодагонлар ва уруш туфайли мол-мулк ортдирган бойлар тўпланадиган майхона ёнидан ўтиб бораётиб, у ерга кириб-чиқаётганлар орасида ошнам Атифбекни кўриб тўхтадим. Унинг олдида қандай бориб қолганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. У мени кулумсираб қарши олди, ёнидан жой кўрсатиб:

— Қани ўтир! Хўш, нима янгилликлар бор?— деб сўради.

Унинг қўлини сиқиб туриб жавоб бердим:

— Мен жуда ҳам шошиб турибман, узоқ ўтира олмайман.

Атиф бир стакан виски буюриб, мени ёнида ўтирган киши билан таништирди.

— Бу киши асюталик жаноб Абдул Мавлибек бўладилар.

Мен унга диққат билан разм солдим. У барваста буқа бўйин одам эди. Қалин мўйлови худди тикандай диққайиб турар, юзи кепчикдек қизил, ўлгудек хунук бўлиб, уни кўрган кишининг кўнгли айнирди—худди бадбуруш ниқобнинг ўзи.

— Бу киши машҳур журналист Гандур жаноблари бўладилар,— ўртоғим мени унга таништирди.

Абдул Мавлибек «журналист» сўзини эшитиб, ўтирган жойидан сапчиб туриб кетаёди. У Атифга кек тўла кўзлари билан узоқ тикилиб турди-ю жаҳли чиқиб:

— Оллонинг бундай маҳлуқларини менга рўпара қилмагин, деб сенга айтмабмидим,— деди.

Атифбек хахолаб кулиб юборди:

— Гандур унақа журналистлардан эмас, у тилини тия олади,— деди.

Мен шу заҳоти унинг сўзини бўлиб:

— Шошма! Ахир, тил менинг мулким, бойлигим-ку,— деб қичқириб юбордим, кейин ҳаяжонланган асютинликка ўгирилиб:

— Хизматингизга тайёрман,— деб айтдим.

Менинг сўзимни эшитиб Абдул Мавлибек сесканиб тушди, кейин:

— Ё олло, бизни журналистларнинг хизматидан ўзинг асрагайсан,— деб тўнғилади.

Официант виски келтириб қўйди. Мен вискидан бир қултум ичиб, сўз бошладим.

— Ҳар ҳолда мен хизматингизга тайёрман, сиз кўнглингизни тўқ тутинг! Энди менга жавоб, вақтингизни олмаёй, ўзим ҳам шошиб турибман,— дедим.

Вискидан яна бир хўпладим-у, барваста асютинликнинг жиғига бир текким келиб кетди.

Мен ясама кулги билан Абдул Мавлибекдан:

— Жаноблари журналистларни ёмон кўрадиларми?— деб сўрадим.

— Ҳа, кўрарга кўзим йўқ!— деди.

— Албатта, бунинг бирон сабаби бордир?

— Сабаби борми, йўқми, хуллас мен уларни ўлгунча ёмон кўраман. Буни худонинг ўзи кўриб турибди. Ахир ёмон кўраманми, яхши кўраманми, ихтиёр ўзимда!

— Мен — журналистман, шунинг учун ҳам бунинг сабабини билишим керак. Балки, мен сизни журналистлар ҳақидаги бу фикрингиздан қайтара оларман.

— Кўлингиздан келармикин?

У олдидаги стаканга виски қуйиб бир кўтаришда ичиб юборди, кейин диққайиб турган мўйловини яхшилаб силай бошлади. Абдул Мавлибек иккинчи стаканни ҳам дам олмаёй бўшатди. Унинг юзига қон югурди, кўзлари қизарди. Ўртоғим ҳазил аралаш унинг елкасига қоқиб:

— Худо ҳаққи, айт, нима учун журналистларни бу қадар ёмон кўрасан,— деб қистади.

Машҳур асиоталик бўшашди, унинг барзангидай гавдаси ҳали замон стулдан ағдарилиб тушадигандай туюларди. Ниҳоят у бепарволик билан деди.

— Бу жуда эски гап. Бу воқиа бундан йигирма беш йил бурун биринчи жаҳон урушидан кейин бўлган эди.

Мен унга бундай дедим:

— Эҳе, кўп замонлар ўтиб кетибди, бу даврда ҳамма нарса, ҳатто журналистлар ҳам ўзгариб кетган. Ҳозирги замон журналистларига хос хусусият шуки, улар тез ишлашади, ҳалол ишлашади, муҳим сирларни сақлашади...

Асиоталикнинг мўйлови яна диккайди, уқаланган тишлари билан мўйловининг учини ямлай бошлади:

— Ростданми? Ўша хунук воқиянинг айбдори бўлган журналист ўртосимда бунақа фазилатлар йўқ эдику. Унинг юми ҳам қурсин, ўзи ҳам қурсин.

Атифбек ундаи:

— Худо ҳақи, айтсанг-чи ахир, у журналист сенга нима ёмонлик қилди?— деб сўради-да, сўнг менга мурожаат қилиб:

— Абдул Мавлибек ажойиб ҳикоячи, бу санъатда унга ҳеч ким тенг келолмайди,— деди.

Асиоталик хаҳолаб кулиб юборди, унинг катта қорни кулидан селкиларди.

У яна виски қуйиб ичиб, стулга бемалолроқ ўрнашиб олди-да, хўп бўлмаса эшитинг, деб сўзга киришди:

— ... У вақтларда мен Қоҳирадаги мактабда ўқиб, ўша ердаги пансионда турардим. Отам Асиотадаги катта хўжаликни бошқарарди. У, агар мен ўрта мактабни тамомлаб, аттестат олсам ҳамда ўзимни яхши тутсам, Оксфорд университетига ўқишга юборишга ваъда берди. Мен Англияга бориб, у ерда олий табақа орасида ҳузур-ҳаловат билан яшаш орзусида бўлганим учун ҳар нарсада отамнинг кўнгилини топишга зўр бериб ҳаракат қилардим...

Бахтга қарши мен ўша вақтда бир журналист билан дўстлашиб қолдим. У ўзининг очиқ кўнгиллиги, меҳрибонлиги билан менга ёқиб қолганди. Биз кечаларни кўпинча бирга ўтказардик. Отам, студент серчиқим бўлмаслиги керак деб, менга пулни оз юборарди. Шунинг учун ҳам биз пулни галма-гал тўлашга келишгандик. Умуман биз ҳеч нарсани ўйламасдан, қувноқ турмуш кечирардик.

Бир куни Тавфиқ кўчасидан ўтиб кетаётиб, дўстимни учратиб қолдим. Биз кўришиб бўлагач, у мендан:

— Йўл бўлсин?— деб сўради.

— Пансионга,—деб жавоб бердим.

— Шунча эрта-я?— деб ажабланди у.

— Бошим оғриб турибди, бироз дам олмоқчиман.

— Менинг ҳам мазам қочиб турибди. Юр, бош оғриққа бир стакандан ичамиз. Мен сени кўп ушламайман, дам олишга улгурасан: мени ҳам редакцияда кутиб туришипти, ҳикоя ёзиб беришим керак.

У вақтларда ичкилик ичадиган жойлар худди ҳозиргидек жуда кўп эди. Биз йўлда учраган биринчи майхонага кириб бурчакдан жой олдик. Майхонада бир қанча чет эл ҳарбий кишилари ўтирарди, улар бизга мутлақо эътибор бермадилар. Биз устма-уст қадаҳ кўтариб, ширингина суҳбатлашиб ўтирдик.

Пул тўлаш вақти келганда, мен ошнамнинг сусткашлик қилиб, ўзини бир нарса билан банддай қилиб кўрсатишга уринаётганини сездим.

— Қани жўнайлик.

— Ихтиёринг!

— Пулни тўламайсанми?

— Пулни? Бу сафар сен тўлашинг керак.

— Йўқ, сен,— дедим ишонч билан.

— Сен янглишяпсан!

Биз ўрнимиздан туриб, бир-биримизга чақчайишиб қараб қолдик. Биз худди уришишга тайёр турган хўрозга ўхшардик.

Орадаги жимлик узоққа чўзилмади.

— Бўлмасам чек ташлашамиз,— таклиф қилди ошнам.

Биз бир-биримиз билан келишолмай қолган вақтларимизда доимо шу усулни қўлланардик. Чек ташлашдик, чек ошнамга тушди.

У бироз хижолат бўлиб:

— Кел... бу сафар мен учун тўлаб юбор...— деб мингиллади.

Мен унга еб қўйгудек тикилардим. У бўлса ҳамон ялиниб:

— Худо ҳақи ёнимда бир тийин пулим йўқ, бор пулимни пойгада ютқаздим...

— Мен кўзимни чақчайтириб:

— Қасам ичиб айтаманки, менда ҳам пул йўқ!— дедим.

— Нима дединг?! Наҳотки сен ҳам пойгага борган бўлсанг,— деди у ажабланиб.

Энди мен хижолатда қолиб, оҳиста:

— Ҳа, борган эдим, лекин бошқа пойгага, сенинг танишинг Ниъмат хонимнинг уйида бўлдим,— деб жавоб бердим.

Ошнам овози борича хахолаб:

— Ие, сен ютқизмабсан, қайтага маза қилибсан-да,— деди.

— Ҳазилингни қўй! Ахир биз ўнғайсиэ аҳволда-миз-ку!

— Ўнғайсиэи нимаси! Ҳеч қиси йўқ,— деб бепарволик билан жавоб берди ошнам.

— Ахир, бу ҳазил гап эмас-ку!

— Ғам ема, дўстим, бунинг ҳеч қўрқадиган жойи йўқ... Қутулишнинг икки йўли бор: ё хўжайиндан таёқ, малайларидан мушт еб қутулиб кетамиз, ё шу кечани полиция бўлимининг цемент полида ўтказамиз. Агар пешонада бўлса, унисини ҳам, бунисини ҳам кўрамиз.

Қўлига йўғон таёқ ушлаган майхона хўжайинини, полициячиларни, полиция бўлимининг цемент полини, «сен ўлганда ҳам одам бўлмайсан, бунга имоним комил» деб куйиб-пишиб қичқираётган отамни кўз олдимга келтирдим.

Мен ҳаяжонланиб, қизишиб:

— Йўқ! Йўқ!— деб қичқириб юбордим.

Ошнам тўсатдан ўрнидан сапчиб туриб:

— Йўлини топдим,— деди.

— Қандай қилиб! Тезроқ гапирсанг-чи!

У менинг кўзимга тикилганича:

— Ичишни давом этдирамиз,— деди.

Мен ўзимни тутолмай, урмоқчи бўлиб қўлимни кўтарган эдим, у хотиржамгина:

— Ўзингни босиб ол... Ғам ема; худо ўзи етказди,— деди.

Ошнам официантни чақириб, яна виски буюрди. У менинг ичмай ўтирганимни кўрди-да, қадаҳни олдимга суриб:

— Бўлар иш бўлди, барибир бизни савалаб, цемент полга ўтқизадилар. Шундай бўлгач, шошишнинг нима кераги бор?— деди.

Мен сесканиб тушдим: кўз олдимда яна ғазабдан ўзини босолмай қалтираб турган отам пайдо бўлди. Дўстим бўлса ҳадеб мени:

— Ич, пайдан фойдалан,— деб қистарди.

Мен қадаҳдаги вискини бир кўтаришда ичиб тамомладим. Ҳеч ким билан ишимиз йўқ, устма-уст қадаҳ кўтарардик. Дўстим жуда шўх бўлиб, латифага ўлғудай уста эди. Мен унга ўзим, қариндошларимиз ҳақида ҳеч нарсани яширмай, ҳатто оилавий сирларни ҳам айтардим, кулгимиз тсбора кучаярди. Ҳали-вери кетишни хаёлимизга ҳам келтирмасдик. Официант бўлса, бизга шубҳа билан қараб, олдимиздан жилмасди. У ҳар сафар бизга мурожаат қилганда янгидан виски буюрардик. Биз билан ёнма-ён ўтирган майхонанинг доимий мижозлари аллақачон маст бўлиб қолгандилар.

Дўстим секингина қулоғимга шивирлади:

— Агар мен ўзи доворак, қўли чаққонлардан бўлсам, ҳозир ҳу анави ўтирган офицерни яхшилаб шилардим-у, бу қийин аҳволдан оппа-осон қутилардик... Бундай пайтларда ўғирлик ҳам жуда иш беради-да...

Шу чоқ у мулоҳаза қилиб қолди.

— Ўғрилارнинг ботирлигига қойил қоласан, киши.

Мен унинг елкасига қоқиб, бепарволик билан:

— Худо халлоқ! Ха деб бу ҳақда ўйлайверма,— дедим.

Сухбатимиз яна ҳам қизиб кетди...

Мен ҳикоя қилиб берган воқиялардан бири, ошнамни жуда қизиқтириб қолди, у бу воқияни ипидан-игнасигача билишни истарди. Мен унга юрагимдаги бор гапни айтдим. Бир вақт дўстим ўрнидан туриб:

— Мени ўн беш минутга ҳоли қўй,— деб сўраб қолди.

— Хўш нима эди!

— Ҳозир ҳикоя ёзиб редакцияга олиб бориб бераман.

— Нима деб жавраяпсан ўзинг! Ҳозир ҳикоя ёзадиган вақтми?

— Ҳозир илҳом келиб қолди, ёзмасам бўлмайди.

Мен ундан кулардим, у бўлса ўз сўзини қувватлаб:

— Агар ҳозир ҳикоямни редакцияга топширсам, биз катта пул олиб, бу аҳволдан қутуламиз,— деди.

У ёнимиздаги столга ўтириб ёзишга киришди. Мен бўлсам ундан кўзимни узмасдим. Официант ҳам бизларга кўз қири билан қараб, олдимиздан тез-тез ўтиб турарди. Орадан кўп ўтмай ошнам олдимга келиб:

— Назаримда, туппа-тузук нарса ёзганга ўхшайман, бунинг учун менга мукофот беришади. Бироқ бу ҳикояда сенинг қўлинг ҳам бўлиши керак,— деди.

— Менинг?

— Ҳа, сенинг қўлинг керак! Ҳикоянинг охирига: «Мен бу хабарни ўз ихтиёрим билан айтиб бердим, унинг босилишига қарши эмасман» деб ёзиб беришинг керак.

— Бўлгани шуми?

— Ҳа, бўлгани шу.

Мен олдимдаги винони ичиб тамомлаб, кула-кула, ўйлаб ўтирмасдан, унинг айтган сўзларини ёзиб бердим.

Ўртоғим кетмоқчи бўлиб, ўрнидан қўзғолган эди, мен уни тўхтатдим. Бошимга келган фикрдан ўзим чўчиб, унга:

— Бу яна бир ҳийла-найранг бўлмасин? Ўзинг қутулиб кетиб балога мен қолмайин?..— дедим.

У бошини мағрур кўтариб:

— Қасамёд қилиб айтаманки, ё пул топиб келаман, ё полиция бўлимининг цемент полида сен билан бирга ётаман,— дедию, майхонадан ўқдай учиб чиқиб кетди.

Мен жойимга келиб ўтирдим. Официант менга биров тикилиб турди-да, майхона хўжайинининг қулоғига бир нима деб шивирлади, сўнг иккаласи ҳам мендан кўзларини узмай қараб қолишди. Бошқалар бирин-кетин чиқиб, ҳадемай майхонада бир ўзим қолдим. Вақт ниҳоятда секин ўтиб, юрагим тарс ёрилиб кетгундай бўларди. Мен гарчи ниҳоятда қийин аҳволга тушиб қолган бўлсам ҳам, ўзимни хотиржам тутишга уринардим. Кайф ҳам тарқаб кетганди. Официантлар эса мендан кўзини узмай, мени ўраб олишганди. Бирдан, қўлига калтак ушлаган хўжайиннинг менга томон оғир қадам ташлаб келаётганлигини кўриб қолдим. Қўрққаним шунчаликки, пешонамдан тер чиқиб кетди. Хўжайин менга, майхонани бўшатиб қўй дегандай официантларга қараб овозининг борича:

— Вақт бўлди, бекитинг!— деб буюрди. Мен полициянинг қоп-қора қуюқ туман босган цемент полли хонасини кўз олдимга келтирдим. Қанча кутишим кераклигини билмай, ўтирган жойимда қотиб қолгандим.

Мана шу қуюқ туман ичида ўртоғимнинг гердайган, салобатли гавдаси кўринди. У чопиб келганидан, ўпкасини босолмай ҳарсилларди.

Кўз олдимдаги қуюқ туман аста-секин тарқалди. Ўртоғим бошини мағрур кўтаргани ҳолда, эски жойида ўтириб ҳадеб яхши вино келтиришни буюрарди. У яна ажойиб нарсалар ҳақида гапира бошлади, биз яна ичишга бошладик. Хўжайин ва официантлар бизга ҳайрон бўлиб қарардилар. Кўп ўтмай дўстим ёнидан ҳамёнини чиқарди-да, ҳисоб-

китоб қилишни талаб қилиб:— Қани пулимизни олинг! Тез бўлинг, кутишга вақтимиз йўқ,— деб қичқирди.

Чопиб келган официант олдига дўстим бир неча қоғоз пул ташлади. У қолган пулни олди-да, официантга чой пули берди. Бошқаларини ҳам қуруқ қўймади.

Ниҳоят дўстим ўрнидан туриб, гердайданича, секин эшик томон юрди. Мен унинг орқасидан бордим. Официантлар иззат-эҳтиром билан бизга йўл бердилар. Мен ҳеч нарсага тушунолмаي, гаранг бўлганимдан лем-мим демасдим. Биз майхонадан чиқишимиз билан дўстим менга:

— Бир соат бурун олган пулимдан атиги ўн куруш қолди... бундан бештаси сеники... Ма ол...

Хурсанд бўлганимдан, уни қучоқлаб, миннатдорчилик билдирдим.

Орадан бир ҳафта ўтди. Шу вақт ичида ўртоғимни учратолмадим. Ҳатто у билан майхонада ўтказган кеча ҳам хотиримдан кўтарилганди.

Бир куни кечқурун отамдан телеграмма олдим, у менинг дарҳол Асиютага қайтишимни талаб қилганди.

Мен «уйда бирон кўнгилсиз воқиа юз бермадимикин? Битта-яримтаси ўлиб қолмадимикин!» деб қўрқдим.

Эртаси эрталаб, Юқори Мисрга борадиган поездга тушиб уйга жўнадим. Кўнглим ғаш бўлганидан, йўлда ҳеч ким билан гаплашмай жим бордим.

Асиютага келиб тушим билан уйга қараб чопдим. Ҳамма ёқ тинч-осойишта, уйдагиларнинг ҳаммаси соғ-саломат экан. Отам мени ўз кабинетида кутиб ўтирганини айтишди. Мен бирер гап ўтганлигини дарҳол сездим, чунки отам бировни жазоламоқчи бўлса, одатда гуноҳкорни ўз кабинетига чақирар, у ерда суд қилар, ҳукм чиқарар ва бу ҳукми ижро этарди. Ёшлигимда отам мени кўрсатиб «қани, у болани менинг кабинетимга олиб киринг!»— деса бўлгани, мени ҳозир қандайдир жазо кутаётганлигини дарров сезардим.

Ўзи нима гап! Нима учун отам телеграмма юбориб чақириб олди? Нима учун кабинетида қарши оляпти? Жазога лойиқ нима иш қилганикинман, деб ўйлай-ўйлай гаранг бўлар, сабабини тополмай қийналардим.

Унга учрамай кетишнинг иложи йўқ эди. Шунинг учун ҳам унинг кўнглини олишга, ҳар эҳтимолга қарши, ҳозир жавоб бўлишга қарор қилдим. Мен кабинетга киришга дадил кирдим, лекин отамни кўришим билан тамом бўшашиб, «қора курсига» қандай бориб ўтирганимни билмай қолдим.

Отам бурчакдаги стулда зўрға сиғиб ўтирарди. Мен кабинетга киришим билан унинг:

— Сенинг ишинг бир умр юришмайди, агар ишинг юришса, мен мўйловимни шартта қирқиб ташлайман!— деган сўзларини эшитдим. Отам бу сўзларни айтганда, мўйлови диккайиб, даҳшатли тус оларди. Мен кўпинча худосга ёлвориб: «Эй худо, отамнинг мўйловини қириб ташлайдиган сартарош юбурсангчи» дердим. Қани энди ўзим ҳозир сартарош бўлсам-у, шартта бориб мўйловини қириб ташла-сам...

Отам қўлида ушлаб турган расми журнални юзимга қараб отди... Мен журнални варақлаб ўтириб, унда таги қизил ранг билан чизилган сатрларга кўзим тушди.

— Хўш, сен бу ёқимли ҳазилга нима дейсан? — деб сўради у.

Мен журнални яна бир кўздан кечириб чиқдим. Лекин кўз олдим қоронғулашиб, ҳеч нарса ўқий олмасдим. Шунга қарамай мен кулумсираганимча:

— Жуда ўткир ёзилган,— деб жавоб бердим.

Отам даргазаб бўлиб:

— Сенингча ҳали шундайми?— деб ўшқирди.

— Ахир ўзингиз, бу ёқимли ҳазил демадингизми!

Отам жаҳл билан столни шу қадар қаттиқ урдик, стол кимирлаб кетди.

— Сен эртадан бошлаб Асютодаги мактаб пансионидан турасан, то мен рухсат бермагунимча, ҳеч қасққа жилмайсан, шуни яхши билиб қўйки, мен сенинг пансионни ташлаб кетишингни сира ҳам истамайман... ўқдингми? Сен Оксфорд университетидан ўқишга лойиқ эмассан. Мен тирик эканман, сен Оксфордни кўрмайсан. Тушундингми?

Ҳайрон бўлиб қолган эдим, лекин:

— Тушундим,— деб жавоб бердим.

— Йўқол кўзимдан!!!— деб қичқирди отам.

Суд тугади, ҳукм чиқарилди, шикоятга ўрин йўқ. Мен қўлимда ўша лаънати журнал билан кабинетдан зўрға чиқиб, хонамга кирдим, ўзимни кроватга отдим. Миямни турли-туман фикрлар чулғаб олганди...

— Нима қилиш керак? Асютодаги пансионда ҳеч қасққа чиқмай тура олармиканман? Нима учун менга бундай жазо беришади? Айбим нима?

Мен журнални олиб варақлай бошладим. Теги чизилган сатрлар диққатимни жалб этди. Журналдаги каррикутурага тикилиб, отамнинг ниҳоятда бузиб ишланган суратини кўр-

дгм, у масхарабоз қиёфасида тасвирланган эди. Узун қалпоқ ва кенг йўл-йўл чалвор кийиб олган отам театрга кираверишда турар ҳамда доирани гумбирлатиб жар соларди: «Қағи келинлар... марскашлик машҳур раққоса Фотима Дилрабони кўриб қолинглар... Шарқ Юлдузи, орзулар келини!..»

Мен ўқий бошладим... Юрагим дук-дук урар, кўзларим уясидан чиқиб кетай дерди. Ахир буларнинг ҳаммасини ўша кечаси мэйхонада журналист ўртоғимга мен айтиб берганман-ку. Бу воқиа отам Францияда ўқиб юрган вақтида содир бўлганди. У марокашлик раққосани севиб қолиб, унинг масхарабози бўлишга рози бўлган. У тахтадан енгил-елпи қурилган тсмошахона олдида туриб олиб, жар солиб, томошабинларни йиғарди. Ҳаммадан бурун ҳикоянинг сўз боши газабимни келтирди: «Ўз отасининг ҳаётида содир бўлган бу қизиқ воқияни бизга Абдул Мавлибек гапириб берди. Биз бу ҳикояни босиб, ёш йигитга катта муваффақиятлар тилаймиз».

Мен қўлимни қаттиқ тишлаганимча, ўзимни кроватга олдим. Ўзимча, агар ўша дўстимни учратиб қолгудай бўлсам, уни парча-парча қилиб ташлайман, деб ўйлардим.

Абдул Мавлибек босини қуйи солиб ўзича дўнғиллади:
— Ҳикоям мени кечаси цемент полда тунашимдан сақлаб қолганини инкор этмайман. Бироқ...

Мен унинг сўзини бўлиб:

— Шундай қилиб сиз Оксфорд университетига кироладингизми?— деб сўрадим.

Асюталиқ аслзода ўйноқи кўзларини бошқа томонга тикиб пўнғиллади:

— Отам жуда баджаҳл эди, менга нисбатан адолатсизлик қилди.

Мен соатимга қараб, редакцияга кеч қолаётганимни билдим; редактор ва ёрдамчиларининг мени кутавериш қанчалик безовта бўлишларини, боришим билан яхшилаб таъзимини беришликларини жуда яхши билардим...

Тўсатдан миямга бир фикр келиб қолди: «Менинг омадим келиб турибди!...» Мен асюталиқнинг қўлини қаттиқ сиқиб, қувончимни яшира олмай дедим:

— Раҳмат... Қилган яхшилиқларингиз учун кўп раҳмат.

Мен кетишга рухсат сўраб ўрнимдан турдим. Асюталиқ ҳайрон бўлиб қўрқа-писа сўради:

— Сиз нима учун менга миннатдорлик қиляпсиз?

У мени этагимдан тутиб ўтказмоқчи бўлди, кейин сўзида давом қилди:

— Хўш, сиз бу билан нима демоқчисиз?.. Чамамда сиз бир иш қилмоқчисиз, шекилли?..

Унинг дудмол гапларидан ҳеч нарса тушуниб бўлмасди.

Атифбек хахолаб кулди, кейин Абдул Мавлибекка юзланиб деди:

— Қўй, у пул ишлаб олсин!

Асиоталик газабдан титраб:

— Бу қанақаси? Менинг ҳисобимдан-а? Мен қасам ичиб айтаманки, бунга йўл қўймайман. Мен матбуот деб иккинчи марта зарар кўришни истамайман.

Мен унинг қўлидан зўрға қочиб қутулдим. У мени ушлаёлмади, лекин газаб ичида орқамдан бошлаб ҳақорат қилди ва лаънатлар ўқиди. Мен редакцияга қараб чопдим, миямда эса ёзмоқчи бўлган ҳикоямнинг сарлавҳаси тайёр бўлганди: «Нима учун мен Оксфорд университетидега ўқёлмадим».

АЛ ХАЖ ШАЛАБИЙ

Ал Хаж Шалабий ўзи ҳар куни кириб турадиган қаҳвахонадан чиқди-да, совчи хотин Умм ал Хайрникига томон йўл олди. Йўл анчагина узоқ эди, аммо Шалабий бу йўлда юра-юра одатлашиб қолганидан чарчамай, шикоятсиз кетаверди.

Новчадан келган, вазмин Шалабий ўткинчиларга қуюқ киприклари орасидаги катта-катта кўзларини олайтириб қарарди. Одамлар уни ҳам қўрқув, ҳам хушомадгўйчилик назари билан қарши олардилар: улар унинг яқиндагина тюрмадан чиққанини билардилар, улар унинг у ерда озмунча вақт ётмаганини, ҳозир қафасдан чиққан қутирган арслондай энг қабих жиноятлар қилишга тайёр эканини билганлари учун ундан қўрқишарди.

Шалабий Умм ал Хайрнинг олдига борадиган бўлса, ўзининг энг чиройли кўйлагини кияр, кўзни қамаштирадиган оппоқ салласини келиштириб, ўрар, қуюқ мўйловини бурар, ўзига атрул сувидан сепиб олишни ҳам унутмас эди.

Шу нарсаларни қиларкан, ўзини Умм ал Хайр қизларининг ҳар қандай эътиборига сазовор бўламан деб ўйларди.

Шалабий уйга етиб келгач, йўталиб қўйди-да, қўлидаги таёғи билан эшикни бир неча марта қоқди.

Эшик қия очилиб, ичкаридан юзининг ярмини қора чодра билан ёпган ўн икки ёшлар чамасидаги бир қиз кўринди. Ал Хаж Шалабий қизни таниб:

— Онанг уйдами?—деб сўради.

— Уйдалар жаноб... Марҳамат қилинг!

Қиз эшикни каттароқ очди.

Шалабий, девордаги кичик дарчадангина ғира-шира ёруғ тушиб турадиган қоронғу бинога кирди. Қиз уни меҳмонхонага бошлади. Бу кичкинагина хона бўлиб, ерга синиқ тош тахталар терилган, эскирган гилам тўшалган эди.

Шалабий таёғини эшик олдида, бурчакда қолдириб, ўз сбрў-эътиборига муносиб келадигандай бўлиб кўринган кресло томонга юрди. Мўйловини бураб, салласини тузагани ҳолда ўтирди.

Орадан бироз вақт ўтгач, билагузукларини жиринглайтиб Умм ал Хайр кириб келди. Бу барваста хотиннинг юзини ажин босган, бу умр тамғасини ҳар қандай ула-эликлар ҳам яширолмасди.

Умм ал Хайр оёғидаги чарм ўрнига ёғоч қопланган гулдор кесушини худди қошиқдай бир мақомда тақиллатиб, илжайганича кириб келди.

У меҳмон билан саломлашгач, унинг ёнига ўтирди-да:

— Келмай кетганинг нимаси, Шалабий? Ахир, шунчалик ҳам унутиб юборадими, киши? Ошнанг Умм ал Хайрнинг ҳоли нима кечгани билан қизиқмас экансан-да?—деб ўпкалади.

— Мен ҳамма вақт сендан хабардор бўлиб турдим. Сени, олога шукур, ишларинг жойиндалигини биламан.

— Азбаройи худо, мен келганингдан жуда хурсандман, Хўш ишларинг қалай? У ажойиб жўраларингнинг аҳволи жойидами?

— Ишларим жуда яхши. Ҳамма нарса жойида.

Улар бир дақиқа жим қолишди, сўнгра Умм ал Хайр гап бошлади:

— Меникига қизлар меҳмон бўлиб келишган, улар эндигина қаҳва ичиб бўлишди.

Умм ал Хайр кўзини қисиб қўйди. Бу ишоранинг тагига етган Шалабий секингина:

— Уларнинг орасида мен боли борми? — деб сўради.

Умм ал Хайр кулиб юборди.

— Худо ҳақи яхши ўйлабсан, Шалабий.

- Чиройлими?
 - Ойдек.
 - Ешми?
 - Ҳали ўн еттига ҳам тўлмаган.
 - Уни кўриш мумкинми?
 - Агар истасанг, албатта.
 - Худо хайрингни берсин, Умм ал Хайр, исминг жисмингга муносиб.
 - Тўғрисини айтайми? Сен ноинсоф одамсан. Ахир икки хотининг — Жалила билан Закия борку?
 - Энди йўқ.
 - Қанақасига?
 - Жалила Фақрибекникида энагалик қилади, Закияни бўлса, қўлига паттасини бериб юбордим. У туғмайди.
 - Умм ал Хайр Шалабий томон энгашди-да, ундан:
 - Қизни ҳозир кўришни истайсанми? — деб сўради.
 - Жудаям, аммо у менга кўринишга рози бўлармикин?
 - Йўқ, сен уни чиқиб кетаётганида кўрасан. Эшик орақасига яширин.
 - Хўп, менга шу ҳам кифоя.
- Шундан кейин икки ўртада савдо бошланиб, бир битимга келишгач, хайрлашишди.

* * *

Шалабий Фархга уйланди ва ундан қиз кўриши биланок, хотинини энагаликка бериш учун уй ахтара бошлади. У, ниҳоят, Фарх учун анчагина ҳақ тўлашга рози бўлган бадавлат бир пошони топди. Пошо совға-саломлар беришга жуда сахий эди, Шалабий унинг уйини катта даромад манбаи ҳисоблаб, уни қандай қилиб бўлса-да, қўлдан чиқармасликка тиришарди.

Фарх қизини кўзи қиймаса ҳам, аммо зolim эридан кўрқиб ундан ажралошга мажбур бўлди.

Энага ўз хўжайини хотинидан ойда бир марта қизининг олдига бориб туришга ижозат беришини илтимос қилди; хизматкорликнинг биринчи оғи тугагач, Фарх уйига томон йўл олди.

Фарх қизчасини озиб кетган, ранги-рўйи бир аҳволда кўриб қанчалик юраги эзилганини айтмайсизми. У ҳасрат билан гўдакни бағрига босди, эркалаб овунтирди. Қизи ёнидан сира кетгуси келмасди.

Фарх қизчани тиззасига олиб, меҳрибонлик билан эркалаб ўтирганида Шалабий кириб келди. У хотинига ўшқириб, дарҳол жўнаб кетишни буюрди. Фарх эрига бўйсиниб, қизини ташлаб кетган бўлса-да, юрак-бағри ғам-ҳасратдан эзилган эди.

Иккинчи ой ҳам ўтиб, Фарх яна чақалоғини кўргани жўнади. У қизчасини бурунгидан ҳам ёмон аҳволда кўргач, нима бўлса ҳам, унинг ёнида қолишга қарор берди. Шалабий дарғазаб бўлиб қизчани она бағридан юлиб олди-да, захархандалик ва қўполлик билан Фархга пошоникга қайтишни буюрди. Фарх рад этди. Шунда у хотинини калтаклаб, бўйсунушга мажбур қилди. Фарх алам ва хўрлигидан йиғлай-йиғлай жўнаб кетди.

Фарх хўжайиннинг хотинидан ўзининг касал боласини кўриб келиш учун ижозат ололгунча орадан бир неча кун ўтди. У рухсат олгач, югурганича уйига жўнади.

Фарх ўлим тўшагида ётган гўдаги томон отилди, уни кўздан кечириб, эркалади, бағрига босди. У боланинг ўлиши аниқ эканини билгач, хўнграб йиғлай бошлади.

Шалабий кириб келди. У бу манзарага нафрат билан боқиб, бошини чайқаб қўйди.

Фарх эрини кўриб ўрnidан турди-да, унинг башарасига тик қараб қичқирди:

— Сен боламни ўлдирдинг!

— У фақат сеникимми? У менинг ҳам фарзандим эмасми?

— Аммо сен золим унинг бошига етдинг.

— Ҳар нарсага аралашаверма. Бола билан ишинг бўлмасин — бу менинг ишим.

У ўзининг забардаст мушти билан Фархнинг чакқасига туширди. Фарх гандираклаб, фарёд этиб ерга йиқилди.

Шалабий унга, дарҳол жўнаб кет, деб қичқириб, уни эшикка томон судради. Фарх қизчасини олмоқчи бўлиб эрининг қўлидан отилиб чиқди, аммо Шалабий уни итариб юбориб, эшикни ёпиб олди. Фарх эшикни тақиллатди, йиғлади, ёлборди — лекин ҳеч нарса ёрдам бермади. Фархнинг юрак-бағри тилка-пора бўлиб кетди...

* * *

Эртаси куни Фарх ҳеч кимга билдирмай, боласини кўргани келди. Уйда Шалабий йўқ эди. Она қизчасини қидира бошлади, лекин ундан ном-нишон тополмади. У қўни-

қўшнилардан суриштириб кўрди, аммо улар ҳам ҳеч нарса билишмасди. Фарх беҳуда урнишлардан чарчаб, эшик олдида эрининг келишини кутиб ўтирди. Бу узундан-узоқ, машаққатли кутиш эди. Ниҳоят жўралари билан келаётган Шалабий кўринди. Улар қарсак чалиб, ашула айтишарди. Фарх эрига ташланиб, боласини суриштира бошлади. Вужудини қўрқув босди.

Шалабий унга ғазаб билан ўқрайиб қаради-да:

— Э хотин, сени нима ҳайдаб келди? Мен сенга бу ерда қорангни кўрсатмаггин демабмидим? — деб сўради.

— Қизим қани? — деди Фарх бўғиқ овоз билан.

Шалабий унга жавоб бериб ўтирмай, жўраларига ўғирилди:

— Шундай бир вақтда кайфимни бузмоқчи бўлган бу аҳмоқ аёлга нима дейсизлар?

Ҳаммалари жувонга қарашди, уни мазақ қилиб заҳарханда билан кулишди. Фарх дадиллик билан эрига яқинлашиб, икки қўллаб унинг кўкрагига дўппослай бошлади.

— Қизим қани? Менга қизимни қайтариб бер?

Шалабий ғазабланиб, қўполлик билан уни ерга кўтариб урди-да:

— Кечаси Азроил қизингнинг жонини олиб кетган эди. энди у менинг қўлимдан сеникни ҳам олиб кетишга тайёр, — деди.

Жўраларнинг биронтаси ҳам бу аблаҳни тўхтатай демэди.

* * *

Орадан бир ҳафта ўтди.

Шалабий ўз хонасида, ўринда чўзилиб ётарди. Уни уйқу босиб, кўзлари юмила бошлади. Кундуз соат икки эди. Уйқусиз ўтказилган кечада ниҳоятда чарчаганлиги туфайли унинг дам олгиси келарди. Шу вақт бирданига эшик тақиллаб қолди.

Шалабий дастлаб бунга мутлақо эътибор қилмади, аммо эшик яна тақиллай бошлади. Шундан кейин у бошини кўтарди-да:

— Ким у? — деб қичқирди.

Ташқаридан кимнингдир паст, чўзиқ овози эшитилди.

— Мен.

— Ким?.. Кимсан?

— Мен... Фархман.

— Фарх?.. Фарх?..

Шалабий ғазаб билан ўрнидан сапчиб турди-да, эшикни очиб қичқира кетди:

— Мен сенга пошоникида қолгин деб тайинлаган эдим-ку! У ердан кетишга қандай журъат қилдинг?

Фарх жавоб бермай, бсшини эгиб тура берди.

Шалабий дўқ билан саволини такрорлади.

— Мени ҳайдаб юборишди,— деди Фарх, ниҳоя..

— Ҳайдаб юборишди?.. Нега?..

— Мен сутдан қолдим.

— Нима? Сутдан қолдим?.. Ўзим ҳам шундан қўрқиб эдим-а! Мен сени огоҳлантирган эдим... Бу бўлмағур қайғу-ҳасратларинг пироварди ўзингга таъсир этади, деган эдим... Гапимга қулоқ солмовдинг.

— Бу менинг ихтиёримда эмас.

— Сен ўлгудай ўжар, эси паст хотинсан, сени ҳамма вақт бирон нарса безовта қилгани қилган. Шунча қилғилиқни қилиб, яна менинг олдимга келгани уялмадингми?

— Айб мендами, ахир?

— Сен бошимга битган балосан. Сени деб даромаддан ажралдим.

У Фархга яқинлашди-да, уни урмоқчи бўлиб мушт кўтарди-ю, лекин бирданига тўхтади:

— Сени уришнинг ҳам фойдаси йўқ... Жўна, мен сени талсқ қилдим.

Фарх қимир этмади, бир оғиз ҳам гапирмади... Шунда Шалабий уни узоққа улоқтириб ташлаб, эшикни ёпиб олди.

* * *

Эртаси куни Шалабий, одатдагидай, қаҳвахонага бориб, у ерда жўралар билан учрашди... У янги кийим кийиб, бошига оппоқ салласини ҳавсала билан ўраб олган эди. У мўйловини бураб, устига атиргул сувидан сепиб олишни ҳам унутмаганди.

Шалабий бир давра қарта ўйнаб бўлгач, ўрнидан турди-да, кетмоқчи бўлиб жўралари билан хайрлаша бошлади.

Жўралардан бири унга ўгирилди-да, кулумсираб сўзлади:

— Ҳа, йўл бўлсин, лаънати?

Шалабий унга қараб кўзини қисиб кўйгач, шодлик билан:

— Ошнамиз Умм ал Хайрникига,— деб жавоб берди.

— Демак яқинда биз сени яна табрикларқанмизда?

— Худо хоҳласа.

Шалабий сариқ шиппагини ғарчиллатиб, оғир таёгини ўйнатганича қаҳвахонадан чиқиб кетди...

— Ҳа, мен, Ардикас, гўзаллик мухлиси.

— Нима истайсиз!

— Сени кўргим келади. Ўз ҳаётимни сенинг қўлларингга топширмақчиман, уни юмшоқ майсадай ҳовучингга ол... Сен шунга розимсан?

— Нима деяпсиз, жанобим?

— Меники бўл, деяпман. Менинг сенга муносиб муҳташам уйим, шоҳи тўшакларим бор... Кийим-кечаклар... Ноз-неъматлар...

— Йўлингиздан қолманг, жаноб, иккинчи марта бу ёққа келманг. Менинг юрагим сизники бўлмайди.

— Аммо мен сени гоят севаман!

— Йўқ, мен фақат ўз севган ёримники бўламан.

Оқшом пардаси уфқ билан қуёшнинг хайрлашаётганини яшириб, кенг осмонни қоплади. Бу қонли хайрлашув эди... Қуёшнинг лола ранг нурлари булутларнинг жингалак сочларига тушиб жилоланади...

Шамол ўзининг снгил қанотларида узоқда чалинаётган найнинг мунгли садосини келтирди. Қизнинг юраги севги ҳисларидан титраб кетди. У уйга кириб кетаётганда судьяга қараб:

— Бу қўшиқ — севган ёримнинг чақириги... — деди.

— Севган ёринг ким ўзи?

Клара, судьянинг сўзларини эшитмагандай, жимгина уйга кириб кетди.

Судья ўзини йўқотиб қўйди. У бирпас эҳтирос ичида саросима бўлиб турди-да, сўнгра отига ирғиб минди ва бор кучи билан унга қамчи босди. От бирдан қўзғолди ва эгасини тўғри йўлдан олиб учди.

Эртасига эрталаб Ардикас ҳеч кимнинг ишини кўрмади ва дуохонни чақириб келишни буюрди. Дуохон етиб келгач, улар бир уйга бекиниб олишди. Судья унга Клара билан ўзи ўртасида содир бўлган воқияни айтиб берди. Дуохон ҳаммасини суриштириб билиш ва аниқ жавобни айтиш учун бир кунга муҳлат олиб жўнаб кетди. Иккинчи кун и худди ваъдалашган вақтга етиб келди ва судьяга шундай деди:

— Клара Лагос деган чўпонни севади. Судья жансблари, сиз шуни яхши билингки, орадан чўпон йўқотилгандагина сиз ўз ниятингизга етишингиз мумкин... Ардикас жаноблари, қизнинг юрагидан Лагосни чиқариб ташлолмас экансиз, унинг севгисига сазовор бўламан деб, овора бўлманг.

Ардикас ўз-ўзига деди: «Ҳа, ўша най чалган киши, шу чўпон экан-да... Йўқ, у қиз менинг қўлимдан чиқиб кета олмайди. Ахир мен судьяман-ку... Даҳшурнинг судьяси-ман».

Дуохон чиқиб кетди. Ардикас ўзининг жиний планларини туза бошлади. Унинг бошига бир ёвуз фикр келди, кейин унда яна ўша эски истак уйғонди, бутун вужудини эҳтирос эгаллаб уни маст қилди. Ардикас ҳар қанақа йўл билан ҳам қизни қўлга киритишга қарор қилди.

Судья ўзининг отлиқ сарбозларидан бирига — Лагоснинг қандай киши ва неча ёшда эканини билиб келишни буюрди... Сарбоз келтирган хабарни мамнуният билан эшитди ва шундан кейин ҳар кун ўзининг даҳшатли режасини балиқчининг тўр тўқишидай, тўқий бошлади. Оқибат, бир кун кечқурун Даҳшур аҳолиси Лагосни қамоққа олиб кетилаётганини кўрди. Бу унинг ҳалокатининг фақат бошланиши эди.

Одамлар Лагосга нафрат билан қарар эдилар. Чунки уни ҳайдаб кетишларидан бир неча соат олдин бутун Даҳшурда шундай бир хабар тарқатилган эди: кенг даладаги экинларга биров ўт қўйибди. Ёнгин ундаги ҳамма жонли нарсани қийратибди; на дарахт қолибди, на мева. Бу хабарни Даҳшурга бир номаълум отлиқ сарбоз тарқатиб кетган эди. Ёнгин чиққан далага кўплаб солдатлар келди. Қоронғу тушганига алла палла вақт бўлган бўлса ҳам, Лекин қишлоқда ҳеч кимнинг кўзига уйқу келмади. Охири, солдатлар қайтиб келишди. Уларнинг олдида қўли боғлиқ чўпон йиғит борар эди.

— Мана ҳссил ўғриси! — қичқирарди солдатлар. — У ўзининг жиний изларини бекитмасқ ва одамларнинг шубҳасини чалғйтмоқ учун далага ўт қўйиб юборган.

Даҳшур аҳолиси солдатлардан сўради.

— Ёнгиннинг олдини олиш учун сизлар қандай чора кўрдингиз, ахир, бутун Даҳшур ёниб кетиши мумкин-ку?

Солдатлар жавоб берди:

— Биз ёнгинни ўчирдик, у энди қишлоққа таҳдид қилмайди.

Даҳшурда ҳеч ким ҳақиқатдан хабардор эмас эди: судьянинг буйруғига мувофиқ, отлиқ сарбозлар қизнинг уйи атрофидаги экинларни йиғиб олдилар, йиғиб олинган донларни чўпон кулбасига яқин бир жойга уйиб, далани ёндириб юбордилар. Судьянинг буйруғига мувофиқ, ҳалиги отлиқ сарбоз, бир тўда солдатни чўпон кулбасига бош-

лаб келиб, ўғирланган донни кўрсатиб, Лагосни қамоққа олинганини ва уни ёнғин чиқишидан сал олдин даладан қайтиб келаётганини кўриб қолдим, деб қасам ичганини Даҳшурда ҳеч ким билмас эди. Отлиқ солдат ўз ролиги жуда моҳирлик билан ўйнаган эди.

Судья тузган ёвуз планнинг биринчи қисми ана шундай бажарилди.

Эртаси эрталаб Ардикас ўз «Адолат маҳкамаси»га кетаётганда, бармоғидан ҳақиқат узугини суғуриб олиб бир қутига бекитди ва унинг ўрнига тоза олтиндан қилинган бошқа бир узукни тақиб олди. Ардикас узукка қараб: «Бу узук менинг бармоғимни сиқмайди ва уни узиб ҳам туша олмайди» — деди. Шунда унинг хаёлига жуда ёмон фикрлар келди.

Судья маккорона табассум билан «Адолат маҳкамаси»га жўнаб кетди. У гуноҳсизларни аниқловчи ва жиноятчиларни жазоловчи адолат овози доимо янграб эшитилган муқаддас жойга чиқди.

Солдатлар қўл-оёғи кишанланган Лагосни судья қаршисига олиб келиб, рўбарў қилдилар.

Ардикас чўпондан сўради:

— Сен донни ўғирлаб, ўз жинойи ишингни бекитмоқ учун далага ўт қўйиб юбордингми?

Лагос унга жавоб берди:

— Йўқ, жаноб! Мен ўғри ҳам эмасман, далаларни ёндирувчи ҳам эмасман. Мен найчиман; най садоси билан юрагимнинг қайғуларини баён этаман...

Бу сўзларни эшитган судья, қиз уйи олдида узоқдан эшитилган най овозини, унинг ёлворган майин ноласини, шамол қанотида учиб келган бу мунгли овоздан Клара-нинг сесканганини эслади...

Ўз ҳаяжонини яширишга тиришиб судья:

— Сувори солдатлар ва гувоҳлар чақирилсин! — деб буюрди.

Отлиқ сарбоз ўзи ва судья томонидан тўқилган тайёр ёлғонни гапирди: ёнғин чиқиши олдидан чўпоннинг чопиб даладан қайтаётганини ўз кўзим билан кўрдим, деб қасам ичди. Солдатлар эса, ўғирланган донларни чўпоннинг уйи олдидан топганларини айтдилар.

Судья чуқур ўйлаётгандай бироз жим туриб, сўнгра деди:

— Лагос ўғирлик устида қўлга тушган! Бундан ташқари, у шундай гуноҳ ҳам қилганки, бу ўғирликдан ҳам

оғир: у кенг далага ўт қўйиб, Даҳшур қишлоғининг бир йиллик ризқи-рўзини қуритган. У бизни бир йил очлик ва муҳтожликка маҳкум қилди.

Судья оддий узук таққан қўлини кўтариб сўзида давом этди:

— Лагосни ўлим жазосига ҳукм этаман!

Суд маросимини кузатиб турганларнинг кўзи судья бармоғидаги узукда эди. Ҳамма секин нафас оларди.

— Мана узук бармоғимни сиқмаяпти,— деди судья.— Демак, бу одам жиноятчи, қатл этилиши керак.

Шу маҳал янграган овозлардан деворлар ларзага келди:

— Яшасин Ардикас! Яшасин одил суд. Лагос жаҳаннамга кетсин. Ардикас соғ ва саломат узоқ йиллар умр кўрсин!

Шу лаҳзада Ардикас одамлар ичида ранглари оқариб кетган Кларани кўриб қолди. У бирдан сесканиб тушди. Бутун вужуди безгакдай қалтираб кетди. У ерга тикилганча «Адолат маҳкамаси»дан чиқди. Табриклаган турли овозлар уни узатиб қолди. Судья чўпонни солдатлар қўлига топшириб, ўзи уйга кетди, улар судья чиқарган ҳукмни ижро этишлари керак эди.

Лагос устидан чиқарилган ҳукм ижро қилинаётганда Ардикас Даҳшурнинг жазо майдонига ҳам чиқмади. У виждон азобидан қўрқди.

Шу чоқ унинг кўз ўнгида, ўзининг ажойиб гузаллиги билан яшнаб, Клара намён бўлди; Ардикаснинг юрагида яна ўша эски эҳтирос уйғонди; бу эҳтирос уфқда ботаётган қуёшнинг сўнгги нурларини ютиб юборган оқшам сулматидай, ундаги заиф виждон азобини ютиб юборди.

Даҳшур майдони мамлакатнинг ҳар томонидан келган одамлар билан тўла эди. Бунда чоллар ва болалар, хотинлар ва эркаклар, йигитлар ва қизлар бор эди. Улар бир-бирларини итаришиб жазо жойига яқинроқ боришга интилар эдилар. Лагос осиладиган дор яқинида бир чол билан Клара ҳам турарди.

Солдатлар Лагосни дор остидаги курси устига чиқардилар-да, бўйнига сиртмоқ солдилар ва курсини тепиб юбордилар. Бирдан ҳамма қичқирди: «Лагоснинг жони жаҳаннамга борсин! Яшасин адолат!»

Дор яқинида турган ҳалиги чол ҳушидан кетиб йиқилди, Клара эса, белидан ханжар суғуриб олиб ўз кўкрагига санчди. Халойиқ уларнинг тепасига йиғилди. Чол аллақачон ўлган, қиз эса ҳали жон талвасасида эди...

— Илган чол Лагоснинг отаси, Клара унинг севган ёри
— ни Даҳшурда ҳамма билар эди. Қиз, севган ёридан
— бо яшагандан кўра, ўлишни афзал кўрди. Даҳшурлик-
— шу куни қабристонга бирдан уч ўликни олиб бориб
— билар.

— Ун қоронғуси чўкди. Судья куни бўйи уйдан чиқмади.
— аи чолнинг ўлимини ва қизнинг ўз-ўзини ўлдирганини
— ииб айтдилар. Бу хабар унга худди яшин ургандай
— сир қилди ва юрагига газзб тўлиб кетди. У одат бўйича
— кеч келадиган кишиларни ҳам қабул қилмади. У
— ларани тирилтиргиси, унга шундай деб қичқиргиси келар-
— : «Сен ўрмоннинг ҳуркак кийиги, мендан қочиб қутула
— лмайсан. Мен нима истасам шуни қиламан, сени бу иста-
— мдан ўлим ҳам қутқаза олмайди».

— Даҳшур алақачон уйқуга кетган. Фақат судья уйроқ.
— Темир исканжа унинг юрагини қаттиқ сиқарди. У вақтнинг
— қанча бўлганини ҳам унутиб қўйди. Гўё унга ҳамма ёқ
— қоп-қоронғу, бирорта ҳам чироғ кўринмас, уйда ҳеч ким
— йўқдай эди.

— Шу маҳал Ардикаснинг қулоғига бир нидо эшитилди.
— Овоз чиққан қоронғу бўшлиқдан ингичка гавдаси чўзилиб,
— олов бошлари ёниб, узун-узун қўллари шалвираб бир нарса
— чиқиб келди. Ардикаснинг нафаси чиқмай қолди. У қич-
— қирди:

— Кимсан?

— Узукнинг хизматкориман. Тўғриси унинг кўп сонли
хизматкорларидан бириман.

— Нима истайсан?

— Сени судга олиб бормоқчиман.

— Қандай суд? Қаерга?

— Буни тездан ўзинг биласан, ўз бурчига хиёнат
қилган судья!

— Шунда кўзга кўринмайдиган икки қўл уни кўтариб,
зулмат ичига олиб кирганини сезди. Унинг юраги қаттиқ
уриб кетди. У фарёд қила бошлади:

— Даҳшур аҳолиси, раҳмингиз келсин, мени қутқа-
зинглар!

— Қоп-қоронғу тун. Ҳамма ёқ зимзиё. Ой яширинган.
Юлдузлар ҳам ғойиб бўлган. Ардикас кўзига узукнинг
хизматкори ва унинг олов бошидан бошқа нарса кўринмас
эди. Ниҳоят, ҳалиги кўзга кўринмас қўллар судьяни ерга
қўйди. Ардикас ерга оёғи тегиши билан сўради:

— Қаерга келдик?

— Қабристонга,— деб жавоб берди узукнинг хизматкори.— Бу ерда сенинг қурбонларинг ётибди, Ардикас, Логас, унинг отаси ва Клара шу ерга дафн қилинган. Энди қаерда турганингни англадингми? Тўрт томсингда олов ёнмоқда. Унинг алангаси борган сари кучаймоқда. Бу олов сен қурбон қилган одамлар чеккан қайғуларнинг ўти. Шу олов ёруғида, эй иблис сотқин, сенинг судинг бошлади. Мана бу дарахтни кўряпсанми?

Ардикас қўрқиб қаршисидаги мағрур турган дарахтга қаради. Унинг бир шохига олтин узук осиглик эди.

— Бу — ҳақиқат узуги,— деди узукнинг хизматкори ва яна бирдан Ардикасни титратган гулдурас овоз билан бақирди:

— Суд келяпти...

Мана шу нидо билан қабрлардан бири очилиб кетди ва ундан оқ кафанга ўралиб бир мурда чиқди. У кафанини тилка-пора қилиб, дарахт тагида турган узук хизматкори ва Ардикас ёнига борди. Шу чоқ бирин-кетин яна икки қабр очилди, булардан ҳам яна икки мурда чиқди. Олдинма-кетин булар ҳам ҳалигиларнинг ёнига борди. Буларнинг ҳаммаси Ардикас қаршисида мағрур турдилар. Узук хизматкори хитоб қилди:

— Эй сиз, қурбонлар! Юзингиздан ниқсбингизни олинг!

Ардикас ҳушидан кетиб ерга йиқилди: у марҳумларнинг учаласини ҳам — чўпон Лагосни ҳам, унинг кекса отасини ҳам, гўзал Кларани ҳам таниди. Булар Ардикасни суд қилишлари керак эди.

Узук хизматкори Ардикасни ҳушига келтирди.

— Сен менинг бошимга,— деди судья-чўпон,— тухмат ёғдирдинг, ҳеч қандай гуноҳим йўқлигига қарамай, мени ўлимга ҳукм қилдинг.

— Сен ўз нафсингни қондиришга интилдинг,— деди Клара,— лекин сен бунга эриша олмадинг. Сен билар эдингки, мен Лагосни ва у чалган найнинг мунгли садалярини севардим, шунинг учун сен уни ўлдирдинг.

Шундан сўнг узук хизматкори гапирди:

— Сен дуохонни ўз ҳузурингга чақиртирдинг, Ардикас, у сенга чўпонни қизинг юрагидан суғуриб ташлаш керак деб маслаҳат берди. Сен, унинг маслаҳатига қулоқ солибгина қолмай, ўз сарбозларингдан бирини ярамас иштингни амалга ошириш учун, айғоқчилик қилишга, ёлгон гапиршга, ҳатто жиноят қилишга мажбур этдинг.

— Мен у зарбани кўтара олмас эдим,— деди секингина чол,— шу заҳотиёқ, менинг юрагим тарс ёрилиб кетди.

Ардикас қўрқув ичида нима қилишини билмэй лол бўлиб қолган эди. Орага мудҳиш бир жимлик чўкди. Дарахт томондан овоз эшитилди:

— Сен ўз қасамингни буздинг, Ардикас. Сен менга ва ўз бурчингга хиёнат қилдинг. Адолатга хиёнат қилдинг. Ардикас овоз чиққан томонга қаради.

— Ҳақиқат узуги гапиряпти,— деди узук хизматқори,— ўз ифлос ниятингга эришмоқ учун бармоғингга сохта узук тақиб, муқаддасликни ҳақорат қилганингни ҳақиқат узуги гапиряпти. Энди судьянинг гапларини эшит.

Чўпон деди:

— Мен ўзим кечирган осойишта ҳаёт ҳақиға, мен мадҳ этган севги ҳақиға, найимнинг нафис мунгларини олиб учган тун шамоли ҳақиға, тоза номимга, сен сўндирмоқчи бўлган пок ҳисларим ҳурматига онт ичаманки, сен ўлимга мустаҳиқсан!

Отаси деди:

— Ваҳшиёна жиноятнинг билан ўлим зарбасига учраган оталик ҳурмати учун онт ичаман, сен тўзитиб юборган ҳоким ҳурмати онт ичаманки, сен ўлим жазосига мустаҳиқсан!

Қиз деди:

— Юрагимда чўпонга бўлган тоза муҳаббатим ва ҳаётим шами ҳурмати онт ичаман, Лагосни ўлдирган эй адолатсиз суд, менинг танимдан завқланмоқ ва мени шармандайи шармисор қилмоқ истаган эй шаҳватпараст, мен ҳам сенга ўлим жазосини талаб қиламан!

Дарахтнинг янграган овози эшитилди:

— Сен қабихлик билан поймол қилган шон-шарафим ҳурмати, муқаддас адолат ҳурмати, адолатли суд ҳурмати онт ичиб, мен ҳам сенга ўлим жазосини талаб қиламан!

Узук хизматқори сўради:

— Ардикасга ёрдам берган отлиқ аскарнинг тақдирини пима бўлади?

Узук жавоб берди:

— У ўз қилмишлари учун бошқа суд олдида жавоб беради. Ҳозир жиноятчининг қўл-оёғини боғлангиз.

Узук хизматқори Ардикаснинг қўл-оёғини боғлаб, баландга кўтарди. Ардикас бир оғиз ҳам сўз айта олмади. Уч қурбон шу маҳал қуйидаги манзарани ўз кўзлари билан кўрдилар: дарахт шохидаги узук кенгайди, узук хизматқори

уни Ардикаснинг бўйнига кийгизди, узук сиқа бошлади ва у, жиноятчининг кўзлари косасидан чиқиб бўғилиб ўлгунча, қаттиқ сиқиб турди...

Эрталаб қабристонга келган кишилар дарахт шохига осилиб ётган жасадни кўрдилар. Бу хабар бир нафасда Дахшурга ёйилди. Югуриб келишган қишлоқ аҳолиси дарахт шохига осилиб ётган ўз судьяларини кўриб танидилар. Унинг бўйнидан олтин узук бўғиб турарди. Дарахт тагида эса, уч гуноҳсиз қурбоннинг жасадлари ётарди.

Узоқдан ҳалиги қудратли овоз эшитилди:

— Дарахт шохидати ҳақиқат узугидир, у ўз бурчига хиёнат қилгани учун судьяни бўғиб ўлдирди. Судья ҳақиқатан лаънатларга сазовордир.

* * *

Бу эртақ оғиздан тушмай, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Қабристон қоровулининг айтишига қараганда, Ардикас суди ҳозир ҳам ҳар кеча такрорланар эмиш ва дарахт танасини ювиб шовиллаб қон оқиб тушар эмиш. Бу қоровул, суднинг ҳар кеча такрорланишини ўзидан олдин ўтган қоровулдан ҳам эшитган эмиш ва ҳозир ҳам буни ўз кўзи билан кўрган эмиш.

Қоровулар яна шу нарсани таъкидлайдилар: дарахт ўзининг қип-қизил рангини шунинг учун сақлар эмишки, у ҳар тонгда Ардикасга ўхшаган адолатсиз судьяларнинг қонига бўялар эмиш, аммо буни, куи чиқиши билан кўзга кўринмаслиги сабабли, одамлар пайқамас эмишлар.

НАБАВИЯ

Бирер киши борми, мен унга Набавия тўғрисида, унинг ҳаётини чилпарчин қилган мудҳиш ўтмиши ва чексиз изтироблари тўғрисида ҳикоя қилиб берсам? Набавияни биладиган ва унинг маконини кўрсатиб берадиган кимсани қаердан топсам экан? Мен учиб-қўниб унинг олдига борган бўлардим, албатта.

Унинг синиққан чеҳрасини эслаганда, кўз ёшларим оқиб, нафасим қисилади. Мен Набавияни ҳаёт гирдобиди йўқотиб қўйдим, уни зулмат алаmidан ажратиб ололмадим. У ғойиб бўлди... қаерга? Балки ажал унинг ҳақоратланган танаси ва таҳқирланган, азобланган жонига раҳм қилиб,

изтироблардан халос этгандир? Балки у ўз жафокорларининг шаҳвоний ҳирсини қондириб, шу чиркин жамиятда машаққат билан кун кечираётгандир? Ғалати бир ички овоз менга Набавия ҳозир ҳам тирик деб шивирламоқда. Агар сизлардан бирортангиз қорачадан келган, озгин, ёқимтой ҳуркок шахло кўзли қизни кўрсангиз, сизлардан ўтинаман, уни менга кўрсатинглар: ўша қиз Набавия бўлади. Одамлар, сизлардан илтижо атаман, нимани яхши кўрсангиз ўшанинг ҳурмати, агар ўшанақа қизни учратсаларингиз, менга уни кўрсатинглар...

Қасамёд қиламанки, агар уни яна учратиб қолсам, унинг халос бўлиши учун қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан. Мен унинг йўлида кўндаланг туриб олиб, бузилиб кетишига асло йўл қўймайман. Бу сўлгин гул ҳаёт сувидан баҳраманд бўлиши учун мен қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан. Сен, ҳозир қаердасан, Набавия? Балки сен ифтингни барбод этган, яноқларингнинг гул чиройидан маҳрум қилиб, болалигингни поймол қилган ва сенинг ғамгин ёшлигингни булғатган кишилардан даҳшатли ўч олишга тайёрланаётгандирсан.

Бирор киши: «Хўш, нима қилибди? Ҳаётимизда Набавияга ўхшаган кишилар кўп-ку!» дейиши мумкин.

Мен бундай одамга, киши турмушини чилпарчи қилган бу жамиятни пойдеворигача ер билан яксон қилиб ташласанг ҳам арзийди деб жавоб бераман. Чунки бу жамият гулни тиканга, покликни ифлосликка, олижанобликни қабихликка айлантиради. Мен одамларга Набавия билан қандай учрашганимни, унинг шикастланган турмушини айтиб бермоқчиман, холос. Ўзим шунинг гувоҳи бўлдим, ҳар ким ҳам менинг алашим ва ғазабимни тушунади.

* * *

Мен юридик факультетида ўқирдим, Фавзи исми ошнам бор эди. Баъзан бирга дарс тайёрлаш учун унинг олдига келардим, баъзан сайр қилардик, суҳбатлашардик, хаёл сурардик. Икковимизда ҳам оддийгина жиҳозланган чоққина хонамиз бор эди. Вилоятлардан билим олиш учун пойтахтга, университетга келган деярли барча студентлар шунақа хоналарда яшашарди.

Кунларнинг бирини мен Фавзиникига келдим ва кийимларини йиғиштираётганини кўрдим. Мен ундан бирор воқиа

юз бердими, деб сўрадим. У жавоб бериш ўрнига Набавияни чақирди.

Эшикдан қишлоқча кийинган, қора сочларини орқасига ташлаб олган, нозик, буғдой рангли қиз қўрқа-писа кириб келди. Фавзи унга кийимларни олиб кетишни буюрди.

Мен сўрадим:

— Кир ювувчимиз?

Фавзи жавоб берди:

— Йўқ, ювиб бермоқчи бўлди, аммо у қанақа қилиб ювади, ҳали билмайман.

Набавия бир уюм кийимларни ванна хонасига олиб кетмоқчи бўлиб энгашди, аммо бизнинг гапимизни эшитиб:

— Ишонаманки, ишимдан мамнун бўласиз, афандим ва ҳатто дўстларингизга тавсия этишингиз ҳам мумкин...— деди.

Мен куи бўйи Фавзиникида бўлдим. Кетиш олдимдан Набавиядан менинг кийимларимни ҳам ювиб берсангиз деб илтимос қилдим.

Жума куни Набавия келди... Устидаги кийими йиртиқ бўлиб, елкаси кўриниб турарди. Унинг изтиробли юзи ва ҳорғин кўзлари кечани уйқусиз ўтказганидан далолат берарди. Мен уни ортиқ чарчатишни истамадим. Агар ёнимда дўстим Фавзи бўлиб, у билан ўз фикрларимни ўртоқлашсам, у: «ҳиссиётпарастлигингни ташла, бу сенинг хаёлинг. Аслида эса ҳеч гап йўқ» деб жавоб берарди, албатта.

— Балки кейинроқ ювиб берарсан?— сўрадим Набавиядан.

— Ювиб беришга келдим, афандим,— жавоб берди у.

Унинг овозидан ва кўзларидан қандайдир кўрқув борлиги сезилиб турарди.

Мен унга:

— Ахир, сен чарчагансан-ку,— дедим.

У таажжубланиб қўрқа-писа қайта сўради:

— Чарчагансан дейсизми?

— Чарчаганлигинг юзингдан кўриниб турибди. Шу топда ювишнинг ҳеч қандай зарурияти йўқ.

— Аммо мен...

— Мен сенга пул бераман, бошқа ҳеч иш қилма.

Қувончдан унинг чеҳраси очилиб, кўзлари ёришиб кетганини кўрдим. У ёнгинамга полга ўтирди. Мен ундан:

— Нонушта қилдингми? — деб сўрадим.

У «ҳа» деб жавоб берди.

Аммо унинг ёлғон гапираётгани кўриниб турарди.

Мен унга, қорним оч, бориб нон ва лўвия харид қилиб кел, деб илтимос қилдим.

Биз овқатланиб бўлгач, Набавия:

— Афандим! Балки сиз мени ўзингизга чўри қилиб оларсиз? Овқат тайёрлаш, пол ювиш, хонани саранжом-саришта қилиш, кийим ювиш қўлимдан келади. Мен ҳамма ишни, ҳаммасини қиламан. Ахир сиз... ҳеч кимингиз йўқ, ким сизнинг хизматингизни қиларди?— деди.

Мен имконият борлигини ўйладим ва ундан:

— Неча пул оласан?— деб сўрадим.

У менга:

— Ҳеч нима, бироз овқату, тунайдиган бурчак бўлса бас,— деб жавоб берди.

Шундан кейин мен унга ойига эллик пиастра бериб тураман деб айтдим.

Шундай қилиб Набавия меникида қолди.

Машғулотлардан кейин университетдан қайтиб келгач, хонанинг саранжомлиги ва яхши овқатнинг менга маҳтал бўлиб турганини кўриб, жуда хушвақт бўлардим.

Авваллари Набавия менга кўпроқ ёлғон гапирарди. Бир куни мен ота-онанг борми деб сўрадим. У, отам Мансур шаҳрида, онам Қоҳирада яшайди деб айтди... Кейин билсам Набавия отасини ҳам онасини ҳам билмас экан...

Бошқа бир куни у менга яхши кўрган йигитим бор, у ҳунар мактабида ўқийди, аммо ота-онаси мени ундан воз кетишга мажбур қилди деб айтди. Набавия йигит тўғрисида кўп гапирарди. Унинг ташқи кўринишини батафсил чизиб, кинога қандай таклиф этганини, қандай совға қилганини эсларди, шафқатсиз қисмат севимли кишисидан жудо қилгани учун аччиқ-аччиқ йиғларди. Кейин маълум бўлдики. Набавиянинг ҳеч қандай яхши кўргани ҳам йўқ; афтидан ҳаётини беэаб кўрсатиш иштиёқи уни ёлғон гапиришга мажбур этган.

У ўзини бошқа қизлардан қолишмаслигига, онаси, отаси, яхши кўргани борлигига, уларнинг яхши ва бадавлат кишилар эканлигига мени ишонтирмоқчи бўларди.

Мен унинг ёлғончилигини кечирардим. Ҳатто ўзимни унинг гапларига ишонган киши қилиб ҳам кўрсатардим. Мен ғазабланмасдим, чунки унинг ҳаёти камситилиш билан тўлиб-тошганди. Шунинг учун мен бу жафокаш қиз ёлғон гапириб, ўзини камситилишдан ҳимоя қилмоқчи бўлаётганига ишонардим.

Кунлардан бир кун уйимга яқинлашганимда Набавия-

нинг паст товуш билан: «Э, тун! Кўп бахтсизларни ўз чодиринг билан ўрайсан. Фақат сен, сирли тун, бир бурда пон учун ўз номусларини сотувчи қизларнинг оламда қанчалик кўп эканини биласан!» деб ашула айтаётганини эшитдим.

Қизнинг аламли ашуласи зимзиё тун жимжитлигида шабада қанотларида елиб узоқларда ғойиб бўларди.

Мен ундан:

— Сенга нима бўлди, Набавия?— деб сўрадим.

— Шундай, ўзим!

У аччиқ-аччиқ йиғлади.

Қўярда-қўймай мен Набавияни қайғу-ҳасрат ва изтиробларининг сабабини айтишга мажбур қилдим. Мен қуйидагиларни эшитдим.

Набавия отасини ҳам, онасини ҳам билмас экан. У қартайган бир кишининг уйида яшаганлигини, хўжайин ва унинг хотини унга ҳадеб қичқираверганини эсларди. Агар улар бирор нарсадан кўнгиллари тўлмаса уни ношукур банда, ялқов деб таъна қилишар ва раҳмимиз келганидан сенга бошпана бердик деб айтишарди.

У тонг отарда туриб пол ювар, лўвия, нон харид қилар, нонушта тайёрлар, хўжайиннинг кўнглини овлар, бекасининг буйруқларини бажарар эди. У тун яримдан ошганда тонг сал ёришиши билан ўрнидан туриш учун коридорда, полда ётиб ухларкан...

Бир куни кечқурун бекаси Набавияга чой дамлашни буюрди. Набавия чойнакни қўлидан тушириб, синдириб қўйди. Бекаси беҳад ғазабланди, юзлари қип-қизариб, кўзларидан ғазаб учқунлари сочди-да, Набавияга ташланди ва уни ваҳшийларча ура бошлади. Қизнинг дод-войи бекасини янада аланглатиб юборди. У Набавияни сочидан тортиб судради, кейин уни бурчакка улоқтирди, узун чилвир топиб, қўлоғини боғлади, сихни олиб оловга тиқди...

Набавия қўрқувдан титрарди. У яна нима бўлишини, яна қандай азоб беришларини билмасди. У қўл-оёғи боғлиқ ҳолда қутирган бекасини даҳшат билан кузатиб ётарди. Бека қизиган темирни оловдан олиб: «Мен сенга ўргатиб қўяман! Энди сира бунақа қилмайсан!..» деб Набавиянинг оёғига босди.

Набавия оғриқдан ғужанак бўлиб ошхона бурчагида ётарди. У юмма-юмма йиғлаб кечани ўтказди. Эртанги кун ҳам кечасидагидек ана шундай азоб билан ўтди. Қоронғу тушгач, Набавия куйдирилган оёқларини авайлаб, секин кўчага чиқди.

У ўн икки ёшда эди. Унинг борадиган жойи йўқ... У совуқдан қалтираб, тротуарда ўтирарди, оёғидаги жароҳатдан қон томиб турарди...

Унинг олдида полициячи келиб:

— Бу ерда нима қилиб ўтирибсан?— деб ўшқирди.

У қўрқиб жавоб берди:

— Шундай, ўзим. Ухламоқчиман, ухламоқчиман...

Полициячи унинг юзига тикилди. У олдида турган кимса ёш қизча эканлигини кўриб, уни суриштира бошлади ва нима бўлганини билиб олди. Набавия ҳаддан ташқари қўрқиб қолган ва азобланган эди.

Полициячи унга:

— Юр, мен билан. Меникида яшайсан...— деди.

Набавия итоаткорлик билан унинг кетидан кетди... Улар узун кенг кўчадан боришарди, кейин эгри-бугри тор кўчага бурилишди, айланма зинадан юқорига кўтарилишиб, икки хонали уйга киришди. Полициячи чироқни ёндирди-да, унга:

— Ётиб ухлайвер, мен эрталаб қайтаман,— деди.

Набавия полициячининг шундай муравватли киши эканлигига, раҳм-шафқат қилганлигига аввал таажжубланганини айтиб берди. У полициячи ўз уйига олиб келганига ҳайрон қоларди.

У аста-секин ўзини босиб олиб, хонани кўздан кечира бошлади. Хоналарнинг бирида катта кроватъ, гардероб, диван, полга тўшалган бўйра ва чироқ, иккинчисида иккита юмшоқ диван ва учта стул бор эди, деворларига бир неча расм осиб қўйилганди.

Кўп ўтмай у ҳорғинликдан толиқиб, қаттиқ ухлаб қолди...

Мен ундан:

Ҳунар мактабининг студенти сенга унашиб қўйилганмиди деб сўрадим:

У менга:

— Йўқ, мен ёлғон гапиргандим,— деб жавоб берди.

— Ҳозир-чи?

— Ҳозир ёлғон гапираётганим йўқ. Ҳаммаси тўғри.

Унга ҳамиша тўғри гапиришингни истардим деб айтдим.

У менга:

— Мен, ҳунар мактабининг студентига тегишни истардим. Мен ота, оналик бўлишни, мен бахтлиж бўлишни истардим,— деб жавоб берди.

У жим қолди.

Мен ундан:

— Сен ҳозир яна бирор уйдирма тўқимоқчидирсан? — сўрадим.

— Йўқ. Нега мен сизга ҳаммасини рўй-рост айтмайин? Сиз олий ҳимматсиз, афандим. Эрталаб полициячи қайтиб мени уйғотди. У нон, пишлоқ, редиска, хурмо ва гўшт олиб келди... Мен, ҳаммасини батафсил айтиб беролмайман, афандим, фақат шуни айтайки, бу полициячи менинг иффатимга тегди, мен эса ўша вақтда эндигина ўн икки ёшга кирган эдим. У мени ўз ўйнаши ва чўрисига айлантириб олди.

— Нима деяпсан ўзинг!— деб сўрадим мен.

— Ҳа, ҳаммаси тўғри, афандим.

— Кейин-чи?

— Кейинми?— жавоб берди Набавия.

— Ахир бу қандай содир бўлиши мумкин, Набавия?

У бошини қуйи солди, гапни давом эттиришга унинг мажолли етмасди.

— Унинг уйида қандай яшадинг? — сўрадим мен яна.

— У кўчага чиқишимни тақиқлади. У ҳамма нарсани ўзи олиб келарди, гулдор косинка, кўйлақ совға қилди, ҳатто ботиқка ҳам олиб берди. Аммо у, агар уйдап чиқа кўрсанг ўлдираман, деб огоҳлантириб қўйди.

— Ундан кейин нима бўлди?

— Мен чиндан ҳам ўлдиради деб қўрқардим, афандим, шунинг учун униқидан кетарман деб ҳеч ўйламагандим. Лекин бир куни қишлоқдан қариндошлари келиб қолди. У мени уларга чўрим деб тушунтирди. Уларнинг ўзаро гапидан билдимки, қариндошлари унга қайлиқ топишибди, ўзи ҳам рози экан... Шундан кейин менга қўпол муомала қила бошлади, афтидан ўзига нисбатан менда нафрат уйғотмоқчи эди.

— Хўш, кейин?

— Кейин мени уйдан қувди, агар бирор кишига номуслигга текканимни айтсанг ўлдираман деб таҳдид қилди. Мен кетдим... Кўчаларда кўп сандироқлаб юрдим. Чарчаганимдан оёқларим майишиб кетди. Шу пайт бир хотинга дуч келдим. Мен унга, чўри бўлиб ишлашга тайёрман деб айтдим. У менга кир ювувчи бўлиб ишлашимни маслаҳат берди ва Қоҳирадаги келгинди студентлар яшаб турган маҳаллаларни кўрсатди. Мана, мен уларнинг қирларини ювиб юрибман...

— Сен фақат уларнинг кийимларини ювиб берардингми?

— Улар мендан ортиқроқ талаб қилардилар...

У лабларини қисиб, бир неча минут жим қолди, кейин алам билан шундай деди:

— Қўлимдан нима ҳам келарди? Мен, ҳам бахтсиз ҳам ҳимоясиз эдим.

Полициячиниқида кўп яшадингми?

— Роса бир йил.

— Қаерда?

— Йўқ, йўқ! Қаердалигини айтмайман!.. Қўрқаман...

— Ихтиёринг.

— Мен илгариги хўжайинимнинг уйдан кетмаслигим керак эди. Аммо улар мени калтаклашди...

— Қачондан бери кир ювиш билан шуғулланасан?

— Полициячиниқидан кетганимдан кейин, роса бир йилдан бери.

— Хафа бўлма, Набавия! Агар сен бу ерда, мениқида, яшашни истамасанг, мен сени қишлоққа ота-онамнинг сдига жўнатишим мумкин.

— Овқатландингизми, афандим?

— Ҳа. Сен-чи?

— Менми? Овқат егим келмаяпти.

— Яхши. Бор, бориб ёт.

Мен шипга тикилганимча бу қизнинг фожнали қисмати ҳақида ўйлаб, анчагача ухлолмасдан ётдим. Мен уни фалокатлардан, одамлик қиёфасини йўқотган кишилардан қутқариб қолишни истардим. Унинг ўқтин-ўқтин йўталиши мени ташвишлантирар, хафа қилар эди...

Тонг отди. Кечаси ухлолмаганимдан эрталаб ўрнимдан жуда мадорсиэланиб турдим. Набавия ҳали ухлаб ётарди. Мен уни уйғотишни истамадим, кийиниб ташқарига чиқмоқчи бўлдим. Тўсатдан эшикни тақиллатишди. Бу Фавзи экан.

— Э, салом. Қадамларига ҳасанот!

— Қаерга бормоқчи эдинг?

— Университетга.

Дўстим қаҳ-қаҳ уриб кулди ва деди:

— Бугун бўш кун. Кинога борамизми?

Мен барвақт турганимга ачиндим. Эшикдан чиқаётганимизда Фавзи тасодифан, юпқа одеялга ўраниб гужанак бўлиб бурчакда ётган Набавияни кўриб қолди.

У жуда ажабланган ҳолда:

— Бу ким?— деб сўради.
— Набавия...
— Яша-э! Ниҳоят амалиётчи бўлиб қолибсан.
— Нотўғри гапиряпсан, Фавзи.
— Ундай бўлса, мен ундан ўзим сўрайман.
— Биласанми, Фавзи, бунақа ёмон гаплар мени ранжитади.

У менинг жаҳлим чиққанни кўриб:

— Билганингни қил, дўстим, идеалистлигингча қола-вср,— деди.

Бироз ўзимни босиб олгач, унга бечора кечаси билан йўталиб чиқди дедим.

— Йўталиб чиқди? Дарров уйғотгину кўчага ҳайда!

— Йўқ, мен уни докторга олиб бораман.

— Қизиқ одамсан-да. Нима қилсанг ихтиёринг ўзингда, албатта, лекин сенга маслаҳатим шуки, дарҳол қувиб юбор. Бу анча яхши иш бўлади.

— Йўқ, уни докторга кўрсатаман, дори-дармон топа-ман, у то тузалгунча ёки ўлиб сизлардан қутулгунича ме-шкида яшайди.

— Сен нималар деб мени айбляяпсан, а?

Фавзи газабланиб хонадан чиқди ва хайрлашаётди:

— Бу ерга қадам қўйганим шу бўлсин!— деди.

Ишонинг менга, мен ҳаётимда биринчи марта дўстимга нисбатан тўсатдан адоват ҳис қилдим. Эҳтимол бу адо-ватнинг сабаби Фавзининг гаплари, унинг Набавияга бўлган муносабати, бағри тошлиги ва худбинлиги бўлса. Фавзига ўх-шаган кишиларда ҳеч қандай ҳис-туйғу йўқ. Бошқаларнинг бахтсизлиги уларга таъсир қилмайди. Улар ўзларининг ҳайвоний ҳирслари билан бўриларга ўхшайдилар.

Мен Набавияни шаҳардаги машҳур врачлардан бирига олиб борганимда тонг эндигина ёриша бошлаганди. Док-тор қизининг касали— энгил бронхит деб айтди. Мен Набавияга доктор сендан бирор жиддий касаллик топол-мади дедим. У менга миннатдорлик билан тикилиб, секин шивирлади:

— Худойим сизни ўз паноҳида асрасин..

* * *

Набавия хомуш ўтирарди. Менга у ўзи эшитган ҳақо-ратларни хотирлаётгандек туюлди. Тўсатдан у қўллари билан юзларини яшириб, аччиқ-аччиқ йиғлай бошлади. Мен ундан:

- Нима гап?— деб сўрадим.
- Билмайман.
- Биласан, албатта.
- Ишонинг менга, билмайман.
- Балки сен, бирор нимани аслагандирсан?
- Ҳа! Полициячи мени шу номуссизлик йўлига бошлаганини ўйлаётган эдим. Агар у менга уйланганда эди...
- Сен уни севармидинг?
- Йўқ, ундан қўрқардим.
- Ундай бўлса сен уни нега ҳозир хотирладинг?
- Мен билолмаяпман, у менга нега уйланмадикин, а...
- Набавия, ўтган ишни ўйлама, келажагингни ўйла.

* * *

Набавия менинг хонамга кўникиб қолди, гарчи бу хона том маънода иссиқ ва шинам бўлмаса ҳам, унга яхши бошпана ҳисобланар эди.

Набавия ҳар куни бозорга бориб сабзавот, гўшт, лўвия, нон харид қилар, овқат тайёрлар ва хонани саранжом-сарништа қилар эди. Ана шу зайилда у бир ой яшади. Унинг юзларига қон югуриб, ўз аслига қайта бошлади.

Бир куни чошгоҳ пайтида кимдир эшигимизни тақилатди.

Набавия бозорда эди. Мен шу куни университетга бормаган эдим, эшикни очдим. Қаршимда қирқ ёшлар чама-сидаги йўғон, пакана, буғдой ранг, кўзлари қисик, катта қора чодирга ўраниб олган бадбуруш хотин турарди. Мен ундан:

— Сизга нима керак?— деб сўрадим.

— Набавияни кўрмоқчиман,— деб жавоб берди у.

— Сиз кимсиз?

— Унинг холасиман.

— Холасиман? Набавия бозорда. Марҳамат, кириг...

— Йўқ, мен бошқа вақтда келарман. Аммо, менинг келганлигимни унга айтиб қўйсангиз.

У кетди. Мен бу хотин тўғрисида ўйлай бошладим. Қизиқ, Набавиянинг меникида яшаётганини у қаердан билибди? Набавия уйга қайтиб келгач, мен ундан:

— Қоҳирада қариндошларинг борми?— деб сўрадим.

У харидларни қўйди-да, индамай юзимга боқди.

— Сен менга отамни ҳам, онамни ҳам билмайман деб айтувдинг-ку, ахир?

- Ҳа.
- Сен менга яна ёлгон гапирмоқчимисан, Набавия?
- Йўқ, афандим.
- Қани айтчи, ҳозир келиб-кетган бу хотин ким?
- У менинг қариндошим эмас, афандим.
- Сен уни қасрдан биласан?
- Бир кун эрталаб мен уни бозорда учратган эдим.

Хотин менинг турмушимни ҳадеб сўрайверди. Мен унга ҳаммасини бошдан-оёқ айтиб бердим. У менга маржон олиб берди ва: «Менга қиз бўлишни истайсанми? Менинг болаларим йўқ» деди.

— Мен сени хафа қилишни хоҳламайман, Набавия, аммо унга ишонгим келмаяпти, менимча, у бузуқ хотин бўлса керак. Ушанга ўхшаш хотинлар ёш қизларни йўлдан оздирадилар.

Шундан кейин Набавия ҳайиқиб сўради:

- Энди мен нима қилай, афандим?
- Сенинг бу хотин билан мутлақо учрашмаслигингни истардим.

— Аммо у мени севади, афандим.

— Соддасан, Набавия!

Ичимда: «Бечора, уни бирор киши севишини шунчалик истайдикки, асти қўявер» деб ўйладим.

Мен Набавиянинг даҳшатли ва аянчли болалигини, унинг шафқатсиз ва шавқсиз ёшлигини эсладим. Мен унинг муҳаббатга ташналигини билардим, ахир у ҳеч қачон ота-онанинг меҳру шафқатини кўрмаган.

Унинг қўмсовчи, қалби ҳатто заррача муҳаббат намоён бўлса, қуёшни қарши олаётган гул каби очилиб кетиши муқаррар эди.

Аммо мен анави хотинга ишонмасдим.

— Нега сен у мени яхши кўради деб ўйлаяпсан, а?

— Унинг ўзи менга айтди. У мени қучоқлади, ўпди.

— Бу ҳақда мен сен билан яна гаплашаман ва ишонаманки, сен менинг маслаҳатларимга қулоқ соласан. Шундайми?

— Сиз нима десангиз шуни қиламан, афандим.

Орадан бир неча кун ўтди...

Бир кун кечқурун Набавия мендан:

— Афандим, онангизни кўрмаганингизга кўп бўлди-ми?— деб сўради.

— Бир неча ой бўлди.

— Жуда соғингандирсиз?

- Нега бу ҳақда гап бошладинг?
- Шунинг учунки, онанинг эркалаши — улур иш.
- Сен қаердан биласан?
- Ўз онамдан..

У бошқа ҳеч нима демади, аммо, назаримда, у ўз сирларини очишга тайёр эди. Аनावи йўгон, бадбашара хотин бсиктиёр ёдимга тушди, аммо мен шу кеча ўз ишларим билан шунчалик банд эдимки, қайтиб Набавия билан гаплаша олмадим.

Бир куни мен университетдан қайтиб келсам, Набавия уйда йўқ экан. Аввалига мен Набавия харид қилгани кетган бўлса керак деб ўйладим, шом бўлиб қолди, лекин ундан дарак йўқ эди. Бу мени ташвишга солди. У қаерга кетиши мумкин? Наҳотки Набавиянинг ғойиб бўлиши ўша хотин билан боғлиқ бўлса? Еки бирор янги найранг ишлатдим? Хаёлларим чувалашиб кетди. Эртанисига мен уйда қолдим. Туш вақти эшик тиқилади, чиқдим ва ўша хотинни кўриб дэнг қотдим. Хотин мендан:

— Набавия қаерда?— деб сўради.

— У сизникида эмасми? Агар уни сиз менга қайтариб бермасангиз сизнинг тўғрингизда полицияга хабар берман.

Хотин таажжубланиб:

— Полицияга? Сен алаҳсираяпсан, яхши йитит. Набавия қани?— деб сўради.

Аёл қичқирди, аччиғи келди...

— Аммо сиз холасиман деб ёлғон гапиряпсиз.

Бу сўзлар уни довдиратиб қўйди. У чодирига ўраниб, кетар экан шундай деди:

— Мен фақат унинг холасигина эмас балки онаси эканлигимни ҳам исботлаб бераман ҳали. Набавия менинг гапимга кулоқ солиши керак...

Орадан тўрт ой ўтди. Набавия қайтиб келмади, ҳатто қачонлардир қайтиб келади деган умид ҳам йўқ эди. Фикран мен унга яхши, покиза турмуш тиладим.

Бир куни кечқурун Набавияни хонамнинг эшиги олдида кўриб жуда ҳайратландим. Унинг кўзлари жовдирар, юзларига эса хижолат соя солган эди.

— Уйга кир!

У жимгина хонага кирди.

— Ўтир! Қаерда эдинг?

— Турмушга чиқдим.

— Ҳатто мен билан маслаҳатлашмабсанда, а?

У менга сизнинг розилик бермаслигингизни айтди...

Ким экан, у?

— Санбо.

— Санбонг ким?

— Мен турмушга чиққан йигит.

— Хўш, энди нима бўлди?

— Энди у мен билан ажралишди.

— Шунчалик тез?

— У менга пул бермади. Кун бўйи оч ўтирдим. Кейин у мен билан ажралишди.

— Ажрим тўғрисидаги справка қани?

— Унда.

— У қаерда?

— У Зайнаб маҳалласида туради.

— Хўп, бўпти. Уни эсингдан чиқар ва бошқа ҳеч кимани ўйлама. Менинг маслаҳатимга қулоқ сол.

— Мен янглишдим, афандим. Мени кечиринг.

Набавия аччиқ-аччиқ йиғлади.

* * *

— Мен-ку Набавияни биринчи марта уйимни ташлаб кетишга мажбур этган сабабни билиб олдим, лекин ҳар қанча уринмайин иккинчи марта ташлаб кетишга уни нима мажбур қилганини аниқлай олмадим. У меникига қайтиб келгач, йигирма кун турди ва кейин яна ғойиб бўлди... Мен унинг ҳатти-ҳаракатини тушуна олмадим ҳам, оқлай ҳам олмадим. Унинг биринчи марта ғойиб бўлиб кетгани сабабли менда пайдо бўлган алам ҳали ёзилмаганди. Мен унинг ўз айбига иқрор бўлишини истардим. Энди эса, бу ишларни ўйласам, мен ўзим жиноят қилгандек бўламан,

Кунлар кетидан кунлар, ҳафталар кетидан ҳафталар ўтиб борарди. Шу зайилда бир йил ўтди...

Хуфтонда Мазбах кўчаси билан уйга қайтиб келардим. Қоронғу эди. Тўсатдан кимдир мени:

— Афандим, афандим — деб чақираётганини эшитиб қолдим. Угирилиб қарагач, Набавияни кўрдим. Мен тааж-жуб билан:

— Набавия? Сенмисан? — деб қичқириб юбордим.

Унинг мурданикидай оқ юзи, қаърига тортган кўзлари, сўлгин лаблари мени донг қотирди.

— Кечиринг мени, афандим.

— Қаерда эдинг, Набавия?

— Сўраманг. Мен...

Мен ўша хотинни эсладим ва сўрадим:

— Холангми?

— Ҳа ўша мени бу ерга олиб келди...

Йўтал унинг нафасини бўғарди. Бу даҳшатли қуруқ йўтал эди.

Мен ундан:

— Мен билан кетасанми?— деб сўрадим.

У менга қаради ва деди:

— Тезроқ кетинг! Йўқса улар сизни ҳам, мени ҳам ўлдиришади.

— Уларинг ким?

— Унинг одамлари. Уша хотиннинг одамлари.

— Йўқ, улар журъат қилолмайдилар,— уни тинчлантиришга уриндим.

— Улар бандит, улар мени, менга ўхшаган қизларни пойлаб юришибди. Улар бизларни ана шу маҳалланинг қоронғу кўчаларида сотишади.

У қаттиқ йўталди. Шу пайт унинг олдига кенг елкали бадқовоқ бир йигит келди ва дағаллик билан:

— Юр, Набавия! — деди.

У Набавиянинг қўлидан ушлаб олди ва уни етақлаб қоронғу тор кўчада кўздан ғойиб бўлди...

ЧУЛОҚҚИНА

Тун... Хуснайин кўчада судралиб бораётир. Гоҳ-гоҳда тани-жони соғ, бақувват кишилар эснашиб ўтирган серқашам автомобилларнинг чироғи кўзларини қамаштиради.

У қўлтиқ таёққа таяниб зўр-базўр юриб бораётир. Ногирон оёғи ерга етмайди. Ночор ҳолда у ёқдан-бу ёққа чайқалади. Қадам босган сайин жони оғриб, оқсайди, шунинг учун кўлапқаси дам узаяди, дам қисқаради. Қовоғи солиқ. Ташвишли ўйлар ичини тирнайди...

Бугун у уйига яна ўша: «Кўрамиз, олло-таоло артага нима етказар экан!» — деган сўзларни эшитиб қайтаётир. У кунда шу сўзларни эшитиб қайтишга кўниқиб қолган. Бу сўзларни унга Абдул Алибек айтди, бу сўзларни унга ҳокимиятни ўз қўлида тутган номдор кишилар айтди. Бева-бечоралар бир бурда нонга эга бўладими-йўқми ўшаларга боғлиқ.

Бироқ олло-таоло шу вақтга қадар Хуснайин қаршисида жила-қурса бирор дарчасини очмадики, у бечора ҳаётга қира олса!

Хуснайннинг ёши йигирмада, бирсқ у ўзини, ёш йигит ҳис қила олмайдигина эмас, балки мен аллақачон ўлган кишиман деган ишончи кундан-кун орта боради. Уни доим ҳар хил саволлар ташвишга солади, бу саволларга у жавоб бера олмайди. Улар кўпайгандан кўпайиб боради, бўгади...

«Олло-таоло менга ҳеч нарса бермайди, беришни ҳам истамайди! Бу ожиз жонни қийнаб юришининг нима кераги бор? Яхшиси ўлимга ўхшаган ҳаётдан воз кечиб, бу дунёдан бош олиб кетган, ҳеч нимани ҳис қилмай, билмай, ўйламай, йўқ бўлиб қўя қолган маъқул...

Мен ҳам эл қатори одамман. Менинг ҳам бошқалар сингари сўзу-истакларим бор... Нега бошқалар севадилар-у, мен бундан маҳрумман? Нега улар гўзалликдан лаззатландилар-у, мен фақат майиб-майриқликни кўришим керак? Улар ҳузур қилиб қўшиқлар тинглайди, мен эса умрбод нола-фиғон эшитаман. Улар ўйнаб кулади, мен ҳам куйида эзиламан. Улар тўқ, мен очман. Уларни ишонч ғайратлантиради, мени шубҳа азоблайди.

Олий савдо мактабини битирдим, диплом олдим. Бироқ Абдул Алибек ёки бошқа бирор бой мени хизматга олишга кўнармикин? Йўқ, менинг ўрнимга улар ўз доираларидан бирор кишини таклиф этишни афзал кўрадилар.

Улар билан менинг ўртадаги фарқ шундаки, улар дипломни насл-насабларга ва пуллари эвазига олганлар, мен эса унга сабот билан, зўр бериб меҳнат қилишим орқали эришдим...

Хуснайн уйи олдига келиб, бу сафар овоз чиқариб такрорлади: «Менинг олий савдо мактабини битириб чиққан деган дипломим бор!»

Йигит эшикни қўлтиқ таёғи билан итариб, ичкарига кирди.

Уни қуюқ, зимзиё қоронғулик қамраб олди. Назарида бу қоронғуликни ушлаб кўрса бўладигандай, гавдаси бу бўғувчи зимистонни зўр-базўр ёриб бораётгандай туюлди... Қўлтиқ таёғининг учи ерга бориб тегди; Хуснайн пастга тушиладиган зинапоя елдига борди ва ертўлага тушди. Хуснайн ана шу ердаги икки хонада ота-онаси ва укалари билан турарди. Бу хоналар қуёш нури ва ҳаводан маҳрум, чунки уларнинг деразаси йўқ. Ер остида дераза нима қилади дейсиз!

Хуснайн қўлтиқ таёғи билан эшикни тақиллатди, Бироздан кейин тунги сукунатни бузиб, эшик гижирлаб

очилди. Остонада шам тутган бир аёл турарди. Сап-сариқ юзини ажин босган, баланд бўйли, қотма суякдор аёл — Хуснайннинг опаси. Унинг сийрак соч тутамлари тартибсиз равишда елкасига ёйилиб ётар, кўзларида қўрқув акс атарди. Улар гўё бу аёлниг янги-янги бахтсизликдан бошқа кутадиган нарсаси йўқ деётгандай бўладилар.

— Қандай яхши гаплар бор, ўғлим? — деб сўради она. Бу сўзларни у энг сўнги кучини тўплаб айтгандай туюларди.

Хуснайннинг боши асабий силкинди.

— Ҳеч бир янгилик йўқ, ойи, — деб жавоб берди у.

Опаси бошқа ҳеч нима демай, эшикни ёпди... У титрарди. Уй ичи зах; шипдан чак-чак сув томар, деворлардан сизиб оқарди.

Бир хонада отаси билан онаси, иккинчи хонада аса саккизта бола, шу жумладан Хуснайн турардилар.

Онаси ўз уйига кириб кетди, лекин кўп ўтмай яна қайтиб чиқди.

— Овқат ейсанми, Хуснайн?

— Йўқ, ойи.

Хуснайн ейман деганда ҳам онаси бир тишламгина қотган пишлоқ билан кулча нондан бўлак ҳеч нима беролмаслигини биларди.

— Хафа бўлма, болам, сен ҳам яхши кунларни кўрарсан. Сабр қил, ҳаммаси тўғри бўлиб кетади! — деди онаси хирллаган товуш билан ва нариги уйга кириб кетди.

Онасининг сўнги жумласи Хуснайннинг миясидан ҳадеганда чиқмади. У стул вазифасини ўтайдиган алланима устига ўтириб, қўлтиқ таёғини деворга тираб қўйди.

Хонада битта кровать (агар уни шундай деб аташ мумкин бўлса) турар, унда болалар ухлаб ётишарди. Биттаю-битта кўрпа ҳамманинг устини ёпмас, шунинг учун, албатта, биронтасининг усти очик қоларди. Деворга қора чироқ ўрнатилган. Ерга чипта ёзилган, хонанинг у бошидан бу бошига тертилган арқонда йиртиқ-ямоқ кийим-бош ссиглиқ турибди. Арқон салгина тебранар, ерга ва кровать устига тушиб турган кийим-бош кўланкаси ўрмаларди. Хуснайнга бу кўлапкалар золимнинг амри билан дорга осилган бегуноҳ кишиларнинг жасадига ўхшаб кўринарди.

«Сабр қил ҳаммаси тўғри бўлиб кетади!» Ахир шундай ҳам унинг бутун умри бошдан-оёқ сабр-тоқатдан иборат эмасми...

Хуснайин ер юзи кишиларни ямлаб ютиб, уларнинг ҳаётини афгор қилувчи даҳшатли аждаҳога айланган йили дунёга келди. У йўқсилларга тақдирнинг оғир зарбаларига бардош беришда мададкор бўлган номусдан бўлак ҳеч нимаси йўқ қашшоқ оилада туғилди. Онаси Хуснайиндан кейин тағин етти бола туғди.

Отаси Абдул Мажид боққол бўлиб, қишлоқда турарди. Кейин у хотини билан Қоҳирага кўчиб бориб, бир бадавлат дўкондорга сотувчи бўлиб ёлланди.

Хуспайиннинг отаси умр бўйи базозлик дўконларида ишлар, шунинг учун бир дўкондордан иккинчи дўкондор қўлига кўчиб юрарди.

Хуснайиннинг бахтсизлиги ҳали ёш бола чоғида болалар палажи билан оғригап кундан бошланди. Онаси навбат кутиб ўтирган беморлар орасидан не-не машаққатлар билан ўтиб, кириб уни врачга кўрсатди. Врач кеккайиб: «Ўғлингга ёрдам бера оладиган дори йўқ, унинг дарди бедаво. Тур жўна!» деди.

Уйига қайтар экан она ўз-ўзича: «Олло-таоло ўзи шифо беради, қайтиб врачлар даргоҳига бориб юрмайман. Болаларим касал бўлса, асло касалхонага бормамайман. Бундан кўра ўлиб қўя қолган яхши!» — дерди.

Хуснайин ёшига тўлганда отаси унга қўлтиқ таёқ қилиб берди, бола қўлтиқ таёққа суяниб, юришни ўргана бошлади. Онаси унга қараб турди-турди-да ғамгин уҳ тортиб, отасига: «Бахтсиз бола! Чўлоққина!» — деб қўйди.

Хуснайин бора-бора ота-онасининг, улар кетидан эса укаларининг унга қараб туриб қайғу билан: «Чўлоққина» деб шивирлашиб қўйишларига кўникиб кетди.

Отаси Хуснайинга доим ачинар, уни аярди. У ўғлини бойларнинг боласи сингари ўқитишга аҳд қилди. Балки ота бу билан бечора-бенасиб болага ёрдам қилиб, уни ўз қадри-қимматини ҳис этишга ўргатмоқчи бўлгандир.

Бола мактабга қатнай бошлади. Хуснайин ўртоқларининг масхара қилишлари ва ўқитувчиларнинг илтифотсиз қарашларидан қандайин азобланганини ҳеч ким билмасди. Отасининг ўқишни тамомлашигача қўйсамми, йўқми, деб иккиланишларидан у қандайин эзилганини ҳеч ким билмасди. Бу иккиланишлар уйда кишини чуқур ғам-ғуссага ботирадиган оғир вазият туғдирарди. Ҳаммаларига ҳам оғир. Аммо ҳаммалари ҳам Хуснайиннинг майиб эканини, фақат ўқишгина уни одам қаторига қўша олишини тушунардилар.

— Уни мактабдан чиқариб олиш гуноҳ ахир у укала-
а ўхшаган эмас-ку. Уларнинг тани-жоши соғ, у эса чў-

— дерди онаси.

— Ахир пулни қаердан топамиз?— деб сўрарди ота-

— Ўғирлиқ қиламизми? Менинг топганим ҳеч нарсага
— маса.

— Оч қолсак қолайликки, лекин у диплом олиши
— рак! Унга турмушда ёрдам қила оладиган бирдан-бир

— арса шу,— деб жавоб берарди онаси.

— Бошқалари-чи? Укалари-чи?

...Хуснайн яна мактабга қатнай бошлади, отаси унинг
— ўқиши учун тўлайдиган ҳар бир пиастр пул уларнинг риз-
— қи-насибасидан тежаб қолиш ҳисобига йиғиларди.

Бола бироз вояга етгач, отасининг у дўкондан бу дў-
— конга, бир савдогардан иккинчи савдогарга кўчиб ўтишига
ўзи сабабчи бўлганини англаб олди. Абдул Мажид хўжа-
— йинлар билан ҳеч гапга боришмасди, аммо ўғлининг ўқи-
— шига пул тўлаш керак бўлганда хўжайиндан қарз сўрашга
тўғри келарди. Одатда хўжайин қарз бермасди, натижада
ота янги иш излашга мажбур бўлиб қоларди.

Отаси ишсиз қолиб, уйда бир бурда нон бўлмаган чоқ-
— ларда Хуснайн неча-неча кечаларни уйқусиз ўтказганини
ҳеч ким билмайди! Ошиқ қалбга муштоқ бўлган кезларда
— йигит юрагини банд қилган муҳаббат ҳисларини енгиш
нақадар қийин бўлганини ҳеч ким билмасди.

Хуснайн Набавия билан бундан икки йил илгари
— олий савдо мактабини битиришдан бир йил бурун таниш-
— ди. У қизнинг ўзига майли бор эканини кўриб турар бу
эса уни изтиробга соларди. У Набавияни севиб қолди,
— бироқ ўқишни тугатгунча ўз ҳисларини пинхон тутишга
аҳд қилди. Хуснайн иш топишига шубҳа қилмасди. Шун-
— га кўра у ўз орзуларига эришиш учун янада қунт билаи
ўқий бошлади.

У дарс тайёрлаб ўтирганда ҳам Набавияни ўйларди.
— Одатда, Хуснайнларникида ҳамма уйқуга киргач, қиз аста-
— гина унинг ҳузурига келар, бурчакдаги эски газеталар ёпил-
— ган шалоқ стол ёнида Хуснайн билан ёнма-ён ўтирарди.
Уларнинг муҳаббатидан барча хабардор эди, шунинг учун
— ҳам кишилар ўқтин-ўқтин: «Набавия Хуснайнни деб, Хус-
— найн эса Набавияни деб яшайди»,— деб қўярдилар.

Хуснайн Набавияни бутун вужуди билан севарди. Қиз-
— нинг кўз боқишлари унинг қалбини ўтдай куйдирар, товуши
— йигитни маст қиларди. У қиздан ўзининг ногиронлигига

эйтибор бермагани, фақат интизор кўзларинигина кўриб, ярали қалбини англай билгани учун миннатдор эди.

Диплом олгач, Хуснайин Набавияга:

— Хадемай орзуларимиз рўёбга чиқади!— деди.

— Қандай орзу?— ҳайрон бўлди қиз.

— Ўзинг биласап... Мен ишга кираман, кейин уй-жой, оила...

У сўзини тугатолмади, гапи оғзида қолди. Шуниси ҳам кифоя, Набавия барчасини тушунди. Қиз уялиб, юзини четга ўгирди.

Қани энди Хуснайин озгина пул топа олса, дарҳол мана бу арзон баҳо, лекин қизнинг хушбичим жуссасига жуда ярашиб турган чит кўйлақ ўрнига унга шохи либос олиб берган бўларди! Аммо кўйлаги арзон баҳо материядан бўлди нима-ю, қиммат баҳо материядан бўлди нима? Хуснайин Набавиянинг шу туришини, ўзи каби йўқснл Набавияни севади.

...Кунлардан бир кун дўкон хўжайини Хуснайиннинг отасига: «Мана бу тавсиянома, ўглингга элтиб бер. Абдул Алибек ҳузурига борсин»— деди.

Шу кунни кечаси уйдагилар алламаҳалгача ухламадилар. Ҳамма ҳаяжонланар, дастлабки муваффақиятдан хурсанд бўлиб, қувончли режалар тузарди.

Эрталаб Хуснайин Абдул Алибек ҳузурига йўл олди. Узсқ кутишга тўғри келди. Ниҳоят бек келди, хатни унга еткиздилар. Абдул Алибек Хуснайинни чақиртириб, бир ҳафтадан сўнг келишни буюрди.

Ҳафта ҳам ўтди. Абдул Алибек йигитга: «Хуснайин, сени ишга оламин, лекин аввал медицина кўригидан ўтишинг керак»,— деди.

Минг-минг орзу-умидлар қаноатлантирган йигит дарҳол медицина комиссиясига югурди, аммо барча орзу-умидлари шу ондаёқ чилпора бўлди.

Доктор! Доктор ҳақидаги хотиралари Хуснайиннинг қалбини тегирмон тошидай эзиб тушди. Кириб борган доктор унга бир қаради-да, сўради: «Сендан бошқаси қуриб кетган эканми? Не-не соғлом, бақувват кишилар иш қидириб юрибди ахир».

Ҳар сафар ҳам шу аҳвол такрорланарди. Хуснайин бирор ердан бўш ўрин излаб топиб, ариза берар, лекин иш медицина кўригига бориб тақалди дегунча, у яна ўша сўзларни эшитиб қайтарди. Ногирон кишига ҳаётда ўрин йўқ эди!

Кунлар ўтар, улар билан биргаликда йигит қалбидаги орзу-умидлар ҳам сўниб борарди...

Набавия бир амалдорга тегиб кетди. Хуснаин ўз қалбини жим қолишга мажбур этди...

Бир йил ўтди. Хуснаин ҳамон иш қилдирадди, аммо бе-худа. Ҳукумат унинг ўқиши учун отасининг қонидан ҳақ сўриб олди, сўнгра фақат чўлоқ бўлгани учун Хуснаин қаршисидаги барча эшикларни ёпиб қўйди. Фақат шунинг учунми? Йўқ ахир уларга ўқимишли йўқсиллар керак эмас-да!

Абдул Алибек такрор-такрор айтарди: «Ноумид бўлма, олло-таоло ўзи етказади, ҳаммаси яхши бўлиб кетади! Кўрамиз, эртага у нима етказар экан!»

Аммо шу кунгача олло-таоло Хуснаинга ҳеч нима бермади, ниҳоят у сабр қилиш билан ҳеч нимага эришиб бўлмаслигини англади.

Тун... Кийим-бошлардан тушиб турган кўланка ерда ва кроват устида ўрмалайди. Хуснаинга бу кўланкалар золимнинг амри билан дорга тортилган бегуноҳ кишиларнинг жасадига ўхшаб кўринарди...

Унинг ўйларини отасининг оҳиста товуши бузиб юборди:

— Нариги уйда ҳали ҳам шам ёниб турибди.

Онаси зўр-базўр жавоб берди:

— Чўлоққинам ухламай ўтирибди.

Бу сўзларни эшитган бахтсиз йигит ўзини ерга отади, халқумига тикилиб келган йиғисини босиш учун қўлларини тишлайди...

МУБОРАК ҚОН

Қоҳирадаги ёнгиндан кейин қирол Форуқнинг малайлари қаршилиқ кўрсатиш отрядларига кирган ватанпарварларни аёвсиз таъқиб қилабошладилар. Уларни тутишар, турмаларга ташлашарди. Маъмурлар Сувайш қанаали ат-росфида инглизларга қарши қуролли курашга қўшилган одамларни назорат остига олдилар.

Сиёсий полициянинг росса ҳам тинкаси қуриди. Уйларда, муассасаларда жамоат йиғиладиган жойларда сиёсий полиция отряд аъзоларини ахтарар, қамоққа олар ва саҳродави концентратсион лагерларга қамаб ташларди.

Менинг дўстим қирол жосусларига чап бериб кета олди. У Қоҳирадан узоқ бир қишлоққа жўнаб кетди ва ўша таъқибдан яшириниб ётди.

Мен дўстим тўғрисида анчагача ҳеч дарак эшитмадим. Фақат 1952 йил 23 июлдаги ҳарбий ўзгаришдан кейин дўстим Қоҳирага қайтиб келди, жосусларни қандай алдаб кетганини ҳамда қамоқдан қандай қутулиб қолганини ўшанда сўзлаб берди.

Дўстим ёш йигит. Ёши йигирма бешда. Ҳақиқатан ҳам, озғиндан келган, қадди найзадек тик. Юзи чўзиқроқ, пешонаси кенг, ияги чўзиқ-ўткир, шаҳло кўзларидан ақл ёғилади. Бетига қараб, темир иродали ва пишиқ табиатли йигит эканини дарҳол пайқайсиз. У ўз тингловчиларининг диққатини жалб этар, уларни мафтун қилиб жонли суҳбатга торта оларди. Дўстим инглизларга қарши курашиш учун Сувайш канали зонасига энг олдин жўнаган довиораклар отрядларидан бирида бўлган ва оккупантларга қарши дастлабки жангларда иштирок этган.

Унинг кўксига ватанпарварнинг жўшқин юраги уради. У доим қатъият билан ҳаракат қилади ва ўзи курашаётган ишнинг ҳақ эканига ишонади.

Отряд сафарга жўнашидан олдин у менга шундай бир қарадики, назари қалбимнинг чуқур жойларигача кириб етгандек бўлди ва бундай деди:

— Мен ва менинг юзлаб ўртоқларим ватанимиз мустақиллиги йўлида сира иккиланмай жонимизни фидо қиламиз. Жонимиз муқаддас мақсад йўлида — мамлакатни империализм зулми остидан қутқариб олиш йўлида қурбон бўлса, бунга биз мингдан минг розимиз...

Оталаримиз, бобо ва бобокалонларимиз оккупантлар бизнинг мамлакатда ўрнатган тартибларнинг қурбони бўлдилар. Оккупантларни тор-мор қилиш йўлида жон фидо қилишимизга нима тўсқинлик қила оларди?

Оталаримиз, бобо ва бобокалонларимиз таъқиблар остида ўлиб кетардилар, ғам-аламдан эзилиб секин-аста сўнар эдиар. Кўзи очилган бизларнинг эса мавжуд тартибларга қарши курашда ўлишимиз шарафли иш-ку. Биз ўлимга дадил, хурсандлик билан, ўз ишимизнинг ҳаққонийлигига ишонган ҳолда борамиз.

Дўстимнинг гапларига қулоқ солиб ўтирардим-у, назаримда қулоқларимга карнайларнинг овози, барабанларнинг гумбураши, қизгин жанг шовқунлари эшитилиб кетгандек туюларди. Назаримда, мисрлик ёшлар ғизиллаб ўтиб турган ўқ шовқунлари остида, жанг-жадал алангаси орасидан бораётганини кўргандек, юзларидан қатъият акс этиб турган одамларнинг олға кетаётганини кўргандек бўлардим.

Мана улар на чийллаб ўтиб турган ўқ товушларидан, на ўзларига қарши қаратилган замбарак ва милтиқлардан қўрқмасдан инглизлар устига отилдилар. Мана улар оккупантларнинг қўшинини ўраб олиб, уларни Сувайш каналига улоқтириб ташладилар.

— Бу бизнинг еримиз,— дейдилар озодлик жангчилари.— Мустамлакачилар уни оёқ ости қилишларига йўл қўймаймиз. Ватанимиз бойликларига биз, фақат биз хўжайинлик қилишимиз керак. Империалистларнинг бизни талашларига, қонимизни сўришларига йўл қўймаймиз.

Дўстим қўлини елкамга қўйди-ю... бу манзаралар гоёиб бўлди.

— Нима бўлди сенга?— деб ҳайрон бўлиб сўради у. Афтидан, у менинг хаёлим узоқларда эканини, ўзим бир ҳолатда ўтирганимни сезган эди.

— Эҳ, дўстим, ширин орзу-умидлар мени узоқларга олиб кетди...

* * *

Инглизларга қарши қуроли кураш кун сайин кучайиб борди. Миср халқи мустамлакачиларни тор-мор қилиш учун ҳар қанча қурбон беришга ҳам тайёр эди.

Қирол Форуқ билан империалистлар мисрликларнинг қатъият ва саботидан қўрқиб қолган эдилар. Миллий озодлик ҳаракатини ҳар қандай қилиб бўлса ҳам бостиришга тайёр бўлган қирол инглиз агентлари билан тил бириктириб, гоёт пасткашлик билан ифво уюштирди— улар Қоҳирада ёнгин ташкил қилдилар. Ёнгиндан кейин бутун мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилдилар.

Менинг дўстим эса, юқорида айтиб ўтганимдек, таъқибчилар қўлидан қутулиб кетишга муяссар бўлди, у Қоҳирага ҳарбий ўзгаришдан кейингина қайтиб келди. Қоҳирага келганига бир ҳафта ўтгандан кейин у менга бир ҳодисани сўзлаб берди.

— Мен ўша хотиннинг на юзини, на овозини, на бизга қилган яхшилигини, на ўлимини ҳеч вақт унутолмайман,— деб бошлади у, ўз ҳикоясини.

— Қайси хотинни айтяпсан?— деб сўрадим.

— Қулоқ солиб турсанг, бўлган воқиянинг ҳаммасини айтиб бераман... Сен, албатта, инглизларга қарши олиб борилган қуроли курашнинг жуда кўп эпизодларини биласан. Ўз ватанининг озодлиги учун курашган одамлар тўғ-

рисидаги ҳикоялар халқнинг қаҳрамонлиги ва мардлиги тўғрисида ёзилган бутун бир китоб бўлади.

Бизнинг мақсадимиз битта — оккупантларни маҳв қилиш, уларни Мисрдан ҳайдаб чиқариш эди. Курашимизнинг бошланишини ўзинг биласан, инглизларга қарши дастлабки курашга отланган отрядларни ўзинг биласан.

Бир кун биз инглизларнинг Исмоилия яқинидаги бир лагерига ҳужум қилишга аҳд қилдик. Биз ўн киши бўлиб, ҳаммамиз ҳам ўша шаҳардан эдик.

Тунги ҳужумнинг плаини узил-кесил ишлаб чиқишимиздан олдин биз лагернинг қандай жойлашганини аниқ билиш учун ўша атрофни яхшилаб ўрганиб чиқишимиз лозим эди. Орамиздан уч киши кундуз кун лагерга бориш ва инглизларда шубҳа туғдирмай биз учун керакли ҳамма маълумотларни йиғиб келишга хоҳиш билдирди.

Уччала разведкачимиз эрта билан Исмоилиядан чиқиб вазифани бажариш учун жўнаб кетдилар, биз эса меҳмонхонада қолдик ва хавотирлик билан уларнинг қайтиб келишини кута бошладик.

Вақт жуда секин ўтарди. Миямизда ҳеч қутилмаган ҳар хил шубҳалар туғиларди. Бирдан уларни сезиб қолишган бўлса, ушлаб олишса, ўлдиришган бўлса, — унда нима бўлади... Бизни ўлим кўрқитмасди. Биз фақат олдимизга қўйилган вазифани бажара олмай, вақтдан олдин ҳалок бўлишдангина кўрқардик.

Кечқурун ўртоқларимиз қайтиб келишди. Улар лагерга кириб вазиятни аниқлаб келишпти. Биз уларни саволларга кўмиб юбордик. Улар лагерга, биз тахмин қилганча, катта йўлдан бориб бўлмайдиган деган хулосага келишибди. Лагерь Исмоилиядан анча узоққа жойлашган, бундан ташқари лагерга унинг катта дарвозаларига бориб тақаладиган жуда очиқ йўл олиб борарди. Агар биз шу йўлдан борсак, бизни дарҳол кўриб қолишарди. Бошқа йўл топмиш лозим эди.

Ўртсқларимиздан бири қоғозга лагерь планини чиздида, унга қандай қилиб яқинлашиш мумкинлигини тушунтирди. Шундан кейин биз лагерга яқин бирор қишлоққа етиб олиш, ўша ерда қоронғу тушишини кутиш ва қоронғуликдан фойдаланиб, ўз планимизни амалга оширишга қарор қилдик.

Ғира-шира тонг отиши биланоқ биз ҳужум қилиш учун зарур бўлган барча нарсаларни олиб, шаҳардан чиқиб кетдик.

Лагерь олдидан чошгоҳда ўтдик. Куёш аёвсиз куйдирар, лекин унинг нурлари бизнинг юрагимизни куйдираётган ўтга қараганда кучсиз эди. Ниҳоят биз дастлабки қишлоққа етиб бордик. Қишлоқнинг четида тўхтаб, атрофни кўздан кечирдик. Биздан сал нарироқда оддий, кичкинагина бир деҳқон уйи кўриниб турарди. Унга яқин бориб, мен кафтимни-кафтимга уриб қўйдим. Ичкаридан қирқларга кирган, узун одми кўйлак кийган бир хотин чиқди. У бошига қора рўмол ўраб олган эди.

— Хуш келибсизлар!— деб қарши олди у.

— Бизга ичгани сув-пув беролмайсизми?— деб сўрадим мен.

— Ҳозир, ўғлим.

Бизнинг сув ичкимиз келаётгани йўқ эди. Қандай қилиб бўлмасин гап бошлаш лозим эди. Аёл ичкаридан кўзада сув кўтариб чиқди:

— Ичинглар, ташналигингизни босинглар.

Биз сув ичдик.

— Шу ерда бирпас ҳордиқ чиқарсак майлими?— деб сўрадим мен.

— Марҳамат. Жуда хурсанд бўламан!— деб жавоб берди аёл. Бизнинг кўпчилик эканимизни кўриб, биров хижолат тортди-ю, қўшиб қўйди:

— Лекин гиламим йўқ, тагингизга солиб бергани ҳеч нарсам йўқ.

— Биз шундай, ерда ҳам ўтираверамиз.— дедим мен.

Биз уй олдида тўхтадик... Қаршимизда далалар ясланиб ётарди. Тепамизда баланд ва бепоён фируза осмон гумбази турарди.

— Қсрнингиз ҳам роса очгандир дейман. Уйда биров пишлоқ, нон, туз бор. Ҳозир озгина овқат тайёрлайман.

— Нима ҳам дердик, она, раҳмат, йўқ демаймиз.

Бирпасдан кейин уйга бир йигитча келиб қолди. У биз билан саломлашди-да, ичкари кириб кетди. Биз бу ким бўлди экан деб ўйлаб қолдик. Лекин кўп ўтмай уй бекаси ичкаридан ўша йигитча билан бирга чиқиб келди-да:

— Бу менинг ўғлим Абдул Қодир,— деб таништирди.

Ўртоқларимиздан бири унга қараб:

— Биз шаҳардан келяпмиз. Сизларникида бирпас дам олмоқчимиз,— деб қўйди.

— Бош устига,— деди йигитча.— Инглиз лагерларида ишлаган ишчилардан эмасмисизлар?

— Ҳа,— деб жавоб берди шерикларимиздан бири,—

биз ватанимизнинг дастлабки чақириги биланоқ ишимизни ташладик.

— Мен лагердан кетиб қолган ишчиларни танийман, улардан кўпи бизнинг қишлоқда туришарди... Минг лаънат инглизларга! Биз улар бир мисрлик ишчини қутурган итлар олдига ташлашганини, бошқасини эса печкада куйдиришганини ашитдик. Илоҳо худованди карим инглизларни ўз газабига олсин, бизни улардан халос қилсин!

Абдул Қодир бизнинг олдимизга ўтирди-да, онасига: — Бизга бироз егулик келтир,— деди.

Мен бу хотин билан ўғлини қандай қилиб ўз тарафимизга тортсак экан, инглизларнинг лагерига ҳужум қилишда қандай қилиб уларнинг ёрдамига таянсак экан, деб ўйлардим.

Кимдир Абдул Қодирдан унинг қаерда ишлашини сўраб қолди.

— Бир помешчик қўлида батракман,— деди у.

— Уйланмоқчи бўлиб юрибди,— деб қўшиб қўйди онаси.

Йигитчанинг кўзлари шодлик билан порлаб кетди. Чехраси табассумдан ёришиб кетди, бундан маълум бўлдики, кўшни қишлоқли деҳқон қизи тўғрисида ўйлашнинг ўзиёқ унга кўп лаззат бағишлар экан.

Онаси бизга келиннинг чиройини мақтаб кетди-да, унинг фазилатларини санаб бера бошлади. Ўғли ҳар замонда бир унинг сўзини бўлиб турди.

— Бўлди энди! Мендан бошқа ҳеч ким уйланмайди деб ўйлаб юришмасин яна.

— Бу менинг ёлғиз ўғлим! Қизим ҳам бор эди, лекин ўлиб қолди... Эрим қишлоқни ташлаб чиқиб кетганига анча бўлди, лекин унинг ҳозир қаердалигини, ўлик — ёки тириклигини ҳеч ким билмайди.

— Демак, бўш вақт топганимда, қайлиғинг қишлоғига бориб турар экансан-да?— деб сўрадим мен, йигитчадан.

— Бўлмасамчи,— деб жавоб берди у,— кун ора бориб тураман.

Онаси кулиб юборди-да:

— Ҳар кун деярсанг-чи!— деб унинг сўзини тўғрилади.

— Йўлда инглизларни учратмадингми ҳеч?— деб сўрадим мен.

— Нега учратмас эканман, учратганман. Уларнинг қип-қизил, чўчқаникидек семиз башараларини кўрганман...

Уларнинг тапклари, машиналарини ҳам жуда кўп учратганман. Улар гўё ердан эмас, озодликни севувчи одамларнинг қалби устидан юриб бораётгандек туюлади.

— Тўғри айтдинг, ўғлим!

— Бир неча кун олдин инглизлар менинг дўстимни ўлдирдилар,— дедим мен, аёлга.

— Дўстингни ўлдиришдими?— деб юборди у, менинг сўзларим гўё уни куйдириб юборгандек таъсир этди.— Қандай шармандалик!

— Нима демоқчисиз бу билан?

— Бунга қандай қилиб чидаб юрибсан, ўғлим?

Ишнинг ўнгидан келганидан хурсанд бўлиб:

— Сизча, нима қилишим керак эди?— деб сўрадим.

У қатъий ва бошини ғазаб билан силкитиб жавоб берди:

— Ўч олишинг керак, ўғлим, ўч. Нима учун сен ўша итни, дўстинг қотилни ўлдирмадинг?

Бу хотин билан унинг ўғли бизга ёрдам беришларини сезиб турардим. Шундай бўлса ҳам:

— Қандай қилиб ўч оламан?— деб сўрадим.

Аёлнинг юзи жиддийлашди. У менга тикилиб қаради, жаҳл билан:

— Қандай қилиб ўч олишни мендан сўрагани уялмайсанми!— деди.

Унинг юзида ҳозир акс этиб турган бундай қатъий ифодани ҳатто жангда иштирок этаётган жангчиларда ҳам кўрмаган эдим. Унинг назари мени худди қамчин билан ургандек, қиздирилган темир босилгандек куйдириб олди. Унинг назари гўё: «Ўч олишинг керак, ўғлим, сира чарчамасдан, аёвсиз, қўрқувни билмай, асло иккиланмай ўч олишинг керак. Ҳеч нарса олдида тўхтаб қолмайдиган, ҳеч нарсани тан олмайдиган қаттиқ ўч олишинг керак» деяётгандек эди.

Мен ҳам унга жавобан шундай деб қичқиргим келди: «Сен ўч олишга чақиряпсан! Инглизлар битта мисрликни ўлдирганларидан хабар топиб ўч олишни талаб қиляпсан! Бизнинг ўчимиз қандай бўлишини ўзинг биласанми ахир? Инглиз империалистлари юз минглаб мисрликларни ўлдирдилар, миллионлаб мисрликларнинг куч-қувват ва соғлиқларини емирдилар, бошпанасиз қўйдилар! Уларнинг хўжайинлик қилишларидан бизнинг халқ очлик, қашшоқлик, касалликларга маҳкум этилди! Мана шулар учун шафқатсиз ўч олишимиз керак, она! Биз мана шундай ўч олиш учун

куч йиғишимиз, бирлашишимиз керак. Бу фақат бизнинг ўчнмиз эмас, балки бизнинг оталаримиз ва боболаримизнинг ҳам ўчи, уч авлод ўчи, узоқ йиллар тортган қуллик ва қийноқлар учун олинган ўч бўлади! Биз, ўнта йигит, бу ерга ватанни озод қилиш учун кураш ишида ўрнак кўрсатиш учун, халқни муқаддас интиқомга чақиритиш учун келдик. Бу сен учун олинадиган ўч, она, барча деҳқонлар ва ишчилар, каттадан-кичиккача бутун халқ учун олинадиган ўч бўлади!»

Мен унга мана шундай дегим келди, лекин ўзимни тийдим-да:

— Бўпти... Бугун ўлдирилган дўстим учун ўч олмай туриб ухламайман!— дедим.

Шунда аёл ҳаяжон билан:

— Менда қурол бор!— деб қичқирди ва ичкари югурди.

У қўлида милтиқ кўтарган ҳолда дарров қайтиб чиқди-да, уни менга узатди:

— Мана, ол!

— Менда эса ўқ бор,— деди ўғли.

Онаси унга меҳр билан қараб қўйди:

— Сендан бундай сўзларни анчадан бери кутардим. Яхши айтдинг бу сўзларни!

Йигитча чўчиб тушди. Йигитча, афтидан, ўғлини юраксизликда айблаётган онасига ўзининг қўрқоқ эмаслигини кўрсатиб қўймоқчи бўлаётганини тушундим.

— Раҳмат, она,— дедим мен, аёлга.— Бизга рухсат этсанг шу ерда тунасак.

— Бизнинг уй — сизнинг уйингиз!— деб жавоб берди ўғли.

Кундуз соат уч бўлган эди.

Она-бола биздан узр сўрадилар-да бизни ёлғиз қолдириб, ичкари кириб кетдилар.

Биз омборларни портлатиш планини туздик. Орамиздан икки киши орқа тарафдан лагернинг катта дарвозасига сездирмай стиб олишлари ва дарвозанинг икки тарафига ўрнатилган прожекторларга тўппончалардан ўқ узиб, уларни ишдан чиқарадиган бўлдилар. Прожекторлар ўчиши билан қолганларимиз тўсиқдан ошиб ўтадиган ўқ-дори омборини портлатиб юборадиган бўлдик.

Биз прожекторларга узилган ўқ товушлари инглизларнинг диққат-эътиборини ва кучларини ўзига жалб қилади деб мўлжаллардик. Бизнинг ўртоқларимиз отишиб орқага

чекинаётганларида, биз сездирмасдан омборлар олдига етиб бора олардик.

— Бу ердан қачон чиқамиз?

— Илгари келишиб олганимизча, кечқурун соат ўнда, — деб жавоб бердим мен.

Бирдан ўртоқларимиздан бири, уйқудан чўчиб уйғонгандек, шартта тўппончасини ёнидан олди-да, йўлга отилди. Биз унинг кетидан югурдик. Йўлда кичкинагина бир инглиз машинаси келмоқда эди. Машина ўртоғимиз ёнига келганда, у тўппа-тўғри шоферга қараб ўқ узди ва уни тил тортқизмай ўлдирди. Машина тўнтарилиб кетди. Ўқ узган ўртоғимиз тўппончасини яширишга улгурмасданоқ воқиа юз берган ерга бир тўп деҳқонлар йиғилишди.

— Биз ҳам ўқ товушини эшитиб, нима гап эканидан хабардор бўлиш учун шу ерга келган кишилардек бўлиб турайлик, — дедим мен.

Йўл устида оломон тўпланди. Бизнинг уй бекаси ҳам ўғли билан шу ерда эди. Деҳқонлар маширани дабдала қилдилар, кейин эса: «Жўнаб қолинглар, мустахлакчилар!» деб қичқирганча уни ёқиб юбордилар. Кейин ҳаммалари қишлоққа тарқаб кетишди.

Биз уй олдига етиб келганимизда, уй бекаси:

— Шоферни бирингиз ўлдирганингизни биламан, лекин бу мени хавотир қилмайди, — деди.

Биз унга эътироз билдирмоқчи бўлдик. У эса ўз сўзида туриб олди. Шундан кейин мен:

— Ахир бизни ўч олишга ўзинг даъват қилдинг-ку. Мана, биримиз худди сен айтгандек қилдик! — дедим.

Аёл кулиб қўйди-да:

— Худога шукур! Мана энди асл йигит бўлдинглар! — деб қўйди.

Лекин уни ўлдирган мен эмаслигимни, дўстим учун ўз қўлим билан ўч олмагунимча ётиб ухлайолмаслигимни эътироф қилишга тўғри келди.

— Мард бўл! — деди хотин.

Бироздан кейин йўлда инглиз машиналари карвони кўринди. У тўғри қишлоқ тарафга қараб келарди.

— Инглизлар... — деди уларнинг кимлигини сезиб қолган хотин. Юз берган ҳодисадан хабар топишган кўринди, анови ярамас итнинг ўлигини олиб кетгани келишяпти...

Яшириниб олиш зарур эди, чунки биздан гумондор бўлишлари аҳтимол. Гўё бизнинг фикримизни ўқигандек:

— Сизлар яширинишингиз керак,— деди аёл.
— Лекин қаерга?— деб сўрадим мен.
— Мозорга,— деб дарҳол жавоб берди у.— Мозор ҳам шу яқинда, қишлоқдан узоқ эмас. Хов ана, чапга қаранглар... Уша ер мазор, кўряпсизларми?
— Бўлмаса юринглар тезроқ!
— Мен сизларни кузатиб қўяман,— деб таклиф қилди Абдул Қодир.— Она, сен уйда қол...
— Йўқ,— деди қатъий қилиб хотин,— мен ҳам бораман.

Сумкаларимизни кўтариб, биз мазорга қараб жўнадик. Шафақ қип-қизил бўлиб ёниб ётарди. Ҳаво чапга тўла, лекин туннинг муздек нафаси эса бошлаганди. Ниҳоят биз мазорга етиб бордик. Тор сўқмоқ гўрлар орасидан, бу ўлик шаҳарнинг атрофидан ўраб ётган, зич, ўсган акас ва мажнун толлар орасидан илон изи бўлиб ўтиб борарди. Атрофга чўккан сукунатни фақат бойқушларнинг товушларигина бузарди. Бизнинг йўл бошловчимиз тўхтади-да:

— Мана бу қабр бўш. У катга, кенг... шунга тушинглар,— деди.— Мен эса қишлоққа қайтаман, у ерда нималар бўлаётганини билиб келиб, сизларга айтаман...

Биз бирин-кетин чуқур олдига келдик ва унинг ичига сакрадик. Хотин ўғли билан кетди, биз эса, ер ва қоронғулик асирлари, қабр ичида қолдик. Кутиб ўтирган вақтдаги ҳар бир минутимиз соатлардек чўзилиб ўтарди. Биз жим ўтирардик. Қалбларимиз нафрат билан ёнарди.

Бу ерда империализмнинг азобларига дош беролмай қанчадан-қанча мисрликлар жон берган! Қанча мазлумлар инглизларга қарши курашда қон тўкканлар! Тўғриси айтганда, ўтмишнинг овози бу қабрлар ичидан интиқомга чақирарди.

Бирдан бизга узилган ўқ товушлари эшитилди. Биз инглизларнинг қишлоққа етиб келганларини ва уни ўраб олганларини тушундик. Вақт яна ҳам секинроқ ўта бошладди. Биз қишлоқда нималар бўлаётганини жазо берувчилар қишлоқ аҳолисини нима қилаётганларини жуда ҳам билгимиз келарди.

Орамиздан бир киши таклиф қилиб қолди:

— Келинглр, шу гўрдан чиқиб, ўша итларнинг қаршисига борайлик.

— Сенга нима бўлди, лагерь омборларини портлатишни пайсалга солмоқчимисан?— деб сўради бошқа шеригимиз.

Орага яна жимлик чўкди. Биз ўзимизга бир саволни қайта-қайта берардик: «Инглизлар қишлоқ аҳолисици нима қилишди экан? Деҳқонлар уларга қарши зарба бера олдилармикан ёки ўз тақдирларига ожизлик билан бўйсундилармикан? Нималар бўлди экан у ерда?»

Қани энди бизга шу тўғрида эсиб турган шамол хабар бериб ўтса...

Тўсатдан биз одим товушлари эшитдик. У биз тарафга қараб келмоқда эди. Атроф қоп-қоронғу зимистон, лекин биз кимнинг келаётганини танидик. Бу ўша хотин, мард деҳқон аёл эди! Лекин нима учун қадам босишлари илгаригидек шаҳдам эмас?

Хотин тап этиб ерга ўтирди, деярлик йиқилди. Орамиздан бир киши:

— Ҳа, она, қандай янгиликлар олиб келдинг?— деб сўради.

Аёл индамасди. Боши кўкраги устига ожизлик билан солиниб қолганди. Бир неча минутдан кейин у қийинлик билан, гўё сўзларни мажбуран айтаётгандек:

— Мени ўлдирдилар... ўлдирдилар... боринглар... ўч олинглар!— деди.

Биз унинг устига энгашидик. Мен унинг бошини тиззамга олиб қўйдим-да:

— Нима гап ўзи?— деб сўрадим.

— Боринглар... Боринглар...— деб яна хириллади у.

Мен қўлим билан унинг елкасидан сийпаб кўрдим-у, бирдан қўлимнинг алақандай илиқ ва ёпишқоқ бир нарсага тегиб кетганини хис қилдим. Титраб кетдим... Бу хотин бошқа бирон оғиз ҳам сўз айтолмасди... Унинг ҳаёти узилган эди... У ўлганди... Ҳаммамиз ҳам бир ҳолатда қимирлайолмай ўтирардик. Бир оздан кейин орамиздан бир киши:

— Нимани кутиб ўтирибмиз бу ерда? Мана бу хотиннинг мурдасини олиб, кетайлик бундан!

Қандай қилиб ўлдиришди экан уни, нима учун?

Биз қабрдан чиқиб, ўлдирилган деҳқон хотиннинг мурдасини кўтарганча, қишлоққа қараб юрдик. Унинг иссиқ қони ерга томчилаб бсрарди. Тунги жимжитликда қурбақаларнинг ёқимсиз қуриллаши эшитиларди. Қаршимиздан шу қишлоқли бир деҳқон келаверди. Бизни кўриб қўрқув аралаш:

— Нимани кўтариб келяпсизлар?— деб сўради.

— Ватанига жон фидо қилган қаҳрамон аёлни!— деб жавоб бердик биз.

Деҳқон хотинни таниб қолди-да:

— Инглизлар унинг ўғлини ўлдирдилар, кейин аса унинг ўзига ўқ отдилар... Қаҳрамон хотин у, чинакам қаҳрамон хотин!..— деди.

Қишлоқда нима бўлганини бизга сўзлаб бердилар. Шофернинг ўлдирилганлигидан дарак тспиб, англизлар қишлоқни ўраб олибдилар-да, унга солдат киритибдилар, солдатлар аса, агар деҳқонлар қотилни тутиб бермасалар, уйларини вайрон қиламиз, қишлоқни ер юзидан йўқ қилиб юборамиз деб дўқ қилибди. Дўқ-пўписалар таъсир кўрсатмаганини кўрганларидан кейин, улар ўт очиб ўнта деҳқонни ўлдирибдилар. Шунда қишлоқ аҳолисидан бири:

— Ҳаммамиз ўлиб кетгандан кўра ҳақиқий қотилни тутиб берганимиз яхшироқ,— депти ва бизнинг танишимиз бўлган хотинга қараб:

— Эътироф қил! Қотил қани?— деб қичқирибди.

Инглиз солдатлари уни ўғли билан бирга ўраб олибдилар. Йигитчанинг юзи қўрқувдан тиришиб-буришиб кетиб, онасига:

— Айтиб бера қол гапни!— деб шивирлабди.

Аёлнинг юзига қон урибди. Яқинида турган деҳқонларга қараб, ўғлини кўрсатиб:

— Кўзимдан йўқотинглар буни!— дебди.

Инглизлар шоферни ўлдирган унинг ўғли экан деб ўйлабдилар. Офицерлардан бири унга қараб ўқ узибди, ўқ еган йигитча йиқилибди. Аллаким жон аччиғида:

— Аблаҳлар, айбсиз одамни ўлдирдинглар! — деб қичқирибди.

Қотилнинг ҳали жавоси берилмаганини тушуниб, офицер аёл олдига келибди:

— Хўш, қотил қаерда? Гапир! — дебди.

Деҳқон хотин ярадор бўлган ҳайвондек олдинга отилиб:

— Уғлим, менинг ўғлим! Бошқа ҳеч нарсани айтмайман. деб қичқирибди.

Яна бир марта ўқ узилибди... Аёлни бундан олдин ўлдирилган ва ярадор қилинган бир неча одам ётган жойга ётқизиб қўйибдилар.

Инглизлар қишлоқдан кетганларидан кейин деҳқон хотин бир амаллаб ўрнидан турибди-да, қора қонига беланиб, йўлида учраган ҳар бир нарсага тармашиб, ҳеч кимга сездирмасдан бизнинг олдимишга келибди...

Дўстимнинг қош-қовоғи солиқ эди. У бирпас жим туриб, кейин қўшиб қўйди:

— Бу қон муборак қон! Уни ювиб бўлмайди. Биз мард деҳқон хотинни, унинг интиқомга чақирганини ҳеч вақт унутмаймиз.

НИМА ГУНОҲИНГ БОР ЭДИ, ҲАНАФИЙ?

Ҳанафийнинг кўз ўнгида даҳшатли бир манзара турар эди: кўзалари косасидан ирғиб чиққан, томирлари бўртиб турган, қўл-оёғи тарашадек қотиб қолган бир мурда... Ҳатто, дори-дармонларнинг ўткир ҳидлари унинг бурнига келиб урилгандай бўлди. Бу жасаднинг кафансиз қолишини, уни ҳеч ким тобутга солиб мазорга элтиб қўmmasлигини Ҳанафий яхши билар эди. Бу мудҳиш ҳаёлот уни даҳшатга солар, уни ҳаётдан бездирар, лекин у ўлишни истамас эди: «Ўлишни истамайман! Лекин яшашга ҳам тобим йўқ!» деб бақирар, одамлар унинг гапини пайқамай, жинни деб ўйлар эдилар.

Ҳанафий элликка кирган бўлса ҳам қариб мункиллаган бир чолга ўшар эди. Унинг ҳаётдан умиди узилган, очланғоч ўлиб кетиш ҳавфи остида яшар эди.

Ҳозир энди Ҳанафий яна кўча-кўйда тентираб юрибди. Уни касалхонадан чиқиб кетишга мажбур қилдилар, у ҳалокат жарининг ёқасига келиб қолди. Ҳар бир қадамда ўлиб кетишни истамаганлиги ва яшашдан ҳам безганини айтиб додлар эди.

Ҳанафий умрининг сўнги соатларигача касалхонада қолишни истар эди, ўзини у ердан чиқиб кетишга мажбур қилган санитар хотинга лаънатлар ўқир эди.

Касалхонада ётган вақтда доктор Ҳанафийнинг бошига келиб, кроватга илиб қўйилган тахтакачни олиб қўяр ва баъзан:

— Ҳанафий, сен энди соғайиб қолдинг. Мен айтаман, сени касалхонадан чиқариб юборсинлар,— дер эди.

Ҳанафий сакраб ўрнидан турар, гўё унинг олдига ажал келиб тургандай туюлар эди.

— Йўқ, тақсир, кетмайман,— деб ялиарди докторга.

Доктор эса унинг ялиниб-ёлворишини кўриб юраги эзилар, бу бахтсиз одамга бепарво қарай олмас эди. Ҳанафийнинг кексайиб қолганини, уй-жойи, бола-чақаси йўқлигини, ишlamаслигини доктор билар, шунинг учун яна тахтакачни жойига илиб қўяр, унга ҳеч нарса ёзмас эди.

Санитар хотин Ҳанафийнинг бахтсизликка учрашига сабаб бўлди. У ўз хуштори бўлган ёш бир йигитни касалхонага ётқизмоқчи эди. Бир куни бу хотин ҳар ёққа атир ҳидини анқитиб, Ҳанафийнинг тепасига келиб энгашди.

— Сен энди соғайдинг. Даволанишга муҳтож бўлган кўп касаллар сенинг жойингда ётишни орзу қиладилар,— деди.

Ҳанафий эса докторнинг хайрихоҳлигига ишониб:

— Доктор сендан яхши биледи, ўзидан сўраб қўяқол,— деди.

Санитар хотин югуриб докторнинг олдига борди.

— Ҳанафий соппа-соғ,— деди у,— унинг ўрнига бошқа касални ётқизса бўлади.

— Ҳанафий бир бахтсиз одам,— деди доктор,— у томирлари билан суғуриб олинган дарахтга ўхшаб қолган. Унинг ишлашга куч-қуввати йўқ. Агар касалхонадан чиқса, оч-яланғоч ўлиб кетади, ҳукумат қари-қартаглар учун ётоқхона қуриб, камбағал чолларга бошпана бериши керак. Бироқ шу вақтгача бу бобда ҳеч чора кўргани йўқ. Шу сабабдан мен, гарчи қонунга хилоф бўлсам ҳам Ҳанафий сингари одамларни касалхонада олиб қолишга мажбурман.

Шундан сўнг санитар хотин бошқа бир йўл излай бошлади. Ҳанафийнинг бир кун беморларга гапирган қуйидаги гапи эсига тушди: «Эҳтиёт бўлинглар, тагин сизларга заҳар бериб қўйишмасин. Бундан ярим йил бурун бир бечорага санитар хотинлардан бири дори ўрнига иод суви ичирибди, бечора ўлди. Мен унинг жасадини ўликхонага анатомия залига элтиб ташладим. Мен у ерга киришим билан бурнимга мурдаларнинг ҳиди келиб урилди, бўғилиб ўлаёздим. Яп-яланғоч, тарашадек қотиб қолган, устма-уст қўйилган мурдаларни кўрдим. Улганларнинг кўпидан ҳеч ким хабар олмайди, уларнинг на қариндошлари, на танишлари бор экан. Уларнинг жасадини кафанга ўраб, тобутга солиб, мозорга элтиб кўмадиган одамлари йўқ. Агар мен шу ерда ўлиб кетсам ҳолимга всй! Мени кўмадиган, фотиҳа ўқитадиган: «Эсиз, эсиз, Ҳанафий оға. қандай яхши одам эди-я!» дейдиган одамим йўқ».

Санитар хотин унинг бу гапларини эслаб, нима қилнш кераклигини мўлжаллаб қўйди ва Ҳанафийнинг олдига келиб, унинг қулоғига шипшиди:

— Қулоқ сол, агар касалхонадан кетмасанг, ухлаб ётганингда итна санчиб теринг орасига заҳар юбораман.

Бу сўзларни эшитиб Ҳанафийнинг қути ўчди:

— Эшитдингизми?— деб бақирди у.— Баданимга игна санчиб заҳар юбормоқчи!

Санитар хотин қаҳ-қаҳ уриб кулди, беморларга қараб деди:

— У жинни бўлиб қопти. Бу ерга келмасдан бурун жиннихонада эди. Унинг гапларига ишонманг.

Ҳанафий яна қаттиқроқ бақирди:

— У мени заҳарламоқчи! Санчиб баданимга заҳар юбормоқчи.

Санитарлар унинг устига ташланиб, чолни арқон билан боғладилар. Докторлар унинг психикасини текширмоқчи бўлишди.

Санитарлардан бири деди:

— У соғайганини ва касалхонадан чиқармоқчи бўлганларини доктордан эшитган кундан бери ўзини жинниликка соляпти.

Ҳанафийни даволаётган доктор келди. Худди сўйиладиган молдек қўл-оёғи боғланган Ҳанафийни кўрди. Раҳм-шафқат сўраб мўлтираган кўзлари докторга таъсир қилди.

— Ечиб юборинг уни, бир нарса қилса мен жавобгар,— деди.

Чолни ечиб юбордилар. Ҳанафий докторнинг оёғига ўзини ташлаб, уни ўпмоқчи бўлди. Минниатдор чолнинг юзларидан юм-юм ёш оқар эди. Ниҳоят, хирқираган, шикоят овози билан:

— Худо хайрингизни берсин, барақа топинг,— деди.

Кейин Ҳанафий палатага кириб, ўз кровати ёнига келди ва тўшагини, ёстигини, чойшабини қўли билан текислади. Унинг кўзлари жиққа тўлган, гўё ёш билан эмас, қон билан тўлгандай эди.

Ярим кеча... Ҳамма уйқуда. Ёлғиз Ҳанафийгина ўз кровати устида, палатанинг ашигидан кўзини узмай ўтиради. Ўлганидан кейин, ўзи анатомия залига элтиб ташлаган жасад сингари ўлиги кафансиз, тобутсиз кўмилмай қолиб кетиши тўғрисидаги фикр унинг миясидан кетмайди. У санитар хотин, албатта, териси орасига заҳар юбориши ёки овқатига заҳар қўшиб беришидан амин эди. У анатомия залини кўз олдига келтиргач эти жимирашиб кетди.

Саҳар чоғида Ҳанафий касалхонадан кетмоқчи бўлганини билдирди. Санитар хотин хурсанд эди, унинг ёнида чиройлик бир йигит турар эди. Хотин бу йигитга қараб:

— Азизим, сенга жой бўшади,— деди.

Ҳанафий касалхона кийимларини ечиб ташлаб ўзининг йиртиқ-ямоқ уст-бошини, эски кавишини кийиб олди. У касалхонадан чиқиб, оғир ва машаққатли ҳаёт қучоғига кирди, у ҳалокат ёқасида қадам ташлар экан, ҳар қадамида аламидан: «Одамлар, мен ўлишни истамайман, лекин ҳаётдан безганман» деб фарёд қилгиси келар эди.

Сиз бир тутам қуруқ шохчаларни синдираётганларини кўрганмисиз? Араванинг қияликдан ағдарилиб кетиб, унга қўшилган қари, қирчанги отни йиқитиб судраб кетганини, суяклари синган ҳайвоннинг минг азоб билан судралиб тушишини кўрганмисиз? Ажабо, сиз инсоннинг нсумидликка тушгани ва уни яқинлашиб келаётган ўлимнинг даҳшати босганини сезмаганмисиз?

Ҳанафийга бир кўз ташланг. У майиб бўлган от сингари, ўлим ваҳимаси босган киши сингари кўча-кўйда тентираб юрибди.

Ҳанафий, сенинг гуноҳинг нима эди? Нега санитар хотин сенга шафқатсизлик қилиб, заҳарлайман деб қўрқитди? Нега сен кўчаларда тентираб қолдинг, Касрал Айний касалхонасига кирганингда видолашган манфур ҳаётга яна нега қайтдинг?

Ҳой, Ҳанафий, эй мункайган чол, нима гуноҳ қилган эдингки, сени безовта қилиб, яна иш қидиришга мажбур қилдилар?! Сен энди меҳнатга ярамайсанку! Сен қариб-қартайгансан, куч-қувватдан қолгансан!

Сен ғишт заводида ишладинг — ғишт ташидинг, ошхонада хўрандаларга ош ташиб турдинг, бойларнинг эшигида босбон бўлиб, қоровул бўлиб хизмат қилдинг. Нима ишларни қилмадинг, ахир: қарол, қоровул, чопар бўлдинг, қаҳвахонада офицант, нонвойхонада ишчи бўлиб ишладинг! Ҳа, сен кўп ишларни қилдинг. Ёшлигингда ҳамма ишни ҳам яхши бажарардинг.

Ишсиз бўлган маҳалларингда неча кунлаб оч-яланғоч қолдинг! Узинг қарзга ботган эдинг, қарз берганлар сени таъқиб этарди. Нўхотшўракчи, нонвой ва папиросфуруш эсингдами? Бир маҳал сен улардан бир неча фунт стерлинггаб қарздор бўлган эдинг. Сен энди яна қарзга нўхотшўрак ейсан, нон оласан, папирос оласан! Қарз берганлар яна сени таъқиб этишади — сен энди қарзингни уза олмайсан — уларга кўринмаслик учун ён кўчага уриб кетасан, Ал аъзоэ кўчасидаги кулбанг томига чиқиб яширинасан!

Ал аъзоэ жинкўчасида сенинг кулбанг бормиди, Ҳанафий? Қани ҳозир ўша кулбанг? Сен иккинчи қайтмайдиган

бўлиб, уни ташлаб кетган эдинг. Касалхонага кетаётганинг-да кўрпа-тўшагингни, мис асбобларингни, чироғинг, печканг, бўйраларингни ва бор йўғингни сотиб кетган эдинг. Сен қолган умрингни касалхонада кечиритиб орзу қилар эдинг, агар шафқатсиз ҳамшира бўлмаганда орзуларинг ушалган бўлар эди.

Сенга ўтмишнинг нима ҳожати бор?

Ўтмиш қайтиб келмайди, у ўзи билан бирга сенинг орзу-умидларингни олиб кетган. Сени азоб-уқубатда қолдирган... Мана энди ҳаётга — ўзинг учун мажҳул бўлган, сен лаънат ўқийдиган бу мудҳиш ҳаётга яна рўбару бўлдинг. Бу мудҳиш ҳаёт сени оёқ ости қилмаслиги ва сени ютиб юбормаслиги учун ўз умрингнинг қолдиғини у билан курашга сарф қил. Ўзингга бир бурда нон, ётар жой топиш учун тўғри келган ишни ахтар. Аммо сен бунга муяссар бўлармикансан? Ҳамма сени қартайиб қолган, ҳеч нарсага ярамайди, деб айтадику!

* * *

Ҳанафий одамлардан иккита азойимхон шайх бор деб эшитди. Ҳанафий, агар сен Бобшария маҳалласида турадиган бу шайхларга ёнингдаги бир неча чақани бериб фол очирсанг, ўзингни ўқитиб, жинларингни қоқтириб ташласанг камбағал бўлиб қолмайсанку, ахир!

Ҳанафий шундай фикрларни миясидан ўтказиб, шайхларнинг уйига жўнади. У Бобшария маҳалласининг қинғирқийшиқ тор кўчаларидан юриб, шайхларнинг уйини топди, унинг эшигига қоқилган тахтага: «Эрлар, хотинлар ва болаларни ҳар қандай хасталиклардан даволайдиган уй» деб ёзилган эди.

Чол туриб ўйланиб қолди. У ҳозир муборак шайхларни ва уларнинг муқаддас сир-асрорларини кўз олдига келтирди. Шу топда тўсатдан елкасига биров қўлини қўйганини сезиб хуши жойига келди. Унинг рўпарасида қорни катта, кўк салла ўраган семиз, қора соқол бир киши турарди. Ҳанафий унга салом бериб:

— Мен шайх Абдулҳодий ва шайх Ҳусайн жанобларини ахтариб келдим, — деди.

Ҳанафийнинг лаблари титради, лекин кам-кам вужудини қамраб олган қўрқувни енгиб, ўзини босиб олди.

— Мен Абдулҳодий шайхнинг ўзи бўлман, нима ишинг бор? — деб сўради саллали киши.

Ҳанафий унга тикилиб туриб жавоб қилди:

— Менга бир иш топиб берсалар ва бахтимни очиб юборадиган тумор ёзиб берсалар, деб хузурунгизга келган эдим...

— Юр бўлмаса,— деди шайх.

Ҳанафийнинг юрагини яна қўрқув босди. Шайхнинг орқасидан эргашиб уй ичига кирди. У ерда кўк салла ўраган ва юзининг ёноқлари туртиб чиққан бир киши уларни қарши олди.

Абдулҳодий Ҳанафийга ўгирилиб:

— Бу киши менинг шеригим бўлади,— деди,— Сен иш-сизмисан?— деб сўради.

— Ҳа, нима эди?— деди Ҳанафий.

— Сен бирор ишга киришни хоҳлайсанми?

— Ҳа, тақсир...

Шайх Ҳусайн гапга аралашди:

— Кунига неча пул берайлик?

— Овқатга ва уй ижарасига етадиган пул берсангиз бас,— деди Ҳанафий сал бошини эгиб.— Яна ўзимга кафанлик ва эски Қоҳирадаги мазордан хилхона сотиб олиш учун лоақал ҳар ой бир фунт стерлинг ортдириб олиб қолсам дейман.

— Агар сени ёллаган кишилар бу нарсаларнинг ҳаммасини ўз зиммасига олсачи?— деб сўради шайх Абдулҳодий.

Ҳанафий анатомия залида кўрган нарсаларини кўз олдига келтирди. Унинг бадани жимирлашиб, ҳаяжон ичида:

— Йўқ, йўқ,— деди,— мен ўз кафанлигимни, хилхонамни ўзим сотиб оламан. Улар ўлган кишиларнинг жасадларини анатомия залига уйиб қўядилар, ўликнинг ҳолидан хабар оладиган, кафанлаб кўмадиган одам топилмайди.

Ҳанафий туфуригини ютиб, Абдулҳодий шайхга тикилиб:

— Менинг бахтимни очадиган дуо ёзиб беринг. Бироз пулим бор, назирингизни берай,— деди.

Шайхлар бир-бирларига қарашиб олдилар.

— О одам, пулингни асраб қўй. Ўзинг бизнинг уйимизда қоласан. Ҳанафий кутилмаган бахтта дуч келганига ишонгиси келмасди.

— Уйингизда?! Мен нима иш қиламан?

— Бизга қаҳва ва чой келтириб берадиган хизматкор керак. Биз сенга ҳақ тўлаймиз, овқат берамиз, кийим-кечак берамиз. Шунга нима дейсан?

Ханафий эркин нафас олди, унинг руҳи енгиллашиб, ўзида йўқ суюниб кетди. Унинг бўйнига солинган ва бўғиб ўлдиршга оз қолган сиртмоқ бирдан ечилиб кетгандай бўлди. Ҳаяжон ичида:

— Менми?.. Нима ҳам дер эдим?.. Тақсир, худо хайрингизни берсин, мен сизнинг фуломингизман,— деди.

— Ҳанафий, сен устингга мана бу оқ яктакни кийиб, бсшингга қизил саллапи ўраб, оёғингга мана бу кавишни кийиб, мана бу кўк белбоғни ўраб ол... Сен келган эр ва хотинларга қаҳва ёки чой олиб кириб турасан... Уларни эъвоз-икром қил ва итоаткор бўл. Ножўя ҳаракат қилиб, обрўйимизни туширма... Ҳушёр ва эҳтиёткор бўл, бизнинг шон-шарафимизга доғ туширадиган гапдан тилингни тийиб юр. Энди гап бундай: Ҳозир биз Қоҳирадан Закозика жўнаймиз. У жойнинг одамлари яхши, лекин ораларида бахтсиз аёллар кўп. Улар бизнинг ёрдамимизга муҳтож. Юкларимизни ташишаётган ҳаммолларга ёрдамлаш, исриқдонни олиб кел. Тезроқ! Биз поездга кечикиб қолмайлик...

* * *

Паровоз ҳуштагини чалиб, юриб кетди. Ҳанафий, сен йўл бўйи вагоннинг деразасидан қараб, лип-лип қилиб ўтиб турган дарахтзорларни, далаларни ва кўм-кўм осмонни томоша қилдинг.

— Ҳанафий, шу жой Закозика шаҳри. Биз бу ерда бир уйни ижарага олганмиз.

Станцияда, йўлда одамлар шайхларни кўриб тўхтаб, анча вақтгача орқаларидан қараб қолар эдилар. Айниқса шайхларнинг қозондек катта саллалари уларнинг диққатларини жалб қилар эди. Ҳанафий сен ҳам кўнглинг тинчиб, қувониб, ўз вали-неъматларингдан миннатдор бўлиб, шайхлар билан бирга бординг.

Мана шайхларнинг ижарага олган уйлари. Эшигининг устига: «Эр, хотинларни ва болаларни даволайдиган уй» деб ёзилган тахта осиб қўйилган экан.

Ҳанафий, сен янги келган бу шаҳарда ўзингга нотаниш бўлган кишилар орасида кун кечирдинг. Кўз очиргани қўймай: «Чой олиб кел, қаҳва... Келган аёлларнинг олдига бор» дер эдилар.

Сен барваста ва ориқ, пакана ва новча, қўнғир ва қора сочли, чиройлик ва хунук хотинларни, нафис ипакларга

ўралган ва жулдир кийинган аёлларни кўрдинг. Уларнинг ҳаммаси шайхларга келиб мурожаат қилар эдилар.

Хотинлар инсу жинсдан халос бўлиш, эрларини иситиб олиш, рақибаларини ҳалок қилиш, кўнгилларини ғамдан мусаффо қилиш учун шу уйга келар эдилар.

Исриқларнинг ҳидини айтмайсанми, Ҳанафий! Улардан ажойиб ҳидлар тарқаларди. Улар худонинг қудратига шайдо бўлиб ибодат қилган кишиларни ёдингга келтирарди.

Ҳар кун, ҳар соатда якнасақ ҳодисалар такрорланар эди. Кўз ёшларини оқизиб касал бир хотин кириб келди.

— Нима бўлди сенга, эй аёл,— деди унга шайх Абулҳодий.

— Орқа белим оғрийди, шайхим.

— Қаттиқ оғрийдимми?— деб сўради у хайрихоҳлик билан.— Қаттиқ азоб чекяпсанми? Қўлингни бер, ~~томчи~~ни кўриб қўяй.

Касал хотин унга қўлини чўзар, у шайх бармоқларининг учи билан томир кўрар, кейин томирни босиб қўяр, силар эди. Абдулҳодий пичир-пичир қилиб, кейин:

— Товонингни кўрсат. Йўқ, иккала оёғингни ҳам кўрсат, ҳаммасини,— дер эди.

Бечора хотин бошда иккиланиб қолади, кейин шифо топиш умидида оёғини кўришга ижозат беради. Шайх яна бармоқларининг учи билан хотиннинг оёғини ушлаб, кейин босиб-босиб кўради ва силайди, бу вақтда у пичир-пичир қилиб ўқийди, бир оз жим туриб, кейин:

— Эй хотин, сенга Ҳориюн тегибди. Шўринг курсин сен бечоранинг,— дер эди.

— Эй худойим, Ҳориюн дегани ким бўлди экан?— дер эди бечора хотин.

— У жинларнинг ашаддийси. Мен ҳозир ўзини чақираман.

Шайх исриқдонга исриқ ташлаб, бошларини қимирлатиб, ғудраниб бир нарсалар ўқий бошлайди. Ниҳоят:

— Тур ўрнингдан, эй хотин!— дейди ва юриб бориб қоронғу бир уйнинг эшигини очади ва ичкарига кириб кетади. Бечора хотин ҳам эси оғиб, унинг кетидан эргашади.

— Уша жин қоронғу уйларда макон қуради. Чақир ути, чақир!

Бечора хотин ҳанг-манг бўлиб:

— Нима деб чақираман,— дейди.

— «Ҳориюн, овоз бер, овоз бер» деб айт!

Бечора хотин унинг гапини такрорлайди. Шунда ер остидан бўғиқ бир овоз эшитилади:

— Мени чақираётган ким?

— Сени давват қилаётган мен.

Абдулҳодий бечора хотиннинг қулорига шипшийди:

— Сен унга нима кераклигини, нимани қурбон қилишингни, нимани тортиқ қилишингни сўра.

Уша бўғиқ овоз:

— Полнинг ёригидан олтин тангалар ва билатузукларингни ташла, деб буйруқ беради.

Шўрлик хотин иккиланиб қолади, бироқ Абдулҳодий қўлида исриқдонни ушлагани ҳолда шипшийди:

— Сен унинг гапига киравер, соғаясан!

Бечора унинг айтганини қилади. Сўнгра шайх билан шўрлик хотин қабулхонага қайтиб келадилар.

— Инс-жинсдан қутулдинг, эй хотин. Қўлингга қуръон олиб, шу ерда кўрган нарсаларингни ҳеч кимга, ҳатто эримга ва ота-онамга ҳам айтмайман, деб қасамёд қил. Бу нарсалар ҳаммаси сир сақланиши керак. Мабодо оғзингдан бир гап чиқиб кетса, мени ёвуз жиннинг қаҳр-ғазабига дучор қиласан, ўзинг ҳам азоб-уқубатда қоласан.

Шайх хотиннинг олдига келиб унга қуръонни узатади:

— Қасамёд қил!

Хотин қасамёд қилади.

Ҳар бир келган киши билан шу маросим такрорланади. Ёвуз жинларнинг отлари ҳам ғалати: Шамғуруш... Морут... Ҳориюн... Шоҳутош, Алморнута...

Беморларни ҳар доим шайх Абдулҳодий қабул қилар эди. Шайх Ҳусайн уларга ўзини кўрсатмас эди.

Ҳанафий, нега Абдулҳодий жинларга буйруқ бериб, сенга бирор жойдан хазина топдириб бермади?

Агар сенинг бир талай олтин тангаларинг бўлганда қандай шод бўлар эдинг, Ҳанафий! Уларни сен ўлгач, сенга мазордан хилхона сотиб олиб кўмишга, дуо-фотиҳангни ўтказишга ваъда қилган кишига берган бўлар эдинг. У сенинг жанозангга келган кишиларга ош тортар, улар эса бир-бирларига: «Эсиз, эсиз, Ҳанафий қандоқ яхши одам эди-я» деб қўйишган бўлар эди. Уша одам қориларга исқот бериб, мазорнинг устига яхши қориларни чақиртириб, арвоҳингга қуръон ўқитдирган бўлар эди.

Ҳанафий, сен чуқур жар ёқасида турар экансан, нега ўзингга ўзинг тасалли берасан! Сен бироз пул ғамлаб қўйдинг, лекин келгусида нима бўлишингни ўзинг билмай-

санку? Ҳозир бўлса Абдулҳодий шайхдан: «Ҳанафий, қаҳва олиб кел, Ҳанафий, чой! Ҳанафий эшикни оч! Ҳанафий, исриқдонни бер!» деган гаплардан бошқа ҳеч нарса эшитмайсан...

* * *

Бу ҳангомалар узоққа бормади. «Болалар, эр ва хотинларни даволайдиган уй»га бир, талай полициялар бестириб кирдилар. Улар бир талай бўлиб ҳаммаси қуролли эди. Уларнинг кўзлари ваҳшат сочар, важоҳатлари «зиндондан кўрқ, Ҳанафий! У жойда сени ўлим кутиб турибди!» дегандай бўлар эди.

Сен нима қилиб эдинг, Ҳанафий? Хотинларни инс-жинсдан «халос» қиладиган Абдулҳодий нима қилиб эди? Шайх Ҳусайн ўзи қайда?

— Турган жойингиздан қимирламанг!— буйруқ қилди офицер.

Ҳанафий, тиззаларинг дир-дир титраб турса ҳам, жойингда қимир эта кўрма...

— Беморларни даволайдиган хонани кўрсатинг!— деди офицер ва қабулхонадан ўтиб:— Эй, бу ёқда экан!

У Абдулҳодийга қараб деди:

— Демак, олтинларинг шу ерда сақланар экан-да, алдамчи! Биз ҳаммасидан хабардормиз!

Шу пайтда пастдан шундай қаттиқ чинқириқ эшитилдики, уйнинг деворлари ларзага келди. Шу ерда ҳозир бўлганлар, полнинг тахтасини кўтариб, солдатлар у ердан шайх Ҳусайнни тортиб чиқарганларини кўрдилар. У полнинг тагига яшириниб, ўзини жин қилиб кўрсатар экан! Ер тўлада махфий бир хона бор экан, унга яшириниб бир эшикдан тушилар экан. Беморлар келганда шайх Ҳусайн ўша ерга беркинар экан.

Ҳанафийнинг қўлидан, кўтариб келаётган исриқдон тушиб кетди, ўзи ерга ўтириб қолди.

Бир солдат уни таёқ билан уриб: «Тур ўрнингдан, алдамчи чол» деб бақирди.

Уччаловини ҳам полиция бўлимига олиб кетдилар...

* * *

Суд бўладиган куни залда халойиқ лик тўла эди. Мана, Ҳанафийнинг ўзи. Юзида қайғу-ғам, қўллари титрайди;

у аввалгидан ҳам қарироққа ўхшайди. У така-пука бўлиб атрофга аланглаб қарайди, айбдорлар курсисида Абдулҳодий ва Ҳусайн билан бирга ўтириб, қаллобларнинг қилган жишоятлари тўғрисида гапирган ва уларга қаттиқ жазо берилишини талаб қилган бош прокурор муовинининг нутқига қулоқ солади.

Бош прокурорнинг муовини сўзлаган нутқини ҳам, адвокатларнинг гапирганларини ҳам Ҳанафий ҳеч тушунмади. Судьянинг айтган сўзларини ҳам пайқамади. Бу гапларнинг гўр-кафан алоқаси йўқ эдику, ахир! У касалхонадаги анатомия ва уйилиб қўйилган ўликларни яна эслаб, эти жимирлашиб кетди ва ўзини шу ўликлар орасида ётганини тасаввур қилиб қўрқиб кетди.

Чириган ва йиқилаёзган бир иморатга ўхшаб қолган Ҳанафий скамейкадан турди ва юракларни эзадиган овоз билан қичқирди:

— Ҳой одамлар, ўлишни истамайман, яшашдан ҳам бездим!

Судя ҳукмномани ўқиб берди: уччалови ҳам беш йилдан қамоққа ҳукм қилинган эдилар.

Мен Ҳанафийни кўрмаслик учун қўлим билан кўзларимни беркитдим ва чидаёлмай суд залидан қочиб чиқдим. Кўчада кетар эканман, мунқиллагач чолнинг бақирганини эшитиб, юрагим эзилар эди. «Одамлар, ўлишни истамайман! Лекин яшашдан бездим!»

ЮСУФ ИДРИС

ЗАХМАТКАШ БЕЧОРА

Абдунинг пули йўқ эди. Бу биринчи марта эмас. У умр бўйи ҳар бир пиастрни¹ зўр машаққат билан тспарди. Абду яхши ошпаз эди. У бу ҳунарни суриялик уста Фаиддан ўрганди. У пиширган қип-қизил, момиқдай қатлама булочкалар устозини қойил қолдирарди. Лекин, тақдир ўзгарувчандир.

Абду болалик чоғида устахонада ишлар эди. Хўжайин уни ҳайдаб юборди, шунда у ўн қаватли баҳайбат бир бишонинг қорсуви бўлиб ишлай бошлади. Кейин ҳаммоллик қилди, то зўриқиб, чурраси тушгунча, оғир юклар ташиди.

Абдунинг ёқимли бўлмаса-да, лекин кучли овози бор эди. У кўча-кўйда бодринг, тарвуз ва узум сотиб юрган вақтларида харидорларни баланд овоз билан чақирарди.

Абдунинг даллолик қилган вақтлари ҳам бўлди. У арзонга ижарага бериладиган уйлارни қидириб шаҳар кўчаларида эртаю-кеч тентирар, бирон уй топганида ўн пиастр даллолик пули олар эди. У энг «катта» даллоллар қаторига ҳам кира олди. Шунда ҳам илгаригидек ўз мижозларидан ўн пиастрдан олар эди-ю, лекин энди кўчама-кўча кезмас эди.

Абду кафеда ҳам тузуккина официант бўлиб ишлади. Уша омади келган вақтларда байрам куллари бир минут ҳам кутдирмасдан, қўлидан бирорта идишни тушириб юбормасдан, кўпгина хўрандаларнинг ҳожатини чиқара олар эди.

У хотини билан каттакон квартиранинг кичик бир хонасида яшарди. Гарчи хотини билан қўшни хотинлар ўртасида майда-чуйда жанжаллар бўлиб турса-да, ҳар ҳолда

¹ Пиастр — майда пул, танга

унинг қўшнилари ёмон одамлар эмас эди. Абдуга меҳрибон эдилар. Пулсиз қолган вақтларда унга қарз бериб турар, у иш топган чоқларда эса, ундан қарз олишар эди. Хуллас, бу квартирада турганларнинг турмушини яхши деб бўлмас эди.

Ҳозир Абдунинг пули йўқ эди.

Бу гал пулсизлик узоққа чўзилди, пул тушишига умид ҳам қолмади. Абду қаерга эшик тақиллатиб иш сўраб бормасин, ҳамма жойда рад жавобини олди. У уйга қупқуруқ, ҳориган ва маъюс ҳолда қайтар эди. Хотини Нафиса уни энди ташқарига чиқиб кутиб олмас эди. Абду жимгина уйга кириб, бўйра устида чўзилар ва хотинининг вайсашини эшитмаслик учун қулоқларига пахта тикиб олар эди. Нафиса эса ҳар кун унга, уй хўжайини, квартира ҳақиқи тўлашмаса, уйдан ҳайдаб чиқараман, деб дўқ қилаётганини, яқинда катта байрам эканлигини эслатиб турар, яқинда туғиши кераклигини ва осонлик билан қутулиши учун шафтоли кераклигини айтар ва ўлган қизини хотирига олар эди.

Баъзан Нафисанинг вайсаши ҳаддан ошиб, эрига қараб бақира бошлар эди. Абду ана шунга келганда чидай олмас эди. У бусиз ҳам қўшниларининг кўзига қарай олмас, қўшниларининг унга ачиниб, Абду ёш бўлса ҳам бахтсиз, деб бош чайқашларига чидай олмас, уларнинг бундай қуруқ раҳмдилликлари жонига теккан эди, чунки у бундай раҳмдиллик билан барибир ўзини ҳам, хотинини ҳам боқа олмас эди...

Бир кун Абду уйга қайтганда, хотини уни Талба чақирганлигини айтди. Абдуга жон кирди, чунки унинг бундай аҳволида пул топишга бўлган ҳар қандай умид нажотдек туюларди.

У дарҳол ўша уйда турувчи касалхона санитарни Талбанинг олдига чиқиб кетди. Талба шу уйда турувчилар ичида энг бели бақувват киши эди. Абду Талбанинг саломига жавсбан тортинчоқлик билан бир илжайиб қўйди-да, унинг: — Аҳволлар қалай? — деган саволини эшитар-эшитмас, ўз тарихини сўзлай кетди. Абду ўзининг омади келган кунларини хотирлаб, анча ором олди. Лекин Талбанинг унинг ямоқ кийимларига қараб турганлигини пайқаб қолиб, ўзини оқлагандек, ўз ўтмиши, ўз ишлари ҳақида, кимлар билан учрашгани ҳақида гапира кетди. Дадилроқ гапира бошлади, кўнглида гурур пайдо бўлди: бир вақтлар у ҳам одам эди! Сўнг, овозини пастлатиб, фоний дунёни, замони ва ёмон ниятли одамларни ғазаб билан койий бошлади

ва яхши замонлар ҳам келар деб умид билдирди. Ниҳоят айбдорлардек илжайиб, Талбадан: иш топилармикни, деб секингина сўраб қўйди.

Санитар унинг бутун гапларини эшитиб бўлгач, сизга иш топилади, деди.

Абду уйига жуда хурсанд бўлиб қайтди, унга ўз илтижолари оллоҳ даргоҳида мустажо бўлгандек туюлди. У Нафисага Талбанинг қандай қабул қилганини сўзлаб берди ва эртага студентларнинг кийимларини ювиб келганингдан кейин дарҳол Талбанинг хотини олдига бор ва уй ишларига қараш, деб тайинлади.

Абду жуда барвақт уйғонди ва азонлаб Талба билан касалхонанинг донорлар бўлимига жўнади. У ерда анча одам навбат кутиб ўтирар эди. Эшикни фақат соат ўнда очдилар. Ҳамма жимжит коридорга кирди. Абду скамейкага ўтирди. Карбол кислотасининг ҳиди унинг бошишни гангитди. Кутиб ўтирганларни тўп-тўп қилиб чақирар ва уларга ҳар хил саволлар берар эдилар. Абдудан ҳам ота-онанинг исми нима, буванг ва бувинг қандай касал билан ўлган, деб сўрадилар. Фотосуратларини сўрадилар, лекин Абдунинг фақат шахсий ҳужжат учун олинган кичик бир расми бор эди. Бу расми у полиция текширувидан қўрққанлиги учун доимо ёнида олиб юрар эди.

Кўп ўтмай уни яна чақирдилар ва ҳамшира унинг билагига шприц тикиб, кичик бир шишачани унинг қони билан тўлдирди. Сўнгра унга: «Бир ҳафтадан кейин кел», дедилар.

Бутун ҳафта давомида Абду пулсиз юрди. Тэйин қилинган кунни азонлаб яна донорлар пунктига келди. Эрталаб соат ўнда эшик очилди. Ичкари кирганларнинг кўпчилигига: «Йўқ, сизнинг қонингиз ярамайди», деб жавоб қилардилар. Абду данг қотди. Лекин унга: «Қонингиз ярайди», дедилар ва қон олгуларича кутиб туришни буюрдилар. Оч бўлишига қарамай, Абдуга жон кирди, у кутиб ўлтирган одамлар ичиде ўзини қаҳрамон деб ҳис қиларди.

Тез орада уни кабинетга чақирдилар, қўлини дастакка қўйганларида Абду жуда қўрқиб кетди, бироқ, ҳар икки томонидаги қўшнилари кўриб, тинчиб қолди. У қандайдир бир совуқ нарсани сезди, қўли музга теккандек бўлди. Абду иш билармонлик билан жимгина шприцларни ишга солаётган ҳамширага тикиларди. Ҳамширалар унинг сергап хотинига ўхшамас эди. Абду бу ерда эркаклар ҳам борлигини пайқайди. Уларнинг пахтадек оқарган юзлари шох сингарни йилтирар эди. Абду уларнинг юзидаги дскаларни

тез-тез тўғрилаб турган ҳамшира қизларга қарар эди. Бир ватқ у ҳолдан тойганлигини сездди. Унг томондаги қўшниси: «Булар қанча қон олади?» деб сўради. Кимдир жавоб берди: «Билмадим, ярим литр олади, дейишади». Шу билан гап тўхтади. Ниҳоят Абдунинг қўлини бўшатишиб, уни совуқ спирт билан артишди-да: «Бўлди», дейишди.

Абду ўрнидан туриб, иккиланган ҳолда эшик томон юрди ва пул тўғрисида сўради. Бироз кутишни буюрдилар. У кутиб турди. Унга бир фунт ўттиз пиастр тўладилар! Улар жуда хушмуомила эдилар, Абдунинг қорнини тўйғизиб пулидан бир миқдор ушлаб қолдилар.

Абду касалхонадан чиққач, уйга боришдан аввал қас-собдан гўшт, баққолдан бироз картошка сотиб олди. Илжайган ҳолда уйга қайтди. Нафиса эшикни очиб, унинг қўлидаги масаллиқларни кўргач, саломни алик олди-да, эпчиллик билан тугунга қўл чўзди; агар бироз уялмаганда, сени жону дилим билан севаман, сенинг учун қурбон бўлишга ҳам тайёрман, деб юборар эди.

Учоқда олов ёниб, шўрва қайнар, унинг ёқимли ҳиди бутун уйга тарқаларди. Бу ҳид қўшниларнинг димоғига ҳам етди; уларнинг баъзилари табассум қилар, баъзиларининг аса, ҳаваси келар эди.

Абду қорнини яхшилаб тўйдириб, кўчага чиқди, тарвуз сотиб олди.

Бу еча у хотинининг одатдаги вайсашларини эшитмади. Уларнинг тотув суҳбати каптарларнинг ҳу-ҳуларини эслатар эди.

Ҳафтанинг охирига келганда пул тугаб қолди.

Абду тайин қилинган кун ва соатда донорлар пунктида ўлтирар эди. Ундан яна қон олдилар, қорнини тўйдирдилар ва пул бердилар. Абду ўзининг бу янги ишидан хурсанд эди. У энди мастернинг койишларини ҳам, артель десятигнининг қичқаришларини ҳам, хўжайиннинг сўкишларини ҳам эшитмас эди. У ҳар ҳафта касалхонага, бу топтсза, кўркам бинога борар, ярим литр қон берар, бунинг учун пул олар ва хотинини боқар эди.

Унга кўпларнинг ҳаваси кела бошлади...

Хотини унга одатдагидан ташқари эътибор билан қарар эди. Эри қўлидан озуқалар солинган қоғоз халтани олганда, унга ёқимли табассум қилар эди. У ётганда хотини унинг ранги оқариб кетганлиги, озганлиги тўғрисида гапириб, тинч ухлагани қўймас эди. Нафиса унга қўшни хотинлар айтган гапларни, ўзининг Ҳамида билан уришган-

лигини, Ҳамида Абдунинг ўз қонини сотиши тўғрисида гапириб, уни иснодга қўйганлигини битта қўймай гапириб берар эди. Нафиса баъзан уни она ўз боласини эркалагандек эркалар, унинг жуда кўп қон бераётганлигига ачинар эди. Кечалари эрини қалин кўрпа билан ўраб ташлар, кундузлари чарчашига қўймас ва худди бетоб боладек унинг ҳар бир талаби ўжарлигини итоткорлик билан бажо келтирар эди.

Абду хотинининг бунчалик меҳрибонлик қилишининг сабабини жуда яхши билар, ранжир эди — лекин бу ҳол унчалик муҳим эмаску!

Тўғри, одамлар Абду тўғрисида кўп гапирдилар. Тўғри, ҳар гал ундан қон олганларида боши айланганини сезар, касалхона ҳовлисида кечгача ухлаб қолар эди. Аммо энди уларнинг ўчоғидан ҳеч қачон олов аримас ва квартира ҳақи ўз вақтида тўлаб турилар эди. Бу нарса кимта ёқмаса, лақиллай берсин.

...Кунлардан бир кун Абду одатдагидек донорлар пунктига келганда, унинг ичкари киришига рухсат бермадилар ва «Кирма» деб айтардилар.

— Нега?

— Анемия...

— «Анемия»си нима дегани?

— Қоннинг камайиб кетиши.

— Нима бўпти?

— Мумкин эмас.

— Хўш, энди нима қилиш керак?

— Ўзингга келганингда...

— Мен бақувватман-ку, деворни ҳам ағдариб ташлай-сламан!..

— Сенда юрак фаолияти заифлашган.

— Зарари йўқ, бунинг учун ўзим жавоб бераман.

— Уласан.

— Ўлсам ўларман.

— Мумкин эмас. Соғлигингни аҳтиёт қил. Биз бундай қила олмаймиз. Бу гайри инсонийлик.

— Бундай қилишингиз инсонийликми, ахир, биродарлар?

— Мумкин эмас.

— Демак, фойдаси йўқ экан-да?

— Ҳа, фойдасиз.

Улар шу кунни ҳатто унга овқат беришни ҳам унутдилар. Шундай қилиб, хаста Абду яна пулсиз қолди.

МУҲАММАД СИДҚИЙ

*

АМИНА

Амина менинг дўстларимга илгаригидек очиқ юз билан кулиб қарамади. У устига турли хилдаги тўртта пиёла терилган патнисни бизнинг олдимизга қўйди-да, қовоқлари солиниб биздан узоқлашди. Унинг чеҳрасидан ташвиш аломатлари кўриниб турар эди, чунки у бизнинг бир қарорга келганимизни билган эди. Мен хотинимнинг худди болаларникидек кичик кулча юзидан ҳамма нарсани билиб олдим ва унинг бу қарашларида нима яширинганини пайқадим. У бизнинг олдимизга чой қўйиб, менга бир совуқ назар ташлади-да, тезда чиқиб кетди, эшик олдида фақат унинг яшил чит кўйлагигина бир кўриниб қолди.

Дўстларимдан биронтаси ҳам Аминанинг уларга ҳар қачонгидек очиқ чеҳра билан қарамаётганлигини ҳеч қачон тушуниб етмаслигини биламан, аҳтимол, улардан биронтаси Амина биз шундай қарорни қабул қилганимиз учун хафади, деб ўйлаши мумкин.

Лекин мен гап нимада эканлигини билардим. Мен тушундимки, Амина фақат жаҳли чиққан ёки хафа бўлган эмас. У жуда ташвишга тушган ва ҳатто қўрқув остида қолган. У бу қарорнинг мен учун, у учун ва болаларимиз учун нима эканлигини яхши биларди, полициянинг тинтуви нима эканлигини яхши тушунарди.

Амина бизнинг биргаликда ва бошдан-оёқ ҳаяжонлар ичида ўтказган ҳаётимиз давомида забастовкалар вақтида мен билан бирга бир неча бор ҳар қандай машаққатларга бардош берган эди.

Мен ҳар хил фабрикаларда ишладим ва кўпгина забастовкаларда қатнашдим. Забастовкаларимиз муваффақият

билан тугаган пайтларда менинг кундалик иш ҳақим бир неча чақа ошар, муваффақиятсиз тугаган вақтларда эса мени ишдан бўшатар ва забастовка қилган ҳар бир куним учун штраф олар эдилар.

Биз қарор қабул қилган эканмиз, демак, ҳафтанинг охирида пулимиз тугашини ва ҳамма нарсани қарзга олишимизни, нонвой Усмон билан боққол Таха ҳар куни қарзини қистаб келишини Амина яхши биларди. Сўнгра, у одатда, шундай ҳолларда бўлгани сингари, мен билан узоқ баҳслашгач, ўз ҳаётидан, турмушга чиққанлигидан нолир, заводни, ишчиларни, касаба союзини, уни туққан онасини ва эрга берган отасини қойи бошлар эди. У ҳаёлига келган бутун нарсаларга лаънатлар ўқиб бўлгач, ниҳоят, мени ҳам қаргаб, ўзининг аччиқ қисматидан йиғлар эди. Сўнг у, баъзи бир буюмларни тугинга тугиб, болаларини — Талъат, Сабри ва Жалолни етаклаб олиб, аламига чиқолмай онасиникига жўнардди. Онаси эса томирлари бўртиб чиққан қўлини нягига тираб олиб, уни бетўхтов қойиб эртадан кечгача ёзғирар эди:

«Сен бошимга битан бало бўлдинг, мени бахтсиз қилдинг. Жияним Рамазонга теккин десам, тегмай ўша чувриндига тегдинг, мана энди азобини тортяпсан.. Ё оллоҳ қачон бу балолардан қутуламиз!»

Амина мана шундай бўлишини билар, ана шундан кўрқарди. Менинг яна узоқ вақт ишсиз қолишим ҳақидаги фикрининг ўзиёқ уни даҳшатга соларди.

Биз олти киши галма-гал тўртта пиёладан чой ичиб ўтирар эканмиз, мен ишлаб чиққан ҳаракат планимиз тўғрисида тинмай ўйлар эдим. Биз бутун майда-чуйдаларни ҳам назарга олгандек, ҳар қандай тасодиғга ҳам тайёрдек кўринардик. Бизнинг олдинги курашлардан олган сабоғимиз беқор кетмади. Биз забастовка пайтида рўй бериши ва бизга ҳалал етказиши мумкин бўлган ҳамма нарсаларни муҳокама қилиб кўрдик.

Биз уйдан чиқдик. Мен бир елкамга ташланган пиджак билан ўртоқларим кетидан зинадан тушаётган эдим, оҳистагина чақирган Аминанинг товушини эшитдим.

— Ҳалил! Шошма, гапим бор!

Амина бизга чой бераётган вақтда ташвишли қарашлари остида яширичган гапларни ҳозир менга айтади деб ўйладим. Уни қучоғимга тортдим, у бунга жавобан, худди илгаригидек, менга табассум қилади, деб кутдим.

Бироқ, у бундай деди:

— Халил, азсб чека бериб жонимга тегди, бундан ортиқ чидолмайман, чидолмайман. Яхшиси мен ҳозироқ болаларни олиб кетаман, лекин онамникига бормаيمان. Бир иложини қилиб купимни кўрарман. Чўри бўлиб ишлайман...— деди-ю, бир кулиб қўйди.

Аминанинг кўзларида ёшлигимизнинг бахтли кунларини ва шу билан бирга, оғир турмушимизни эслатувчи қандайдир бир аломат кўринди. Худди ана шу аломат менга: йўқ, йўқ, Амина бундай қилмайди, у сени севади, сенга ишонади ва, сен нимани лозим топсанг, барибир, шуни қилишингни билади, дер эди.

Шу онда кўз ўнгимдан бутун ўтмишимиз бирма-бир ўтди. Мен севгимиз бошланган чоқларни, ўша вақтда мис эритадиган заводда ишлаганимни ва Аминанинг оиласидан ижарага олинган чердакдаги уйимни эсладим, машинадан шикастланганим учун заводдан бўшатилиб касалхонада ётганимни, Аминанинг мени қандай кутганлигини, бизнинг турмуш қуришимизга унинг онаси қарши бўлиб, Аминани ўз жияни Рамазонга бермоқчи бўлганлигини, қалин учун қандай қилиб йигирма фунт пул тўплаганлигимни, бушнинг учун ўз иш ҳақимдан тежаганимни, онамга тегишли бўлган уй анжомларнинг бир қисмини сотганлигимни ва ҳар бир нарсадан тежаганлигимни, сўнг уйланиб, бир неча ой бахтли турмуш кечирганлигимизни, ҳар сафар ҳафтанинг охирига келганда пулсиз қолишимизга қарамай, бу турмушни бахтли деб билганимизни — ана шуларнинг ҳаммасини бирма-бир хотирамдан ўтказдим. Бирга ўтказган бутун кунларимизни, онамнинг ўлимини, тўнғич ўғлим Талъатнинг туғилганини, уни мен биринчи марта фақат Тур тюрьмасидан чиққандан кейингина кўрганимни, яқингинада мен касал бўлиб қолганда Аминанинг барча буюмларимизни сотишга мажбур бўлганини, Умм Маҳмуд хола энди бола кўрмайсан, деб Аминага дори берганлиги учун ўтган ҳафта Амина билан уришиб олганимизни хотирладим.

Буларнинг ҳаммаси худди яшин тезлигидек хаёлимдан ўтди ва мен ўзимни қувноқ қилиб кўрсатиш учун бундай дедим:

— Уят, уят, Амина, бундай дема. Далил бўл. Сен доим менга ёрдам берардинг-ку. Наҳотки келажагимизга ишонмансанг? Ақлли бўл.

Мен зиналардан чопиб тушиб, кўчада мени кўтиб турган ўртоқларимга етиб олиш учун югуриб кетаётган вақтимида, Аминанинг чиндан ҳам болаларни олиб кетиб қо-

лишини ва мен уйга қайтгач, уни на уйимдан, на онасиникидан топа олмаслигимни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим.

* * *

Кармуз тюрьмаси камерасида, деразанинг темир панжарасига қараб ўтирарканман, бу хотиралар гўё бир-биридан ўзиб кетишга урингандек хаёлимдан бирин-кетин ўтди. Камера бурчагида ўртоқларим — Азил ва Жамол ухлаб ётар эдилар. Дераза орқасидан тюрьма олдида юрган соқчиларнинг бир меёрдаги қадам товушлари. Саад кўчасининг бурчагидан эса макаронфуруш Саломнинг мис қошиқ билан патнис четига уриб: «Кеб қолинг, макарон, макарон!» деб қичқириши эшитилиб турар эди.

Мен майда катакли темир панжара орқали қўшни кўчалардан келган ишчиларнинг Нил кўчасини аста-секин тўлдириб бораётганини кўрдим. Эрта тонгда улар заводга кетмоқда эдилар. Компания бизнинг бешта талабимиздан учтасини қабул қилди, лекин мени ва икки ўртоғимни қамоққа олдилар.

Дастлаб менга ишчиларнинг фақат оёқларигина кўринди. Минглаб оёқлар Кармуз кўчасини кесиб ўтиб, уни батамом тўлдирар эди. Энди ишчиларнинг елкаларини, қўлларини, босларини кўрдим ва, ниҳоят, юзларини ҳам кўрдим, уларнинг деярлик ҳаммаси менга таниш эди. Улар тюрьмадан бир неча қадам нарироқда бўлган заводдаги ўз станоклари томон шошилмоқдалар. Завод дарвозалари ёнида солдатлар турар эди. Ишчиларнинг овозлари тобора баланд эшитила борди. Назаримда, заводнинг улкан дарвозалари ўзига яқинлашган ҳар бир кишини очкўзлик билан ютиб юборишга ва мажақлаб ташлашга тайёр турган даҳшатли аждахо оғзидек бўлиб туюлди.

Мен ўз ўртоқларимизнинг, биз, уч киши, бу ерда темир панжара ичида ўтирган бир пайтда станок олдида туриб ишлашларини тасаввур қилганимда, юрагим сиқилди. Мен аччиқ кулумсираш билан Амина тўғрисида ўйладим: «Сен биринчи марта мени кўргани келмадинг. Менга далда бериш учун ким энди гўзал кўзлари билан табассум қилади, ким менга қўл сиқийди? Биринчи марта сен бу ерда бўлмадинг, Амина». Унинг шунчалик жаҳди чиқиб, мени ташлаб кетишига, унинг кучи ва чидами битишига мен ҳеч қачон ишонмас эдим. Ахир, у оғир ҳаётимизнинг ашаққатларига лабда кулги билан бардош берар ва мен билан

бирга бахтли келажак тўғрисида хаёл сурар эди-ку. Кўнглим гаш бўлиб кетди. Томоғимга муштдек бир парса тиқилаётгандек бўлиб туюлди, лекин дарҳол ўзимни тутиб олдим. Бсшимни қуёи солиб, ерда ухлаб ётган ўртоқларимга қардим ва... беҳосдан Аминанинг овозини, ёқимли юмшоқ, қадрдон овозни эшитиб қолдим... Унинг узун-узун бармоқли ингичка қўллари панжара орасидан менга бир кичик тугунча узатар эди, унинг кўзлари узоқ айрилиқдан сўнг учрашгандек менга мулсийим боқар ва тортинчоқлик билан кечирим сўрагандек кулумсирарди.

— Ҳалил, яхшимсан!

Севинчдан юрагим орзиқиб кетди. Менга узатилган қўлни ҳаяжон билан ушладим ва бармоқларининг иссиқлигини ҳис қилдим. Мен унинг худди болаларникидек кичик кулча юзларидан кўзимни ололмас ҳамда унга миннатдорлик ва муҳаббат назари билан қарар эдим. Унинг қўлидаги тугунчакни бахтиёр гўдак янги ўйинчоққа ёпишгандек олдим. Тугунчак ичидан иккита кулча, зайтун, папирослар ва холва топдим. Ҳар вақт мен тюрьмада ётганимда у тахин холва ва ёғ келтирар эди.

АБДУРАҲМОН АШ-ШАРКАВИЙ

*

КАПТАР ОВИ

Хирмонда деҳқонлар хўжайин бугдойини катта-катта қопларга солар эдилар. Бугдой нонни фақат инглизлар билан хўжайинлар ейдилар. Оддий кишилар бутун умр бўйи бугдой ноннинг мазасини билолмай ўлиб кетадилар. Помешчиклар бундан жуда хабардор бўлиб, башарти деҳқонлар зоғора нондан бошқа нарса есалар, сшқозонларини бузиб қўядилар, деб ҳисоблардилар. Шунинг учун ҳам хўжайинлар жўхори экишдан аввал уй ҳайвонларининг, сўнгра деҳқонларнинг миқдорини аниқлар эдилар. Куз кирганда кўпинча деҳқонларнинг омборларида жўхори уни қолмас, ўрим-йиғим фаслини ҳам улар хурсандлик билан кутиб ололмас эдилар. Улар бу ўрим-йиғим уларники эмаслигини билардилар. Улар ўрим-йиғимнинг навбатдаги азоб-уқубат эканлигини англаб, бир афсонадаги мазордан мазорга санқиб юрувчи мурдалар каби ўз хўжайинларини лаънатлар эдилар.

Миср қишлоқларидан ҳар гал ўрим-йиғим бошланиши билан деҳқонлар озодлик учун курашга кетиб қайтиб келмаган кишилар ҳақида, аста-секин ўтиб бораётган умр ҳақида, бекорга кетаётган меҳнат ҳақида, порох тутунидан қорайган уфқ ҳақида, улардан тортиб олинган осойишта ҳаётгами ҳақида мунгли ашулалар айтар эдилар. Ўрим-йиғим туташи биланоқ овозлар тинар, қишлоқда фақат ҳориган кишилар, жазирама офтоб ва бугдой донларини тинчгина териб юрган оқ каптарларгина қолар эди.

Атросфида каптарлар айланиб юрган майдон ўртасида оёқяланг, йиртиқ-ямоқ қўйлакли уч яшар бир бола ўтирар эди. У ишламас эди, чунки у ҳали жажжи қўллари билан:

кетмон ушлай олмас эди. У кулар, чапак чалар, каптарларга буғдой донларини узатар, каптарлар эса жон деб бу донларни чўқир эди. Каптарлар унинг бошига қўнганда, у кўзларини юмиб олиб, жарангли товуш билан қотиб-қотиб куларди. У ўз гўдаклигидан лаззатланар, дунёнинг бевафолигидан бутунлай хабарсиз эди. Каптар овиға келган инглиз солдатларига каптарларнинг бсла атрофида уймалашиб ёқмади. Наҳотки улар овсиз қайтсалар?.. Улар чидаб туrolмадилар, солдатлардан бири ердан тош олиб, каптарларга отди, лекин тош болага тегди. Каптар париллаб кўтарилди, бола эса йиғлаб юборди. Кундузги сукунатни бузган боланинг йиғи овозини хотинлардан бири эшитиб қолди. Хотин атроф-теваракка қараб, боланинг на онасини, на отасини кўрди. Ота-оналар тирикчилик учун бўлган машаққатли жангда, ўз болаларига бир бурда нон топиш учун олиб борилаётган мадорсизлантирувчи курашда баъзан ўз болаларини бутунлай унутиб кўяр эдилар. Мана ҳозир ҳам боланинг онаси узоқда, похол ғарами орқасида, қаддини икки букиб, чочилиб ётган буғдой бошоқларини терар, чапдан тозалар эди. Отаси эса худди шу вақтда қопларга ғалла тўлдирмоқда эди. Мабодо она бошоқ тўпламаганда, ота эса, қопларга ғалла солиш билан машғул бўлмаганда, ҳар иковининг бошига қандай кулфат тушиши номаълум эди.

Хотинлардан бири: «Эй! Мустафонинг онаси, ўғлингни ол!» деб чақира бошлади. Лекин Мустафонинг онаси буни эшитмади. Шундан кейин ҳалиги хотин болага яқинлашди ва теvarак-атрофга қаради.

Хотин йўл устида қўлларидаги милтиқларини болага ўқталиб турган бешта инглиз солдатини кўриб қолди. Деҳқон хотин ўзини йўқотиб қўйди. Кўрқув ичида у ҳатто қичқиришни ҳам, ёрдамга чақирини ҳам билмай қолди. Унинг хаёлида «деншава»¹ фожиасининг даҳшатли манзаралари намоён бўлди, у ўз қишлоғини кўз олдига келтирди. Наҳотки, бу ерда ҳам қон тўкилса? Наҳотки, инглизлар унинг опа-сингиллари — деншава аёллари бошига солган кулфатни унинг бошига ҳам солишлари мумкин? Хотин ўзини чулғаб олган даҳшатдан бўғилиб оғир нафас ола бошлади. У бошини қўллари орасига олиб ўтириб қолди. Буғдой бутун атрофдаги бўшлиқни сап-сарик олтин ранг билан қоплади. Унинг кўз ўнгидаги ҳамма нарса, бутун олам

¹ Инглиз қўшинлари томонидан Деншава қишлоғининг вайрон қилиниши. (Тарж.)

саргайиб кетди! Ҳатто қора кўйлак ҳам хотинга лимондек сариқ бўлиб кўринди.

Қайтиб келган каптар эса яна бола устида гирди капалак бўлди, яна унинг бошига кўнди, бола ҳам каптарга дон узатди, кула-кула жажжи қўлларини ҳавода силкитди. Наҳотки улар овсиз қайтсалар? Наҳотки бир тирранча уларнинг свига ҳалал берса... Тўсатдан ўқ овози эшитилди. Даҳшатли акс-садо бутун хирмонни ларзага келтирди. Хотин чўчиб тушиб, кўзларини катта очди, деҳқонлар саросимага тушиб, нима воқиа бўлганини билишга шошилдилар. Мустафонинг онаси биринчи бўлиб югуриб келди ва фақат оналарагина хос бўлган ҳаяжонли овоз билан: «Мустафо, ўғилгинам, Мустафо!» деб қичқирди.

Лекин Мустафо жавоб бермади. У мангу жим қолди. Бир неча дақиқа илгари бола бепарво ўйнаб турган жойда қон оқмоқда эди.

Мустафонинг онаси: «Ўғилгинам, улар сени ҳалок қилишди!», деб қичқирди. Сўнг яқинлашиб келаётган деҳқонларга ўгирилиб, «Инглизлар менинг ўғлимни ўлдирдилар», деди. Эрига қараб: «Мустафонинг отаси, улар сенинг ўғлингни ўлдирдилар!», дея давом этди. Унинг кўзида ёш кўринмас, у тахтадек қотиб қолган эди. Кейинчалик кўзига дув ёш келиб, унинг хуруж қилган асабларини тинчитди... Ҳозир эса унинг дили — она юраги фарёд қилмоқда эди.

Мустафонинг отаси чурқ этмади. У, солдатлар томон югуриб кетди, қишлоқнинг барча аҳли — эркак ва хотинлар унинг кетидан ташландилар. Улар ўзларининг оғир ва уқубатли кунларини баъзан ўз кулгиси билан енгиллаштирган бола устида йиғлаш учун ҳам тўхтамадилар. Бу жажжи болани ҳамма суярди. Унинг илжайишлари уларнинг эзилган юракларига ором берарди.

Деҳқонлар уни Мустафо Комил¹ деб атадилар. Уларнинг ҳар бири биз рўёбга чиқаролмаган орзуларни Мустафо рўёбга чиқаради, деб умид қиларди. Мана энди у жонсиз ётибди. Уни каптар овлаб юрган солдатлар ўлдирдилар... Энди улар узоқда туриб олиб, кулар эдилар. Улардан бири: «Бешта каптар...», деса, Бошқаси: «Йўқ, тўртта каптар, бир гўдак», деб тўғрилади. Учинчиси эса хулоса қилди: «Йўқ, йўқ, мен бас бойлашиб, ютдим... бир гўдак ва бешта каптар». Сўнгра улар қайси бири, ютганини

¹ Мустафо Комил — овоз қилиш ҳаракатининг раҳбари (Тарж.).

апиқлашга қарор қилдилар. Ҳодиса рўй берган жойга бепарволнк билан яқинлашар эканлар, деҳқонлар оломонининг ўзлари томон югуриб келаётганини кўрдилар... Деҳқонлар қиёфасидан ҳаяжон кўриниб турарди. Уларнинг ҳеч бирининг қўлларида на кетмон, на калтак бор эди. Солдатлар деҳқонларнинг бола ўлими учун қасос олмоқчи эканликларини тушуниб, уларга ўт очдилар.


Деҳқонлар, қурбонлар бўлишига қарамай, ҳужумни давом эттира бердилар. Ниҳоят, улар солдатларга яқинлашганларида ёқалашиш бошланди. Деҳқонлар солдатларнинг бирига ёпишиб, қўлдан милтигини тортиб олдилар. Кўп ўтмай иккинчи солдат ҳам ағдарилди. Унинг милтиғи ҳам деҳқонлар қўлига ўтди. Бир неча дақиқадан сўнг қолган учта солдат ҳам ерда ётарди.

Деҳқонлар қони солдатлар қонига аралашиб кетди. Дабдала бўлиб нафас олмай чўзилиб ётган ҳамма одамларнинг қисмати бир хил бўлди.

Эртасига биронга киши ҳам Физо провинция маъмуриятидан бу қишлоқни йўқотиб юборишни талаб қилишга журъат этмади. «Деншава» ваҳшийлигини такрорлашга инглизларнинг юраги бетламади. Шундай қилиб, улар чекиндилар... Ана шундан кейин инглиз қўмондонлиги буйруқ чиқариб, солдатларнинг каптар овлашини ва Миср қишлоқларига яқинлашишини тақиқлаб қўйди.


Қишлоқ аҳолиси қурбонларни кўмиб келгандан кейин, ўз болаларига янада меҳрибонроқ бўлиб қолдилар. Чунки гўдаклар кўзида янги, эртаги куннинг алангалари порлар эди. Яна қишлоқ устида каптарлар парвоз қилди, улар орзу каби порлоқ, жанг каби жонли ва қудратли, олам каби гўзал эдилар.





СУРИЯ ВА ЛИВАН







ВАСФИЙ АЛ-БУНИЙ

*

ГУТА МАРКАЗИДА

Улар беш киши эди: бири ливанлик ўн етти яшар йигит, иккитаси думалик йигирма беш ёшли йигитлар, қирқ ёшли хавронлик бир киши ва Шаълан, у эндигина йигирмадан ошган бўлса-да, кўринишидан ўттиз яшар деса бўлади.

Унинг қаердан келганини қишлоқда ҳеч ким билмас эди. Бир куни эрталаб ливанлик Жорджес далага ишга кета туриб: «Сен қаердан келдинг, йигитча?», деб сўради. Шаълан унга тезгина бир қараб олди-да, ўз йўлида давом этиб, оҳистагина: «Кенг меҳнатқашлар мамлакатидан...», деб жавоб берди.

1915 йилнинг қоронғу июль кечасида бу беш деҳқон тер оғилга зўра суқулиб ётар эди. Уларнинг бу «турар жойи» учта сигир бемалол ухлаб ётган молхонанинг биқинида эди. Сигирларни кечаси билан тинмай вовуллаб чиқадиган иккита ит қўриқлар эди. Бу итлар деҳқон боғларининг турли бурчакларига жойлашиб олган бошқа итлар билан басма-бас акиллашарди. Сигирлар ётган молхона нобоп одамлардан мустаҳкам ёғоч эшик билан қаттиқ ҳимоя қилинган эди.

Шаълан ва унинг ўртоқлари жойлашган оғилнинг эшиги бутунлай бекилмас ва дам олиб ётган батракларни тўда-

тўда итларнинг «дўстона келиб кетишларидан» ҳеч нарса ҳимоя қилолмас эди.

Нимасини ҳам айтасиз — бу тўсатдан қилинадиган ҳужумлар жонга теккан эди! Лекин хўжайиннинг ўғли Зайниддин афандининг келиб кетишлари бундан ҳам баттароқ кўнгилга урган, одатда деҳқонлар уни ўзаро «Ибн-ул-Мадорис»¹ деб атар эдилар.

Бугун кечқурун Зайниддин афанди одати бўйича аввал катта молхонага кирди. Сигирлардан бирига яқинлашиб вақтихушлик билан унинг қорнини кўздан кечирди ва ўз севгилисини эркалатгандай қўли билан сигирнинг устини силаб, у билан гаплаша бошлади:

— Биз сенинг бузоқчангни кутаётирмиз, азизим!

Сўнг Зайниддин афанди оғилдаги батрақлар олдига кетди.

У оғилга кирган вақтда батрақлардан чиққан тернинг оғир ҳиди бурнига кирди.

Зайниддин афанди жирканиб ва жаҳли чиққандай бўлиб пардозланган юзини буриштирди.

Деҳқонлар ўрниларидан туриб унга салом бердилар. Уларнинг юраклари тез-тез ура бошлади, бошлари қуйи тушди.

Бироқ, Зайниддин алик олишни хаёлига ҳам келтирмаган эди. У нафрат билан батрақларнинг гоҳ унисига, гоҳ бунисига қараб, жим турарди. Ниҳоят, унинг оғзи очилди, лекин очилганда ҳам одатдагича сўкиш учун очилди, деҳқонлар ва батрақлар аса беклардан, уларнинг ўғиллари ва ҳамтовоқларидан бундай сўкишларни эшитишга ўрганиб қолганлар.

— Лаънат сизларга! Сафиллар...

Зайниддин афанди ана шу сўзларни айтиб, оғилдан узоқлашди...

* * *

Июль тунининг зулматида ўйноқи ариқча қирғоғи бўйлаб бир киши аҳтиёткорлик билан ҳар томонга аланглаб борарди. У ёнғоқлар орасидан ўтаркан, беихтиёр қўлини узатиб, бир япроқчани узиб олди-да, бармоқлари орасида гижимлади... Боғни қўриқлаб ётган итлар одам шарпасини сезиб, кучлари борича вовуллай бошладилар. Лекин киши

¹ Ибн-ул-Мадорис — «Маълумотли». — (Тарж.)

яқинроқ келиши билан итлар тинчланиб, секингина гинший бошладилар — улар келгиндини таниган эдилар.

Баланд қоматли эркак ўз орқасидан эшикни бекитиб, кулбада пайдо бўлган вақтда батрақлар оҳиста суҳбатлашиб ўтирган эдилар. Киши тўхтаб, беш нафар мадорсиз одамнинг кичкина жинчироқнинг ожиз нурлари билан ёритилган юзларини кўздан кечирди. Деҳқонлар ўз жойларида қотиб қолдилар. Уларни ваҳима босган эди. Улар келгиндини танидилар, кимдир секингина хитоб қилди:

— Абу Диёб?!

Сўнг улардан бири чуқур нафас олиб, хурсанд овоз билан:

— Амаки! Абу Диёб! — деди.

— Жим! Овозингни ўчир... Мен сенга амаки эмасман!

Абу Диёб ичкарироқ кирди. Деҳқонлар тезда унга жой бўшатдилар ва остона олдида чордона қуриб, диққат билан меҳмоннинг юзига тикилдилар.

* * *

Айн Салим қишлоқлик Абу Диёб Гута яқинидаги Абдул Ҳалимбек мулкига бундан олти йил бурун бек қўлида муроби¹ бўлиб ишлаш учун келган эди. У ишга дарҳол ғайрат билан киришди. Бек унинг ғайрати ва садоқатини доим мақтар эди.

Абу Диёб пул тўплаб, ўз она қишлоғига қайтишни, бир парча ер сотиб олишни, хотини, ўғли ва укаси билан бирга ўзининг бир парча ерида ишлашни орзу қиларди. Ҳар янги фасл бошланганда Абу Диёб бекдан ўз ҳақини то зарур бўлиб қолгунча сақлаб қўйишни сўрар эди. Бек ҳам ўзининг намунали чойракорининг бундай илтимосини жон деб бажарар эди.

Шу тариқа тўрт йил ўтди. Абу Диёб кейинчалик яхлит қилиб оларман деб, ўз меҳнати эвазига ҳеч нарса олмади.

Тўртинчи йилнинг охирига келганда Абу Диёб бекдан сақлаб қўйган пулларини сўради. Лекин бек бу пулларни беришдан бош тортди. Бек эсанкираб қолган ижарачининг юмшоқ, лекин қатъий илтимосини писанд қилмади, пинагини бузмади.

¹ Муроби (арабча) — ижарачи-деҳқон бўлиб, хўжайин ерида ишлаб ўз иши эвазига ҳосилнинг тўртдан бир қисмини олади. Узбекча — чойракор (Тарж.)

Уч ҳафта ўтди. Абу Диёб оғир меҳнат қилиб тўплаган пулларини олиш учун қўлидан келган ҳамма нарсани қилиб кўрди. У Абдул Ҳалимбекни виждонли бўлишга ҳам даъват қилиб кўрди, лекин унда инсоф деган нарса йўқлигига батамом ишонди. У бекка нариги дунёдан ва қиёматдан кўрқиш кераклигини кўп гапирди, лекин ҳар сафар ҳам:

— Овозингни ўчир! Сен шариатни қаёқдан билиб қолдинг!— деган жавобни олди.

— Э бек, мен, албатта, сенчалик билимдон эмасман,— деб шошимай, ўз иззат ва обрўсини сақлаб эътироз қилди Абу Диёб,— лекин шунисини биламанки, шариат ўзгаларнинг пулини еб кетишни гуноҳ деб билади...

Бек ғазабга тўлди. Овози борица бақирди:

— Йўқол кўзимдан! Кофир! Сен виждонингни йўқотибсан!

Афтидан, Абдул Ҳалимбек билан Абу Диёбнинг динлари бошқа-бошқа экан...

Қуёш бутун Гута кўкини қоплаб олган улкан товус думларидек уфқ орқасида узун тилларанг шуълаларини аста судраб ғойиб бўла бошлади.

Абу Диёб бекнинг уйдан чиқди-да, икки томонида зайтун дарахтлари, ёнғоқ ва тераклар ўсиб ётган йўлдан секин қадам қўйиб кета бошлади. У саллагуллар ўсиб ётган, теварак-атрофи ўрик ва олма дарахтлари билан ўралган кенг ялангликка чиққандагина тўхтади-да қоронғулашиб бораётган уфққа бепарво назар ташлади. Осмонда ўроқ шаклли ой нур сочиб турарди. Абу Диёб назарида, чеккалари қонга бўялган бинафша ранг булутдан — ғазабга тўлган кимнингдир кўринмас қўллари билан қиндан суғурилган кумушсимон ханжар ялтираб кетгандек бўлди. Абу Диёбнинг қўли беихтиёр белини тимискилаб ханжарни топди. Абу Диёб бу ханжарни бир неча йиллар муқаддам Яманга қарши урушишдан бош тортгани учун султон таъқибидан яшириниб юрган солдат Абу Ясиндан сотиб олган эди.

Абу Диёб гўё қадрдон дўстини тўсатдан учратиб, унинг қўлини сиққандек бир ҳиссиёт билан ханжарнинг сопини қаттиқ сиқди.

— Оҳ менинг садоқатли хомуш дўстим!— деб пичирлади Абу Диёб. Қўли шундайлигича белида қолди. Унинг кўзларига кумуш тигдек бўлиб чўкиб бораётган янги ой шуъласида ялтираб турган Касиюн тоғининг қияларидан бошқа ҳеч нарса кўринмас эди...

Ботаётган ойнанинг бир қисмини тсғ ютиб юборган дам-да Абдул Ҳалимбекнинг буралган мўйлаби ва икки лунжи осилиб тушган қизил юзи бир лахза намоён бўлди. Абу Диёбнинг қулоқлари остида яна бекнинг қичқирган овози жаранглади: «Мендан нимани талаб қилмоқчисан? Ҳеч қачон... Ҳеч қачон... Сенга нима керак?» Абу Диёб кўксига ғазаб ўти қайнар эди. У йўллар, далалар бўйлаб юра бошлади, буларни у билардигина эмас, балки ўз баданини, ўз жисмини сезгандек ҳис қилар эди. Бутун атрофдаги ерлар унинг пешона тери билан суғорилган, унинг қони билан аралашиб кетган-ку, ахир. У ўзининг ер билан жуда қадрдон эканлигини сира унутмайди. У ҳатто нон билан пиёз ва бодрингни — ўзининг одатдаги овқатини еганда ҳам, далаларнинг исини ҳис қиларди. Лекин бугун Абу Диёб ўзини ерга ҳеч қандай алоқаси йўқдек ҳис қилди. У қадам ташлаб кетмоқда эди-ю, лекин оёқлари остидаги ерни деярлик сезмас, Абдул Ҳалимбек унинг пули билан бирга гўё ерини ҳам ўғирлаб олгандек туюларди.

Абу Диёб тобора узоқлашиб борарди...

Мана ўрикзорлар. Бу ўрикларни юзик шохлари ўссин деб, баҳорда гулласин деб, эрта ёзда серсув мевалар қилсин деб ўзи ўтқазган, ўзи суғорган, ўзи парвариш қилган.

Мана ариқча. У лўвия, мош ва бақлажонлар экилган даланинг бир чеккасидан оқади... У, Абу Диёбнинг ўзи, кетмон билан шу ариқчага йўл очган, ариқчанинг лабига сув тегнишдан илгари Абу Диёб ўзи унинг ичига кўплаб тер тўккан. Абу Диёб жазирамада ариқча қирғоғи бўйлаб кетаётган вақтларида унинг кўксига ўз тери эмас, балки ариқчанинг суви нам бераётгандек туюларди.

Ҳозир эса Абу Диёб ҳеч нарсани сезмас эди... Абу Диёб шу тариқа узоқ кезиб юрди, у ўз фикрларидан уйғонган вақтда, алақачон ярим кеча бўлган эди. У мол қўрадан бекнинг уйини айириб турган катта бир дарахт олдида тўхтади. Итлар уни хурсанд кутиб олдилар. Улар унинг атрофида чанг ичида сакрашар ва думалашар эди. Абу Диёб эса уларнинг қизғин кутиб олганликларини сезмади ҳам. Уммал Хайрнинг сигири итларнинг безовталигини пайқаб, молқўра тешигидан бошини чиқарди ва чўзиб бир маъраб қўйди.

Абу Диёб чўчиб тушди ва ундап ўпкалагандек:

— Жим... — деди.

Кўп вақтлар ўтди, Гутада эса ҳали ҳам Абдул Ҳалим-бекнинг ижарачиси Абу Диёб тўғрисида тинмай гапирардилар. Ҳамма ерда-далаларда омач олдида, деҳқанлар ишдан кейин дам олганларида уйларда, кўм-кўк дарахтларнинг соя-салқинида, Барада ва унинг ирмоқлари соҳилларида — хуллас, ҳамманинг оғзида шу тарих такрорланар эди.

Воқинанинг қандай бўлганини биласанми?

— Йўқ. Сен-чи?

Ҳамма ҳам воқинани бир неча бор эшитган бўлса-да, яна жон деб қайта-қайта эшитарди.

Уша кеча Абдул Ҳалимбек уйнинг ташқи хоналаридан бирида ухлаб ётар эди.

Абу Диёб ярим кечадан ўтар-ўтмас ҳовлининг шарқий деворига чиқиб олди ва олдида катта ёнғоқ ўсиб ётган очиқ дераза орқали бекнинг хонасига кирди.

Бек икки тўшак устида келин гўшангасини эслатувчи парда ичида ухлаб ётарди, бу парда уни чивинлардан сақларди. Хонада чироқ хира ёниб турарди. Абу Диёб пиликни чиқарди, уй ёришди...

Бек уйғониб ўрнида у ёқдан-бу ёққа ағдарилди. Қўрқув унинг тилини боғлаб қўйди, у инграр ва пиқилларди. Бирдан у парда орқасидан чиққан кескин овозни эшитди:

— Қўрқма, бек... Мен, Абу Диёбман.

— Нима... Нима керак сенга? — деб гудурлади бек.

— Менга нима кераклигини унутдимми, бек? Уэ пулимни олмоқчиман, холос. Қўрқма. Мен ўғри эмасман.

Бек парданинг бир четини кўтарди. Унинг қўллари титрар, бети худди мурданикидек сарғайиб кетган эди.

Абу Диёб яна гапира бошлади.

— Тузукроқ қара, бек. Мен — Абу Диёбман. Уғри эмасман. Эшитяпсанми?

Бекни кимнингдир бақувват қўли ушлаб олиб, боғбон тут шоҳларини силкиган сингари силкигандек бўлди.

— Қўрқма, бек! — такрорлади Абу Диёб. — Мен ҳам сендек одамман — худди сеникидек жисмим ва жоним бор. Мен қашқир ҳам эмасман, бўри ҳам эмасман.

Абу Диёб парда сўзлари жуда хотиржамлик билан айтди. У дераза ёнидаги кўк духоба қопланган креслода жимгина ўтириб, қаттиқ нафратга тўлган кўзлари билан аҳён-аҳёнда бека қараб қўяр эди.

Абду Ҳалимбек оғир нафас оларди... У кечқурун ётаётган вақтида деразадан ойнанинг ёруғи тушиб турганини, бойқуш ўтиргандек бўлиб кўринганини эслади. У ўзига ўзи:

— Оҳ, бу қуш бахтсизлик келтиради,— деб қўйди.

...Бу гал бу ҳикояни икки букилган кампир хассасига суяниб диққат билан эшитар эди. Ҳикоя қилаётган киши сўнгги сўзини айтганда, кампир бошини кўтарди, оғзини очиб, тиш қолмаган қиш-қизил милқларини кўрсатиб, дудуқлана-дудуқлана гапира кетди. Унинг ияги калтакесакнинг тешикдан чиқиб турган боши сингари гоҳ пастга тушар, гоҳ кўтарилар эди.

— Уғлим, бунга бойқушнинг нима алоқаси бор. Бошдан-оёқ бекнинг ўзи айбли. Кимки бировнинг ҳақини еса, ажал ҳаммадан аввал ўшанга ёпишади. Валлоҳ, Абу Диёбнинг бошидан тилла қуйсанг арзийди. Хўш, кейин нима бўпти, ўғлим?— деб сўради кампир.

Кампир ва унинг ўғли Ҳамуд бир деҳқон билан бирга бир эшак ва икки сигирни қишлоқ чеккасидаги узоқ далага ҳайдаб бормоқда эдилар. Эшак сигирлардан орқада қолмоқчи бўлди, лекин кампир уни эгри ҳассаси билан бир туширди-да, жаҳл билан минғирлади:

— Юр, юр! Падар лаънатининг эшаги?

Ҳамуд бир сакраб эшак устига чиқиб, эгарда яхшилаб, ўтириб олди-да, чап оёғи билан жониворнинг биқинига турта бошлади. Эшак диканглаб кетди.

Ҳамуд хурсанд бўлиб қичқирди:

— Ишш! Эгангнинг бошидан қолгур!

У жиловни тортиб эшакни тўхтатди. Бир неча минутдан сўнг улар яна йўлга тушдилар.

Ҳамуд яна ўз ҳикоясини давом эттирди.

У, бекнинг кўзлари қандайдир ёқимли ва яхши нарсани эслагандек чарақлаб кетганини, унинг Абу Диёб билан мулоимий гаплашиб, унга ишлаб топган пулини қайтариб бермоқчи бўлганини, кармонини оламан деб туриб, қалтироқ қўллари билан кармон ўрнига ялтироқ қора тўппончасини олганини ва Абу Диёбнинг бек устига лочиндек, ташланганини, кармондан тушган пулларни оёқлари остига олиб тепганини ва бекка ханжар уриб, сўнгра лип этиб деразага чиққанини ва қоронғуликда ғойиб бўлганини... болаб, ҳикоя қилди.

Кампир яна ўғлининг сўзини бўлиб, ундан сўради:

— У бечора пулини ҳам оптимми?

Худди шу чоқда товонлари билан эшакнинг биқинига туртаётган ўғли жавоб берди:

— Йўқ, ҳеч нарсани олмабди. Фақат эсдалик учун тўп-пончани опти.

* * *

Қоронғу июль кечасида Абу Диёбни зич ўраб ўтирган беш нафар деҳқон жуда хурсанд эди, лекин бу хурсандликка яширин ташвиш ва бесаранжомлик ҳам қўшилган эди.

Уларнинг ҳар бири: «Деҳқонларни ана шу киши ҳимоя қилар экан!»— деб ўйлар эди.

— Биэнинг бошимиздан нималар кечгани тўғрисидаги хабарнинг Абу Диёбга бориб етган-етмаганлигини энди ўзинг кўриб турибсан!

Уч кун бурун Абдул Ҳалимбекнинг ўғли Зайниддин афанди батраклар олдига келди. Унинг қўлида қамчи бор эди. Зайниддин афанди батракларга ташланиб орқа-ўнгига қарамай ҳаммани савай кетди. Қўли толгунча савади...

Батраклар ичида энг хушчақчағи ва вазмини Шаълан эди. У Абу Диёбга тамакили қутича узатди, сўнгра деворга суялди ва қўлини қовуштирган ҳолда меҳмоннинг тамаки ўраётган бармоқларини диққат билан кузатди. Шу дамда у ўзича ғулдураб қўйди:

— Қойил Бузбуз!

Бузбуз қишлоқи етим бўлиб, битта кулча нон учун хўжайинларга ҳам, деҳқонларга ҳам хизмат қилишга тайёр кишилардан эди.

Яқин кунларда Шаълан Бузбузга Гута ўрмонларига бориб Абу Диёбни топишни ва унга юз берган воқияни айтиб беришни буюрган эди...

Шаълан деҳқонларнинг ҳомийси тўғрисида эшитган эди. У зўр қизиқиш билан бундай ҳомийлар тўғрисида ҳикоя қилишни сўрар ва улар билан фахрланар эди. Шаълан Абу Диёбнинг Абдул Ҳалимни «болагандан» кейин, маъмурларга бўйсунушдан бош тортиб, ўраб олган жандармларга таслим бўлмаганини — унинг номи доимо барча бекларга даҳшат солишини яхши билар эди. Деҳқонларни эзувчилардан Абу Диёб ўч олганлиги тўғрисидаги, помешчиклар деҳқонлардан ўғирлаган пулни Абу Диёб ўз эгаларига қайтариб бериши тўғрисидаги, Абу Диёбни тута олмаган султон жандармларининг ожизлиги тўғрисидаги, Абу Диёбга шикоят қиламиз, деб дўқ қилишнинг ўзиданоқ бекларнинг ўларча қўрқиши тўғрисидаги гаплар оғиздан-оғизга

Ўтиб юрар ва деҳқонлар далада ёки боғда ёлғиз қолганлариди қайта-қайта такрорланар эди.

Бу ҳикоялар деҳқонлар қулоғига ором берар эди. Улар оғиздан-оғизга ўтиб, ўзгарар, тўлдирилар, афсоналарга айланар эди. Шаълан ҳам дала йўлларида ўзи тўқиган ашуларда Абу Диёбнинг жасоратини мақтарди.

Мана, худди шу афсонавий қаҳрамон, Шаълан тасаввуриндаги ажойиб баҳодир уларнинг қаршисида ўтирибди. Ташқи кўринишдан у Гута деҳқонларининг ҳеч биридан фарқ қилмас эди — фақат юзи ғазаб ва қасос аломатларини кўрсатар, кўзлари эса ғурур билан ёнар ва ўзига қаттиқ ишонганлигини ифодалар эди.

Абу Диёб бош бармоғи билан кўрсаткич бармоғи орасида жиндак тамакини қоғозга ўрар экан, деҳқонларнинг биронтасига ҳам қарамай сўради:

— Зайниддин афанди сизларни нима учун калтаклади?

— Худо ҳақи, амаки...— деб Шаълан гап бошлаган эди,

Абу Диёб дарҳол унинг сўзини бўлди:

— Калтакка гинг демай бардош берган кишига мен амаки эмасман!

Шаълан ҳаяжон билан гапида давом этди. Шаълан тўртта ўртоғи билан янги ўриб олинган буғдойдан озгина қовуриб емоқчи бўлганини, бундан хабардор бўлган хизматкор хотин дарров хўжайинга етказганини айтиб берди. Шаълан тунда бекнинг ўғли келганини ва батракларни қамчи билан савалаганини айтиб берганда, Абу Диёб худди ўзи қамчи егандек титраб кетди ва қичқирди:

— Бўлди, бас қил!

Абу Диёб қовоғини солиб олди. Чап қўлини пешонасига қўйиб юзини ишқади. Бир минут жим тургач, яна гап бошлади:

— Зайниддин афанди сизни нега урганни биласизми?— деб сўради.

— Буғдой еганимиз учун ургандир-да?— таажжубланди ливанлик Жоржес.

— Йўқ,— бошини чайқади Абу Диёб.— Йўқ, сабаби бу эмас.

— Хўш сабаби нима?— деб сўради ховранлик деҳқон.

Абу Диёб ғазабга тўлиб кескин жавоб берди:

— Сабаби шуки, у сизни ожиз деб билади! Гарчи сизлар беш киши, у битта бўлса ҳам сизнинг унга қарши бирлашмаганлигингизни билади! У сизлардан қўрқмайди, шунинг учун урган!

Худди шу чоқда товонлари билан эшакнинг биқинига туртаётган ўғли жавоб берди:

— Йўқ, ҳеч нарсани олмабди. Фақат эсдалик учун тўп-пончани опти.

* * *

Қоронғу июль кечасида Абу Диёбни зич ўраб ўтирган беш нафар деҳқон жуда хурсанд эди, лекин бу хурсандликка яширин ташвиш ва бесаранжомлик ҳам қўшилган эди.

Уларнинг ҳар бири: «Деҳқонларни ана шу киши ҳимоя қилар экан!»— деб ўйлар эди.

— Бизнинг бошимиздан нималар кечгани тўғрисидаги хабарнинг Абу Диёбга бориб етган-етмаганлигини энди ўзинг кўриб турибсан!

Уч кун бурун Абдул Ҳалимбекнинг ўғли Зайниддин афанди батрақлар олдига келди. Унинг қўлида қамчи бор эди. Зайниддин афанди батрақларга ташланиб орқа-ўнгига қарамай ҳаммани савай кетди. Қўли толгунча савади...

Батрақлар ичида энг хушчақчағи ва вазмини Шаълан эди. У Абу Диёбга тамакили қутича узатди, сўнгра деворга суялди ва қўлини қовуштирган ҳолда меҳмоннинг тамаки ўраётган бармоқларини диққат билан кузатди. Шу дамда у ўзича ғулдураб қўйди:

— Қойил Бузбуз!

Бузбуз қишлоқи етим бўлиб, битта кулча нон учун хўжайинларга ҳам, деҳқонларга ҳам хизмат қилишга тайёр кишилардан эди.

Яқин кунларда Шаълан Бузбузга Гута ўрмонларига бориб Абу Диёбни топишни ва унга юз берган воқинани айтиб беришни буюрган эди...

Шаълан деҳқонларнинг ҳомийси тўғрисида эшитган эди. У зўр қизқиш билан бундай ҳомийлар тўғрисида ҳикоя қилишни сўрар ва улар билан фахрланар эди. Шаълан Абу Диёбнинг Абдул Ҳалимни «болагандан» кейин, маъмурларга бўйсуннишдан бош тортиб, ўраб олган жандармларга таслим бўлмаганини — унинг номи доимо барча бекларга даҳшат солишини яхши билар эди. Деҳқонларни эзувчилардан Абу Диёб ўч олганлиги тўғрисидаги, помешчиклар деҳқонлардан ўғирлаган пулни Абу Диёб ўз эгаларига қайтариб бериши тўғрисидаги, Абу Диёбни тута олмаган султон жандармларининг ожизлиги тўғрисидаги, Абу Диёбга шикоят қиламиз, деб дўқ қилишнинг ўзиданоқ бекларнинг ўларча қўрқиши тўғрисидаги гаплар оғиздан-оғизга

ўтиб юрар ва деҳқонлар далада ёки боғда ёлғиз қолганлариди қайта-қайта такрорланар эди.

Бу ҳикоялар деҳқонлар қулоғига ором берар эди. Улар оғиздан-оғизга ўтиб, ўзгарар, тўлдирилар, афсоналарга айланар эди. Шаълан ҳам дала йўлларида ўзи тўқиган ашуларда Абу Диёбнинг жасоратини мақтарди.

Мана, худди шу афсонавий қаҳрамон, Шаълан тасаввуридидаги ажойиб баҳодир уларнинг қаршисида ўтирибди. Ташқи кўринишдан у Гута деҳқонларининг ҳеч биридан фарқ қилмас эди — фақат юзи ғазаб ва қасос аломатларини кўрсатар, кўзлари эса ғурур билан ёнар ва ўзига қаттиқ ишонганлигини ифодалар эди.

Абу Диёб бош бармоғи билан кўрсаткич бармоғи орасида жиндак тамакини қоғозга ўрар экан, деҳқонларнинг биронтасига ҳам қарамай сўради:

— Зайниддин афанди сизларни нима учун калтаклади?

— Худо ҳақи, амаки...— деб Шаълан гап бошлаган эди,

Абу Диёб дарҳол унинг сўзини бўлди:

— Калтакка ёнинг демай бардош берган кишига мен амаки эмасман!

Шаълан ҳаяжон билан гапида давом этди. Шаълан тўртта ўртоғи билан янги ўриб олинган буғдойдан озгина қовуриб емоқчи бўлганини, бундан хабардор бўлган хизматкор хотин дарров хўжайинга етказганини айтиб берди. Шаълан тунда бекнинг ўғли келганини ва батракларни қамчи билан савалаганини айтиб берганда, Абу Диёб худди ўзи қамчи егандек титраб кетди ва қичқирди:

— Бўлди, бас қил!

Абу Диёб қовоғини солиб олди. Чап қўлини пешонасига қўйиб юзини ишқади. Бир минут жим тургач, яна гап бошлади:

— Зайниддин афанди сизни нега урганни биласизми?— деб сўради.

— Буғдой еганимиз учун ургандир-да?— таажжубланди ливанлик Жоржес.

— Йўқ,— бошини чайқади Абу Диёб.— Йўқ, сабаби бу эмас.

— Хўш сабаби нима?— деб сўради ховранлик деҳқон.

Абу Диёб ғазабга тўлиб кескин жавоб берди:

— Сабаби шуки, у сизни ожиз деб билади! Гарчи сизлар беш киши, у битта бўлса ҳам сизнинг унга қарши бирлашмаганлигингизни билади! У сизлардан қўрқмайди, шунинг учун урган!

Шаълан лабини тишлаб, бошини силқиб маъқуллади, сўнг бундай деди:

— Тўғри! Валлоҳ, ҳақ гап!..

Абу Диёб атрофидаги беш деҳқонга қараб, буйруқнамо қилиб гапирди:

— Сиз ўч олишингиз керак. Шу ерда, худди мана шу мол қўрада сиз ўзингизни калтаклаган кишидан қасос олишингиз керак. Агар сиз шундай қилмасангиз, бошлаб адабингизни бераман.

Абу Диёб кетар олдида Шаъланга бундай деди:

— Зайниддин афандига жазо беришда иштирок қилганидан кейингина ҳақиқий жияним бўласан...

Орадан икки кун ўтди... Бу кунлар Шаълан учун ҳақиқий ҳаёт кунлари бўлди. Бу кунлар унинг чеҳрасидан зулматда ўтган ўн йилнинг асоратини ювиб ташлади. Бу йигитнинг ҳар бир ҳаракати ғайрат билан тўлган, ҳар бир қарашда шодлик алангаланар эди.

Шаълан икки кун Гута ўрмонлари ва боғларида кезди, Абу Диёбга қўшилиш ҳақида ширин хаёл қилди. Бир неча соат илгари унинг олдида Бузбуз келиб кетди. Бола унга битта кулча, иккита пиёз олиб келди ва, Абу Диёб сени Уммал Жуз даласининг шарқ томонидаги катта анжир тагида кутиб ўтирибти,— деди...

Оҳ, қандай бахтли кун! Энди Шаълан Абу Диёбга қўшилишга батамом ҳақли эди — Дамашқ тюрьмасининг оғир дарвозаси унинг ўртоқларини ўз комига тортди, уни эса султон солдатлари таъқиб қилмоқда эди. Шаъланнинг кўнглида қандайдир янги, шу дамгача унда сира бўлмаган ҳиссиёт уйғондики, бу ҳиссиёт мағрурлик, ўз қадр-қийматини билиш ҳиссиёти бўлиб, ҳаётда ўз ўрнини топиб олган одамга хос ҳиссиёт эди. Ҳа, у ана шундай одам бўлиб қолди, чунки у мардлик ва шараф йўлига, шуҳратли ва олижаноб йўлга кирди. Кун ботгандан кейин икки соат ўтгач Шаълан илон нзи сўқмоқлардан юрар ва ариқлардан кечар экан, қасос тунининг манзаралари — у ўша кечани шундай деб атади — унинг хаёлидан кетмас эди.

Ўша тун фақат Шаълан ва унинг ўртоқлари ҳаётидагина эмас, балки бошқа кўп кишилар ҳаётида ҳам машҳур тун бўлиб қолди.

...Ўша кеча Абу Расин деб аталган буқа ўз ролини ўйнади. У жуда қайсар эди. Агар у бир жойда туриб олса, ҳатто қуюн ҳам қўзғатолмайдиган деворга айланар эди. Шунинг учун деҳқонлар Зайниддин афандининг ўз одати

бўйича кечқурун оғилхонага кириб, кейин чиқиб кетаётганида унга тўсқинлик қилиш йўлларини ўйлаб топишга уринган вақтларида, Абу Расинни на кириш учун, на чиқиш учун очилмайдиган ўзига хос бир ашик қилишга қарор қилдилар.

Абу Расин ҳам ўз вазифасини виждонан бажарди: бекнинг бошқарувчиси ўз хўжайинининг ўғлига ёрдам бермоқчи бўлганида Абу Расиннинг кучли зарбаси уни бир четга улоқтириб ташлади, у худди копток сингари ерда думалаб кетди.

Шаълан бу воқияни эслаб, кулиб юборди...

Ҳайдалган дала ўртасида кўмирдек қоп-қора қарға юрарди. Узоқдан итнинг хуриши эшитилди...

Мана, қоронғуда эҳтиётлик билан аста-аста қадам қўйиб келаётган баланд бўйли одамнинг қора гавдаси кўринди.

Шаъланнинг юраги бир орзиқиб тушди. Уни бир дақиқа кўрқув босди, лекин у дарҳол тинчланди ва ўзича пичирлади:

— У албатта, унинг ўзи...

Абу Диёб Шаъландаги ҳаяжонни сезгандек эди. У, йигитга яқинлашгач, сўради:

— Нимадан кулдинг?

Бу овоз Шаълан кўнглини ғоят қувонтирди. Абу Диёб унга қўл узатди, Шаълан унинг қўлини ўпишга шошилди. Абу Диёб ранжиб, уни қайтарди:

— Йўқ, йўқ! Бу ишинг бизнинг одатимизга тўғри келмайди, уят!

Икки киши ҳайдалган дала чеккасига ўтирдилар, уларни анжир дарахти чодирдек яшириб турарди. Абу Диёб қасос тунининг тарихини эшитди...

Узоқ жимликдан кейин Абу Диёб сўради:

— Йигит, сен қаердансан ва кимсан?

Шаълан юзида бир оз табассум пайдо бўлди ва у бамайлихотир жавоб берди:

— Кенг меҳнаткашлар мамлакатидан...

— Яхши,— деди Абу Диёб.— Хуш келибсан.

* * *

Дамашқ билан саҳро ўртасида чўзилиб ётган Гутага 1921 йилнинг ёзи келди.

Ойдин кечада Барада қирғоқларида ҳар жой-ҳар жойда қурбақалар шод вақиллар, қора чигирткалар тинмай чириллар эди. Лекин улар жим бўлиши ҳамон қабристонни эслаувчи даҳшатли, сукунат бошланарди...

— Сурияда қандай янгиликлар бор, Шаълан? — деб сўради Абу Диеб ва папирсини қаттиқ тортиди.

— Худо ҳақи, Абу Диеб, Сурия нотинч. — Шаълан бир оз жим қолди, сўнгра давом этди: — Ҳамма ерда ажнабийлар, чет эл қўшинлари хўжайинлик қилади. Уларни ҳамма ёмон кўради. Майли, бизни хўрлаганларни оллоҳ хўрласин!

Абу Диеб папирос қолдигини улоқтириб, жавоб берди.

— Агар сен ўзингни хўрламасанг, сени ҳеч ким хўрламайди...

* * *

Уммал Жуз теварагидаги чакалаклар француз аккупация армияси офицерларининг юрагига даҳшат соларди. Улардан биронтаси далага овга чиқадиган бўлса, бир ўққа нишон бўлар эди. Бу ҳол тобора тез такрорланадиган бўлиб қолди. Охири ғазабидан қутурган ҳарбий ҳокимият Уммал Жузга ўт қўйишни буюрди.

Ҳали йигирма тўрт соат ҳам ўтмаган эди, Дамашқнинг энг бой боғ-бўстонларидан бири алангаланиб турган гулханга айланди.

Абу Диеб ва унинг беш ўртоғи олов ҳалқадан чиқиб олишга муваффақ бўдилар. Бироқ, Шаълан улгурмади, уни қўлга туширдилар.

У ерда ётар эди. Унг оёғидаги ярасидан қон оқарди. Унинг олдига тўрт солдатни эргаштириб бир офицер келди. Офицер хипчин билан Шаъланнинг башарасига урди. Сўнгра уни калтак билан саваладилар. Шаълан французлар оғзидан чиққан бир неча сўзни эшитди-ю, ҳушидан кетди.

У кўзини очганда ўзини камерада кўрди. Уни қандайдир ўз жаҳлига чидай олмаётган одамлар ўраб олган эди. Улардан бири югуриб келиб, арабчалаб сўради:

— Отинг нима?

Шаъланга бу овоз танишдек туюлди. У киши бир минут кутиб турди-да, жавоб ололмагач, француз солдати олдига бориб, ниманидир шивирлади. Сўнг яна Шаъланнинг олдига келди ва нафрат билан ўз саволини такрорлади:

— Эй ит, отинг нима?

Худди ана шу дамда Шаълан бу одамни таниб қолди ва бутун юрагидан чиқариб қичқирди:

— Минг лаънат, сотқин!

Француз жаллодларига таржимонлик қилаётган киши Зайниддин Абдул Ҳалимбек — «Ибн-ул-Мадорис» эди...

Шаълан бутун кучини ишга солиб, қонга бўялган бошини кўтарди-да, сотқиннинг башарасига туфурди.

Уз халқининг фарзанди Шаълан — жаллодларнинг қамчи ва дарралари остида тиз чўкмай, мағрур ҳалок бўлди.

ИККИ КУН

— Сигаретдан ол, Абу Одил... Чек... Ва ўз ҳаётинг ҳақида гапириб бер. Нима учун ҳамиша ғамгинсан, нега юзингни бунчалик кўп ажин босган, нима учун камдап-кам куласан, кулганигда ҳам маъюслигинг кўриниб туради? Шуларни кўпдан бери сўрамоқчи эдим.

Абу Одил менга оғир ва сокин кўзлари билан бир қараб қўйди ва бир нарсани хотирлагандай кўзларини узоқларга тикди...

— Нима сабабдан дейсанми?.. Ҳаммаси урушнинг касофати, дўстим, урушнинг...

У бир оз жим қолиб шошилмасдан давом этди:

— Биринчи жаҳон уруши бошланган пайтда, мен ҳали мактабда ўқир эдим. Ёшим тўққизда эди. Отам камбағал сабзавотфуруш эди. Туркия султони сафарбарлик эълон қилгач, отам армияга кетди. Шундай қилиб, гўдаклик чоғимдаёқ бошимга рўзғор ташвиши тушди. Беш жонни боқиш керак эди. Онамнинг мендан бошқа яна уч боласи бор эди — жажжигина укам, опам ва синглим.

Мактабимни ташлаб, отамнинг сабзавотфуруш чол дўстига дастёр бўлиб кирдим. У менга шундай оз ҳақ тўлардики, кундалик иш ҳақим битта нонга аранг етарди. Ҳар куни кечқурун онам бу нонни бешга бўлиб, бизга тақсимлаб берар, ўзига эса, энг кичик бўлагини қолдирар эди.

Тез орада катта бўлиб қолганимни ҳис қила бошладим. Бўлмасачи, мен бутун бир оиланинг рўзғор бошиси бўлиб қолган эдим! Отам солдатликка кетган кундан бошлаб болалигим тугади. Кўп ўтмай отамнинг ҳалок бўлганини эшитдик...

Болалик қувончлари ҳақида сўрамай қўя қол. Уйнаб-қулиш қаёқда дейсан, ахир, менинг ўрнимда бошқа бола бўлганда ҳам ўйин-томоша ҳақида ўйлай олармиди...

Уша вақтларда, Туркия араб ёшларини шафқатсизлик билан ўлимга ҳайдар эди. Тез орада Байрутда фақат чоллар, хотинлар ва ёш болалар қолди. Кўчаларда очликдан ўлган мурдалар чўзилиб ётар эди. Мен кўча ва бозорларда

санқиб юрган ёш болаларнинг: «Нон... Қорнимиз оч...» деган заиф, ачинарли овозларини ҳеч қачон ёдимдан чиқара олмайман.

Бизга қўшни бир аёл ва унинг уч боласи эшигимиз олдида очликдан ҳалок бўлгани ҳали ҳам эсимда. Бу аёл болаларига қотиб қолган қон сотиб олиб берди. Нега бош чайқайсан... Ахир, бу бўлган гап! Уша вақтларда қушхонадан олинган қонни ивитиб, бўлак-бўлак қилиб қирқиб, оч қолганларга сотар эдилар.

Бир куни бозорда оч қолган бир ўсмир бола нонвойнинг нопини олиб қочгани эсимда. Турк солдати уни ўша онда ёқ ушлаб олиб, қўлидан нонни тортиб ола бошлади. Бечора бола кучининг борича нонга ёпишиб олиб, очкўзлик билан нонни тишлаб-тишлаб чайнамасдан ютар эди. Солдат унинг оғзидан нонни тортиб олишга урниниб, бошига ҳадеб мушталар эди...

Ушанда ақлим бошимдан учгандай туюлди. Мен у даҳшатли кунларни умримнинг охиригача ёдимдан чиқара олмайман — у мудҳиш кунлар ҳамиша кўз ўнгимда, уларнинг ҳаммасини худди кечагина бўлиб ўтгандек эслайман... Аммо икки кун ҳақида сенга ҳикоя қилиб бермоқчиман.

...Бу воқна 1916 йил 6 майда бўлган эди... Жафокашлар куни. Эрталаб кўчага чиқиб, одамлар ҳаяжонланиб бир-бирлари билан пичирлашаётганларини ва тушуниб бўлмайдиган бир нарса ҳақида гаплашаётганликларини кўрдим:

— Ҳаммасини дорга осармишлар...

— Бир соатдан сўнг...

— Қалъа ёнида дорлар қурибдилар. Мен кўрдим...

Мақтаб ўқувчисига ўхшаган бир одам: «Золимларга лаънат» — деб бақирди ва бир тор кўчага кириб ғойиб бўлди.

Мен оломон билан бирга майдонга қараб жўнадим. У вақтда «дор» нима эканлигига ақлим етмас эди...

Майдон одамлар билан лиқ тўла эди. Халқ нафасини ҳам чиқармасдан, жим турарди. Мен суқулиб биринчи қаторга ўтиб олдим ва солдатлар зич ўраб олган, байрам арғимчоқларига ўхшаган, ёғочдан ясалган қурилишларга кўзим тушди. Тўсинларга учи сиртмоқ қилинган арқонлар осилган эди. Солдатлар тириклай кафан кийдирилган кишиларнинг бўйнига сиртмоқларни сола бошладилар. Улар йигирма кишига яқин, балки ундан ҳам кўпроқ эдилар. Уларнинг кўпчилиги бақиривар ва қўлларини силкитишар эди. «Мустақиллик... Арабларга озодлик... Золимлар...

Йўқолсин!» деган бир неча сўзни эшитдим — бу сўзлар ҳали ҳам қулоғим остида жаранглаб туради.

Бирдан от туёғи товуши эшитилиб қолди, атрофимдагилар: «Жамол пошшо... Жамол пошшо¹ деб пичирлаша бошлади. Кўзим бу қалин қора соқолли ва ёвуз башарали қонхўрга тушди. У, дорлар олдида отини ўйнатиб, шиддатли товуш билан нималарнидир бақирарди.

Бирдан оҳиста нола кўтарилди, ҳамма даҳшат билан дорлар томонига қаради. Мен ҳам ўша ёққа қарадим... Осилганлар типирлашар, эгилишар ва айланишар, бир жойнинг ўзида гир айланишар эди...

Кўз ўнгим қоронғулашиб, йиқилишимга сал қолди. Даҳшатга тушиб, орқага қочдим ва оломон орасидан чиқиб олиб, аста-секин кета бошладим. Майдонга яқин жойда: «Йўқолсин истибдод! Яшасин араблар! Яшасин мустақиллик!» деб қичқираётган кишига дуч келдим. Бурчакдан учта турк солдати югуриб чиқиб уни миштиқ қўшдоқлари билан савалай бошладилар. Кейин уни қаёққадир судраб кетдилар.

Абу Одил ҳикоясини тўхтатиб, кўзларини юмди ва ўйга ботди.

— Хўш, иккинчи кун-чи? Менга икки кун ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчи эдинг-ку...

— Ҳа, ҳа... Иккинчи кун... Эсимда — мен ўшанда қаттиқ оғриб ишга чиқолмай қолган эдим. Оиламиз ҳар кунги битта нонидан ҳам маҳрум бўлган эди. Ёйишга ҳеч нарса йўқ эди.

Касаллигимнинг иккинчи кунини онам бозорга бориб, иккита редиска ва бир нечта мушмула данагини олиб келди. Менинг жуда мазам қочиб қолганидан атрофда бўлаётган воқияларни зўрга англаб эдим. Онамни йиғлаб турган болалар ўраб олгани, кичик укам редискани тортиб олиб, очкўзлик билан еб қўйгани, синглим эса мушмула данагига қўл чўзиб, уни оғзига солгани, бир оз чайнаб, онамдан яшириб секингина тупириб ташлагани ҳали ҳам ёдимда...

Эртасига эрталаб кўзимни очиб, уйда онам йўқлигини билдим. Синглим оҳиста:

— Онам кетди... Ҳеч нарсамиз йўқ... У жуда касал, — деди.

¹ Жамол пошшо (1872—1922)— турк реакцион давлат арбоби 1914—1918 йилларда Сурия ва Ливанда қўшин қўмондонини бўлган вақтида араблар ва арманлардан ваҳшийларча ўч олган.

— Бодалар қани?— деб сўрадим.

— Ҳовлида... Йиғлашяпти...

Бир оёдан сўнг очик эшикдан худди шарпа сингари ранг-сиз онамнинг аста-секин ҳовлига кираётганини кўрдим. Онам бир неча қадам ташлагач, йиқилиб қолди, сўнг ўрнидан туриб, аранг-уйга кириб келди. Унинг кўзлари ичига кириб кетган, юзлари сўлгин эди. Остонадан ўтиб, тўшагим олдига зўрға яқинлашди. Мен бутун кучимни йиғиб, ўрнимдан туришга ҳаракат қилдим, аммо турар-турмас, яна ағанаб тушдим. Онам қўрқиб кетиб, қутилмаган тезлик билан менга яқинлашди ва худди ёғоч сингари қаттиқ қўллари билан бўйнимдан кучоқлади.

Шу кунни онам ўлди. Бир ҳафтадан сўнг синглим вафот қилди.

Челлар каби қаддим букилган ҳолда мен ишга қайтдим...

Шу икки кунни мен умрбод эсимда сақлаб қолганман. Улар меннинг юрагимда очлик ва урушга қарши шиддатли кифрат билан яшайдилар!..

МУҲАММАД ИБРОҲИМ ДАКРУБ

*

БЕШ КУРУШ¹

Дўстларим, мен ҳеч қачон беш куруш учун қўйида мен сизга ҳикоя қилмоқчи бўлганим ҳодисанинг рўй бериши мумкин деб, ўйламаган эдим...

Ўша унутилмас кечада қоронғулик тобора кучайиб, ёмғир ёғмоқда эди. Мен дўконда совуқдан титраб ўтирар эдим. Деразалар олдидан чувринди кийимли, совуқдан қотган, худди маймунлардек букилган кишилар шошилиб ўтарди. Ўша кечқурун... Аммо, кечирасиз, мен об-ҳавони тасвирляяпман-у, лекин шу вақтгача ўзимни сизга таништирмадим. Гап шундаки, мен ўзингизга маълум, жуда камтар одамман.

Мен смадсиз чала интеллигент, камбағал йигитман ва... хасисман. Хасислик билан, албатта, мақтаниб бўлмайди, лекин тўғриси айтганда мен ҳар гал бировнинг ҳақини бериб, орани очиқ қилиш лозим бўлса, ҳатто арзимайдиган пул учун бўлса ҳам, қўлни чўнтакка солганимда, чуқур қайғига ботаман ва руҳан жуда эзиламан. Бу, баъзи бировлар ўйлагандек, табиатимнинг қандайдир алоҳида хусусиятлари туфайли бўлмай, балки ҳар бир курушни топиш учун жуда кўп азоб-уқубатлар чекишим туфайли бўлади. Мен асло қаҳрамон эмасман. Миллион-миллион кишилар ҳам худди мендагидек ҳиссиётда бўлади, худди мендек курашади ва азоб-уқубатлар чекади.

Модомики, қаҳрамонлик тўғрисида гапирилар экан, қаҳрамонлик, — менинг ва миллионлаб кишиларнинг қўлини чўнтакка солганимизда жуда кўп курушлар чиқадиган ва бўш қоринларимизни тўлатиш... ва тўйиб овқатланиш учун етар-

¹ Куруш — майда пул, чақа.

ли миқдорда нон сотиб оладиган кунларнинг албатта келишига бўлган ишончдан иборатдир. Яхшиси, бўлиниб қолган ҳикоямизга қайтайлик...

Уша ёмғирли кечада мен хизмат қилиб турган дўконнинг эшиклари ёнида кичкина бола пайдо бўлди. Сув томчилари унинг чигал сочларидан ифлос юзига томиб, икки бетидан оқар ва сўнгра йиртиқ кийимига тушарди. У совуқдан қалтираб, ип-ипигача ивиб кетган қора кўйлагининг енги билан юзини артди.

— Амаки, шу икки тухумни сотиб олсангиз-чи.

Менинг пасткаш ва разил хўжайиним унга жавоб қилди:

— Йўқол кўздан. Бизга ҳеч нарса керак эмас.

— Амаки, қорним оч... Нон олишга пулим йўқ... Уч франкка ана шу тухумларни олинг.

— Жўна бу ердан, маймун.

Кўриб турибсизки, гап узоқ чўзилмади.

Мен ҳатто ҳозир — кўп ойлار ўтиб кетган бўлса ҳам — бу воқиянинг қандай рўй берганини тушуна олмайман. Бола ёмғирли кечада гойиб бўлиб улгурмасдан мен тўсатдан:

— Эй бола, кел кўрамиз... — деб юбордим.

Бола тортинчоқлик билан олдимга келди. Шу дамда мени Дон Кихотнинг ҳиссиётлари каби ҳиссиёт чўлғаб олди. Мен ножўя жасурлик ва жуда катта ички куч билан қўлимни чўнтагимга солиб, бир неча ғижимланган пул чиқардим ва уларни қалтираб турган болага узатиб, бунинг эвазига ундан иккита тухумни олдим. Бу воқия шунчалик тез бўлиб ўтдики, фақат болани ва хўжайинимнигина эмас, балки ўзимни ҳам таажжубда қолдирди...

Аввал бошда буларнинг ҳаммаси мени маст қилгандек бўлди, мен дарҳол товадаги ёғнинг вижиллашини, тухумнинг ҳидини ва бу илоҳий таомнинг мазасини ҳис қила бошладим...

Бир оз ўтгач ҳар гал курушлар чиқариб берганда тортдиган одатдаги азобим яна қайтиб келди, лекин бўладиган иш бўлган эди, энди бирон нарсани ўзгартириб бўлмас эди. Тақдирга тан бердим ва энди нима қилишим тўғрисида ўйлай бошладим.

Шу вақтда хўжайиним — юқорида айтиб ўтганим бу разил киши — бир кунлик даромадни меъдага тегадиган сустилик билан ҳисоблаб тугатмоқда эди. У доим бу ишни шошмасдан, секинлик билан қилар эди ва мен унга ташланиб, семизлигидан осилиб тушган хумдек қорнига муштим билан туширишдан базўр ўзимни тутар эдим...

Ниҳоят, биз дўконни бекитдик. Хўжайин такси олди мен бўлсам ёмғир остида қоронғуда пиёда жўнадим. Этим увушди. Тез орада тунука соявон остига яширинишга муваффақ бўлдим ва тунука устига тушаётган ёмғир томчиларининг жараигли овозидан роҳатландим. Чап чўнтагимда боладан сотиб олинган тухумлар, ўнг чўнтагимда эса ўн куруш бор эди.

Мен қиладиган бутун ишимни батафсил ўйлаб чиқдим... Беш курушга кулча нон, қолган беш курушга эса Абу Иброҳимдан редиска сотиб олишга қарор қилдим. Абу Иброҳим менинг уйим жойлашган узун, ифлос, тор кўчадаги кичик бир дўконнинг хўжайини эди. Мен кичик, тор уйчада турарман, бу уйни узоқ қидиришлардан кейин ижарага олганман. Мен бу уй учун йигирма лир ҳақ тўлайман, бунча пулни ишлаб топиш ва уни ёндан чиқариб бериш на қадар азоб эканлигини ўзингиз яхши биласиз.

Кўзини қамаштирарли даражада қип-қизил бўлган ва усти сув томчилари билан қопланган редискани мен ўша кунни эрталаб Абу Иброҳим дўқонида кўрганимда, бу редиска киши ичида ўтирган ёвуз очлик девларини «ув» тортишга ва дод-вой кўтариб, ошқозонни тилка-пора қилишга мажбур қилган эди...

Мен редискани, айниқса уни қовурилган тухум билан ейишни жуда яхши кўраман... Қани энди шу топда уйимда бўлсам деб хаёл қилдим, чунки ёғнинг вижилашини ва тухумнинг мазасини аллақачон сеза бошлаган эдим.

Мана, пешайвон остидан чиқдим, ифлос зинапояга етдим ва ундан кўтарилдим, сўнг бир неча қадам қўйиб, нонвой олдида тўхтадим. Кулча сотиб олдим ва уни белбоғимга тугиб, ёмғирда ифлос ва сирғончиқ йўлдан кета бошладим. Қолган беш курушни қўлимда қаттиқ сиқиб олган эдим. Олдимдан бир машина, унинг кетидан эса яна биттаси ўтиб кетди. Фараларнинг нури тим қора кўлмакларда ярақлаб акс этарди. Мен дам у ёққа, дам бу ёққа сакраб, қадамимни гоаят тезлатиб, гоҳ секинлатиб, қуруқ жойларни танлаб бормоқда эдим. Ниҳоят остановкага етдим. Трамвайни кутар эканман, мен ва менга ўхшаш миллион-миллион кишилар орзу қилаётган бахтли кушлар ҳақида хаёл сураб эдим. Кавшимни тешиб чиққан ўткир миҳ товонимга қадалар, унинг йиртиқларидан кириб, уни тўлдирган сув ёрилиб кетган, совуқдан қотган оёқларимни шилта қилган эди.

Мана, кўнгироқ овози эшитилди, трамвай остановкага яқинлашди. Мен харид қилган нарсаларимни текширдим.

ва остановкада тўпланишиб турган одамлар билан бирга вагонга чиқишга тайёрландим. Вагон эшигининг қабзасини ушлаб, оёғимни зинанинг кондукторга кўринмайдиган жойига кўйдим.

Трамвай йўловчилар билан лиқ тўла, ундан ҳар хил ҳид чиқар, шовқун-сурон ва сўкинишлар эшитилар эди. Мана у гулдираб, жойидан кўзгалди. Гавдам ҳавода муаллақ эди. Темир қабзанинг совуғи кўлимга игнадек санчилар, йиртиқ кавшим оёғимдан тушиб қолай дер, ёмғир юзимга урар, ёқамдан оқиб тушарди, бутун хаёлим харид қилган нарсаларимни омон сақлашда. Машиналар менга тегай-тегай деб ўтарди, фаралари эса кўзларимни кўр қилаёзди. Машиналар мени вагон зинасидан ҳозир туртиб тушириб юборадигандек туюларди. Мен қалт-қалт титтардим. Кондуктор ҳали ҳам узоқда. Мен Абу Иброҳим дўконига олиб борадиган йўлдан шу тариқа уч остановка юрдим.

Трамвай гоҳ-гоҳ тўхтарди. Одамлар чиқиб-тушиб, турарди. Мен ҳам тушар, сўнг яна дастакка ёпишардим. Трамвай яна жойидан кўзгалар, мен эса, яна зинада осилиб кетардим, кавишларимнинг миҳи яна оёғимга қадаларди... Трамвай деразаларининг бирида мен бир одамни кўриб қолдим, бу киши бир кунни яширин йиғилишда сўзлаб, бизни ўз ҳуқуқларимиз учун курашишга чақирган бир йигитни эслатди. Уртоқлардан бири менга қалин бир китоб берган эди. Қалбимни ўзига жалб қилган фикрларни тушуниш учун мен китобни берилиб ўқидим. Мени ўша йиғилишдан кейин чулғаб олган кучли ҳиссиётлар яна уйғонди. Мен ўша вақтда кўлтиғимдаги китоб билан тим қоронғуда ифлос йўлдан кетаётган бўлсам-да, бутун вужудим улар билан ўртоқларим билан бирга эди. Трамвай яна тўхтади. Кўпчилик тушиб кетди, вагон бўшаб қолди, шунинг учун зинада осилиб кетиш беҳуда бўлиб қолди. Энди кондукторнинг мени сезмаслиги мумкин эмас эди. Унинг дарҳол яқинлашиши ва одатдагича: «Йигит, билетинг қани?» дейиши турган гап.

Бу шубҳасиз факт билан менинг редиска ва қуймоққа бўлган муҳаббатим ўртасида низо бошланди, чунки чўнтагимда бори-йўғи беш қуруш қолганини унутмаслик керак.

Мен гулдираб кетаётган трамвай орқасидан қараб қолдим, тез орада у бурилиб кўздан йўқолди. У ғойиб бўлди, мен бўлсам қола бердим. Ёмғир аввалгича қуйиб турарди. Ичимдаги оч офатлар оҳ-воҳ қилар, кавшимдаги миҳ оёғимга ботарди. Мен аввал ўннга, сўнгра эса сўлга қараб ол-

дим ва устига сув сепилган қип-қизил редиска ётган Абу Иброҳим дўконига, ундан ўз кулбамга қараб чопиб кетдим...

Танимда мадор қолмаганигини сеза бошладим. Ахир бутун кун бўйи оёқ устида турдим-да. Мен хўжайиннинг буйруғи билан унинг уйига харид қилинган ҳар хил нарсаларни олиб бориб, хўжайиннинг, афтидан, энг қабиҳ ҳақоратларни ўргатувчи махсус мактабни ўтган шаллақи хотинига топширар эдим, сўнгра дўконни супурар, йиғиштирар, той-той молларни ўнг бурчакдан чап бурчакка, чап бурчакдан ўнг бурчакка ташир, складдан дўконга товарлар олиб чиқар, уларни замбилгалтакда портдан оморга келтирар, эдим. Бунинг устига кун бўйи хўжайиннинг аччиқ пичингларини эшитардим. У мени хўрлар эди...

Мен югуриб кета туриб, уйланишим кераклиги тўғрисида ўйлардим, лекин бунинг учун ҳам... пул керак. Бугун кундузи намоён вақтида уч ўртоғимни полиция ярадор қилганини эслаганимда, мени чуқур қайғу босди, у секин-аста нафрат ва ғазабга айланди...

Оёқларим чарчаб, совуқдан тарашадек қотди, бунинг устига шилта бўлиб кетган Кавшимнинг миҳи ботарди. Ёмғир тобора кучайди.

У мени чопишга, уйларнинг эшиги орқасига яширинишга ва кўлмак жойлардан сакраб ўтишга мажбур қиларди. Мен энди ҳеч нарсани: на шамолни, на сув оқимини, на совуқни, на дабдала бўлиб кетган зил-замбил кавшимнинг миҳларини писанд қилмас эдим. Лекин кутилмаганда жуда катта кўлмакка дуч келдим, уни айланиб ўтишнинг иложи йўқ эди. Бутун кучимни тўплаб, сакрадим... йиқилиб тушдим.

Шилта-шалаббо бўлиб, оёққа турдим. тиззаларим қирлиб кетган, мадорим қуриган эди. Бутун баданим санчар эди, мен ўзимни гўё қор орасидан ўтаётгандек ҳис қилдим, у менга ҳар томондан қадалган қиличдек туюлди...

Лекин ҳеч нарсага қарамасдан жуда тез кетмоқда эдим. Энди ёмғирдан бекинишга ҳам уринмас эдим. Мени очликнинг суллоҳ девлари югуртирарди, улар қорнимни тилкапора қилди. Менда аста-секин ҳар қандай ҳиссиёт ва фикр йўқолди — мен фақат бир нарсани: бу ичимга кириб олган очкўз девларни қондиришни истар эдим. Очиғини айтсам, қоронғу кўчада ўпишаётган йигит билан қизни кўрганимда ҳам уларга ҳеч қандай эътибор бермадим...

Шу чоқда ёмғир худди челақлаб қуйгандек ёғар эди, шамол эса мени шохчани ўйнагандек ўйнар ва даҳшатли

фарёд қиларди. Момақалдироқ эшитилди, мен бўлсам ҳамон чопар, йиқилар, ўрнимдан турар; сувга тўлган чуқурларни четлаб ўтиш учун сакрар, югурар эдим қоронғуда кезиб; тошларга қоқила-қоқила зўрға таниш кўчага етдим ва Аму Иброҳим дўкони олдида пайдо бўлдим. Унга қолган беш куруш пулимни бердимда бир боғ йирик қизил редиска олдим. Редискани чангаллаганимча яна югуриб кетдим...

Ниҳоят, эшикни очиб, ўз хонамга кирдим, керосин чироқни ёқиб, белбоғимдан кулчани олиб стол устига қўйдим, сўнгра нақ уч франкка сотиб олган тухумларимни олиш учун қўлимни чўнтакка солсам...

Худди илон чаққандек қўлимни чўнтагимдан тортиб олдим. Бармоқларим ёпишқоқ тухум сариги билан бўялган эди, у чак-чак ерга томарди...

Мен яшиндек тезлик билан нонга ёпишдим, худди ваҳший ҳайвон сингари уни тилка-пора қилиб, тишларим орасида мажақладим. Сўнг, худди шу тариқа редисканинг ҳам пўстлоғи ва кўк барглари билан бирга ямлаб ютиб юбордим...

Шундан кейин ёғоч кроватга чўзилдим. Алам, нафрат ва ғазабдан бошим ўтдек ёнарди. Минглаб манзаралар хаёлимдан ўтар, у ёнимдан бу ёнимга ағдарилардим... Назаримда дам осмонга учар, дам ерга тушар, ҳайвонлар орасида югурар, қоронғуда ва лойда тиканларга ботиб, бўроннинг зўридан ағдарилардим...

Бироқ, мана кўз ўнгимда... узоқларда ёруғ шуъла кўринди... Дунёнинг ҳамма бурчакларидан қулла, оч ва мазлумлар шу шуъла томон интиларди. Бу кишилар ашула айтар ва уларнинг қудратли овози бепоён ёруғ фазода янгарди...

ТУН САЁҚЛАРИ

Биз ўрмон ёқалаб эҳтиёткорлик билан бормоқда эдик. Қуруқ барглар оёқларимиз остида шитирларди. Енгил шамол дарахт шохларини тебратарди. Баргларнинг бўғиқ шитир-шитири мазлум кишиларнинг золим-қонхўр сарой деразаси олдидаги ғазабли шикоятига ўхшар эди.

Биз тўрт киши эдик. Ҳар биримизнинг белимизда биттадан тугунча яширилган эди. Биз атроф-тевараққа аланглаб, даҳшатли мушукдан эҳтиёт бўлаётган сичқонлар каби

ўрмон ичидан борардик. Бизни таъқиб қилмоқда эдилар. Ҳар бир минутда ўзимизни қоронгу ва зах тюрьмада кўришимиз ҳеч гап эмас эди...

Ўртоқлардан бири, дарахтлар орасидан тушган кўча фонарлари шуъласини кўрсатиб, секингина:— йўлга яқинлашиб қолдик,— деди.

Биз ўрмондан битта-битта чиқдик, сўнг яна бир жойга тўпландик. Ўзимизни бемалол тутардик, ҳазиллашар ва кулишардик. Бизни кўрган киши, хушчақчақ улфатлар зиёфатдан қайтишяпти, деб ўйлаши мумкин эди. Диққатни ўзингга тортмаслик учун катта йўлдан доимо алангласидан дадил юриш керак.

Қаршимиздан аллақандай бир киши келмоқда эди. У бизга жиддий бир қараб кўйди, лекин бизни ширакайф одамлар, деб ўйлаб, бошини тебратиб кулиб ўтди. Шундан сўнг у тўғрига қараб кета берди. Бу учрашув бизга далда берди; модомики биз ўткинчи кишини чалғита олган эканмиз, таъқибчиларни ҳам бошлаб кетишимиз мумкин эди. Лекин ҳаддан ошиш ярамаслигини билардик. Белимизга тугилган қимматли тугунлардан лоқал биронтаси ерга тушиб, чочибли кетса, биз тюрьмага тушамиз деяверинг.

Рўпарамиздан кенг ва узун кўча чиқиб қолди. Электр фонарлари йўлка бўйлаб тўғри саф тортиб, узун қора йўлни ёруғ шуълалар билан ёритар эди. Баланд осмонда сў кезарди, у гоҳ булутлар орасидан мўралар, гоҳ бизнинг орқамизга яширинарди. Узоқда, кўчанинг охирида улкан шаҳарнинг турли-туман чироқлари ялтирарди.

Бизнинг орамизда иродаси ғоят кучли бир студент бор эди. Профессорлар охириги синовларда уни йиқитдилар. Бутун йўл давомида у бизга латифалар айтиб келди. Ногоҳ орқамиздан шубҳали бир товуш эшитилди. Мен орқамга қарадим ва бизни қувиб келаётган икки кишини кўрдим. Гарчи студент айтаётган латифа худди сийқаси чиққан хотира бўлсада, мен ўртоқларимнинг диққатини жалб қилиш учун атайин қаттиқ кулиб юбордим. Мен мақсадимга эришдим. Менинг ғалати кулгимнинг маъноси нима эканлигини дўстларим пайқаб олдилар ва хавфни бамайлихотир кутиб олишга тайёрландилар. Нотаниш кишилар кўчанинг биздан торгина гулзор билан ажралиб турган нариги томонидан келаётган эдилар.

Бир неча минутдан кейин улар бизга етиб олдилар ва сўнгги шубҳалар ҳам йўқолди: бизнинг томонимизга улар гоҳ-гоҳ шубҳали назар ташлаётганликларини пайқадик.

Бизнинг биргина иложимиз бор эди, холос — у ҳам бўлса, хушчақчақлик ва ашулани давом эттира бериш эди.

Лекин, бизни таъқиб қилувчилар гоҳ-гоҳ биз чиқиб келган ўрмонга қараб қўядилар. Биз ҳам уларни кўз қири билан кузатар эдик. Бирдан улар тўхтаб қолдилар ва ниманидир маслаҳатлаша бошладилар. Уларнинг бири қўли билан қоронғу ўрмон томонни кўрсатар, иккинчиси эса биздан кўз узмас эди. Сўнг улар ўрмон томон бурилдилар ва тунги зулмат билан чулганган дарахтлар орқасида ғойиб бўлдилар. Биз йўлимизда давом этдик. Ўрмон ичидан қадам товушлари, қуруқ барглarning шитир-шитири эшитилди ва бешимизда қандай хавф борлигини эсимизга солди.

— Йигитлар, илдамроқ,— деди дўстларимдан бири ва бир оз жим қолгач, қўшиб қўйди:— Қорин очди.

Қадамимизни тезлатдик. Кимдир тоғликларнинг ажойиб бир ашуласини куйлади. Ишни бажарганимиздан кейин ўртоқларни нима билан тўйдирсам экан?— деб ўйлаб кетдим. Биз тўрт киши эдик: Синовларда йиқитилган студент; икки ойдан бери ишсиз юрган ёш Ҳасан; сабзавот бозордаги кичик бир магазинда ҳисобчи бўлиб ишлаган зийрак, ҳозиржавоб Иброҳим ва мен. Иброҳим ўзининг арзимас иш ҳақи билан доимо оч-яланғоч яшаган беш кишидан иборат оиласини боқар эди. Мендан бошқа ҳеч ким дўстларини ўз уйига таклиф қилишга қодир эмас эди. Гарчи мен ҳам бошқа ишчилар каби суткасига ўн икки соатлаб ишлаб, арзимас иш ҳақи олсамда, ўртоқларим орасида бадавлатроқ ҳисобланардим. Мен ярим хароба бинонинг кичик бир хонасида турардим. Тўғри, биз ҳамма нарсдан маҳруммиз, лекин бизда порлоқ келажакка бўлган ишонч ва орзу бор. Ана шу нарса бизни бошдан-оёқ хавф-хатардан иборат бўлган курашга илҳомлантиради. Ал-Ғариб кварталидаги уйларнинг юқори қаватларида хор-зор яшаётган юзлаб қизларнинг тақдири ҳам бизни курашга даъват этади. Бу қизлар бир бурда нон учун ўз баданларини сотишга мажбур бўлмоқдалар ва худди гуллар сингари, очилар-очилмас хазон бўлмоқдалар. Уларнинг ич-ичига тушиб кетган ғамгин кўзларидан оғир азоб-уқубат акс этади...

Ўртоғим ҳанузгача куйлаётган тоғликларнинг жарангли ашуласи Гайамнинг оғир қисматини эсимга солди. Оҳ Гайам! Сен ўз баданингни сотмоқдасан, лекин сенинг қалбинг тоза ва мусаффолигича қола беради. Бизнинг ўртaмизда муҳаббат сингари қандайдир бир нарса мавжуд.. Яширишининг нима ҳожати бор? Чексиз ва чуқур муҳаббат

мени сенга томон тортмоқда. Ҳазин қўшиқ оҳанглари остида кўпинча сен менга ўз фожиаи ҳаётингдан бутун-бутун қиссалар ҳикоя қилар эдинг... Гайам, мен сенинг ҳақингда, ўзим ҳақимда, келажакимиз ҳақида, бўм-бўш ва диққи нафас уйим ҳақида жуда кўп ўйладим. Тўйимиз учун қандай қилиб пул топиш тўғрисида бир неча бор бош қотирдим...

О, Гайам, Гайам! Кўз ёшларимни тия олмайман. Баъзан, назаримда, сени кўча ўртасида ёввойилашган бадмаст кишилар пичоқлаб, қонга ботиргандек туюлади. Сен жонсиз ётибсан. Энди ҳеч кимса менинг кулбамни ёритмайди... Бу хаёллар нақадар даҳшатли бўлсада, улар менинг ғам-алам, қашшоқлик ва ҳуқуқсиэликдан қутулиш учун курашга бўлган иштиёқимни тобора оширарди... Ўз нафсларига бир оз ором бериш учун кўча-кўйларда сарқитлар қидириб дайдиб юрган қаровсиз болалар ҳам кўз олдидан бирма-бир ўтди. Мен ҳар қадамимда фалокат ва мусибатни кўрдим. Булар мени кураш йўлига солиб юборди.

Тўсатдан орқамизда қадам товушлари эшитилди. Ким келаятганини кўриш учун қадамимизни секинлатдик. Қадам товушлари тобора аниқ эшитила борди. Ниҳоят, дарахтлар орқасидан уч кишининг гавдаси кўринди. Булардан иккитасини дарҳол таниб олдик: улар бизни таъқиб қилиб юрган кишилар эди. Улар кишанланган бир одамни олиб кетмоқда эдилар. Ўрмонда тунашни мўлжаллаган бир бечорани варақалар ёпиштиришда шубҳа қилиб тутиб олганликларини фаҳмлаб қолдик.

Айғоқлар йўлда кетаётган автомобилни тўхтатиб, қўлга тушган одамни унга ўтқаздилар. Улардан бири унинг ёнига чиқиб ўтирди, машина жўнади. Иккинчиси эса бизнинг орқамиздан кета бошлади.

Биз унга ҳеч қандай эътибор бермагандек кетавердик, кечки овқатга нима харид қилиш тўғрисида баланд овоз билан муҳокама юритдик. Шунинг билан бирга, биз кўчанинг охирига етганда ҳар томонга тарқалиб кетишга, топшириқни бажаргандан кейин эса менинг уйим олдида учрашиб, бирга овқатланишга келишдик. Кўп ўтмай бизни таъқиб қилаётган киши бир томонга бурилди ва қоронғуда ғойиб бўлди. У, афтидан, бизни таъқиб қилиш маъносиз деб билди шекилли.

Ниҳоят, тарқалишиб кетишимиз лозим бўлган жойга етдик. Биз колонка олдида тўхтаб, тунука банкларни сувга тўлдириб елим қордик ва топширилган вазифани бажариш

учун жўнадик. Энди айниқса эҳтиёт бўлиб иш кўришимиз лозим эди. Жиндаккина ножўя ҳаракат бизни тюрмага олиб бориши мумкин эди...

Қора булут ой бетини қоплади. Қоронғу бўлиб қолди. Мен тор кўчадан худди арвоҳдек секин-аста борар эдим. Қўёшнинг биринчи шуълаларидаёқ кўзга яққол ташланган жойни танладим-да, қора ҳарфлар билан орзу умидларимиз ёзилган оқ варақани қўйнимдан олиб, деворга ёпиштирдим.

Мен бир бинодан иккинчи бинога ўтиб, ҳамма ерда шу ишимни давом эттира бердим. Ой секин-аста қора булут ичидан чиқа бошлади. Бурчакка етиб, бошқа кўчага бурилай деб турган эдим, тўсатдан, менга яқинлашаётган киши эътиборимни ўзига жалб этди. Тикилиб қараб, унинг айғоқ эканлигига ишонч ҳосил қилдим ва тезда энг яқин турган эшик орқасига яшириндим. Юрагим ургани эшитилар, баданим терга ботган эди, кўз олдимдан худди кинофильм кадрлари сингари турли-туман манзаралар бирмабир ўтди. Зах зиндон, катта-катта кишанлар, сўнгра, варақаларни дадил ёпиштириб юрган ўртоқларим, улар кетидан худди биз каби тинчлик ва адолат томон интилаётган бехисоб одамлар ва миллион-миллион қалблар кўз ўнгимда яққол гавдаланди.

Қадам товуши жуда яқиндан эшитилди. Ой, худди жўрттага қилгандек, эшик олдини ёритди, лекин айғоқ ёнимдан ўтиб кетди-ю, эшик томонга қарамади ҳам. Унинг қадам товушлари тобора пасайди ва ниҳоят, бутунлай йўқолди. Би рўз кутиб турач, мен ўз пана жойимдан чиқдим ва у ёқ бу ёққа қараб олиб, яна ўз ишимга киришдим. Мен худди мушукдек чаққонлик билан бир жойдан иккинчи жойга бир кўчадан, иккинчисига ўтардим...

Шу кеча боқимсиз болалар, гадойлар, чолларнинг азоб-уқубат чекишларини, очлик ва касалликдан ўлаётган деҳқонларнинг оҳ-фарёдларини айниқса кучли ҳис қилдим. Менинг кўз олдимдан минглаб бахтсиз-бечора кишилар ўтар, мен эса ўз ишимни давом эттирар эдим. Оч қорним азоб бера бошлади, хаёлимда тузланган зайтун ва кулча нонлар терилган стол атрофида ўтирган хушчақчақ улфатларим гавдалана бошлади.

Ниҳоят, ҳамма варақаларни ёпиштириб бўлгач, елим солинган банкани ташлаб, қўлимни артдим ва тайин қилинган жойга жўнадим. Ўртоқларим мени кутиб ўтирган эканлар... Қўл ушлашиб, хурсанд ҳолда менинг уйим томон

кета бошладик. Йўл-йўлакай паст овоз билан улуғвор қўшиқни куйлаб кетдик. Бу қўшиқни бугун бутун дунёдаги миллион-миллион кишилар куйламоқда.

МУШОҲАДАЧИ

Тонг пайти. Иш ташлаш бутун шаҳарни қамраб олган. Кўчалар жимжит. Трамвайлар юрмайди; чунки шаҳар маъмурлари, иш ташлаганлар вагонларни бузиб ташлайди, деб кўрқади.

Маҳмуд эндигина кийиниб бўлиб, ҳаяжон билан уй ичида у ёқдан бу ёққа юрарди.

Халқ ғалаба қиладими-йўқми?.. Маҳмуд халқнинг ғалаба қилишига деярлик ишонади... Ахир, у ўз мақолалари ва нутқларида тез-тез «жипслашишга, сафларни бирлаштиришга...» чақириб турарди. Унинг сўзлари халқнинг ёдидамикан?..

Маҳмуд диққат бўлди. У очиқ дераза олдига яқинлашиб, узун бўм-бўш кўчага қаради. Магазинлар берк. Тош кўчада ўйнаб юрган болалар чанг ичидан зўрға кўринади. Узун чанг тор кўчадан ингичка таёққа таяниб икки букилган чол, унинг кетидан эса кичкина бир қизчани кўтарган хотин кетмоқда. Қизча атрофида ғич-ғич пашша учмоқда.

Уйлардан бирининг эшиги очилди, ундан кўк кўйлак кийган йигитча чиқди. У бир неча қадам қўйгач, Маҳмуд турган деразага қаради ва унга нафрат билан бир назар ташлаб, тўқимачилик фабрикаси томон йўл олди; у ерда худди шу йигитча сингари кўк кўйлак кийган юзлаб ишчилар кутмоқда эди.

Йигитчанинг қараши Маҳмудни кўрқитиб юборди, ҳаяжондан пешонасини тер босди, минглаб ниначалар баданига санчилгандек бўлди. Маҳмудда одатда кўк кўйлакли ишчининг қарашига дуч келганда пайдо бўладиган ғалати ҳиссиёт уйғонди. Ахир, илгари у ўз студент ўртоқлари орасида «жипслашишга, сафларни бирлаштиришга» чақириб қизгин нутқ сўзлаган вақтларида бундай қарашларга дуч келмаган эди-ку.

Наҳотки, у миллатга фойда келтирмаган бўлса? Унинг мақолалари-чи? У ўзининг ҳар бир мақоласида ўз мамлакатининг энг муҳим проблемаларини чуқур анализ қилиб, халқни бирлашишга ва жипслашишга чақиради-ку...

Маҳмуд яна ойнадан қаради ва узоқдан келаётган радио овозини эшитди. Сўнгги ахборот эшиттирмоқда эди.

лар. Айрим иборалар Маҳмуднинг қулогига эшитилди.
«Умумий иш ташлаш... Кўчаларда тўпланиш таъқиқланган...
вазият кескин...»

«Халқ ғалаба қилармикан?» — бошига яна шу фикр келди. Маҳмуд осмонга қаради. Қуюқ қора тутун айланалар ҳосил қилиб тўқимачилик фабрикасининг трубасидан чиқиб турарди. Маҳмуднинг юраги урарди... У, фабрикада бирон ҳодиса бўлаётганини сезди. Маҳмуд қўшнисининг нафрат билан қараганини эслади. Қўшниси ҳозир ўша ерда, ишчилар орасида. Бу кишиларни ғалати ва тушуниб бўлмайдиган кураш ғояси, кўнгилга даҳшат соладиган кураш ғояси бирлаштиради... Эҳ, бу ишчилар!.. Буюк революция йиллигини байрам қилиш кунда улар ўзларини қандай тутганлигини Маҳмуд яхши билади. Ўша вақтларда у шуларнинг ўзи бу революциянинг қаҳрамонлари деб биларди... Маҳмуд худди ўзига ўхшаган кишиларнинг бир группасига улар ҳужум қилганда қандай қўрққанлигини яхши эслайди. Ўша вақтдан бошлаб бироқ кўк куйлак кийган кишини учратиб қоладиган бўлса, капалаги учади.

...Бутун шаҳарда иш ташлаш... Вазият жуда кескин... Маҳмуд деразадан узоқлашди, ўз хонасини кўздан кечирди. Унинг назари кичкина лампа турган ёзув столига тушди, унинг устидан «Ешлик севгиси» деган рангдор муқовали китоб ётарди... Бу раҳм-шафқатсиз тақдир бир-бирдан жудо қилган икки севувчи қалб тўғрисида ёзилган нафис ва таъсирли повесть эди. Ажабо, буларнинг тарихи нима билан тамсам бўлар экан?

У кеча повестни ўқиб тугатолмади, чунки чарчаган эди, бунинг устига, халқнинг иш ташлашда онгли иштирок қилиши тўғрисида отаси билан баҳслашган эди. Отаси: ҳар қандай вазиятда ҳам магазинимни очаман, ифлос овомнинг ҳар қандай исрозилиги, ғазаби мени асло ташвишланттиролмайди, чунки ишчилар ҳеч қачон ҳеч нарса қила олмайдилар, деган эди. Маҳмуд эса, халқ билан бирга бўлиш керак, йўқса иш ташлаган ишчилар магазинни дабдала қиладилар, деб уни ишонтирмоқчи бўлди. Ким билади, эҳтимол, магазин аллақачон вайрон қилингандир?

Маҳмуд отасининг қарашларига қўшилмас эди. У — ўз нутқлари ва мақолаларида «жипслашишга ва сафларни бирлаштиришга» чақирган киши — қандай қилиб бундай қарашларга қўшила олади?

Маҳмуд бу суҳбат ҳақида бошқа ўйлашни истамади. У китобни очди-да, севги шодлиги ва уқубатлари ҳақида

ҳикоя қилувчи саҳифаларни варақлай бошлади. Овозларнинг бўғиқ акс-садоси унинг уйи деворларидан ўтиб, уни яна воқеликка қайтарар эди.

...Иш ташлаш бутун шаҳарни қамраб олган. Одамларнинг тўпланиши таъқиқланган... Маҳмуд китобни иргитиб, яна деразага яқинлашди-да, бўм-бўш кўчага қаради. У шу хонани, шу уйни қолдириб, кўчага чиқишни, у ерда нима воқиа бўлаётганини ўз кўзи билан кўришни хоҳлади.

Тўсатдан ўқ овози эшитилди. Маҳмуд дарҳол деразадан узоқлашди. Кўчага чиқиш ҳақидаги хоҳиш бирдан йўқолди. У яна қўшниси, исёнкор-тўқимачи Қосимнинг назарига дуч келгандай бўлди. Маҳмуд уни ғалаён кўтарган оломон ўртасида қўлида темир лом кўтариб бораётгандай тасаввур қилди... Уни титроқ босди: У ҳеч қачон Қосимдек, ана шу ишчилардек бўла олмайди... Чиндан ҳам улар ақдан озганлар. Фақат ақлсиз кишиларгина ундан ўзи аҳтиёж сезмаган нарсани қилишни талаб этишлари мумкин. Дарҳақиқат у билан бу ишчилар ўртасида бутун бир жарлик бор. Йўқ, Маҳмуд ҳеч қачон уларники бўла олмайди, улар унинг ва унга ўхшаш кишиларнинг мақолаларига нафрат билан, очиқдан-очиқ душманлик билан қарайдилар. У ўз мақолаларида оддий халқ олдида турган проблемаларни ҳал қилишга, одамларни жипслашиш ва бирлашишга чиқаришга уринганлигига қарамай, улар энди у билан масала талашмасқдалар. Уларнинг мақсади нима? Йўқ... Улар ақлдан озганлар...

Маҳмуд деразадан қаради. Дарахт шохларининг тепасидан мўралаб турган қуёшнинг нурлари остида ялтираган трамвай рельслари узоқдан кўриниб турарди. Бурчакдан гириллаб бир машина чиқди ва қулоқларни тешгудек овоз билан яна бурилишда ғойиб бўлди. Полиция ўтқинчиларни кўзи билан сиқчиқлаб текширарди. Узоқдан англаб бўлмайдиган шовқин эшитиларди. Маҳмуд деразани юзига ёпиб қўйди-да, кровать ёнига келиб, ўзини унга ташлади ва кўзини юмди. У кўчада бўлаётган воқиалар ҳақида ўйламасликка уринди. Бир неча минут ўтгач, яна китобни қўлга олди.

...Ҳижрон кунлари қиз ўзини жуда ҳам ёлғиз ҳис қилди, бутун атроф-теварақдаги нарсалар уни азобларди. Уни қўрқинчли бўшлиқ ўраб олгандек бўлса-да, ўзини доимо хуштори билан биргадек ҳис қиларди. У мовий кўзли, олтин сочли бу йигитни кўрар, унинг лаблари ҳали ҳам кўз олдидан кетмасди... Қани энди унинг оғушида, беҳисоб алангали

лари ичида ёриб кетса... Қиз ўз ложасида ширин хаёлларга маст бўлиб ётар ва хушторининг шарпасини чўчитиб юборишдан кўрқарди...»

Лекин Маҳмуд фикрини бир жойга йиғолмади. Дераза орқасидан келаятган ва тобора кучайиб бораётган товушларга қулоқ солди... Бу нималардир тўғрисида қичқираётган, ашула айтаётган кишиларнинг овози эди. Дераза орқасидаги шовқин-сурон кучайди. Афтидан, бу намоён бўлса керак. Маҳмуд китобни бир чеккага қўйиб, деразага яқинлашди.

У кимгадир тақлид қилиб, баланд овоз билан қичқириб юрган болаларни кўрди. У деразадан бошини чиқарди ва секин-секин кетаётган жуда катта оломонни кўрди. Оломон устида иш ташлаганларнинг талаблари ёзилган шiorлар ҳилпилларди. Баланд овоз янгради: «Йўқолсин халқ душманлари, йўқолсин империализм!» Минглаб овоз бу чақириқни қувватлади. Катта деразаларда, уларнинг томларида хотин-халаж ва болалар ўлтирардилар. Улар нималарнидир хитоб қилиб, чапаклар чалиб, намоёнчиликларга гуллар ташлардилар.

Оломон олга ҳаракат қилмоқда эди. Унга янги-янги одамлар қўшиларди. Қуёш нури уларнинг ҳаяжонли юзларини куйдирарди. Шовқин-сурон пўртана вақтидаги тўлқин каби тобора кучаярди, оломон ҳеч қандай тўсиқни билмайдиган қудратли оқимни аслатарди. Маҳмуд бутун кўчани тўлдирган бу одамлар йиғинига кўрқув билан қаради. Юзидан йирик тер томчилари оқар, юраги қаттиқ урарди. Уни фақат бир нарса — кимнинг ғалаба қилиши қизиқтирарди. Ногоҳ у оломон ичида тўқимачи ишчилар билан ўралган Қосимни кўриб қолди. Ишчиларнинг кўзлари ғазаб билан ёнарди. Улар қатъият билан тап тортмай ўз талабларини баланд овоз билан айтиб борардилар. Маҳмуднинг томирларида қон қайнади... Уҳ!.. У бу кўк кўйлақликларни нақадар ёқтирмас, улардан нақадар кўрқарди. У ишчилар катта куч эканлигини, бу кучни бутун халқдан айириб бўлмаслигини ҳис қилди. Лекин, барибир, улар ақлдан озганлар... Улар — кескин тадбирлар тарафдоридирлар, ҳар нарсани шафқатсиз вайрон қилишга тайёрдирлар!.. Ахир, у уларга қўшила олдими? Шу оломон билан қўшилиш учун у кўчага чиқа оладими? У булар орасида нима қилади? Баландпарвоз сўзлар у ерда ҳеч кимга керак эмас, даҳшат ва ажал уларнинг бошлари устида парвоз қилмоқда. Ахир, у бу буюк оқим ичида фақат кичик бир томчи бўлади, холос!

Қосим унинг нутқлари ва мақолаларига нафрат ва истехзо билан қараганини эслади.

«Йўқолсин империализм!» — деган сўзлар ҳар томонд эшитиларди. Маҳмуд эшикдан кўчага отилиб чиқиб, намоийишчилар оқимига қўшилгиси келди. Бирдан у узоқда қизил шапка кийган кишиларни кўриб қолди. Улар оломонни ҳар томондан ўраб, гоҳ бир ерга тўпланишар, гоҳ тарқалишар эдилар. Шунда у дикторнинг: «Кўчаларда тўпланиб юриш таъқиқланади» деган сўзларини эслади. Наҳотки, бирон воқиа содир бўлса? Наҳотки, полиция бу катта оломонга қарши жанг қилса?

Маҳмуд, худди ерга қоқиб қўйилгандай бўлаётган воқияни даҳшат билан кузатди. Кўчага чиқиб, намоийишчиларга қўшилиш фикри батамом учиб кетди. Унинг хаёлидан қонли воқиялар манзараси ўтди. Мана, ғазабга тўлиб-тошган оломон ўз йўлидаги бутун нарсаларни вайрон қилмоқда, икки куч бир-бири билан тўқнашди, кўчаларда қон дарёси оқмоқда. Қонга ботган жасадлар устида ажал парвоз қилмоқда...

Маҳмуднинг кўз олди қоронғулашди. Шовқин-сурон ниҳоятига етди: «Йўқолсин империализм!», «Битсин, халқни оч яшашга мажбур қилаётган кишилар!», «Олға, ўлимдан қўрқмангиз!» — деган хитоблар ҳар тарафдан эшитиларди. Кутилмаганда ўқ овозлари эшитилди. Оломон саросимага тушди. Одамлар кўча-кўчага тарқалиб, ҳовлиларга яширидилар. Полициялар кўчани ўраб олиб, ўқ узиб, оломонга ташландилар, дуч келган одамни таёқ билан саваладилар.

«Йўқолсин империализм!» «Йўқолсин халқ душманлари!» — деган товушлар ҳар томондан эшитилди.

Кўк кўйлақлилар намоийиш бошида бормоқда эдилар. Улар, нафратга тўлган кўзлари билан ўлимга тикка борар эканлар, баланд овоз билан ашула айтар, ўқ еб йиқилар ва ерни қонга бўяр эдилар. Ағдарилганлардан бири «Йўқолсин империализм!» деб қичқиришда давом қилди. Одамлар зир югурарди. Полиция халқнинг бу шиддатли тўлқини олдида чекинди. Маҳмуд дераза олдида туриб, ярадорларни йўлкага кўтариб олиб чиқаётганликларини ва яраларини боғлаётганликларни қалтираган ҳолда томоша қилди. Узоқдан тез ёрдам машинасининг овози эшитилди, унинг мудҳиш қичқириғи одамни даҳшатга соларди. Одамлар оқими тобора кўпайди ва йўлда учраган ҳамма нарсани супуриб ташлаб, олға ҳаракат қилди. Уқларнинг ҳуштаги давом этди, ярадорлар йиқилиб, ер қоп-қора қонга бўялди. Маҳмуд бу

мудҳиш манзарадан кўзини узолмади. Бирдан унинг кўзи катта қон кўлмагига тушди. Бу кўлмак қора тош йўлдан қип-қизил ариқчалар ҳосил қилиб ҳар томонга тарқалар ва ингичка ипдай трамвай рельсининг чуқуридан оқар эди.

Маҳмуд узоқларга тикилди. «Бу буюк жанг тўғрисида қандай чиройли мақола ёзиш мумкин?» Бу жуда ажойиб ва қизғин мақола бўларди, халқни овозлик учун курашга илҳомлантирарди. Кутилмаганда полиция қуршовини тўзитиб юбордилар, ва полициянинг ўзи намойишчилар оммаси ичида эриб кетгандек йўқолди. Оломон олға ташланди ва бир оз вақт ўтгач миллий ташкилотлардан бири жойлашган бино олдида тўхтади.

Шу лаҳзада Маҳмуд уйдан чиқмаслиги мумкин эмаслигини сезди. У Қосимнинг ғазабли ва нафратли қарашларидан ғолиб келадиган қизғин нутқ сўзламоқчи бўлди. Маҳмуд кўчага отилиб чиқиб, оломон орқасидан югурди. У бирдан тийғониб йиқилди. Қаттиқ оғриқ унинг кўтарилишига ҳалал берди. У жирканиб атрофга қаради ва кийимлари қон билан аралашган ёпишқоқ лойга бўялганини пайқаб қолди. У уйга қайтмоқчи ҳам бўлган эди, тўсатдан кўзи қон кўлмагига тушди. Унинг ҳаслига мудҳиш бир фикр келди. У ўрнидан турди-да, яқин атрофдаги уйларнинг деразасини, узоқда турган одамларни, янгидан-янги ярадорларни олиб кетаётган тез ёрдам аравасини ўғринча кўздан кечирди ва тева-рак-атрофдаги қондан маст бўлган ҳолда бир кескин ҳаракат билан кўйлагини йиртиб, уни қонга ботириб олди ҳамда яхшилаб кийимини қон билан бўяди. Сўнг, сочларини тўзитиб, олға югурди, ишчилар турли ташкилотларнинг намояндалари билан эндиги ҳаракат планини муҳокама қилаётган одамлар тўдаси ичига секингина кириб олди. Маҳмуд бир оз ўзини тутиб олгач, гапга қўшилди. У овозини тобора баланд кўтариб, бирин-кетин луқма ташлаб турди...

Лекин кимнингдир катта очилган кўзлари уни тинмай кузатар, унинг қон билан бўялган кийимини синчиклаб кўздан кечирарди.

Ичида яшин чақнаб кетган кўзлар тўсатдан унга аста-аста яқинлаша бошлади. «Йўқол кўздан, уйингга яширин, фирибгар!»— баланд товуш билан бақирди тўқимачи-ишчи Қосим.

Маҳмуд унинг ғазаб ва нафратта тўлган қарашлари ос-тида қўрқувдан қалтирай бошлади. Унга худди шундай минглаб кўзлар тикилиб тургандек туюлди. У бу кишилар-

нинг таҳқир, нафрат ва ғазабини бутун вужуди билан сезди. Бутун баданидан тер қуйди. У бутун кучини ишга солиб, ўзидаги даҳшатни босмоқчи бўлди, лекин ғазабга тўлган кўзлар уни яна оломон ичиди ғойиб бўлишга мажбур қилди. У ифлос, қўрқоқ мушук сингари одамлар орасидан лип этиб чиқиб олди.

..Бир неча минутдан кейин Маҳмуд, худди илгаригидек, дераза олдида туриб, тош кўчадаги қон дарёсини, трамвай рельсларини ва яна олға томон бораётган одамларни томоша қиларди. . . .

..Маҳмуд чанг-тўзонлар, хитоблар ва қўшиқлар орқасида, ўзининг узоқ ҳаётини: ўзининг ўқиш йиллари, мақоалари, нутқларини кўрди — энди буларнинг ҳаммаси унга ҳеч нарсага арзинайдиган бўлиб кўринди, булар вақт ўтиши билан сарғайиб кетган, ҳеч кимга кераги йўқ, хиралашган, йўқолиб кетаётган бир парча қоғоздек бўлиб туюлди, мана улар бутунлай йўқолди...

ЭМИЛ ЮСУФ АВВАД

*

ХАЙРА ВА УНИНГ ЭШАГИ

Хайра резаворчининг эшагини бир жанобнинг машинаси босиб кетибди, деган хабар бутун қишлоққа ёйилди. Буни эшитган Хайранинг хотини шундай фарёд кўтардики, қишлоқ аҳолиси бир зумда воқна юз берган жойга тўпланди. Хайрага қўшни бир аёл бу фалокат хабарини бутун маҳаллага ёйди.

Хайранинг ранги оқариб кетган; бечора, ҳашамдор машина олдида турган жанобга нима дейишини ҳам билмасди. Қасрдандир етиб келган оқсоқол, эшақни майиб қилгани учун жаноб товон тўлашлари мумкин, деб ишонтирар эди.

Хайра резаворчини қишлоқда ким билмайди дейсиз? У, ҳар куни бутун қишлоқни кезиб чиқар, ҳар бир уй олдида тўхтаб, уй эгасини чақирар, унга янги узилган сабзавотларини кўрсатиб:

— Нур хоним, менда сиз учун бодринг, помидор, ошқовоқ, лўвиялар бор,— дер эди.

Агар Нур хоним бирор нарса сотиб олмоқчи бўлса, у ўзининг эшагига қараб:

— Тўхта, биродар. Ахир эгангни одамлар қандай ҳурмат қилишаётганини кўрмайсанми? Эганг ширин сўз, ростгуйликни севади. Бунинг устига, унинг бутун моллари аъло.

Агар суҳбат уй эгасининг хотини билан фақат қисқагина саломлашиш ва савдонгиз ўнгидан келсин деган гап билан тугаса, у секин тизгинини тортиб:

— Торт, биродар! — дерди.

Эшагини, «биродар» дегани учун қишлоқдагиларнинг ҳаммаси Хайрани кулги қилишар эди. Биродар, деб атаса!

нима қипти? Шодликда ҳам, мусибатда ҳам ашак резаворчининг содиқ дўсти эди. Неча марталаб ем бўлмай қолган вақтларда бу ашак итоаткорона қуриб қолган чўпни чайнаган эди. Хайра уни жуда кўп вақтлар сувсиз қолдиришга мажбур бўлганди. Чиндан ҳам у Хайранинг дўсти ва доимий ҳамроҳи эди.

Хайра дам-бадам ўз ашаги билан суҳбатлашиб қўярди.

— Биродар, мен ҳам, хотиним ҳам бойлик тўғрисида хаёл сурмаймиз. Бизнинг кундалик нонимиз, рўзгоримизга яраша зарур нарсалар бўлиб турса, бас. Мен баъзилардек ҳашаматли сарсўй ва хизматкорлар, шойи ва мебеллар ҳақида хаёл сурмайман, мен, биродар, оддийгина резаворчиман, холос ва доимо шундай бўлиб қолишни истайман.

Шу бахтсиз ҳодиса рўй берган кун Хайра ўзининг ҳорғин ашаги билан одатдаги саёҳатидан қайтар эди. Бурчакдан тўсатдан отилиб чиққан автомобил ашақни ағанатиб юборди. Хайра нима воқиа рўй берганини англагунча бўлмай, атрсфга одамлар тўпланиб қолди.

Автомобиль тўхтади. Ундан узун бўйли, кумуш ҳасса тутган бир киши чиқди. У йўл четида туриб, ғазаб тўла кўзлари билан тўпланган одамларга қаради.

— Эй, биродарим! Эй менинг ризқ берувчим! Хайранинг дўстини нима қилдилар! Эй халойиқ! Бечора Хайрага қаранглар, ашагидан бошқа ҳеч нарсаси бўлмаган, уни ҳам аҳтиёт қилолмаган бу резаворчини лаънатланглар,— деб зорланарди Хайра.

Хайра ўзининг хотини билан чанг-тупроқли йўлда ётган ашак олдида ўтирар эди, улар қаттиқ йиғлаб ҳайвоннинг азобини енгиллаштиришга уринардилар. Хайранинг хотини ашакнинг бошини силаб айтиб йиғларди.

Машинанинг эгаси хотиржамлик билан киссасидан сизгара чиқариб чекди-да, Хайранинг ким эканини сўраб, машинага қараб бурилди. Машина кўздан ғойиб бўлганда, оқсоқол, одамларни тинчителишга уриниб:

— Энди, ташвишланишга ўрин йўқ. Бу жансб давлатманд одам. У Хайрага, албатта уч, ё тўрт ашак сотиб олишга етадиган пул беради,— деди.

Ашақни авайлаб аравага солиб, Хайранинг уйига олиб бордилар. Мол доктори ҳайвонни кўздан кечириб, оёғи синганини ва ёнбоши қаттиқ лат еганини айтди. Кечаси ашак шундай қаттиқ ҳанграр эдики, ҳатто қишлоқнинг нариги четидан ҳам эшитилар, эшитган кишиларнинг юраги эзи-

ларди. Сўнги куни эрталаб Хайранинг хотини уй ёнидаги таш курсида ўтириб, ҳали кечагина эшак чайнаган хашакка телмурар эди. Унинг кўз олдига ўзига азиз туюлган манзаралар жонланарди. Хайранинг қайғусини оширмаслик учун, у бу ҳақда эрига ҳеч нарса демади. У, ҳар куни қуёш чиқиши билан эшакнинг булоқ бошига борганини ва сувга қониб, тез қайтиб келишини эслади. Туш пайтларида ҳам ўтлаб, сув ичиб бўлгандан кейин тут дарахтига яқинлашар ва ҳанграр эди. Якшанба ва байрам кунлари Хайра эшакнинг эгар жабдуғини олганда, жонивор яқиндаги ялангликка қараб чопар, у ерда ўтлар устига ағанаб яйрарди. Агар тўзон кўтарилса, ўрнидан туриб янги жойга кўчарди. Эшак бўш соатларини ана шундай ўтказар эди.

Икки ҳафта ўтди. Ҳалиги жансб Хайра тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмади. Оқсоқолнинг шаҳар мэрига ва муниципалитет аъзоларига қилган мурожаати бекорга кетди. Майиб бўлган эшак учун пул олиш ҳақида шаҳар адвокатлари билан қилган маслаҳатлари ҳам бекор кетди. Ахир, жаноб устидан ким ҳам шикоят қила олади.

Адвокатлар бу ишга уринмасликни маслаҳат бердилар, чунки Хайранинг фойда кўрмаслиги турган гап эди. «Қонун бойларга тегмайди. Ахир, киши ўз кўлидаги қиличи билан ўзини чопадими? Шундай бўлса ҳам оқсоқол аҳдида турди, у эшак учун ҳақ талаб қилди. Суд резаворчи штраф қилинсин ва бир ҳафта қамоққа олинсин,— деб қарор чиқарди! Нима учун? Маълум бўлишича, гўё хўжайин «Жамсат манфаатига» оид масалалар ҳал қилиниши керак бўлган йиғилишга кетаётганида, унинг эшаги туфайли кечикиб қолган эмиш.

Хайра суднинг қарорини эшитиб, эсанкираб қолди. Қишлоқ аҳолиси бу хабардан ғоят газабланди, кўп камбағаллар ёрдам бериш учун Хайраникига жўнадилар. Бироқ, улар нима ҳам қила олардилар?

Хайра қамоқда етти кун ўтириб чиқди. У уйига қайтганида тут дарахтлар срасида ўтлаб юрган эшагини кўриб севинчи ичига сиғмади. Эшак думини қимирлатар, Хайранинг хотини эса унинг қулоғини қашир эди.

Эр-хотиннинг кўзларига севинч ёшлари тўлди. Эшак тузалган ва ишлаши мумкин эди.

...Мана, янгидан, одатдагидай, Хайра ўз эшагининг изидан қолмай; ҳар куни бир вақтда кўчадан сабзавот олиб ўтади...

ЎҚИТУВЧИ

Ўғлим, сен энди катта бўлиб қолдинг, отангинг маинблигини кўриб турибсан. Мен ҳатто сенга орқа ўғриб ўтирганимда ҳам кўзларинг менга тикилиб турганини сезман. Назаримда, баъзан лабларинг: «Нима учун ҳамма одамларнинг кўзи иккитадан-у, менинг отамнинг кўзи битта?», деб шивирлагандек бўлади. Отангинг бир кўзи йўқ деб болалар сени масхара қилганда, қапчалик азобланишимни биласанми?

Кел, ёнимга ўтир, мен сенга бир нарсани ҳикоя қиламан, кулоқ сол. Мен сени бу саволи береш заруратидан халос қилиб, ўзимни тинчлантирмоқчиман. Баъзан сенинг юзингда пайдо бўладиган ҳайронлик мени қаттиқ ташвишга солади, кечю-кундуз хотиржамлигини бузади. Бундан ўттиз йил муқаддам бир бола яшарди. У ҳам сенинг ёшингда эди. У ҳам, худди сенга ўхшаб, ҳар куни мактабга борарди. Уйи мактабигача бир соатлик йўл эди. Бола орқасидаги жилди билан бу йўлни ҳар куни икки марта босиб ўтарди. У ҳар қандай об-ҳавода: ёмғирда ҳам, жазирама офтобда ҳам — уйдан эрталаб чиқиб кетиб, кечқурун қайтарди. Бола бақувват бўлиб ўсди, у ҳеч қачон ҳеч нарсадан нолимас, донм ҳар нарсадан мамвун эди. У фақат бир нарсадан — ўқитувчининг ўтган дарсни сўраб қолишидан кўрқар эди.

Мактаб қишлоқ черкови деворларига туташган кичкина ҳовлининг кўримсиз бир хонасида жойлашган эди. Синфда сиёҳлар тўкилган, ҳар хил исмлар ва рақамлар ёзиб ташланган, болалар ўйиб расмлар солган парталар турарди. Парталарда янги расмлар ҳам, болаларнинг ота-боболари чизган эски расмлар ҳам бор эди. Бирок, бу ёзув ва расмларнинг тарихи ўқитувчини қизиқтирмас эди. У тошкўнги одам бўлиб, кайфияти бузилган чоқларда кўпинча олтмиш йил илгария боболари қилган номаъқулчиликлар учун беғуноҳ болаларни жазолар эди.

Эрталаб мактебда дарс, ўқитувчининг болаларни черковга қарашли энг яқин дарахтзорлардан хипчини келтиришга юбориши билан бошланар эди. Юборганда ҳам кечгача етадиган миқдорда хипчини олиб келишни буюрарди.

Ўқутувчи болаларнинг орқасидан:

— Едингизда тутиш, хипчинлар тўппа-тўғри, узун ва эгилувчан бўлсин, кўп келтиринг — тағин иккинчи марта бориб ўтирманг, — деб қичқариб қолар эди. Болалар да-

мактабга бориб, ёиларидан пичоқларини олиб хипчин кескивлар. Улар хипчинларни айлантириб дарахтларга уриб қайси оғир ўёларига тушишини топишга уринардилар.

Қоғазлар хипчинларни айлантира-айлантира:

— Мана, мана бунисини сен учун тахладим,— деб бир-бириндан ёилани қазиллашардилар.

Бир кунни ўқитувчи бир болага ва унинг ўртоқларига янги китобдан жуда оғир бир дарсни топширди. Бола уйга қайтган херҳол китобни очди. У дарсни жуда яхшилаб тайёрлашга уринсада, уддасидан чиқмади. Китоб унга сира таниш эмас эди. У китобнинг на ҳарфлари, на сўзлари, на расмларини таниш олдди. Китоб унга катта бир тилсимдек, марфлари ва сўзлари эса — сиҳрли аломатлардек бўлиб қолди. Унинг янги китоб олгандаги хурсандлиги батамом йўқолди, китобга қараб у бениҳоя нафратланди. Китобни бурда-бурда қилиб, оловга ташлагиси келди.

«На, китобга аччиқ қилишнинг нима фойдаси бор,— деб ўйлаб қолди бола.— Китоб бўлмаса, ҳеч нарса қилолмайсан. Бунинг устига, отам бу китобни олиб бериш учун қанчалик-қанча меҳнат қилди».

Ўш. бундай қилиш ярамайди. У мактабда ҳам, уйда ҳам жуда одобли ва тартибли бола ҳисобланарди. У бошлан-охиригача ўқиб чиққан биринчи дарслиги ҳали яп-янги эди. Отаси унинг укалари ҳам шу китобдан ўқисин деб уга шкафга яшириб қўйди.

Бола дарсни тайёрлашга қайта-қайта ўтирди, сўзларни ўқитувчи айтгандек талаффуз қилишга уринди, лекин уддасидан чиқа олмади. Унинг кўз ўнги қоронғулашди, уйга кетди. Керосин лампа кичик, паст уйни хира нурлари билан ёритар, бурчакларда даҳшатли соялар ҳосил бўлар эди. Уйдагиларнинг ҳаммаси аллақачон ухлаб қолган, боланинг уларга ҳаваси келди. Бу кеча у ҳавас нима эканлигини биринчи марта билди. Улар қандай бахтли кишилар-а — деб ўйлаб кетди бола,— уларда уйга берилган топшириқ ҳам йўқ.

Бола ўзини ёлғиз, ташландиқ ва дунёдаги энг бахтсиз киши ҳис қилди. Уни умидсизлик ўраб олди. Эртага нима бўлишини тасаввур қилди... Мана, ўқитувчи йўгон овози билан: «Бу ёққа кел, топшириқни айтиб бер»; деб бақиради. Бола секин-секин яқинлашиб, иккиланган ҳолда ўқитувчидан икки қадам нарида тўхтади. Уқитувчи столни итариб, стулдан турадида ўқувчига эгилиб, «Бошла!», деб буйруқ қилади. Болада мадор қолмайди. У бирон нарса

деб жавоб беришга уринади, лекин бир оғиз ҳам сўз айтолмайди, дудуқланади, тили танглайга ёпишиб қолгандек бўлади. Даҳшат ана шунда бошланади. Уқитувчи қўлига хипчин олиб, «Кўлингни узат!», деб бақиради.

Йўқ, йўқ! Бола бу хипчиннинг зарбасини бир неча марта татиб кўрган ва ўқитувчидан калтак еган болаларнинг йиғисини эшитган. Энди бу гал у бу аламга чидамайди. Бериладиган жазони эслаши билансқ унинг кафтлари ёна бошлади. Бола ўз қўлларига тикилди, ва кўзларидан дув-дув ёш оқа бошлади. У девор томонга ўғирилди ва отасининг боши устига осиб қўйилган санамни — унга тикилиб турган Биби Марямнинг суратини кўрди. У Биби Марямнинг назик табассумига завқ билан қараб қолди ва бошини биров эгиб, унга узоқ тикилди. Хаёлига дарҳол бундай фикр келди: «Мушкул кушо Биби Марям ҳар куни бир муъжиза кўрсатади: беморларни тузатади, оқсоқларни оёққа турғзади, кўрларнинг кўзини очади, агар у хоҳласа, июлда ҳам ёмғир ёғиши мумкин, дейдилар. Наҳотки у менинг шу мушкулимни осон қилмаса?»

Бола тиз чўкди ва кўрагига уриб, пичирлади: «Эй, мушкул кушо Биби Марям, сенинг ёрдаминга муҳтожман. Хаётимда бир марта, фақат бир марта сўрайман, йўқ демагин». Бола лабларини санамга текизди, санамга кўз ёши тўкилди. У муздек ойнани қизгин ўпиб: «Сенинг қудратинг бениҳоя! Утиниб сўрайман, буюр, эртага тонг отмасин», деди. Сўнг тинчгина уйқуга кетди.

Кўзларини очиб, тонг отганини ва онаси одатдагича уни уйғотиб мактабга шоширганини кўрганда, жуда ҳам хафа бўлди.

— Ойи, ўқитувчи ўтиб кетдимми?— деб ташвишланиб сўради у.

—Йўқ, ҳали,— жавоб берди онаси.

Бола хурсанд бўлиб кетди, тезда кийиниб, жилдига нон-понини солди-да, югурганича мактабига кетди. У: «Ҳеч бўлмаса чорак соат ўқитувчидан илгари бориш керак»,— деб ўйлади.

Ўқувчиларнинг деярлик ҳаммаси мактаб ҳовлисида ўқитувчини кутарди. Бола уларнинг олдидан халлослаб ўтди-да, черковнинг зинасига чиқиб, қўлини баланд кўтариб бақирди:

— Болалар, табриклайман, бугун дарс бўлмайди. Уқитувчимизнинг бувиси ўлиб қопти!

Ўқувчилар ўз ўртоқларига ишондилар. Улар бу бола

Ўқитувчининг узоқ қариндоши акапангини, у илгари ҳам ўқитувчининг ишларини қилиб юрганни билар эдилар. Ҳовлида шовқин-сурон бошланди, китоблар, жилдлар, тўп-пилар осмонга учди...

Ўғлам, ҳикоям тугаб қолай деди... Ярим соатдан кейин ўқитувчи мактабга кириб келди, у ерда далаларда елиб-югуриб, қуш уяларини бузиш ҳали қўлларидан келмайдиган иккита ўқувчидан бошқа ҳеч кимса йўқ эди. Улар боланинг қилмишларини ўқитувчига айтиб бердилар. Ғазабга тўлган ўқитувчи болани қидира кетди. У болани ўлдирман деб қасам ичди.

Болани топиш қийин бўлмади. Ўқувчилар ҳар тарафга тарқаб кетиб, ҳовли бўшаб қолгандан кейин, у ўзининг жиддий айб қилиб қўйганини тушунди. Ўйинқароқлик унинг каёлидан кўтарилди. У ҳеч қандай мақсадсиз далаларда дайдиб юрди. У: «Нима бўса, бўлар», деб ўйлади. Бола, чакмонини тўғрилаган ҳолда ўзи томон чопиб келаётган ўқитувчисини кўрганда, яширинишга ҳатто уринмади ҳам. У турган жойида қотиб қолди, юзидаги мускулларнинг биронтаси ҳам қимирламади.

Ўқитувчи йўгон таёқ билан унинг бошига тушурди, болага боши тарс икки бўлиниб кетгандай туюлди. Буёғи нима бўлганини билмади. У тўшақда ўзига келганда, юзининг бир томони боғлаб қўйилганини пайқади. Унинг ўнг кўзи худди чўғдек ёнар эди. У боғланган юзини ушлаб кўрмоқчи бўлди, лекин оғриқнинг зўридан қичқириб юборди. Онаси уни қучоқлаб, дув-дув ёш тўкарди.

— Шу билан ҳикоям тамом, ўғлим. Мен бу ҳикояни ўзинг чурқ этмасанг-да, афтингдан кўриниб турган саволга жаъсб бериш учунгина эмас, балки мактабда дуч келишиг мумкин бўлган қийинчиликлардан сени огоҳлантириб қўйиш учун ҳам айтиб бердим.

Сен, албатта, у бола ким эди, деб сўрарсан? У... мен эдим.

АБДУЛ МАСИҲАЛ-ҲАДДОД

МАРҲУМНИНГ УЙИДА

Таниюс ал-Мурр вафотидан сўнг бир ҳафтагача унинг уйидан, марҳумнинг оиласига ҳамдардлик билдириш учун келган одамларнинг оёғи узилмади. Кўнгилсиз заруриятдан, соп-саноқсиз таъзияларни эшитиш натижасида пайдо бўлган ҳаяжонлар қариндошларга меҳрибон кишидан ажраб қолиш алаmidан ҳам кучлироқ таъсир қилгандек туюларди. Лекин Сурияда одат шундай. Юрак қинидан чиқиб, сабру тоқат тугаса ҳам урф-одатга риоя қилиш керак. Фотиҳага келувчилар ҳар кунни ўйламасдан қайтариладиган таъзия сўзаларини дуолардек ёдлаб олган эдилар.

Ушбу сатрларни ёзувчи менинг эса, бу оиллага раҳмим келади, лекин мен оила бошига тушган ғам-руссага эмас, балки ўз мусибатига қарамасдан одамларнинг таъзиясини эшитишдан ҳориганлигига раҳмим келади.

Яхшиямки, худонинг марҳамати билан, таъзияга келган кишилар одат бўйича марҳумнинг уйида узоқ тўхталиб қолмасликлари зарур. Улар уйга бош кийимларини олиб кирадилар, агар қиш бўлса уст кийимларини ечмайдилар.

Таъзияга келганлар марҳумнинг оиласи бошига тушган аламни енгиллатишни хоҳайдилар, деб ўйламанг. Одатда улар жуда кўп бўлишади; уйга сиғишмай қоладилар, шунинг учун ҳам кейинроқ келганларга жой бўшатиш учун илгари келганлар чиқиб кетадилар. Марҳумнинг қариндошлари ерга тикилиб ҳаракатсиз ўтирадилар. «Марҳумни худо раҳмат қилсин, сизларнинг умрингизни узун қилсин», деган таъзия сўзларига жавобан, улар ҳаминша «Сизнинг

қам умрингиз узун бўлсин» деган сўзларни такрорлайвера-дилар.

Марҳум Таниюс ал-Мурр билан ҳаётлигида учрашган бўлсам ҳам, унинг уйида ҳеч бўлмаган эдим. Шунга қарамасдан, дўстим Бутрос Кировани мени ўзи билан бирга бориб, марҳумнинг оиласига таъзия билдиришга мажбур қилди. У шундай деди:

— Марҳумни таниган ҳар бир киши, унинг қариндошими, дўстими ёки оддий танишими, ким бўлишидан қатъий назар оиланинг аламини енгиллатишга уриниши керак...

Биз жўнадик. Дўстим бизнинг ҳамма урф-одатларимизни яхши билар ва гапда ҳам мендан чечанроқ эди. Дўстимнинг кетидан марҳумнинг уйига кириб, дарҳол «Салом» демоқчи эдим, — дўстим менга жиддий бир назар ташлаб, мени гапдан тўхтатиб қолди ва қулоғимга шивирлади: «Марҳумни худо раҳмат қилсин, сизларнинг умрингизни узун қилсин», деб айтгин, деди. Мен шу сўзларни айтиб, худди марҳумнинг оила аъзоси сингари бир жойга ўтирдим. Хижолатдан юзларим қизариб кетди, кўзимни ердан ола олмас эдим. Тиззамда пальтом турарди, ўтирганлар ичида фақат мен пальто ечибман.

Жимлик беш минутча давом этди. Кейин Бутрос гап бошлади:

— Ривоятларга қараганда, Искандар Зулқарнайн ўзининг умри тугай деб қолганини сезибди. Улимдан сўнг онасининг нечоғлик дард чекиши унга маълум эди. Шунинг учун ҳам, онасини олдига чақириб, шундай депти: «Э, меҳрибон онам, менинг сенга васиятим шундан иборат. Мен яқинда ўламан, ўлимимдан кейин маърака қил ва унга ҳамма одамларни таклиф қил. Одамлар дастурхонга ўтиргандан кейин шундай дегин: алам чекмаган, яқин ва севимли кишисини йўқотиш нима эканлигини билмаган киши биринчи бўлиб свқатга қўл узатсин». Она худди шундай қилибди. Александр ўлимидан кейин маърака қилиб, унга ҳамма одамларни таклиф қилибди. Ниҳоят, ҳамма тўплангач, ўғли васият қилган гапни уларга айтибди. Бирорта киши овқатга қўл югуртира олмапти. Шундай қилиб, у, ҳар хонадонда ўлим бор эканлигига қаноат ҳосил қилибди ва ўзининг зўр алаמידан овунипти.

Бу ривоятни эшитиб, уни ҳикоя қилувчига нисбатан менда зўр ҳурмат туғилди. Неча йилларни мактабда беҳуда ўтказганлигим эсимга тушиб маъюсландим. Ҳа, Бутрос

мендан устин эканлигини кўрсатди ва шундай ҳолларда айтиладиган ривоятлардан энг яхшисини айтди. Сўнгра мен қаерда ўтирганлигимни ҳам унутиб, шундай дедим:

— Худо номига қасамёд қиламанки, бу ажойиб ривоят экан. Мен бундай доно ривоятни ҳеч эшитмагандим.

Ўтирган кишилар — Таниус ал-Муррнинг вафотидан сўнг бир ҳафта ўтганлигидан улар анча сийраклашиб қолганди, — ҳеч нарса эшитмагандай жим ўтирар эдилар. Уларнинг жим ўтиришлари мени таажжубга солди: «Бу кишилар жуда жоҳил одамлар бўлсалар керак, шундай таъсирли ҳикоянинг маънисига етмадилар», деган фикр хаёлимдан кечди.

Бутрос ўзининг ажойиб ҳикоясини тугатгунича йўқ эдики, уйга яна учта киши кириб келди. Жойлар кўп бўлгани учун биз яна бироз тўхталиб қолдик, тўғрироғи Бутрос қолди, у билагон бўлганлиги учун мен кўр-кўрона унга тақлид қилардим, холос.

Янги келганлар ўтириб олганларидан кейин, улардан бири оғзини гапга жуфтлади. Мен жуда маънос эдим ва ўзимча: «Нима учун мен ўз урф-одатларимизни билмайман ва қаерда нимани гапиришни ҳам билмайман...» деб ўйладим. Шу ерда менинг фикрларим бўлинди.

— Дунё шунақа. Улим ҳамманинг бошида бор, ундан ҳеч ким қочиб қутулолмайди. Улуғ Искандар ўттиз ёшида бутун дунёни забт қилган...

Мен қулоқ сола бошладим — бу энди Искандар Зулқарнайн ҳаёти ҳақидаги иккинчи ривоят эди. Мени дарҳол халқ, кутубхонасига боргим ва бу улуғ одамнинг тарихи билан танишгим ҳам келди, аммо ҳозир бирорта ҳам сўзни эшитмай қолишдан қўрқиб, диққат билан қулоқ сола бошладим. Аммо умидларим пучга чиқди: мен яна Александр ҳақидаги ўша ҳикояни эшитдим...

Дўстим кетмоқчи бўлиб турганди, лекин шу замон янги кишилар кириб келиши ва мен яна бирозга қолишликни билдириш учун Бутроснинг оёғини босдим. Бутрос мажбур бўлди. Икки киши келди, одатдаги таъзия сўзларини айтиб ўтирдилар. Утирар-ўтирмас, уларнинг каттаси сўз бошлади.

— Яқин одамнингнинг ўлимига чидаш осон эмас, лекин олланинг хоҳишига монелик қилиб бўлмайди, пешонага ёзгани бўлади... Айтишларича, Искандар Зулқарнайн ўлимининг яқинлигини сезган экан...

Шу дамда мен йўталиб қўйдим, Бутросга қараб унинг юзида истеҳзоо аломати кўрдим. Мен дарров ҳикоя қилув-

чига ўғирилиб олдим. Унинг Искандар Зулқарнайн ҳақида нималарни ҳикоя қилишини эшитишни истардим. Икки жумладан кейин мен ҳам илжая бошладим ва бу илжайиш кулгига айланиб кетишидан қўрқиб, ўрнимдан турдим. Менинг кетимдан ошнам ҳам турди. Мен:

— Ҳикоячининг сўзини бўлганим учун узр сўрайман. Бу кун сиз учун хайрли бўлсин,— дедим.

Биз чиқдик. Бутрос жуда дарғазаб эди. У қўлимдан тутиб:

— Марҳумнинг уйида «Бу кун сиз учун хайрли бўлсин!» дейишлик мумкин эмаслигини билмасанг, сендан ва сенинг илмингдан нима фойда. Уйга киришимизда мен сени бундай гапдан базўр тўхтатиб қолган эдим. Нима сабабдан буни яна қайтардинг?

— Таъна қилаверма, Бутрос, айтгинчи, марҳумнинг уйида айтган ривоятингни қаердан ўқиб олгансан?

— Мен бу ҳикояни қишлоқ оқсоқолининг кўмиш маросимида бобомдан эшитганман.

— Бобонг уни қаерда ўқиган экан?

— Эҳтимол, ўз бобосидан эшитгандир.

— Ундай бўлса, бундан кейин ҳикояни тўғри сўзла:— Менга бобом айтган, унга бобоси айтган, у бобо эса, ўз навбатида ўз бобосидан билиб олган деб айт. Шу тариқа улуф Искандар замондошларига етгунингча барча боболарни санаб чиқасан.

Бутрос кулиб юборди ға мени кечирди. Сўнг:

— Гап шу ерда қолсин-у, агарда биз марҳумнинг уйида бир соатга яқин ўтирганимизда, Искандар ҳақидаги ривоятни йигирма мартага яқин эшитган бўлардик.

Мен унга шундай жавоб бердим, агарда мен марҳумнинг оила аъзолари ўрнида бўлганимда, бу одамларга шундай дердим:— Марҳум бизга қараганда бахтлироқ, у бу дунёдан ҳам, сизларнинг ривоятларингиздан ҳам қутулди..

Биз Бутрос билан хайрлашиб, бошқа-бошқа томонга қараб кетдик. Йўлда бир гуруҳ кишиларни кўрдим, уларнинг орасида менинг бир танишим бор эди. У менга Таниюс ал-Муррнинг оиластига таъзия билдирмоқлик учун кетаётганлигини айтди. Мен унга:

— Ҳозир ўша ердан келяпман. Олло уларга мадаккор бўлсин,— дедим.

У менга:

— Оллоҳ, уларга мадаккор бўлсин ва куч-қувват ато қилсин,— деб жавоб қилди.

Мен унга, марҳумнинг оиласиникига борганлигимни, лекин урф-одатларимизни билмаганимдан уларга тасалли бера оладиган бирор сўз айта олмаганлигимни ҳикоя қилдим.

У мендан қулиб:

— Наҳотки, бу шунчалик қийин бўлса? Бирор ривоят айтиб, кишиларга тасалли бер,— деди.

— Сен нимани ҳикоя қилмоқчисан?

У менга Искандар Зулқарнайн ҳақида гапира бошлади, лекин мен бу ҳикоядан хабардор эканлигимни айтиб, унинг сўзини бўлдим ва дўстларимга етиб олиб, тезроқ марҳумнинг оиласига тасалли беришни маслаҳат бердим. Оллоҳ марҳумнинг оила аъзоларига ёрдам берсин, уларга сабру тоқат ато қилсин ва гуноҳларини кечирсин!

МАВАХИБ АЛ-ҚИЯЛИЙ

ҚАСОС

Умм Авад хамирга солиш учун ёнгоқ ва бодом чақаётган эди. Бирданига у қандайдир оғир бесаранжомлик сездди. Оҳиста куйлаётган ашуласини тўхтатиб, қўлини кўйлагининг этагига аргди-да, ҳовлига чиқди. Безовта қилаётган ҳиссиёт ундан нари кетмас эди. Тсварак-атроф жимжит, бу жимжитликни фақат ҳовли ўртасидан ўтган ариқчадаги сувнинг шилдирашигина бузиб турарди. Ёлғизлик ҳисси бу товушдан янада кучаярди. Умм Авад шу минутда бирор кимсанинг — қўшниси Умм Ҳамид ёки унинг уйига кириб турадиган ва бўлар-бўлмас гаплари билан бир оз кўнгила очувчи хотинлардан бирортасининг келишини истаб қолди.

Умм Авад ҳовлида қўрққан ҳаяжонланган ҳолда турарди. Қулф ичига тушган калитнинг товушини эшитиб ва эри Абу Авадни кўриб, енгил нафас олди ва ошхонага қайта туриб:

— Оллоҳнинг марҳаматига шукур... Эркак киши турмушнинг таянчи, оллоҳ унинг умрини узоқ қилсин, — деди...

Абу Авад ўз хонасига ўтди. У хассага таяниб оҳиста қадам ташларди. Гўё биров оғир юк ортгандек, елкаси одатдагидан кўпроқ эгилганди.

Умм Авад кўпдан бери эрининг бундай қовоқ солиб юришига ўрганиб қолган ва одат тусига кириб кетган тартибни таъна ёки шижоат билан бузишга ҳеч қачон уринмасди. Кўпчилик Шарқ хотинларига ўхшаш, у ҳам эркак кийшидан нолимоққа ҳақи йўқ эканлигини биларди. Аммо фақат шунинг ўзигина Умм Авадни ўпкалашдан тўхтатмас, бундан ташқари уларнинг уйда ҳукм сурган сукунат азо-

бини орттирадиган бошқа бир нарса ҳам бор эди. Қандайдир оғир ва аламли нарса... Умм Авад ҳар сафар унинг учун қайғу келтирувчи бу хотираларни ўз хаёлидан қувиб юбормоқликка уринарди.

Умм Авад ота-онасининг ягона фарзанди эди. У туғилган уй-жойини ташлаб, шу уйга кирган. Унинг хаёлидан ҳозирда кўп нарсалар ўчиб кетган, лекин бир неча хотин уни ўраб олиб, сочларини тараганлари, юзига упа-этир суртганлари, қош-қўзларини ўсма ва сурма билан бўяганлари ва отга миндирганларини ҳеч қачон эсидан чиқармайдди. Тўйга келган бир тўда меҳмонлар узоқ қишлоқ томон унинг кетидан йўл олди. Теваракда тинмай ўқ узар эдилар.

У биринчи кеча эридан — бу ёт кишидан жуда ҳам кўрққан эди! Лекин эрталаб ўз ҳиссиётларини бирор сўз билан ҳам айтмади. Қандайдир бир ички туртки, ҳали Абу Авад ухлаётган вақтида, уни оҳиста ўрнидан туришга, эрининг янги қизил ботинкасини ялтилагунча артишга ва уни тўшак четига қўйиб қўйишга ундади.

Унинг турмуши бир меёрда давом этди. Тинчлик фақат Аваднинг дунёга келиши билан бузилганди. Уғал унинг бутун турмушини тўлдирди. У гулдай яшнаб, бақувват бола бўлиб ўсди. Мана, қора кун ҳам келди, ҳамма нарса барбод бўлди, ифрит¹ болалари ҳамла қилганда тўзиб кетган бир ҳовуч тупроқдай вайрон бўлди. Ҳамма нарса — шодлик, умид барбод бўлди, баланд кўтарилган боши қуйи солинди...

Бир неча йил бурун Авад шармандаларча қишлоқни ташлаб кетди. Унинг кейинги тақдири тўғрисида ҳеч нарса маълум эмас эди. Ана шу вақтда Умм Аваднинг кўнглида бесаранжом ҳислар туғилди. Вақт ўтиши билан бу ҳислар сўна бошлади, сўнг бутунлай йўқолди. Лекин бу ҳислар Авад худди гўрдан тирилиб келган ўликдек, қайтиб келгач, яна янги куч билан қайтадан вужудга келди.

У бир неча соат илгари ўз уйдан далага ишга чиқиб кетган кишидек, эшикни очиб кириб келди. Лекин, афсуски, унинг юзи... Уғлининг паришонхотир қарашлари она юрагини пора-пора қилди, унинг ажинлар босган сўлгин юзи онани ҳайратда қолдирди. Лекин бу унинг ўғли эди — у қайтиб келди, ўғил она қаршисида бақувват ва соғ-саломат ҳолда турарди; она ўғлига ташланди, юзини унинг кўксига яшириб, таниш тер ҳидларидан роҳатланди. У ота

¹ Ифрит — (арабча) — шайтон. (Тарж. низоҳи.)

ва боланинг бир-бирларига яширинча қараб олганликларига эътибор бермади, бу қараш — ўз эгаларининг, бирига — ўлдирди, иккинчисига — ҳалок бўлиш тақдири насиб бўлган икки қилич тигининг бир-бирига уришганини эслатарди. Умм Авад ярашиш вақти келди, деб ўйлаган эди. Унинг кўнглида, тошган дарё ўз ўзанига қандай қайтса, ота ҳаёлидан ҳам ўша ачинарли кун ҳақидаги эсдаликлар йўқолиб, у ўз ўғлига эскича қарай бўшлайди, деган умид пайдо бўлди... Бунинг устига Авад — ёлғиз ўғил, Абу Аваднинг ёши эса етмишда ва унинг бундан кейин бола кўриши — амри маҳол. Она умид қилганди... Лекин у Абу Аваднинг оғзидан қувониб ёки ҳеч бўлмаса, таажжубланиб айтилган бирор сўз чиқмаганидан ташвишда эди. Ота индамай, шу заҳотиёқ уйдан чиқиб кетди, лекин ҳассасининг тошларга тегиб бир хилда товуш бериши, унинг ҳовлида у ёқдан-бу ёққа юрганлигини билдирарди. Умм Авад жуда ҳадиксираб қолди.

Аваднинг қайтиши кутилмаган воқиа бўлди. Бу нарса ҳамма кўни-кўшинини ҳам хайратда қолдирди. Кейинги йилларда йўқолиб кетган эски, кўрқинчлик овозалар яна уйма-уй тарқалди... Сотқин... Сотқиннинг отаси... Сотқиннинг онаси... Бу даҳшатли шивир-шивир гаплар Умм Аваднинг қанчалик данг қотирди, уларнинг мазмуни нақадар уқубатли эди... У бундай хотиралардан қанчалик азобланарди! Булар эса яна қайтадан келди, даҳшатли, ғамгин ўтмиш кунлар ҳақидаги бу хотиралар тўсатдан пайдо бўлди...

Жабал Аз-Завия райони Франция қўшинларининг тўхтовсиз ҳужумлари остида қолганди. Экинзорларни алаинга босарди, оналар болаларидан жудо бўларди, ёшликнинг нозик ниҳоллари синар, қизларнинг номусли барбод этилар эди...

Лекин қишлоқ босқинчиларга бўйсунмади. Ёш йигитлар тоғ қояларига бекиниб олиб, душманга шиддатли ўқ ёғдирмоқда эдилар. Хотинлар кўзғолончиларга нон ёпар, сув ташир, ўқ-дорилар етказиб бериб турардилар. Бутун қишлоқ бошдан-оёқ ўт ва нафрат денгизига айланганди. Бутун қишлоқ... фақат бундан Авад холи эди. У бошқа бир дунёда, кўзғолган қишлоқдан узоқда яшарди.

Уни буғдой рангли, соҳибжамол бир қиз — Ватфа қандайдир яширин куч билан ўзига тортарди. Авад ҳеч вақт унинг кетидан қолмасди.

Ватфа бутун қишлоқда энг чиройли қиз эди. Агарда у уйдан ташқарига чиққундек бўлса, хотинлар унинг орқа-

сидан қараган ҳолда: «Вой худойим-эй, гавҳар балчиқда-ям танилади, мунчаям чиройлик-а»,... деб шивирлашар эди. Ҳар сафар Ватфа кўринган вақтда, эркаклар бу қорачадан келган қиз уйғотган ахтирос ўтларини яшириш учун ерга қарардилар.

Ватфа Мансурнинг қайлиғи эди. Мансур озодлик ишига ўз жонини бағишлаб, тоғлар ичида яширинган вақтда Аваднинг кўнглида, унинг билан Ватфа ўртасидаги девор тез орада қулайдиган бўлиб кўринди. Авад Ватфани ўз баррига босиш кунлари яқинлашди, деб билди. У, бундай кун, албатта, келишига ишонарди. Ҳар сафар Мансурни эсга олиб, унинг французларнинг орқа томонида кўрсатган жасоратлари ҳақида ҳикоя қилганларида Ватфанинг юзида фахрланиш аломатлари жилваланишига қарамасдан, шундай кун келишига ишонарди.

Лекин қишлоқ атрофида французлар барпо қилган ўт тўсиққа қарамасдан, Ватфа ҳар куни тунда Мансур билан учрашиб туришини эшитганда, Аваднинг орзулари худди кузги барглардек, сўлди, шамолга учди...

Аваднинг умидлари чексиз нафратга айланди. Бу нафрат уни бутунлай асир қилди вужудини батамом эгаллаб олди...

Бир куни эрталаб, қишлоқ аҳолиси уйқудан уйғониб, ҳайратда қолди: француз солдатлари, марокашликлар, сенегаликлар қишлоқ майдонини ва кўчаларни тўлдирган, уйларнинг томларига жойлашиб олган эдилар. Айтишларича, маҳаллий аҳолидан кимдир, қўзғолончиларнинг тунда ногаҳон ҳужум қилиш сирини душманга етказган эди. Ҳамманинг оғзида Аваднинг номи.

Баъзилар бу номни маъюслик билан тилга олар, бошқалар афсус билан каллаларини қимирлатар, чунки Абу Авад ҳаммага намунали бир киши бўлгани учун, бу нарсага ишонгилари келмас... Абу Авад соғқиннинг отаси бўлишляғи мумкин эмас...

Бу изтирсбли кунда қишлоқ қонли фожиянинг гувоҳи бўлди.

Французлар арғамчи билан бир-бирларига қўшиб боғланган бир гуруҳ ёш йигитларни майдонга олиб чиқдилар. Уларни чоллар, хотинлар ва болалар ўраб олишди. Улар асирларга чуқур қайғу билан қараб турардилар... Кутиш юракларни пора-пора қиларди... Юзи, бўйнидан бўғилган каламушнинг башарасини эсга солувчи паст бўйли офицер майдон ўртасида тўхтади. Унинг ёнида ёғочдай

котиб қолган солдатлар турарди. Уларнинг милтиқ найзалари гўё осмонни санчиб оладигандай кўринарди.

Асирлар орасида Мансур ҳам бор. У тузоққа тушган шерга ўхшарди. Бутун вужудидан нафрат, ғазаб, алам ёғарди. Лекин у ўз ҳиссиётларини енгиш ва ўзини қўлга олиш, хотиржам ва ваэмин бўлиш учун бутун кучини сарфлар эди. Офицер кейинчалик ўйнаши керак бўлган ролга бутунлай берилган ҳолда, девордек саф тортиб турган одамлар олдидан оҳиста у ёқ-бу ёққа юриб турарди. Бирданига у тўхтади, қаддини ростлади, қамчинининг учи билан этигига уриб қўйди — унинг фикрича, муҳим ишни ҳал қилиш билан машғул бўлган давлат арбоби, ўзини худди шундай туттиши керак эди; кейин одамларга қараб мурожаат қилди:

— Мансурни кўрсатиб беришларинг учун сизларга беш минут вақт бераман. Беш минут — ортиқча вақт берилмайди.

Шундай дегач, енгини тортиб соатига қараб қўйди...

Вақт гўё тўхтаб қолгандай эди. Лекин бундай ҳол ернинг кичкина бир бурчагидагина шундай эди, атрофда эса, ҳаёт эскича давом этар: дарёлар шовуллар, қушлар сайрар, қўй-моллар маърар эди...

Беш минут мангуликдай туюлди. Биронта киши ҳам чурқ этмади. Офицер яна гап бошлади. Энди у раҳмдил, маслаҳатгўй бўлиб кўринишга тиришарди.

— Ҳаммаларинг қулоқ солинглар. Қайсарлик сизларга фойда бермайди. Ақлсизлик қилманглар, бўлмаса биттанинг ўрнига ўнтани қурбон берасизлар...

Лекин бирор киши қимир этмади. Ҳеч ким Мансур томонига қарамади...

Яна минутлар секин-секин ўта бошлади. Деҳқонлар устига оғир юк ағдарилгандай эди, бу кулфат ҳосилсизлик, азоб-уқубат ва қийинчилик йиллари, оч ўлим оталарни, оналарни, бола-чақаларни олиб кетган йиллардаги кулфатлардан ҳам ваҳималироқ эди... Деҳқонлар пинакларини бузмай турардилар, фақат вақти-вақти билан оғирликларини дам-бу оёқларига, дам у оёқларига солардилар... Мана, офицер бир чолнинг рўпарасига келиб, сўради:

— Айтинг-чи, қайсарлик қилишга сизларнинг қандай ҳақларинг бор, ахир?

Чол ҳассасининг учи билан ерни тимискилаб, кейин таажжубланган ҳолда, совуққина:

— Ажабо... Сенинг қанақа ҳақинг бор?.. — деди.

Бу қатъий жавсб офицернинг ғазабини қўзғатди. У жаҳл билан чолга ташланди уни итариб юборди ва, янада жаҳли чиқиб, қаҳр-ғазаби ошиб, чолга бир мушт туширди. Чол буларнинг ҳаммасига ғинг демай чидади, ўзининг кумушдек соқолидан оқиб тушган қонни артди, кейин офицернинг юзига қараб худди ўқ узгандай, тупурди ва ўз қисматини кутиб, гурур билан бошини балаанд кўтариб турди.

Лекин ҳаммани таажжубга солиб, офицер бу ҳақоратни жимгина қабул қилди. Бу ўз қурбонини пистирмадан пойлаб турган ваҳший ҳайвоннинг мулойимлиги эди; бу буғунинг ўйнашини диққат билан кузатиб турган ва ўз мақсадини истаган вақтида амалга оширишига ишонган кучли ҳайвоннинг устунлиги эди. Офицер юзидаги туприкни рўмолчаси билан артди, кейин жимжит бўлиб қолган деҳқонлар тўдасига юзини ўгириб, диққат билан уларнинг юзига тикила бошлади. Кўзи Авадга тушгандан кейин, тўхтади ва юзи жиламайишга монанд буришди. Офицер маккоруна илтифот билан йигитчага мурожаат қилди:

— Берироқ кел, ўғлим...

Бу шунчалик кутилмаган даражада бўлдики, Авад аввало турган жойида қотиб қолди, кейин унга тикилган назарнинг сгирлиги остида, итоаткорона олдинга чиқди. Ҳамқишлоқлари гўё уни тешиб ўтгудек қараш билан унга тикилдилар. Офицер:

— Айт, йигитча, ахир сен буларнинг ичида энг ақлигисан-ку, ростини айт... Бу итларнинг қайси бири... Мансур?.. — деди.

Аваднинг назарида ер худди сиҳрли шамол тегирмонидай, айланиб кетди. Унинг хаёлида юзлаб манзаралар бир-бирига аралашиб кетди. Бир зум ичида бутун атроф даҳшатга айланди. Авадга, гўё Ватфа унга нафрат билан қараб тургандек, ойиси даҳшат билан бақираётгандек, отаси ўз укали¹ ни ерга ташлаётгандек туюлди. Офицер аса гапида давом этди:

— Қани, айт. Қўрқма.

Лекин Авад бирор нарса дейишга улгуролгани ҳам йўқ эдики, офицер ҳамма имкониятларни ишга солиб бўлган одам оҳанги билан қўшиб қўйди:

¹ Укал — бош кийимининг бир қисми, салла — куфияга боғлаб қўйиладиган йўғон ип. Укал қасос олиш учун қасамёд қилганида узиб ташланади. (Таржимон изоҳи.)

— Яхши. Сен озодсан, йигитча, бу сенинг вазифангга кирмайди. Биз кетамиз, сен бўлса агарда қўлингдан келса, ўз дардинга ўзинг даво топ, — офицернинг сўзларидан истеҳзо оҳанги эшитилди. У шу сўзларни айтиб, худди бирор буйруқ беришга тайёрлангандай, солдатларга юзини ўгирди.

Оломон орасида бесаранжомлик пайдо бўлди.

Абу Авад дамани чиқармасдан, уят ва шармандаликдан ер ёрилса ерга киргудек эди. У ўглининг лабига худди уни еб юборадигудек тикилди. Наҳотки, бу бола — унинг ўғли, унинг жигар пораси, унинг қони бўлса?

Машаққатли жимлик узоқ давом этмади. Уни Авад бузди. Унинг товуши, Мансурни кўрсатган вақтида озгина қалтиради:

— Мана у, жансб.

Оломон даҳшатли «оҳ» тортди. Хотин-халаж ҳўнграб юборди, болалар оналарига янада қаттиқроқ ёпишдилар. Авадни ўраб олган жонли ҳалқа, ўлимга маҳкум қилинган кишининг бўйнида тортилаётган сиртмоқдай тобора торайди. Лекин солдатлар ўзларининг пакана офицерларининг буйруғи билан, одамларни милтиқ қўндоғи билан уриб четлатишга шошилдилар. Кейин иккита солдат Мансурга ташланди, уни боғланган кишилар тўдасидан ажратиб олдилар ва майдон ўртасига олиб чиқдилар. Жимжитлик ҳукм сурган шу дамда офицер пистолетини олиб, Мансурнинг қоқ калласидан отиб ташлади...

Уша кеча Авад уйда ётмади. У қора кийган нафрат билан тўлиб тошган, қайғидан эзилган қишлоқдан яширинча чиқиб кетди...

...Тонг отгач ҳамма Абу Авадни кўрди. У ғамгин, икки букилган ҳолда ўз даласи томон кетарди, бошига алқадамия укалсиз қуфия) боғланганди. Буни кишилар одатда қасос олиш учун қасамёд қилган вақтида ўраб оладилар ва қасамни бажо келтирмагунча уни бошдан ечмайдилар...

Йиллар ўтди Абу Аваднинг оғзидан биронта ҳам сўз чиқмади. Кўча-кўйларда у худди шарпадек юрар эди, қишлоқ аҳолиси ундан, у бўлса қишлоқ аҳолисидан ўзини четга оларди. Кун бўйи далада ишлаб, кечалари ўз уйда яширинишга интиларди.

Бир-бирига ўхшаш, узоқ кунлар мана шундай ўтди. Дарҳақиқат, кишининг бошига тушадиган энг оғир мусибат — бегоналашиб кетишдир... Абу Аваддан, ҳатто у билан қорли тоғларда ва дараларда қўлда қурол олиб бир-

га душманга қарши курашган эски дўстлари ҳам юз ўғирдилар. Баъзида Абу Авад уларнинг рўпарасидан чиқиб қолганда, улар тескари қарар, баъзилари Абу Аваднинг жиғига тегиш учун унга кўрсатиб туриб ерга тупириб ўтардилар... Абу Авадга бўлган нафрат авж олар, тўлқинланарди. Кимдир биров унинг даласидаги бир неча дарахтни кесиб кетибди, яна бири етиштирган ҳосилига ўт қўйиб юбормоқчи бўлибди. Лекин Абу Авад бу аламларга чидам билан бардош берарди. У бирор марта ҳам товушини чиқармади, бирор марта бирор кишига арз қилмади, ҳеч қачон маъмурларга мурожаат этмади. Қишлоқ аҳолиснинг ҳистуйғуларини яхши тушунганлиги учун у индамасди, улар қаҳр-ғазаб ва нафрат билан ундан юзларини ўгирганларида ҳақиқат улар томонида эканлигига қаттиқ ишонарди. У бундан ҳам кўпроқ қаҳр-ғазабга лойиқ эканлигини биларди. Қани энди, бирорта раҳмдил киши уни отиб ташлаб, жабр-кулфат ва шармандаликдан қутқазса! Отиб ўлдириб нима бўпти! Агарда уни тирикликгича ўтга ташлаб куйдирсалар ҳам жазонинг ҳаққонийлигига шубҳа қилмасди...

Баъзида у Ватфа билан учрашиб қоларди. Ватфанинг юзи қора мотам шарфи орасидан янада гўзалроқ кўринарди. Абу Авад, худди ундан ҳеч бўлмаса бирор сўз эшитиш ниятида бўлгандек бир зумга тўхтарди... Лекин ҳар сафар Ватфа қаҳр-ғазаб ва нафрат излари бўлмаган ўзининг тошдек юзини ундан ўгирар, чунки унинг алами нафрат ва қаҳр-ғазабдан кучлироқ эди...

Абу Авад унга жиққа ёш тўлган кўзлари билан қарар, юраги уятдан ва азоб-уқубатдан эзилиб кетарди. Баъзан у қишлоқни ташлаб кетишни ҳам хаёл қиларди... Лекин у жонажон қишлоғини ҳаддан ортиқ севарди. Бу ернинг ҳар бир бурчаги унинг қувноқ болалигидан, осойишта ўтган ёшлигидан дарак беради; Абу Авад бу ерда яшади, қариди, бу қарилик фақат хотиралар билангина озиқланарди. Бунинг устига бир парча ерини, унинг пешона тери тўкилмаган биронта тупроғи қолмаган қадрдон бир парча ерини ташлаб кетишга журъат қилолмас эди.

Вақт ўтарди. Йиллар орқада қоларди. Ҳаяжонлар билан тўлган ҳаёт кишиларнинг хотирасидан ўша кунлардаги фожиали воқиялар қолдирган чуқур изларни йўқота борарди. У кунларни айрим кишиларгина эслаб эди, улар орасида Абу Авад ҳам бор. Ҳеч нимага қарамасдан, худди бу воқиялар кечагина ўтгандек, у илгаригидек ўзини одамлар-

дан бегона тутар, ҳеч кимга қўшилмас эди. Унинг чеҳрасида бирор марта ҳам табассум кўринмас, у ҳеч кимникига бормас, ҳеч ким билан гаплашмас, жума кунлари ҳам, бошқа ҳайит кунларида ҳам янги либосда кўринмас эди. Абу Аваднинг бошида ҳамма вақт унинг аламига оғир мардлик тўсини берувчи ал-қадамия бор эди.

Абу Аваднинг сабот ва матонати, вазилиги — ўғлининг хоинлиги туфайли унинг бошига тушган иснодни юшиб юборди ва у шу фожиадан кейин гуноҳсиз ва софлигича қолди.

Абу Авад билан яна — аввал бошда қариндош-уруғлари, кейин ўртоқлари ва ниҳоят ҳамма ҳамқишлоқлари саломлаша бошладилар. Кўп ўтмай, унга ойдин кечалари деҳқонлар қудуқ атрофида тўпланадиган қишлоқ майдонидан энг яхши жойни берадиган бўлдилар. Ҳатто бирор ҳикоячи ўтган воқияларни эслаб ҳикоя қилаётган вақтда, агарда ўтирганлар орасида Абу Авадга кўзи тушиб қолгундай бўлса, дарров гапини ўнглаб, ҳикоясини тўхтатарди. Бу меҳр-шафқат, бу очиқ-ойдин ҳамдардликлар уни қанчалик азоб-уқубатларга солар эди. Баъзи вақтлар, у ер ёрилиб уни ютиб юборишини истар эди! Лекин, шунга қарамасдан, дард аста-секин занфлашиб борарди...

Кунлардан бир куни, тўққиз йил ғойиб бўлиб кетгандан сўнг, Аваднинг эшикни тақиллатиб келиши кимнинг хаёлига келибди. У келди-ю, ўтмиш яна бошқатдан бошланди.

Чаккасида пайдо бўлган баъзи оқ сочларни ҳисобга олмаса, Авад гўё ўзгармагандай эди.

Ўғлини кўриб, Абу Авад ўзини йўқотиб қўйди. У ўзини тутишга ва паришон хаёлларни тартибга солишга уринди. Умм Авад ҳам жойида қотиб қолди. Уччовларнинг ҳам юраклари тез-тез урарди. Уларни зиддиятларга тўлган туйғулар ўраб олди. Бир дақиқада ота ва ўғил бир-бирларининг кўксига ташланишга тайёр эдилар. Лекин... бу хоҳиш тезда йўқолди. Ўтмиш уларнинг орасида баланд девордек қўд кўтарди...

Абу Авад жим қолди. Кейин унинг орқасидан эшик бекилди. Умм Авад уят ва қўрқинчдан кучлироқ бўлган муҳаббат туфайли ўғлига ташланди. Уни саволларга қўмиб ташлади ва тезда кўп йиллар мобайнида унинг учун қоронғу бўлган бутун воқиялардан хабардор бўлди. Ўғлининг оч-яланғоч қолганини, осмонни кўрпа қилиб, қуруқ ерда ётганларини, кўп йиллик оғир, қолдан тойдирадиган меҳнат

қилганидан кейин эса бир оз маблағ тўплаб Байрутда кичкинагина кўк сабзавот ва мевалар сотадиган баққолчилик дўкони очишга муваффақ бўлганлигини билди.

Аваднинг қайтиб келганлик овозаси тездан бутун қишлоққа тарқалди. Яна аччиқ эсдаликлар, яна нафрат уйғонди. Тагин, тўққиз йил илгари бўлганидек, Абу Аваднинг уйи иблис бошпанасидек бўлиб қолди. Яқиндан ўтиб бораётган ҳар бир киши унинг томонига тош отар ва тупириб ўтарди.

Умм Авад эри ва ўғлини кишилар нафрат ва маломат остига кўмиб ташлаган бу жойлардан узоқроқда бўлишни, қишлоқни ташлаб, Байрутга кўчиб кетишни умид қилар, икковларини бунга кўндиришга уришар эди... Мана шу кун эрталаб Умм Авад унинг кўнглида жо бўлиб қолган умид билан уйқидан уйғонди. Ўз хонасидан чиқиб ўғли билан учрашган Абу Авадни кўрганда бу умид янада мустаҳкамланди.

Аввал бошда Умм Авад чол билан йигит ўртасида оқибати фақат олога аён бўлган бир тўқнашиш рўй беришипи ҳаяжон билан кутди, лекин бироздан сўнг эркин нафас олди — эркаклар ер тўғрисида, уни қандай ишлаш ҳақида одатда умумий мақсадлари бир бўлган кишилар гапирадиган нарсалар ҳақида суҳбатлашар эдилар.

Мана шунинг учун ҳам, бу кунни байрам қилгудек эди. Қачонлардир, ўтган кунларда шундай таомни пишираётганида, эркакларнинг қозон теварагида: «Агарда қоринда бахтсизлик бўлса, уни фақат ширинликлар даволай олади...», деб ашула айтиб турганлари эсига тушиб кулгиси қистади. Лекин бу хурсандлик узоққа бормади.

Умм Авад ҳовлига чиқиши билан уни қўрқинч босди. Унинг хаёлидаги умиднинг шу ачинарли қолдиқлари ҳам йўқолди. Аста-секин, салмоқли, майда қадамлар билан ҳовлидан ўтаётган Абу Авадни кўргандагина, у тинчланди. Умм Авад яна ошхонага қайтди ва кўнглига шубҳа солган қабиҳ иблисни қарғади.

Эри кириб келганда, кўзини ерга тикишга улгургани ҳам йўқ эдики, яна уни шубҳалар ўраб олди: Абу Аваднинг юзи янада ғамгин эди, қадди одатдагидан ҳам кўпроқ эгилганди. «Авад қаердайкин?»,—деб ўйлади она. Умм Авад ўзига шу саволни бериб улгургани ҳам йўқ эдики, нимадир унинг томоғига тикилди ва ўткир тирноқлари билан кўксига санчилди. Қандай воқиа рўй берганига тушуниб етмасдан, бўғиқ товуш билан қаттиқ бақирган

қолда эрининг хонасига югуриб кирди. Эрининг кўп йиллар ечилмаган кийим-бошларининг боғичлари ҳар томонга сочилиб ётгани уни ҳайратда қолдирди. Хона холи эди. У югуриб кўчага чиқди.

Абу Авад ҳассасига қаттиқ таяниб ва уни тошлар устида дўқиллатиб, аста-секин қишлоқ майдони томон борарди. Ҳали у майдонга яқинлашишга улгургани йўқ эдики, ҳамма эркакларнинг кўзлар иунга тиклиди. Уларнинг қарашлари худди ништардай санчилган, унинг аъзойи-баданини шафқатсиз тешиб ўтгандай эди. Одамлар унинг янги қизил ботиқкасига, жуда ҳам бошлаб тикилган мовут шимларига, заррин жияклар билан тикилган кенг энглик калта камзулига, ипак попукли, юқоридан укал билан, қора, чиройли соққачалар билан маҳкамланган куфиясига таажжуб билан қарардилар.

У ўтирганлар орасидан жой олгандан кейин, баъзилар майдонни ташлаб кетишга шошилдилар, кўплар қизиққанларидан тўхтаб қолдилар.

Бир чол бошини кўтариб, истеҳзо билан сўради:

— Ким?.. Бу ким?..

Эркаклардан бири пўнғилаб, деди:

— Ҳм, ҳм... Роса ўзига оро берипти-я!

Чол таажжубланган бўлиб кўриниб, давом этди:

— Ким?.. Абу Авад?!

— Худди ўзлари, гўё никоҳ кечасидаги куёвдай.

Абу Авад бир оғиз ҳам жавоб бермади. У тамакисини олди-да, худди бу гапларнинг улга алоқаси йўқдай, шошилмай тамаки ўрашга тутинди.

Шу пайт майдонга ўн ёшлик бола югуриб келиб бирдан бақирди:

— Тезроқ бу ёққа келинлар! Йўл ёқасида Авадни ўлдириб кетиптилар.

Ўтирганлар орасида бўғиқ ҳайқириқлар кўтарилди.

Ҳамманинг кўзи ҳаяжон ва аҳтирсем билан Абу Авадга, унинг ялтироқ соққачалар ўрнатилган қора укалига тиклиди...

У бўлса, на кулфат ва на шодлик билдирувчи, тошдек ҳаракатсиз чеҳрасини бузмай, чаққон бармоқлари билан ишдамай тамаки ўрашни давом эттирарди...

ДИЛОВАР

*

ИСЕН ФАРЗАНДИ

(Чақалоқнинг туғилиши)

Бўрон уч кун гувуллади. Охири у босилди. Қор тинди. Карвоннинг йўлдан адашувига сал қолди. Шимолдан турган шамол булутни жанубга ҳайдаб юборди. Шамолнинг ўткир нафаси кишиларнинг юзини куйдирар эди. Ғарбда булут қирғоқларини тўқ қизилга бўяб, ботаётган қуёшнинг арғувон нурлари кўриша бошлади. Гўёки, осмонга каттакон қон томчиси тушгану, тоғнинг чўққисига тегиб, унинг сатҳи бўйлаб оқиб борарди.

Аста-секин қоронғу ҳам туша бошлади. Жанг тўхтади. Отряднинг пойлоқчилари билан душманнинг олдинги қисмлари ўртасида аҳён-аҳёнда бўлиб турган якка-ярим отиш-малар мудҳиш сукунатни бузиб турарди.

Карвон водийга кўнди. Одамлар чодир тикишга шошилиб ён-веридаги ўрмондан кесиб келтирилган қозиқларни ерга қоқа бошладилар.

Отряднинг бир қисми озгина бўлса ҳам озиқ-овқат топиш мақсадида яқинроқда кўриниб турган тепаликка жўнадилар. Қўшни қабиланинг хотинлари одатда карвон ўтадиган йўлга нон қўйиб кетар эдилар.

Эркаклар турли томонга тарқалишди: баъзилари хотин ва болаларининг олдига келдилар, бошқалари тарвақайлаб кетган дарахт ёнида тўп-тўп бўлиб, чақмоқ тошдан учқун чиқаришиб, ё чекишар, ёки кундалик бериладиган нонларини туз ва бостик¹ билан ейишар эди.

Тун киргач, болалар ҳам оналарининг тиззаларида ухлаб қолдилар, жангчиларни ҳорғинлик енгди, улар ҳукм-

¹ Бостик — курдларнинг узум шарбатн билан ундан пиширилган ширинликларн.

рон уйқу олдида сўзсиз таслим бўлдилар. Бирови милтиқни бошига қўйиб ухлади, бошқалари эса дарахтга суянганча уйқуга кетди.

Сийрик булут билан қопланган осмонда юлдузлар чарақлайди. Водий мудҳиш сукунатга чўкди, гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда узоқ-узоқ чакалакзорлардан бўрининг увиллаши, ёки патрулларнинг сёқ товуши эшитилиб турар эди.

— Командир чодирда жимлик ҳукм сурмоқда.

Жангда кўп одам ҳалок бўлди. Уқ-дори ва озиқ-овқат тасм бўлай деб қолган эди. Ҳалокат яқинлашаётгандай, чор атрофни шафқатсиз куйдириб кул қилаётган душмангина эмас, балки оёқ қўйиши биланоқ нураб кетувчи қорли тср ҳам, совуқ ҳам, мудҳиш сукунат ҳам отрядга қарши чиқаётгандай туюлар эди.

Ярим кечага борганда лагерда бир дам ғалати ҳаракат бошланди. Уйқудан уйғонган аскарлар хотинларининг тарадудга тушиб қолганидан командирнинг хотини туғаётганини билдилар. Бу хабар лагерь бўйлаб тарқалиши биланоқ, барча аёлларни нотинчлик ва хавотир босди. Улар тиришқоқлик билан ўз болаларини тебрата бошладилар. Аскарлар, улкан дарахт яқинига тўпланиб, тамаки чекардилар.

Бу дарахтнинг ҳамма томонга осилиб турган новдалари ажойиб айвонча ҳосил қилган эди. Шоҳларни маталар билан бсглаб, дарахт ёнида чайла ясадилар. Чайладан бир кампир чиқди-да қоровулдан ўт ёқишни илтимос қилди.

Бироқ, ёқилғини қаердан олиш мумкин? Теварак-атрофда ҳатто қуруқ чўп ҳам йўқ. Ерни қор босган. Нам, танасидан сув чиқиб турган шоҳлар ёнмас эди.

Милтиқ қўндоқларини синдириб, ўт ёқишдан ўзга чора йўқ эди.

Қояга уриб синдирилган ўн бешта милтиқ қўндоқларидан ёқилган гулхан атрофида, қор билан қопланган ердаги юнг шолча устида аёл тўлғоқ азобини тортмоқда эди. Инграш овози пасайди, тун уни водийнинг энг ичкарисига олиб кетди. Қовсқлари солиқ аскарларнинг юзида ташвиш сезиларди.

Ўтган икки соат абадийликдай туюлди. Аланга тиллари ловуллаб, қоп-қоронғу ўрмон ичига аллақачон ташлаб кетилган қадимий ибодатхонанинг колонналарига ўхшаб турган дарахт таналарини яллиғлантирар эди.

Одамлар гоҳ қаттиқ шовқин солар, гоҳ шивирлашар эди. Шамол аланга тилини у томондан бу томонга тебратар

экан, кишиларнинг кўланкаси ажойиб ва гаройиб шаклларда кўринар эди.

Буларнинг ҳаммаси гўё сеҳрланган дарахтзорда бўлаётгандай. Ут деярлик ўчган вақтда, қорга тўшалган шолча устида «инга-инга» деб, янги гўдак дунёга келди. Боланинг биринчи — «инга»сига севинчли овозлар жавоб берди. «Ўғил!».

Тонг отарда карвон йўлга тушди. Айланиб водийга чиқиш учун давонга кўтарилди.


Мен туғилган чақалсққа қандай исм қўйганликларини билмайман, лекин қаттиқ ишонаманки бу исён ўғли, чунки у исён ўтида туғилди ва оталари бошлаган ишини давом эттиради.






ИРОҚ







АҲМАД АССАИД

БАДДАЙ АЛ ФАИЗ

Май ойининг ўнинчи куни эди... Фрот дарёси жўш урар унинг сувлари қирғоқ дамбаларини ювиб кеткундай эди. Зи ал-Кафал ва Куфа ўртасида яшовчи турли қабилаларнинг ташвишга тушган деҳқонлари, Фрот қирғоғидаги бошқа районларнинг деҳқонларидай, кеча ва кундуз дамбалар ёнида қоровуллик қилардилар. Кишилар, бир ой олдин аҳамиятсиздай кўриниб, ҳозирда эса босиб келаётган хавфдан чўчиб қолгандилар.

Бахтсизларга руҳ бериб, уларга жуда зарур бўлган қандайдир бир куч бахш этгандай нам шамол эсарди.

Оғир меҳнатдан ҳориган деҳқонлар, зўрға оёқда турган ҳолда, табиий офатга қарши сабот-матонат билан курашардилар. Улар ўз тирикчиликларининг бирдан-бир манбаи бўлган экинзорлар ва чорвани хавфдан қутқарар эдилар.

Чириган қамиш, бўйра ва пальма баргларида қурилган деҳқон кулбалари яқинидаги далада ва дарё бўйларида кўзни қувонтириб пишаётган сариг буғдой бошоқламоқда, ўрим-йиғим вақти яқинлашмоқда эди.

Тонг отди. Кишилар яна дамбаларни мустаҳкамлашга киришдилар. Улар худди чумолилардек бутун қирғоқ бўй-

Ал бир патриб. Буи жайларга кум, шех-шабба, қамеш, шарафтар, тираф-оар арбагги ва белиқа иргазар олиб келиб у ошқарани мушадрилар эдилар.

Цишенилар ва ўз бошлиқлари тилибидан шафқатсиз равишда қандаф вастирилати бу кишилар дам олмасдан қолдирилар. Цишанда улар бироз дам олишга муяссар булмашар.

Турдашига, Проқда ҳар доим бўлиб турадигандек, об-ҳашо жиддий ўларди. Бўрон кўтарилди, қуёш бекилди, даре тўқашланди. Суи босини хавфи кучайди.

Дарёнинг чан қирғоғида тошқин хавфи ўнг қирғоққа қараганда анчагина кучлироқ эди, чунки бу ерда аҳоли оз, қирғоқ паст, дамбалар бса ёмонроқ қурилган.

Иккала қирғоқда ҳам уйлари, ерлари, бўлган қабила бошлиқлари дамбаларни сақлаб қолишдан деҳқонларга қараганда кўпроқ машраатдор эдилар. Улар меҳнат қилаётганлар орасида гоҳ жадаллаб, гоҳ далда бериб, гоҳ орқадан қолганларни таёқ ва қамчилар билан калтаклаб юрардилар...

Ўнг қирғоққа бир назар ташлайлик. Кеч кирди.

Қабила бошлиқларидан бирининг олдида, қаддини мағрур кўтарган, кўчманчи арабларга хос ўз иззат-хурматини билган, баланд бўйли қорачадан келган бақувват Баддай Ал-Файз исмли йигитча турарди. У ўз тенгдошларидан, ҳар доим белида кумуш нақшли ханжар тақиб юриши билан ажралиб турарди. Бошлиқ худди бошқаларни урганидай, йигитни ҳам урди. Бошлиқ уни ишда сусткашлик қилгани учунми ёки шундай, бесабаб урдими, лекин Баддай бунга чидамади. У ишини ташлаб бўйсунмаган ҳолда, исён-корона жойида тўхтаб қолди.

Бошлиқ бу қутилмаган ҳолдан денг қотиб қолди. У йигитга таажжуб ва ғазаб билан қараб, ундан кўз узолмас эди. Унинг мағрурлигидан ва кибр сақлаб туришидан ҳайратда қолган, буни қулнинг енгилтаклиги ва такаббурлиги деб билган бошлиқ, Баддайнинг ўз кумуш нақшли ханжарини оғир иш вақтида ҳам ташламаганлиги, унинг бўйсунмаслиги ғазаблантирарли даражада эканлиги, бошқалар таҳқирланиб жим турганда, унинг қаршилиқ қилишга ҳақи йўқлиги тўғрисида ўйларди.

Бошлиқ уни иккинчи марта урмоқчи эди, лекин ўзини тўхтатиб, уни тўғридан-тўғри ҳақорат қилди, бу эса бадавий араб қабилаларида таёқ билан ургандан ҳам ёмонроқ ва таҳқирлироқ ҳисобланади.

— Улганинг яхши, номард! — деди у. — Шу кумуш нақшли ханжарим бор деб, ҳаддингдан ошяпсанми? Хўш, сен нима мақсадда ҳар доим бу ханжар билан дўлана шохига илиб қўйган милтигингни тақиб юрасан? Аканг Аббосни Жассам ўлдирган куни бу қуролинг қасрда эди? Нима учун сен унинг қасосини олмадинг, разил номард?!

Бошлиқ «Жассам» номини алоҳида таъкидлаш оҳанги билан, «с»ни кучайтириб ва «а»ни чўзиб айтди ва шу билан бирга, ўз таёғи билан маънодор қилиб дарёнинг нариги қирғоғини кўрсатди. Кейин у заҳарханда қилди ва йиғитнинг ўларча ҳақоратланганлигига тўла ишонган ҳолда жўнади.

Руҳан ғоят даҳшатли ҳаяжонга ва ғазабга тўлган Баддай, қадр-қийматда, гурурда ва ўзини ҳимоя қилишда ўзидан паст ҳисобланган, деҳқонлар олдида бошлиқнинг шу сўзларини то охиригача эшитди. Аламидан лабини тишлади, кейин эса юракни тилка-пора қиладиган товуш билан бақирди:

— Йўқол кўзимдан! Мен акамнинг ўлими учун ҳам қасос оламан, ўзимдаги доғни ҳам юваман!

Ҳаёт унинг учун азоб-уқубатдангина иборат бўлиб қолди. Шармандаликдан кўра, ўлим яхшироқ! У ишни ҳам йиғиштириб қўйди. Унинг учун экин-тикин ҳам, бошқа бутун нарсалар ҳам мутлақо аҳамиятсиз бўлиб қолди.

Яқинда қўшни қабилали Жассам эски қарз устида бўлган жанжалда унинг акаси Аббосни ўлдирган ва шу вақтгача хунини тўламаганди.¹

Баддайннинг бошига тушган шармандаликка чидаш оғир эди, у қасос олиш ҳуқуқидан кечмади. Лекин у бутун Фрот бўйи қабилаларининг бошига тушган фалокат — суп тошқини тугагунча сабр қилишга қарор қилди ва ўз душманининг бошига қора кун тушганда, уни тинч қўйиш керак деб билди. Лекин энди, унинг қасос олмаганлиги учун таъна қилиб, одамлар олдида шарманда қилганларидан кейин, у қасос олмасдан туролмас эди.

Бир лаҳзада ҳаёлидан ана шундай фикрлар ўтди. Иш вақтида чангга кўмилган чопонини қоқиб, милтигини олди ва орқасига қарамасдан узоқлашди. Тез орада у тунги зулмат ичида ғойиб бўлди.

¹ Араб қабилаларида қатл эвазига ҳақ талаб қилинади, акс ҳолда ўлдирилган кишининг қариндошлари қотилдан ва бутун ушнинг авлодидан қасос оладилар.

Энди чап қирғоққа бир назар ташлайлик.

Кеч кирди. Деҳқонлар босиб келаётган хавфни сезиб, агарда сув жиндак камаймаса, бир неча соатдан кейин ҳамма ёқни сув босиб кетишини тушуниб, уйларига қайтдилар.

Шамол тинмай шиддат билан эсар тўлқинлар дамбаларни ювиб кетмоқда эди. Аммо ҳорғинлик ўз билганини қилди, кишилар оллога така қилиб, хатардан дарак беришга тайёр қоровуларни дамбаларда қолдириб ухлаб қолдилар. Юзини чанг бекитган ойнинг хира нурида қоровулар, худди арвоҳ сингари у ёқдан-бу ёққа юриб турар эдилар. Қоровуларнинг бири Жассам эди.

Ўз одамлари орасида бўлгани учун у ҳеч нарсадан хавфсирамас эди... Шу кечаси Баддай ўз шарафини қайтариш учун ундан қасос олишга қасамёд қилганини ҳам билмасди. Баддай кичкина балиқчилар қайиғида зўр қийинчиликлар билан Фротдан сузиб ўтиб, унинг қабиласининг қароргоҳига ўтиб олганини ҳам билмасди. Ўз душманини ўлдиришга қаттиқ бел боғлаган Баддай, юзини рўмол билан яшириб, қора чопонига ўраниб, қишлоқ чеккасига ва қоровулар чодирига туташган боғнинг бурчагида пальма дарахтининг орқасига бекиниб тунги қоронғуликда уни пойлаб ётганини ҳам Жассам билмас эди.

Жассамнинг пости боғ билан ёнма-ён эди, лекин Баддай душманини зўрға топиб олди. Йигит боғ девори ёнида, жаҳли қўзғаган ёввойи чўчқа овчига қараб тургандай Жассамга тикиларди. Бўғиқ товуш билан:

— Ажалнинг яқинлашди, итвачча... — деб қўйди.

Баддай, милтиғини ўқлади. Юраги тез-тез ура бошлади, юзида эса ваҳший табассум пайдо бўлди. У чўкка тушиб, душманини пухта мўлжалга олди, лекин шу чоқда Жассам ёнига бошқа қоровул келиб тўхтади. Энди Баддай биттасини отаман деб, иккинчисини ўлдириб қўйиши мумкин эди, бундай бўлишини эса у истамасди, чунки ўлдирилганларнинг қариндошлари ва ҳамқабилалари уни Жассамдан қасос олгани учун кечирсалар-да, лекин иккинчи кишининг ўлими учун кечиринмас ва албатта қасос олар эдилар.

Аввало у ўзини йўқотиб қўйди, сўнг, бироз сабр қилиш керак, Жассамнинг олдига келган киши қайтиб кетади, мен ўз қурбоним билан яккама-якка қоламан деган фикрга келди.

У ўйлаб турганда, узоқдан қоровулнинг ёрдам сўраб бақирган товуши эшитилди. Сув қўшни дамбада ҳосил бўлган тешикдан отилиб чиқмоқда эди. Жассам бошлиқ

ҳамма қоровуллар бир-бирларини орқада қолдириб ўша тсмонга отилдилар ва тешикни тўсиш учун беҳуда уриндилар, чунки тоғ сели каби тўлқин билан ҳамма ёқни босиб кетаётган тошқинни тўхтатиш мумкин эмас эди.

Ўз уйларида ухлаб ётган кишилар уйқиларидан уйғониб кетдилар ва тошқинни кўриб даҳшатга тушдилар. Қўрқинчдан уларнинг эс-ҳушлари оғди, экинзорларга ва дамбалар қуришга сарфлаган меҳнатларининг самаралари хароб бўлмоқда эди. Улар қудратли тўлқинга қарши фойдасиз курашмоқда эдилар, лекин уларнинг ҳамма ҳаракатлари беҳуда кетмоқда эди.

Улар фақат қочиш билан хавфдан қутилишлари мумкин эди. Хотинлар йиғлар, болалар қўрққанидан дод солар эдилар. Жассамнинг хотини уч боласи, кекса онаси ва синглиси бор эди. У ўз оиласини фалокатдан қутқариш учун ҳаммадан кейин чопиб кетди.

Шу вақтда шамол тўхтади, чанглар босилди ва ерда ҳукм сураётган ҳалокатни бепарво кузатиб турган ёруғ ой кўринди.

Дамбадаги тешик тобора кенгайборди ва тез орада беҳад-беҳисоб сув уйларни ва далаларни бостириб, водийга шовуллаб оқа бошлади.

Баддай раҳми келиб, ҳалокатга учраган қабилани кузатиб турарди.

Ўз қурбони кўзидан ғойиб бўлгандан кейин, унинг юрагидаги ҳаяжон босилди ва унда қандайдир бир ғалати сезги уйғонди. Бу — на шафқатсизлик ва на қасос иштиёқи эди. Баддай нима мақсадда бу ерга келганини ҳам унутиб қўйди.

У аста-секин одамларга яқинлашди, унинг кўзи даставвал Жассамнинг дод-фарёд қилаётган ва қўрқинчдан қалтираётган уч боласига тушди. У кичкина, озғин ва касаллик ҳамда очликдан нимжонланган иккита боласани бошлаб кетаётган отани, қандайдир майда-чуйдаларни кўтариб сигирини етаклаб бораётган унинг хотинини, кекса онасини кўтариб олишга уринаётган синглисини, ва ерда ўтириб олиб опасининг этагига тирмашаётган учинчи боласини кўрди. Ўзини йўқотиб қўйган она қўлидаги буюмлар устига уни ҳам ердан кўтариб олиш учун эгилган эди, лекин шу пайтда унинг қўлидан сигирнинг аргамчиси чиқиб кетди. Кейин иккита боласи қўлида эсини йўқотган ота, бирданига қўйларни хотирлаб, уларни ҳам олдига солиб ҳайдаб кетиш ниятида молхона томон югуриб кетди...

Ҳар ким ўз қайғуси билан овора эди, ҳамма нарса остин-устин бўлиб кетди, қиёмаг-койин бўлгандай туюларди. Хавфни сезган итларнинг вовуллашлари одамларнинг бақир-риқ товушлари билан қўшилиб кетди.

Баддай ўйлаб турмади. У қийиқчасини маҳкам боғлаб олиб, милтиғини елкасига осди ва ўз душманининг оиласига қўмаклашиш учун шошилди. У эсини йўқотган онанинг қаршисига келиб, оғир юкини енгиллатиб, қўлидан боласини олди. Жассамнинг кўзи беҳосдан унга тушиб, уни ўзининг қариндешларидан бири деб ўйлади ва далда берган ҳолда, бақирди:

— Дамбага югур!

Дарё соҳили бўйлаб чўзилган дамба қишлоқ аҳолиси тошқиндан қутулиб кетиши учун бирдан-бир йўл эди, чунки сув остида қолаётган паст яланглик устида ана шу кўтарилиб турар эди.

Баддай Жассамнинг хотинининг қўлидан болани олган вақтида хотин боладан хотиржам бўлди ва энди сигирни эргаштириб олиб кетиши ҳамда елкасага ортиб олган нарсаларни сақлаб қолиши мумкин эди. Жассамнинг синглиси кекса онасини етаклаб борарди. Иккита болани кўтариб, олиб, қўйларни ҳайдаб кетаётган Жассам билан бирликда, улар сув оқимининг саёз еридан кечиб ўта бошладилар ва оғир мусибатга йўлиққан ҳамда қадрдон ер-жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлган қабила қарвсини орқасидан кетишга тайёрландилар. Уларнинг кетидан юзини рўмол билан бекитиб Жассамнинг кенжа боласини кўтариб олган киши келар эди.

Дамбага яқинлашгандан кейин, Баддай болани ерга қўйди, сўнг Жассамга яқинлашди, юзини очди ва ой шуъласида унга тикилиб қараб туриб гўё: «Наҳотки сен мени, яъни Аббоснинг қасосини олиш учун келган, ўз душманингни танимаётган бўлсанг?» — дегандай бўлди.

Улар бир дақиқа бир-бирларига қимирламай қараб турдилар, уларнинг иккисиде ҳам душманни ўлдириш; биринчисиде ўзини ҳимоя қилиш, иккинчисиде — қасос олиш хоҳиши алангаланишга тайёр эди. Кейин Жассам чап қўли билан секин ва оҳиста болаларини ўзидан четга итариб қўйди, ўнг қўлини эса ханжарга чўзди. Аммо Баддай қуролига қўл чўзмади. У йўқ дегандай бешини қимирлатди ва хириллаб:

— Энди... тинчгина жўна... Лекин ёдингдан чиқарма, вақтин-соатинг яна келади,— деди.

У тесқари қаради ва Жассамни, унинг олдида ким турганини энди фаҳмлаган унинг хотинини ташлаб, қайиғи тэмси йўл олди.

Баддай ал-Файз ўз қабиласига хотиржам, ўз қилмишидан мағрур бўлган ҳолда қайтди, у ўз душманининг оиласини қутқарган эди ва бу оила туфайли, маълум вақтгача бўлса ҳам ўлиши лозим бўлган кишини тирик қолдирган эди.

Бу воқиялардан сўнг бир йил ўтди. Жассам қабиласи, тошқин пасайгандан кейин ўз ерларига қайтиб келди, дарё қирғоғига эса янги дамба қурилди.

Мана шундан кейин бу қабиладан Баддай қабиласига, душманлар ўртасида сулҳ ўрнатиш учун элчилар келди! Улдирилган учун хун тариқасида — пул ва қиз-қотилнинг синглиси берилди. Баддай унга уйланди ва шундай қилиб, қабилалар одати ва расм-русми бўйича, сулҳ тикланган эди.

Шундан кейин ҳеч ким йигитга, у ожиз номард, қассадан бош тортди, деб айтишга ботина олмас эди.

ЗУННУН АЙОБ

*

ХРОНИК КАСАЛЛИК

Тўшонтчадан отилган ўқ овозига ўхшаш товуш эшитилди, нимадир шитирлади. Машина озгина тебраниб қўйди, андак ёнбошига қийшайди ва шўхоят тўхтаб қолди. Шофер бизга хўмрайган, қорайган юзини ўгирди.

— Табриклаймаң,— деди у.

Машинадан чиқатуриб, шсфер эшикча олдида тўхтади ва баланд овоз билан сўкинди, кейин худди бир уятли иш қилаётгандек, бошини қуйи солди ва ёлвориш оҳанги билан гудурлади:

— Жансблар... машинадан тушиб туришингизга тўғри келади. Шикастни тузатиш керак.

Доктор шофер тушунмайдиган сурия шевасида сўкиниб, безсвталанди. Хўкумат амалдори докторга кўмаклашиб, шофернинг уруғ-аймоғини ҳам кўшиб сўкди. Шофер буларнинг ҳаммасини итоаткорона эшитди ва кечирим сўрагандай бўлиб:

— Мен нима қила оламан? Тақдир-да,— деди.

Мен машинадан тушдим, кетимдан амалдорлар ва бизнинг ўртғамизда зўрға сиғиб ўтирган иккита бадавий ҳам чиқди. Уқувчи бизнинг таксида кетаётганимизни, унда қандайдир бир муъжиза билан орқадаги ўтирадиган жойида беш киши ўрнашиб олганимизни пайқаган бўлса керак. Шофернинг ёнида иккита хотин ўтирганди, кузовнинг орқасига эса «қуён» тирмашиб олган. Маълумки, бундай «қуён»нинг бўлиши турган гаң. Бундайлар биз билан бирга кетаётган амалдорга ўхшаган бирон расмий шахс машинада бўлса, қонуний асосда кетаверади, деса бўлади. Бундай қолда машинада ўрни бўлмаса ҳам пассажир шофер учун керак, чунки у «қуён» ҳуқуқида келаётган бўлса ҳам, би-

лет сотиб олади, яъни расмий «қуёи»га йўл кира тўлайди. Одатда бадавийлар ва фаллоҳлар мана шу тариқа сафар қиладилар. Улар йўл киранинг ҳаммасини тўлаб, машинанинг томида кетишга ҳам рози бўладилар, чунки машина, ашак бир ой юрадиган масофани бир неча соат ичида босиб ўтиши мумкин,— бошқасининг уларга аҳамияти йўқ.

Шофер машина олдида турган бадавийларни кўриб, улардан бирига бақирди:

— Кел буёққа, тезроқ! Итвачча, кел менга қўмаклаш!

У юрагини бўшатиш ва амалдордан эшитган ҳақоратлар алаmidан чиқиш учун бадавийларга ҳақорат сўзларини ёғдирди.

Қуёш тикка келган, атрофда жазирама иссиқдан бекиниб бўладиган бир парча ҳам соя жой йўқ эди. Қуёшнинг қуйдурувчи нурларига чидаёлмаган доктор саросимага тушиб, шоферга бақирди:

— Машинани тузатиш учун сенга қанча вақт керак бўлади? Жазирамада биз қанча қаққайиб турамиз?

Шофер қовоғини солиб жавоб берди:

— Ярим соатча. Баллонни алмаштириш керак.

Амалдор ва доктор бирдан лаънатлар ўқиб кетдилар, бу лаънатларнинг кўпчилигини шофер шу замонийёқ учта деҳқонга оширар эди.

Сўкишлар бўлиб турган вақтда, мен атроф манзараларни томоша қилдим. Назаримда, биз дум-думалоқ шаклдаги оролчада тургандай эдик. Унинг ўртасида, биздан юз қадамча нарида, унча катта бўлмаган шийпон бор эди. Мен ҳамроҳларимга ўгирилиб:

— Бу сарой бизни жазирамадан сақлайди. Юринглар ўша ёққа,— дедим.

Докторнинг қорни тебраниб кетди, у тер босган юзини артиб, деди:

— Олижаноб фикр! Юринглар.

Шийпонга бир неча ўн қадам қолганда, бизга тўсатдан бир улкан ит ташланди, унинг жуни ер рангида бўлгани учун, биз уни илгари сезмаган эканмиз. Кейин кулбадан баланд бўйли чол чиқди. Унинг юзи ва усти-бошлари итнинг жуни сингари, ер рангининг худди ўзи эди. Афтидан у аввало итни тўхтатмоқчи эмас эди, лекин кейин бир зумда ўзгарди, юзидаги ажинлар ёзилди: жилмайди ва итни тинчитишга шошилди. Мен унга қараб бу ўзгаришнинг сабабини тушундим.

Биз тор сўқмоқ йўлдан олдинма-кетин келар эдик. Чол амалдорни олдин кўрмаганди. Амалдор итнинг безовта бўлиб воуллашини эшитиб орқага чекингандан сўнг, чол уни кўргач, муъжиза содир бўлди. Биз шийпонга, ёки тўғрироғи уч томони девор билан ўралган ва томи тахта ҳамда лой билан ёпилган айвонга кирдик. Бу кулба бошдан-оёқ лойдан ишланган эди.

Бу ерга жазирамадан паноҳ истаб келганлар фақат бизгина эмас эканмиз. Кулбада чолнинг хотини ва бир эшак бор эди. Бир гала пашшалар ахлатлар атрофида айланар ва ерда ётган қандайдир бир нопок нарсага ёпишиб олганди. Агарда чолнинг хотини қимирламаганда, эгари бўлмаганда эшакни ердан ажратиб бўлмаганидай, уни ҳам кулба еридан ажратиш мумкин эмас эди.

Кулбага кирган замонимиз, мен ёш боланинг йиғлаган товушини эшитдим, лекин бу товуш қаердан чиқаётганини тушунолмадим. Тўсатдан пашшалар галаси ҳавога кўтарилиди ва ноҳосдан, қўлида тупроқ рангидаги бир ўрам увада кўтариб турган бадавий жувонга кўзим тушди. Бу увада онаси эмизиб турган чақалоқ бўлиб чиқди.

Чол меҳмондўстлик юзасидан бизни бир парча кийгизга ўтиришга таклиф қилди. Бу кийгизнинг ранги ҳам, бу кулбадаги бошқа нарсалар ҳам тупроқ рангида эди. Мен тупроқ қандай қилиб бу ердаги ҳамма нарсани ўз рангига бўяб юборганлигини тушунолмадим, у бу уйда ҳамма нарса устидан ҳукмронлик ҳуқуқини такидлаётгандек эди. Ҳамма нарса бу ерда унинг ажралмас қисмидай туюларди.

Амалдор ҳеч нарсага эътибор бермасдан ерга ўтирди, пашша галаларини кўрган доктор эса кулбадан қочиб чиқиб кетди. Мен, ерга ўтиргим келмай, бу кулбадаги бошқа ҳамма нарсадан тозароқ кўринган эшакнинг эгарига ўтирдим. Эшак бошини ўгириб, ўзининг катта кўзлари билан менга қараб қўйди, бўйинини чўзди ва бошини тиззамга ишқалади. Менга у жилмаяётгандай туюлди.

Чол бизнинг жирканганлигимизни сезиб кечирим сўрай бошлади:

— Биз ифлос яшаймиз, жаноблар. Бизни авф этинглар. Агарда уйимизда ҳамма нарса мўл-кўл бўлган кунларда келганларингизда, сизларга тоза кўрпачалар солиб, оёғингиз остига иккита қўйни сўйиб юборган бўлар эдик.

Мен бу одамнинг бир вақтлар фаровон кунларни ҳам кўрганига таажжубланиб, ундан сўрадим:

— Бу қачон бўлган эди?

У калласини бир неча марта қимирлатиб, чуқур нафас олиб, деди:

— Э, жаноб! Мана бу, одамнинг кўзи илғамайдиган кенг далага бир қара. Бу ер менинг отамга ва бувамга қарар эди. Бу дала бизга мўл ҳосил ва катта даромад келтирарди. Йўловчиларни азиз меҳмонлардай кутиб оладиган уй-жойларимиз ҳам бор эди. Улар бу ерда очиқ чеҳра билан кутиб оленардилар ва кета туриб оллога шукур қилиб, бизга ҳам раҳматлар айтиб кетардилар. Менинг ёшим шу вақтда ўн бешда эди, хотиним эса ҳали келинчак, ўн иккига ҳам кирмаганди. Баҳор кунларидан бирида бир неча полиция билан бизга солиқ йиғувчи келди. Чодирларимизга семай туриб, улар қўй-молларни ҳайдаб кетаётган менинг қайлигимни учратганлар. Улардан бири отидан ирғиб тушиб, уни тутиб олиб ўпа бошлаган. Кўзимга қон қуюлди. Ханжаримни суғириб олиб, полициячига томон отилдим, бир дақиқадан кейин у қонга беланган ҳолда, оёқларим остига йиқилди. Солиқ йиғувчи ва полициячилар қочиб кетдилар ва ўша вақтда бу ерларнинг губернатори бўлган Козимпошога ҳамма гапни етказганлар. У бу ерга солдатлар отрядини юборди, биз қуруқ саҳрога қочишга ва у ерда, то охиригича куч-қувватимиз тугагунча яширинишга мажбур бўлдик. Солдатлар жонимиз ва милтиқларимиздан бошқа ҳамма нарсамизни тортиб олдилар. Қашшоқлик бизни саёҳатчиларнинг йўлини тўсишга ва улардан тирикчилигимизга ярайдиган қандай нарсаси бўлмасин тортиб олишга мажбур қилди. Бунинг бадалига уларни чўлда дайдиб юрган ҳақиқий қароқчилардан мудофаа қилар эдик. Лекин маъмурлар таъқиб қилишларини тўхтатмадилар. Отам ва акам уларнинг қўлига тушди ва ҳар иккови осиб ўлдирилди. Фақат кекса онам, хотиним ва иккита укам тирик қолдик. Тирикчилик қилиш учун маблағимиз йўқ эди, жуда ожиз бўлиб қолганимиздан Сурия чўлига кўчиб кетдик. Биз у ерда то мен туя подалари хўжайинига ёлланишга муваффақ бўлгунимча хайр-эҳсон йиғиб беш йил яшадик. Мен оқшомдан саҳаргача ишлардим ва бунинг учун оиламизга зўрға етадиган озгина хурмо ҳамда бошқа озиқ-овқат олардим.

Ниҳоят, мен турк давлати қулаганлиги, инглизлар мамлакатни ишғол қилгани ва араб ҳукумати тузилганлигини эшитдим. Мен хурсанд бўлдим, ҳуқуқларимни қайтаришди, деб ўйладим. Аммо, қадрдон жойларимизга қайтатуриб, ўз еримизга келдим ва еримизни Козимпошонинг хизматкорларидан бири эгаллаб олганини кўрдим. Менинг еримни

унинг номига рўйхат қилиб беришганлари ва бу янги хўжайин бутун ҳокимият эгаларининг содиқ дўсти ва итоаткор қули эканлигини кўрдим. У, маъмурлардан ёрдам олиш учун ўз даромадининг ва ҳосилининг бир қисмини уларга бериб турар экан. Шундай қилиб, мен болалик даврим ўтган ерда қолишлик учун ўз озодлигим ва кўнглимдаги ҳамма орзу умидларни қурбон қилдим. Мен унга хизматкор бўлиб кирдим ва оллоҳ бизга марҳамат қилди: мана шу кулбани қуриб элдик ва кўп йиллик қувғиндан сўнг ўз маконимизга эга бўлдик.

Чол гапидан тўхтади, мен унинг юзида мусибат аломатларини кўрмадим. Аксинча, унинг юзи шодликни ифодаларди: биз унинг ўтмиши билан қизиққанлигимиз учун у ўзини бахтли ҳисоблар эди.

Ҳамроҳларимдан бири сўради:

— Қолган оила аъзоларинг қаерда?

Чол бепарво жавоб берди:

— Ака-укаларим ўтган йил ўлди. Бир ой илгари катта ўғлим ўлди, кеча эса қизим ўлди.

Доктор ҳам гапга аралашишга қарор қилиб, сўради.

— Қизинг қандай касалликдан ўлди?

Чол жавоб берди:

— Билмайман. Ўлимига қадар бир ой мобайнида қорним оғрийди, деб нолиб юрди. Мана бу кичкинанинг ҳам қорни оғрийди.

Доктор яқинроқ келиб, боланинг у ёқ-бу ёғини кўриб деди:

— У хроник дизентерия билан касалланган ва бу оиланинг ҳамма аъзолари трахема касаллигига мубтало кўринади. Уларнинг кўзига бир қаранглар.

— «Хроник» деганингиз нимаси? — деб сўради амалдор.

Доктор жавоб берди:

— Баъзи бир касалликлар кишига доимо азоб беради, бемор бу касалликка кўникиб, ўз дардидан нолимай қолади. Бундай ҳолда касалликни давслаш жудаям қийин.

Мен қўшимча қилдим:

— Доктор, сиз кўрдингизки, чол ўз бсшига тушган барча кулфатларни ҳикся қилди. Зорланмади ҳам, нолимади ҳам. Демак, кўнглининг алами ва юрагининг азоблари ҳам хроник бўлиб қолган.

Шу вақтда ҳамроҳларимиздан бири бўлган бадавий ёнимизга келиб, машина тузатилганлигидан хабар берди. Шсфердан селдай тер оқар, юзи лой ва қора мойга белан-

ган, авзоъийи жудаям бузук эди. У бадавийларни роса сўқди.

Уқувчи, мен бу бахтсизларни ҳимоя қилишга мойил эканлигимни пайқаган бўлсанг керак.

— Ҳой дўстим, сал мулойимроқ бўл,— дедим мен.— Сенинг ишинга улар ёрдамлашишди, кира ҳақини бўлса, бизга ўхшаб батамом тўлаганлар. Уларга миннатдорчилик билдиришни истамасанг, ҳеч бўлмаса, тилингни тий.

Амалдор эътироз билдирди:

— Бунақа эшакларга ён босишдан нима фойда? Қаранг, ҳақорат эшитсалар-да, ишшайиб турибдилар.

Доктор ҳазиллашиб деди:

— Балки, улар шундай хроник ҳақоратларга кўникиб қолишгандир.

Мен алам билан жавоб бердим:

— Шубҳасиз, сиз ҳақлисиз. Ахир, буларга ўхшаганлар Ироқ аҳолисининг кўпчилигини ташкил қилади-ку.

ПОДШОҲ АЪЗАМ ВА ФАҚИР ШОИР УРТАСИДАГИ МУНОЗАРА

Подшоҳи аъзам кичкина тахт устида ўтирарди. Уни кибру ҳаво чулғаб олган. Улуғлик унинг вужудига сингиб кетган. Лекин бу ҳиссиётлар унга осмондан тушган эмас, балки уч-тўрт дирҳам¹ сарф қилиб сотиб олиннадиган тахт деб аталувчи ёғоч курсидан, пастдан кўтарилганди.

Лекин бу подшоҳи аъзам ва унинг яқинлари тасдиқлашларича, бу курсида битмас-туганмас руҳий куч бор. Ҳақиқатан ҳам, бундай одамларнинг қиймати курси билан аниқланади.

У олим эмас эди, лекин олим бўлиб олди, у шоир эмас эди, лекин шоир бўлиб олди, у файласуф эмас эди, лекин файласуф бўлиб олди,— буларнинг ҳаммаси у тахтга ўтиргандан сўнг рўй берди. У ҳеч нарсага арзимайдиган бир одам эди, лекин тахтга ўтирганлиги туфайли улуғ одам бўлиб олди ва ҳокимиятни ҳам қўлга киритди. У буйруқ бериши ва уни ман қилиши, кишини бирор ишга тайинлаши ёки олиб ташлаши, бадавлат қилиши ёки қашшоқ қилиши мумкин. Демак, шундай экан, кишилар менинг олдимда кўрқиб ва қалтираб туришлари учун, мен даҳшатли киши бўлишим керак, деган қарорга келди.

¹ Дирҳам — ўрта аср араб кумуш тангаси. (Тарж.).

Ўз тахтида ўтириб, ўзини олижаноб кишиларга, ўлмас кишиларга барабар қилишни хоҳлади. У ўз исмини матбуотда кўкларга кўтаришлари, унинг турмушини китобларда мадҳ қилишлари ҳақида буйруқ берди. Шунингдек, қўл остидаги кишиларга ўз ҳузурида қай даражада фармонбардор ва муте эканликларини кўрсатувчи комедияни ўйнашларини буюрди, баъзилар унинг қаҳр-ғазабидан қўрқиб, бошқалар эса бирор мукофот олиш ниятида унга қулоқ солардилар. Хизматкорлар ёлғиз ўзлари қолган вақтларида, подшоҳи аъзам туфайли бошларига тушган ҳамма таҳқирлар учун ўз ўзларини койир эдилар. Ҳарна қилиб бўлсада, ундан қасос олишни ўйлардилар. Улар подшоҳнинг бемаънилигидан кулар, унинг ноҳўя қилиқлари тўғрисида ҳар хил латифалар айтар ва унинг аҳмоқона хатти-ҳаракатлари тўғрисида мақоллар тўқир эдилар.

Кунлардан бир кун хизматкорлардан бири подшоҳи аъзамни мушкул аҳволга тушириш мақсадида бундай деди:

— Сенинг мамлакатингда отоқли шоир яшайди. Унинг шон-шухратини карвонлар юртдан-юртга ёйиб юрадилар. Шу давргача улуғ шоирлар орасида одат бўлиб қолганидек, у ҳам сенинг номингни ажойиб шеърлар билан таъриф-тавсиф қилсин.

Шундан сўнг, подшоҳ аъзамнинг пешонасидаги ажинларни ёзилиб, сўзловчидан сўради:

— Сен гапирётган шоирнинг нечта саройи бор?

У жавоб берди:

— У ўлиб қолса, гўр кавлаб кўмиш учун бир қарич ери ҳам йўқ.

— Подшоҳи аъзам сўради:

— Унинг қанча олтини бор?

Сарой ходими жавоб берди:

— Агарда унга кундалик овқати учун сарф қиладиган маблағдан кўпроқ берилса, барибир ошиқчасини одамларга бўлиб беради.

Подшоҳ яна сўради:

— Унинг шеърлар тўплами қанча турәди?

— У ўз шеърларини олтинга сотмайди, уларни баъзиларга ҳадя қилади, баъзи бировларга эса ҳечам бермайди.

Подшоҳ сўради:

— Унга одам юбор, кўрамиз, у бизни мақташ учун нималар дея оларкин.

Подшоҳнинг олдига, тайин қилинган муддатда, кўримсиз либосда, юзлари доғ-дуғли ажинларга тўлган, лабларида табассум порлаган фақир шоир келди. Унинг кўзларидан пур ёғарди.

Подшоҳи аъзам савол берди:

— Шон-шуҳратини карвонлар юртдан-юртга ёйиб юрган, халқ орасида санъати тўғрисида дув-дув гап тарқаган буюк шоир сенмисан?

Шоир юмшоқ ва ёқимли товуш билан жавоб берди:

— Шундоқ, жаноб, мен — шоирман, лекин менда манманлик йўқ, халқ менинг тўғримда гапирар экан, бу унинг иши.

Подшоҳ сўради:

— Менинг номимни шеър билан абадийлаштириш қўлингдан келадими?

Шоир жавоб берди:

— Қўлимдан келади, аммо мен ҳақимни олдиндан олишни истардим.

Жаноб бундай деди:

— Сенга энг башанг либослар кийдиришлари, сени энг лаззатли овқатлар билан тўйдиришлари ҳақида буйруқ бераман, киссаларингни олтин билан тўлдираман, қўлингга шундай куч-қувват бераманки, одамлар сендан ҳайиқадиган бўладилар...

Шоир жавоб берди:

— Жансбингиз гўдаклар гапини гапиряпсиз. Менинча, устимдаги либосим ажойиб — енгилгина ва менинг камчиликларимни ҳам, афзалликларимни ҳам бекитмайди. Хўш, нима учун мен ўзимнинг афзалликларим ва камчиликларимни яширишим керак? Ҳамма одамлар уларни кўра берсин. Энди овқатга келсак, овқатим етарли. Мен ёғлик овқатдан бўкиб юрадиган одамлардан эмасман. Олтинлар-чи? Менинг бу сғир маъданни ўз киссамга солиб юришимдан нима фойда чиқади? Агарда мен киссамни оғирлаштиришни истаганимда, уни тошлар билан тўлдирад эдим: ахир, олтин билан тошлар ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ-ку, улар киссада турган вақтларида бир хил оғирликка эгадирлар. Менга куч-қувватнинг ҳам кераги йўқ. Куч-қувватим етарли, лекин бу, жанобингиз ўйлаган куч-қувватдан эмас. Менинг куч-қувватимга одамлар ишонадилар ва ундан ҳайиқмайдилар... Менга тўламоқчи бўлган ҳақнинг ҳаммаси шуми?

Ҳузурда ҳамма тиз чўкадиган подшоҳи аъзам бу гаплардан ҳайратда қолиб:

— Бўлмаса, сен нимани истайсан? — деди.

Шоир жавоб берди:

— Мен сенинг таклиф қилган нарсаларингдан бирортасини ҳам истамайман. Қани айт-чи, сен мазлумлардан нечтасини ҳимоя қилдинг, қанча ҳақиқатни рўёбга чиқардинг, қанча сохта ишларни фош қилдинг, қанча пасткаш одамларни уялтирдинг, қанча бемаъниликларга хотима бердинг? Қани, хизматларингни менга санаб кўрсат-чи. Сени мадҳ этувчи олижаноб дoston учун сен тўлайдиган ҳақ мана шу бўлади.

Подшо бундай деди:

— Улуғворлик ва ҳокимият ҳассаси менинг қўлимда, менинг ҳукмронлигим кишиларни даҳшатга солади, улар менинг қудратим ва кучим олдида қалтирайдилар. Мен бир қалам тортиш билан уларни ҳокимиятдан маҳрум қиламан, бир имо билан уларни жардан тортиб оламан. Улар мен хоҳлаган вақтимда овқат ейдилар, ичадилар ва кийинадилар. Улар менинг хоҳишимга мувофиқ ҳаракат қиладилар, ишлайдилар, фикр қиладилар. Мен уларни истаган кишимни урадиган тошга ёки таёққа айлантиришим мумкин, мен бу таёқларни керагича тўплашим ва уларни ўз қудрат ҳашаматим олдида синдириб юборишим мумкин. Мана шунда менинг теварагимда ғалаба ва шон-шуҳрат мадҳи янграйди.

Шоир истеҳзо билан кулумсираб, афсус оҳангида деди:

— Эй сен, жонли ҳайкал, эй сен, ақли тошдек қотган, эй сен темир қалб, сен тошдан ҳам ожизсан, ажабо, сен модир устанинг бир парча мрамарни ва ёғочни то тахтга айлантирмагунича қанчалик ишлашини ва пардозлашини кўрмаганмисан? Инсон қўли билан яратилган мана шу тахт бутунлай сенинг вужудингни, юрагингни, ақлингни эгаллаб олибди. Сенда одамгарчиликдан ҳеч қандай асар қолмабди. Ақлли одамлар сендан куляптилар, донолар ақлингни йўқотганлигинг учун афсус қиляптилар, шоирлар сендан нафратланаётирлар. Сенга лойиқ қасида мана шу. Бу қасидага сендан бошқа муносиброқ одамни билмайман. Бу қасидани эрталаб ҳам, кечқурун ҳам ўқи, зора у сени ўз тахтингдан мерос бўлиб қолган ёмон хислатларингни тузатса...

Бу гаплар подшоҳи аъзамнинг ғазабини қўзғатди. У ҳайқирди, бақирди, шовқин-сурон кўтарди. У ўз маслаҳатчисини чақириб, шоирга қарши айбнома тўқишни, кейин уни қамаб қўйишни буюрди. Шоир қаҳ-қаҳ уриб, бундай деди:

— Мен — мавжудотнинг бир заррасиман, менга ҳар қандай жой ҳам маъқул туша беради. Менинг суҳбатдошла-

рим ҳар турли одамлар бўлиши мумкин, қамоқхона эса, менимча, ўйнаб-кулиш учун энг қулай жой. У ажойиб мейморлик қасри, у ерда мен ўзимга дўстлар ҳам, биродарлар ҳам топа оламан. Сен-чи, э курсининг қули, ўзингдан бошқа ҳеч ким йўқ, жудаям кичкина, жудаям тор қамоқхонани танлаб олгансан, қайғу-ҳасратларингни баён қилай десанг ҳеч киминг йўқ...

Шундай қилиб, шоир девон бошлигининг ҳамроҳлигида подшоҳи аъзамнинг чиқарган ҳукмини масхара қилган ҳолда, ўз суҳбатдошига энг нозик киноялар ҳадя қилиб, чекинди. Девон бошлигининг кўнгли ҳам доно шоирга нисбатан миннатдорчилик туйғулари билан тўлди. Ажралиш вақти келганда, девон бошлиғи шоирга ачиниб, аҳмоқ подшоҳни лъънатлади ва уни ер ютсин деб қарғади.

Шундай қилиб, девон бошлиғи шоирнинг дўсти бўлиб қолди.

Соқчи шоирни қамоққа олиб кетди. Шоир ҳеч нарсадан шикоят қилмай, худди байрамга кетаётган кишидай, соқчининг ёнида хотиржам, хуш мусмалалик билан, қувона-қувона борар эди, соқчи бунга ҳайрон бўлиб, кўп нарсани биладиган ва кўп қийинчиликларга бардош берган шоирга нисбатан ўзида мойиллик сезди. Шундай қилиб, соқчи ҳам шоирнинг дўсти бўлиб қолди.

Шоирнинг талантини қадрлаб юрган қамоқхона бошлиғи уни қабул қилиб олди. У ҳамма вақт шоир ҳақида ҳикоялар эшитишни яхши кўрарди. У шоирни бағрига босиб деди:

— Э, дўстим, сенинг қўшиқларинг билан кўнглимни ҳурсанд қилиш ва шеъринг дурдоналари билан ўз ақлимни ёритиш учун, сен билан эртадан кечгача бирга бўламан. Сен мен учун буюк бахт-саодатсан. Э дўстим, сенинг қамоқхонада бўлишинг, менинг ҳам бу ерга келишимга сабаб бўлармикан, деб қўрқаман: ахир, мен сен турган жойни ташлаб кета оламанми?

Шоир уни қучоқлаб, деди:

— Мен ўз биродорларим билан шу қамоқхонада яшайман, сен ҳам, дўстим биз билан бирга бўл. Модомики менинг ҳаётим шу ерда ўтар экан, сен, аввало, мени қамоқхонадаги ўртоқларим билан таништир...

Шоирнинг олдига биринчи маҳбусни олиб келдилар, шоир ундан нима гуноҳ қилганлигини сўради. Маҳбус унга жавоб берди:

— Менинг синглим фоҳишалик қилиб қўйди, қабила-миэнинг урф-одатига мувофиқ, мен уни ўлдирдим. Агарда

мен шундай қилмасам, оиламиз аъзолари ўртасида ва қабили-
миз одамлари орасида бошимни кўтариб юролмас эдим ва
кейинчалик авлодларимиз ҳам юва олмайдиган шарманда-
лик боиси бўлиб қолар эдим.

Шоир унга жавоб берди:

— Сен — бахтсиз қурбонсан. Адолат юзасидан қаби-
лангнинг ҳаммасини зиндонга солиб, сени озодликка чиқа-
риш керак.

Шоирнинг олдига иккинчи маҳбусни олиб келдилар, шо-
ир ундан гуноҳи нима эканлигини сўради. Маҳбус жавоб
берди:

— Мен замон тақозаси билан инқирозга учраган оилада
туғилдим. Менинг оилам қон тўкиш, одам ўлдириш, қароқ-
чилик билан фахрланар эди. Қариндош-уруғларимнинг хан-
жарлари қонга беланган эди. Мен енгил табиатли ва мағрур
бўлиб ўсдим, фақат бир нарса ҳақида: ўртоқларим ва рақиб-
ларим олдида ўзимни қандай қилиб улуғлашни ўйлар эдим.
Шундай қилиб, одам ўлдирдим, бир кишини ўз ғурурлигим-
нинг қурбони қилдим.

Шоир хахолаб кулиб, бундай деди:

— Агар сени, мени қамоққа юборган жанобнинг ўр-
нига ўтқазиб қўйганларида адолатли иш бўларди, чунки у
ҳам қон тўкишга орзуманда. У — ит, қўрқоқ, у кўп вақт
қўрқитади-ю, лекин айтган нарсасининг уддасидан чиқмай-
ди сен бўлса, айтганингдан кўпрогини қилар экансан. Сен
эзи тўкувчиларнинг хўжайини, уларнинг улуғ доҳисан.

Шоирнинг олдига учинчи маҳбус келди, шоир ундан
ҳам нима гуноҳ қилганини сўради. Маҳбус очликдан
ўлай-ўлай деб қолиб, нон ўғирлаганини, ўғирлик қилиш-
дан илгари иш қидириб ҳеч қаердан иш тополмаганини
айтди...

Шоир унга ҳамдардлик билдириб, деди:

— Эй, бечора дўстим. Ахир, сен менинг тўғримда ҳеч
нарсаси эшитмаганмисан? Агарда менинг олдимга келганинг-
да, қўлимда бор нарсани сен билан баҳам кўрар эдим.

Маҳбус хахолаб кулиб деди:

— Ахир, сен мени умрбод боқа олмайсан-ку, қамоқхо-
нда эса менга ҳар куни овқат беришади. Ҳозир мен сенинг
меҳмонинг бўлишим ўрнига, сен менинг меҳмоним бўлиб
қолдинг.

Шоирнинг олдига яна бир маҳбус келди ва шоир ундан
ҳам нима гуноҳ қилганлигини сўради. У нотик вазиятида
туриб, деди:

— Мен, оллоҳ нонни кишиларнинг қилиб турган ишипи ва уларнинг инсоният учун нечоғлик фойда келтиришини ҳисобга олмасдан тақсимлагани тўғрисида гапиргандим. У озчиликка олтин ва кумуш ёмби берган, миллионларни эса нон-насибадан маҳрум қилган; у қўрқоқ ва сотқинларга қаҳрамонлик ва ғолиблик унвони бериб, уларга марҳамат кўрсатди, жанг майдонларида қурбон бўлганларга эса, жипоятчи ва хоин тамғасини босди.

Шоир унга шундай деди:

— Сен оллоҳни ранжитяпсан. Бунинг ҳаммаси шайтоннинг иши. Сен ҳозирда кишилар оллоҳга эмас, балки шайтонга сиғинаётганларини билмасанг керак, шу билан бирга улар ўз гўшларини ўзлари еб, ўз-ўзларидан қассс оляптилар.

Шоир суриштиришларини тугатганидан кейин, жуда яхши ўртоқлар ва ҳақиқий дўстлар орасида, ажойиб жойда эканлигини тушунди. Сўнг қамоқхонада туриб ажойиб турмуш ҳақида, сарсон бўлиб юрган вақтида топа олмаган турмуш ҳақида хаёл қила бошлади.

Шундан кейин, шоирдан нима айб билан қамалганини сўрашди. Шоир бундай деди:

— Эҳтимол, мени сизларга қараганда анча ҳаққонийроқ айблагандирлар. Мени бутларни бузиш ниятида бўлганим учун айбладилар, мана шу бутлар мени умрбод қамоққа ҳукм қилди. Эҳтимол, бу нарса — уларнинг шу вақтгача қилган бирдан-бир дурустроқ ишидир. Оллоҳга қасамёд қиламан!



ОХИРГИ СУЗ

Совет китобхонларига классик араб поэзияси ва прозасининг баъзи бир намуналари маълум, лекин китобхонлар араб мамлакатлари халқларининг ҳаёти, арабларнинг ўз оёзодлиги ва мустақиллиги учун кураши, Миср, Сурия, Ливан ва Ироқнинг оддий кишиларининг тинчлик тарафдорлари ҳаракатида актив қатнашувини кўрсатувчи ҳозирги замон араб адабиёти билан етарлик даражада таниш эмаслар. Кейинги вақтларда сиёсий тақдири ҳар хил шакланган Араб Шарқи мамлакатлари умумий адабий тилга — бадий адабиёт тилига, театр, кино, газета, журналлар ва радио тилига эгадирлар.

Араб мамлакатлари социал-иқтисодий ҳаётининг умумий хусусиятлари, ягона адабий тил ва араб маданияти традициялари ҳозирги замон араб адабиётининг яратилиши ва ривожланишининг ягона процессига олиб келди. Ушбу мақоланинг мақсади — китобхонларни араб мамлакатларида ҳозирги замон адабиётининг ташкил топиши билан таништириш ва «Араб ёзувчилари ҳикоялари» тўпламига киритилган асарларнинг авторлари ҳақида қисқача маълумот беришдир.

* * *

«Араб адабиёти» номи остида Миср, Ливан, Сурия, Ироқ ва Яқин Шарқдаги бошқа араб мамлакатларининг адабиёти кўзда тутилади. Ҳозирги замон араб адабиётининг яратилиши XIX асрнинг охирига тўғри келади. Шу даврда ярим колониал ҳолатда бўлган араб мамлакатларининг прогрессив жамоат арбоблари ажнабий зулмга, биринчи навбатда Ливан ва Суриядаги турклар жабр-зул-

мига қарши қаратилган актив сиёсий ҳаракатни бошлайдилар. Миллий-озодлик ҳаракати араб мамлакатлари адабиётининг ривожланишида ҳам жиддий ўзгаришларга олиб келди. Халқ оmmasига таянишга мажбур бўлган буржуа-демократик ёзувчилари классик поэзия ва прозанинг таутарақли тилини бир мунча даражагача оддий кишиларнинг жонли сўзлашув тилига яқинлаштириб соддалаштирадилар. Жиддий ўзгаришлар адабий асарнинг формасидагина эмас, балки мазмунида ҳам рўй беради.

XIX асрнинг охирларида кўпгина сиёсий ва адабиёт арбоблари Сурия ва Ливандан чет мамлакатларга кўчиб кетадилар. Улар Мисрда, Францияда ва Америкада жойлашиб оладилар. АҚШда кейинчалик араб адабиётида «Суро-америка» мактабини ташкил қилган «Ар-Рабитат ал-Қаламийат» адабий жамияти ташкил қилинади. Бу эски адабиётнинг мустақкам қоидаларини рад қилган ва очерк ҳамда прозаик шеърларнинг юксак формаларига аниқ иштиёқ кўрсатган биринчи адабий оқимдир.

«Суро-америка» мактабининг бошида Амин ар-Райхони (1879—1940 йиллар) ва Жаброн Жаброн (1883—1931 йиллар) турди. Уларга Рус — паластин жамияти мактабларининг ўқувчилари Михаил Нуайме (1889 йилда туғилган) ва Абдул Масиҳ Ҳаддод (1900—1946 йиллар) ёндошдилар. Михаил Нуайме 1911 йилгача Полтавада яшади ва таълим олди, у ҳозирги замон араб адабиётидаги биринчи танқидчилардан эди. Абдул Масиҳ Ҳаддод атрофига «Ар — Рабитат ал-Қаламийат» жамиятининг ёзувчилари тўпланган «Ас-Сайх» журналининг редактори бўлди. Абдул Масиҳ Ҳаддод ўзининг асарларида янги ижтимоий муносабатларнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган эскириб қолган маъносиз традиция ва одатларнинг душмани бўлиб чиқди. У жонли ва ўткир тил билан кишилар ҳаётининг энг оғир дақиқаларида ҳам қутула олмайдиган бидъатлар ва маросимларни масхара қилади («Марҳумнинг уйида» ҳикояси).

«Суро-америка» мактаби бутун араб мамлакатларидаги адабиётнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Лекин биринчи жаҳон урушидан кейин у ўзининг ҳукмрон мавқини йўқотади. Унинг ар-Райхони ва Нуайме каби, баъзи бир намоёндалари Сурия ва Ливаннинг сиёсий ҳаётидаги урушдан олдинги йилларда содир бўлган силжишларга тўғри баҳо бериб ватанларига қайтдилар ва шу ерда ўз адабий фаолиятларини давом эттирдилар. Урушдан кейин адабий ҳаётнинг маркази Мисрга кўчди.

Мисрда Улуғ Октябрь революциясининг таъсири остида 1919 йилда империализмга қарши қаратилган катта қўзғолон бўлиб ўтди. Бу қўзғолон реалистик адабиётнинг ривожланишига кучли таъсир кўрсатди, натижада Миср араб мамлакатларининг адабий ривожланишининг маркази бўлиб қолди. Мамлакатнинг миллий озодлиги ва миллий маданиятни қайтадан тиклаш учун курашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган реалист-ёзувчилар «Модернистлар мактаби»ни ташкил қилдилар. Бу мактаб адабиётдаги романтизмга қарши чиқиб, асосий диққатни оддий одамларнинг ҳуқуқсизлигига, капиталистик жамиятнинг зулми ва адолатсизликларини фош қилишга қаратилган «Миср новелласи» — кичик ҳикоя жанрини яратади ва тараққий қилдиради. Лекин бу мактаб мавжуд ҳолатдан қутулиш йўлини топа олмай реформизм ва миллатчилик йўлига оғиб кетади. Шубҳасиз, унинг француз модернизми билан ҳеч қандай ўхшашлиги йўқ эди.

1919 йилдан то 1930 йилгача бўлган даврни Мисрда «миллий уйғониш даври» деб атайдилар. Адабиётда фаллоҳлар ва майда амалдорлар ҳаётини ҳаққоний тасвирловчи асарлар пайдо бўлади. Баъзи бир ёзувчилар ўзларининг бутун адабий фаолиятларини хотин-қизлар масаласига бағишладилар. Прогрессив ёзувчилар реализмни асарнинг юқори бадий формаси билан боғлай олдилар. Адабиётда новеллалар билан бир қаторда повесть ва роман жанри ҳам мустаҳкам ўрин олади. Реализмнинг ривожланишида миср новелласини яратишда талантли ёзувчи — Маҳмуд Темур (1894 йилда туғилган) муҳим роль ўйнайди. Зўр, адабий истеъдодга эга бўлган Маҳмуд Темур социал ҳаётнинг ёрқин лавҳаларини яратди. Унинг «Бўронларда азобланган Селва» романи жамиятнинг олий табақаларидаги фахш ва тубанлашишларни, кибор ёшларнинг маъносиз турмушини ғазаб билан фош қилади. Лекин Маҳмуд Темур ҳамма вақт ҳам реалистик позицияда туролмади. 1929 йилдан кейин Мисрни қамраб олган реакция йилларида у руҳий тушқунлик ва символизм таъсирига берилади. Фақат охириги даврдагина у «санъат халқ учун — санъат турмуш учун» шioriини тан олди.

Жаҳон кризиси бошланишидан иккинчи жаҳон урушигача Миср буржуазияси империалистик зулм ва реакция таъсири остида мамлакатнинг миллий мафлаатларига хиёнат қилиш ва миллий уйғониш ҳамда маданиятнинг душманига

айланди. Бу нарса реалистик адабиётнинг ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Прогрессив ёзувчилар таъқиб қилина бошланди, руҳий тушкунлик ва символизм Миср адабиётида ҳукмрон бўлиб қолди. «Санъат — санъат учун» принципи эълон қилинди.

* * *

Иккинчи жаҳон уруши йилларидаёқ ва айниқса уруш тамом бўлганидан кейин Араб Шарқи мамлакатларида халқ оммасининг миллий онги ўсади ва озодлик кураши кучаяди. Бу курашни ишчилар синфи ва интеллигенциянинг тараққийпарвар элементлари бошқаради. Англиянинг 1936 йилги асоратга соладиган шартномани қайта кўриб чиқиш ва Сувайиш канали зонасидан қўшинларни олиб чиқиб кетиш ҳақида Миср билан музокаралар олиб боришдан бош тортиши 1950 йилда бу шартноманинг Миср томонидан бир томонлама бекор қилинишига ва 1951—1952 йилларда ишчилар, фаллоҳлар ва интеллигенция вакиллариининг инглиз қўшинларига қарши қаҳрамонона партизанлик ҳаракатлари бошланишига сабаб бўлди. Мисрда республика тузуми эълон қилинди.

Мана шу ҳамма жўшқин воқиалар араб адабиётининг ривожланишига таъсир кўрсатмай қўймади. Араб мамлакатларида янги реалистик адабиёт вужудга келди ва мустақамланди. У империализмга қарши ҳаракат жараёнида ривожланиб, халқнинг империализмга қарши ғазабини акс эттирмоқда. Янги реалистик адабиёт тинчлик учун курашувчилар сафида туриб, араб халқларининг империалистик давлатлар томонидан расмийлаштираётган ҳарбий психозни тўхтатиш учун бўлган самимий истақларини ифодалаб ғоявий жиҳатдан камол топмоқда.

Урушдан кейинги икки йил давомида араб ёзувчилари халқ ҳаётида санъатнинг аҳамияти ва вазифалари тўғрисида мунозара олиб бордилар. Янги адабий оқимнинг отоқли раҳбарларидан бири Абдураҳмон аш-Шарқавий янги реалистик адабиётнинг вазифаларини қуйидагича белгилади:

«Биз кишига ишонган, унга келажак йўлларини кўрсатиб берадиган жиддий адабиётга муҳтожмиз. Биз тарихни ҳақиқий равишда тушунишдан, уни барпо қилувчи ҳамма кучларни батафсил билишдан келиб чиқадиган янги адабиётга муҳтожмиз.

Биз араб адабиётининг ўтмишига ҳалоллик билан қаровчи янги жиддий адабиётга муҳтожмиз.

Биз маданиятни ҳалокатдан сақлаб қоладиган, киши ҳаётига таҳлика солувчи хавф-хатарга қарши чиқувчи янги адабиётга муҳтожмиз.

Биз ҳаётни ва ҳақиқатни сохталаштирмайдиган янги адабиётга муҳтожмиз».

Демак, янги адабиёт инсонга хизмат қилибгина қолмасдан, балки унинг турмушини ва маданиятини авайлаб сақлаши ҳам керак.

Янги реалистик адабиёт араб мамлакатлари муҳим сиёсий воқиялар билан тўлган йилларда вужудга келди. Биринчи жаҳон урушидан сўнг Сурия ва Ливан халқларига иттифоқчилар томонидан ваъда қилинган мустақиллик ўрнига мажбуран қабул қилдирилган мандат режими мандат берувчиларга қарши бўлган қайта-қайта қўзғолонларга сабаб бўлди. Улуғ Октябрь революцияси ва рус классик адабиётининг самарали таъсири: Горький, Чехов, Тургенев ва бошқа ёзувчиларнинг асарларини мана шу вақтда араб тилига таржима қилинишининг кучайиши бу мамлакат халқларининг онгини ўсишига таъсир кўрсатди. Аммо қатъий цензура, ватанпарвар элементларнинг таъқиб қилиниши янги реалистик адабиётнинг ривожланишига тўсқинлик қилди. Шунга қарамасдан, уруш даврида, атрофига бутун антифашист интеллигенция тўпланган «Ат-Тарик» журнали чиқа бошлади. Журнал саҳифаларида совет адабиёти асарларининг таржималари босилади, бунинг таъсири остида миллий озодлик учун кураш кучайиб боради. 1943 йилда Ливанда ўз мамлакатининг мустақиллиги учун курашни бошқарувчи «Миллий конгресс» ташкил қилинади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин бу кураш кучайди, натижада Сурия ва Ливан 1947 йилда сиёсий-мустақилликка эга бўлдilar.

1954 йил сентябрида «Сурия ёзувчилари ассоциацияси» ташаббуси билан араб мамлакатлари ёзувчиларининг 1 съезди чақирилди. Съезд ишларида Сурия, Ливан, Миср, Ироқ ва Йордания ёзувчилари иштирок қилдилар. Араб мамлакатлари ёзувчилари прогрессив адабиётнинг мақсад ва вазифалари масаласида тўла яқдиллик изҳор этдилар, ўз адабий фаолиятларини тинчлик ва озодлик ишига бағишлашга тайёр эканликлари ҳақида гапирдилар. Съездда «Сурия ёзувчилари ассоциацияси»нинг аъзоси Шаҳиди ал-Ҳури тинчлик ва озодлик сўзларини шарҳлаб, бундай деди: «Озодлик — халқнинг ҳар қандай занжирлар ва кишанлардан халос бўлиши демакдир. Араб мамлакатларида бундай зан-

жирлар жуда кўп: империализм, феодализм, истибдод, реакция... Ёзувчининг вазифаси — уларнинг юзидаги ниқобни олиб ташлаш, уларни фош қилиш, китобхон уларнинг бутун қабиҳлигини сезиб олиши ва уларга қарши қаҳр-ғазаб билан қўзғалиши учун унинг кўз олдида уларнинг афти-башарасини очиб кўрсатишдир... У ерда, истиқболда эса умид порлайди ва орзулар ўзига тортади: инсон мағрур, бахтиёр ҳолда туради, унинг сёқлари остида эса мана шу кишан ва занжирлар топталади. Тинчлик сўзига келганда, бу сўз бўйин эгишни ҳам, орзу умидни ҳам англамайди. Бу империализмни қувиб чиқариш учун, унинг тил бириктиришларини бузиш учун, унинг яшаш — озодлик ва бахтсаодатга интизор халқнинг қонхўр жаллодидан мудофаа қилиш учун бўлган тўхтовсиз курашдир». Съездда ёзувчиларнинг тинчилиқни ҳимоя қилиш фаолиятини қўллаб-қувватлаган мусулмон ва христиан руҳонийларининг вакиллари ҳам иштирок қилдилар.

«Араб ёзувчиларининг ҳикоялари» тўпламига араб мамлакатлари адабиёти ҳозирги замон прогрессив арбобларининг асарлари киритилган.

Афсуски, бизда ушбу тўпламга киритилган асарларнинг авторлари тўғрисида тўла-тўқис биографик маълумотлар йўқ, шунинг учун у ёки бу автор ҳаёти ва ижодиёти ҳақидаги ахборотлар жуда ҳам қисқа берилган.

Маҳмуд Темурнинг жуда кўп сонли асарлари ичидан тўпламга «Салом-пошонинг холаси», «Саёҳатчи», «Нима учун мен Оксфорд университетиде ўқиёлмадим» ва «Ал-Хаж Шалаби» ҳикоялари киритилган. Буларда таланти Миср ёзувчиси амалдорлар ҳаётидан ёрқин, эса қоладиган кўринишлари очиқ-ёруғ киноя ва пичинглар билан тасвирлайди. Автор бу ҳикояларида мансабпараст амалдорларнинг типик хусусиятлари — бахиллик, қаттиққўллик, мансабпарастлик, шуҳратпарастлик ва пасткашлиқни, шунингдек хотин-қизларнинг оғир аҳволини тасвирлаган. Миср новеллачилигининг бош яратувчиларидан бири бўлган Маҳмуд Темур ўз кучини роман ва драматургияда ҳам синаб кўрган.

Миср ёзувчиларининг энг машҳурларидан бири — Абду раҳмон ал-Ҳамиси, 1920 йилда Порт-Саидда ишчи оиласида туғилди. У олий маълумотга эга бўлолмади, унга бир неча ҳунарларни алмаштиришга тўғри келди, у баққолнинг дўконида ҳам, автобус кондукторлиги вазифасида ҳам ишлади, ашулалар ижод қилди, кичкина сайёр оркестрда чолғучилик ҳам қилди, халқ мактабида ўқитувчи бўлиб ишла-

ди. Унинг ҳикояларининг қаҳрамонлари — ишчилар. Узининг бутун ижодиётини ал-Ҳамиси Мисрнинг миллий-озодлик курашига, янги урушга қарши курашга бағишлайди. Абдурахмон ал-Ҳамиси Миср тинчликни ҳимоя қилиш комитетининг аъзосидир.

Мутахассислиги врач бўлган Юсуф Идрис (1927 йилда туғилган) янги реалистик адабиётнинг вакилидир. Унинг «Энг арзон кечалар» ҳикоялар тўплами, очликдан ва ишсизликдан азобланган оддий халқ оммасига нисбатан ҳамдардлик билан суғорилган. Миср диалектидан фойдаланиш авторнинг зўр хизматларидан ҳисобланади. Бу нарса унинг асарларини меҳнаткаш оммага тушунарли бўлишига ёрдам берган.

«Араб ҳикоялари» тўпламида Ливан ва суриялик ёш авторларнинг асарлари анча жойни эгаллайди. Дакруб ишчи эди. У, шубҳасиз, адабий истеъдодга эга. Унинг «Беш куруш» ва «Тунги саёқлар» ҳикоялари автобиографик характерга эгадир. Васфий ал-Буний «Совет кишиси билан» китобининг авторни сифатида машҳур. У бу китобида ўзининг Совет Иттифоқига қилган сафарини ҳикоя қилади. Ёзувчи Диловарнинг миллати курд, лекин араб тилида ёзади. У «Ат-Тариқ» журналининг ишида актив қатнашди. Тўпламда «Хайра ва унинг эшаги», «Ўқитувчи» ҳикоялари билан киритилган Аввад (1911 йилда туғилган) «Нон» романининг авторни сифатида машҳур. Аввад ўзининг мана шу йирик асарида биринчи империалистик уруш даврида Сурия ва Ливанда турк реакциясининг қутуришларини кўрсатади. Маълумоти жиҳатидап юрист бўлган Аввад ўзининг бутун куч-қувватини адабиёт ва публицистикага беради. Ироқ адабиёти ҳали жуда ёш. Ироқ адабиётининг қайтадан тикланиши Миср ва Сурияга қараганда қарийб бир аср кейин бошланди. Шунга қарамасдан, тўпламга киритилган ироқ ёзувчилари, Аҳмад Ас-Санд ва Зуннун Айюбнинг асарлари Ироқ адабиёти реализм асосида ривожланаётганлигидан дарак беради.

* * *

Араб мамлакатларида реалистик адабиётнинг вужудга келишида рус классик ва совет адабиётининг таъсири тўғрисида бир неча сўз айтиб ўтиш лозим. Мутлақо равшанки, янги араб реалистик адабиёти ўзининг миллий мада-

қияти асосида вужудга келди ва ривож топди. Лекин шунга қарамасдан, араб ёзувчилари энг яхши традицияларини эгаллаб олаётган жаҳон классик ва ҳозирги замон адабиётининг таъсирига етарли баҳо бермаслик хато бўлур эди. Ҳозирги замон араб ёзувчиларининг кўпчилиги Чеховдан, Толстойдан, Горькийдан, Маяковскийдан ўргандилар. Миср танқидчиси Аҳмад ал-Бадиний бундай дейди: «Реалистик адабиёт ўзининг улуғлиги ва гуллаб-яшнаши жиҳатидан рус ёзувчиларига миннатдорчилик билдириши керак. Биз Горький жонбозлик кўрсатган адабиётга муҳтожмиз. У, адабиёт кишининг ишончига, кишининг яширин ўлмас кучларига тўлиб-тошган санъат бўлиши керак, эolim ва мазлум, қурбон ва жаллодни ўраб олган ҳақиқий дунёни акс эттириши лозим».

Биз араб ёзувчиларининг Горький айтиб ўтган мана шундай миллий адабиётни вужудга келтиришга интилаётганликларини кўриб турибмиз.

К. Оде-Васильева

МУНДАРИЖА

МИСР

МАҲМУД ТЕМУР

Салом пошонинг холаси. <i>Абдулаҳад Абдуллаев</i> таржимаси	5
Сайёҳ. <i>Рустам Комилов</i> таржимаси	15
Нима учун мен Оксфорд университетинда ўқиёлмадим. <i>Ҳусан Рўзиметов</i> таржимаси	22
Ал Ҳаж Шалабий. <i>Эркин Исмоилов</i> таржимаси	32

АБДУРАҲМОН АЛ-ҲАМИСИ

Ҳақиқат узуги. <i>М. Бобоев</i> таржимаси	39
Набавия. <i>Салим Раҳим</i> таржимаси	50
Чўлоққина. <i>Раҳматулла Обидхўжаев</i> таржимаси	63
Муборак қон. <i>Султон Муҳаммаджонов</i> таржимаси	69
Нима гуноҳнинг бор эди, Ҳанафий? <i>Малик Раҳмон</i> таржимаси	81

ЮСУФ ИДРИС

Заҳматкаш бечора. <i>Абдулаҳад Абдуллаев</i> таржимаси	92
--	----

МУҲАММАД СИДҚИЙ

Амина. <i>Абдулаҳад Абдуллаев</i> таржимаси	97
---	----

АБДУРАҲМОН АШ-ШАРҚАВИЙ

Каптар ови. <i>Абдулаҳад Абдуллаев</i> таржимаси	102
--	-----

СУРИЯ ВА ЛИВАН

ВАСФИЙ АЛ-БУНИЙ

Гута марказида. <i>Абдулаҳад Абдуллаев</i> таржимаси	109
Икки кун. <i>Абдулаҳад Абдуллаев</i> таржимаси	121

МУҲАММАД ИБРОҲИМ ДАҚРУБ

- Беш куруш. *Абдулаҳад Абдуллаев* таржимаси 125
Тун саёқлари. *Абдулаҳад Абдуллаев* таржимаси . . . 130
Мушоҳадачи. *Абдулаҳад Абдуллаев* таржимаси . . . 135

ЭМИЛ ЮСУФ АВВАД

- Хайра ва унинг эшағи. *Шерали Турдиев* таржимаси . 142
Ўқитувчи. *Абдулаҳад Абдуллаев* таржимаси 145

АБДУЛ МАСИҲ АЛ-ҲАДДОД

- Марҳумнинг уйида. *Абдулаҳад Абдуллаев* таржимаси 149

МАВОХИБ АЛ-ҚИЯЛИЙ

- Қасос. *Абдулаҳад Абдуллаев* таржимаси 154

ДИЛОВАР

- Исён фарзанди. *Шерали Турдиев* таржимаси 165

ИРОҚ

АҲМАД АС-САЙИД

- Бадлай Ал Файз. *Абдулаҳад Абдуллаев* таржимаси . . 171

ЗУННУН АЙЮБ

- Хроник касаллик. *Абдулаҳад Абдуллаев* таржимаси . 178
Подшоҳи аъзам ва фақир шоир ўртасидаги мунозара
Абдулаҳад Абдуллаев таржимаси 183
Охирги сўз. *Абдулаҳад Абдуллаев* таржимаси 190

На узбекском языке

АРАБСКИЕ РАССКАЗЫ

Гослитиздат УзССР — 1957 — Ташкент

Редактор Т. Жалолов
Рассом Р. В. Левуцкий
Тех. редактор Н. Дервас
Корректор М. Мирзодилов

*

Тирингта берилди 29/XII 1956 й. Босишта рўх-
сат этилади 2/IV 1957 й. Формати 84×108 1/2⁹
6,25 босма л. 10,25 шартли босма л. Нашр. №
11.5. Тиражи 60000. Индекс: и/а. УзССР
Давлат Бадний Адабиёт кашриёти, Ташкент.
Навоий кўчаси 30. Шартнома № 217—56.

*

УзССР Маданият министрлиги Узгавизлатпи-
нинг 1-босмаховаси, Тошкент, Ҳамза кўчаси, 33.
Заказ № 1004. Баҳоси 7 с. 25 т.

